

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТИЛНИНГ ИЖТИМОЙЙ МОҲИЯТИ
(бадий ва публицистик матнларда
тил бирликларининг ижтимоий
хосланиши)” ихтисослик фанидан
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



С а м а р қ а н д – 2012

УДК:4

Й -69

ББК:81

Тилнинг ижтимоий моҳияти (бадий ва публицистик матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши). Услубий қўлланма. Тузувчи: **Б.Йўлдошев.** – Самарқанд: СамДУ нашри, 2012. – 164 б.

“Тилнинг ижтимоий моҳияти (бадий ва публицистик матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши)” ихтисослик фани 5А 220100 – филология (ўзбек филологияси) йўналишининг 3-курс талабаларига ўтилади. Мазкур услубий қўлланма Шарқ мутафаккирларининг сўзнинг ижтимоий хосланиши ҳақидаги қарашлари, адабий тилнинг функционал стиллари ва уларни ўрганиш муаммолари, тилнинг функционал стилларини таснифлашда ижтимоий хосланиш тамойилларининг ўрни, публицистика ва унинг жанрлари ҳақида, бадий ва публицистик матнларда сўзнинг ижтимоий хосланиши ҳамда эстетик таъсир кучи, сўзнинг яхлит, лингвопоэтик таҳлили масалалари, сўзнинг динамик хусусияти, бадий ва публицистик матн вариантларини ўрганиш масалалари, шеърий, насрий ва публицистик матнларнинг қиёсий лингвопоэтик таҳлили масалалари, ўхшатишларнинг лингвопоэтик хусусиятлари, публицистик матнда сўзнинг ижтимоий хосланишини аниқлаш усуллари, публицистик эссе жанрида сўзнинг ижтимоий хосланиш усуллари, “Мен сени топгандим...” шеърининг лингвопоэтик таҳлили, бадий ва публицистик матннинг лингвопоэтик таҳлили масалалари (“Сабо ва Самандар” романи асосида) каби маъруза мавзуларини ҳамда амалий машғулотларнинг материалларини ўз ичига олади. Иш охирида ана шу ихтисослик фанидан, тест топшириқлари, мустақил иш мавзулари, илмий-назарий ва бадий адабиётлар рўйхати келтирилган.

Мазкур услубий қўлланма бадий ва публицистик матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиш тамойиллари билан қизиқувчи талабалар, магистрантлар, аспирант ва тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

ф.ф.д.А.Абдусaidов

Такризчилар:

**ф.ф.д.С.Боймирзаева,
доц.А.Туробов.**

© Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, 2012.

СЎЗ БОШИ

Маълумки, тилнинг тириклиги халқнинг мавжудлигидир. Тилсиз халқ йўқ. Тили ўлган халқнинг ўзи ҳам йўқолган ҳисобланади. Шунга кўра тил ва халқ жон ила тан. Булар қарор топган, ҳимоя қилинган тупроқ Ватандир. Ўзбекистон ўзбек халқи ва тили учун ана шундай тупроқ – Ватан саналади.

Ўзбек тили Ўзбекистонда муомалада бўлмаса, ҳимоя қилинмаса ва равақ топмаса, ҳўш, у қаерда ишлатилади, кимлар уни ҳимоя қилади ва ўзбек тили қандай ривожланади? Ҳозирги пайтда миллий маданиятни ва тилни ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантиришга оид бундай саволарга жавоб топиш бошқа ўлкаларда, мамлакатларда ҳам жиддий, глобал масалалардан бири бўлиб қолди¹.

Агар XX асргача давлатлар ўртасидаги масалаларни ҳал этишнинг асосий йўлларида бири ҳарбий тўқнашув бўлиб, муаммо жанг майдонида ҳал этилган бўлса, эндиги пайтда мулоҳаза, музокара олиб бориш ва шу йўл билан ҳар қандай мураккаб ва зиддиятли масалаларни ҳал этиш халқаро ҳаётнинг, давлатлараро, миллатлараро муносабатларнинг бирламчи воситаси, йўли, усули бўлиб қолди, Бу эса жамиятнинг тилга бўлган талабини, эҳтиёжини оширди, тил бирликларининг хилма-хил стилларга хос матнлардаги ижтимоий хосланиш тамойилларини кенгайтди.

Ана шундай долзарб, глобал социолингвистик муаммоларни талабалар онгига чуқурроқ сингдириш мақсадида ўзбек филологияси факультетлари ўқув режасига “Тилнинг ижтимоий моҳияти (бадий ва публицистик матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши)” деб номланган ихтисослик фани киритилди. Бу ихтисослик фанининг асосий мақсади ҳозирги глобаллашув шароитида адабий тил қўлланиш доирасининг кенгайиши, тил бирликларининг бадий, публицистик матнларда ижтимоий хосланиш тамойилларининг чуқурлашуви каби масалалар ҳақида бакалавр талабаларга етарли тушунча бериш, уларнинг турли функционал стилларга хос матнларни ижтимоий хосланиш нуқтаи назаридан мустақил таҳлил қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборатдир.

¹ Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 8-11.

Мазкур ихтисослик фани Шарқ мутафаккирларининг сўзнинг ижтимоий хосланиши ҳақидаги қарашлари, адабий тилнинг функционал стиллари ва уларни ўрганиш муаммолари, тилнинг функционал стилларини таснифлашда ижтимоий хосланиш тамойилларининг ўрни, публицистика ва унинг жанрлари ҳақида, бадиий ва публицистик матнларда сўзнинг ижтимоий хосланиши ҳамда эстетик таъсир кучи, сўзнинг яхлит, лингвопоэтик таҳлили масалалари, сўзнинг динамик хусусияти, бадиий ва публицистик матн вариантларини ўрганиш масалалари, шеърий, насрий ва публицистик матнларнинг қиёсий лингвопоэтик таҳлили, ўхшатишларнинг лингвопоэтик хусусиятлари, публицистик матнда сўзнинг ижтимоий хосланишини аниқлаш усуллари, публицистик эссе жанрида сўзнинг ижтимоий хосланиш усуллари, шоира Ҳалима Худойбердиева қаламига мансуб “Мен сени топгандим...” шеърининг лингвопоэтик таҳлили, ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романи материаллари асосида бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили масалалари каби мавзуларни ўз ичига олади. Шу билан бирга бу ишда талабаларнинг матн таҳлили юзасидан мустақил иш олиб боришларини ташкил этиш мақсадида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” (ЎзАС), “Маърифат”, “Зарафшон” сингари газеталарда эълон қилинган айрим публицистик материаллар келтирилиб, уларни ижтимоий хосланиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш усуллари ҳам маълум даражада ёритилди. Иш охирида ана шу ихтисослик фанини чуқурроқ ўзлаштириш учун зарур бўлган тест топшириқлари, мустақил иш мавзулари, илмий-назарий ва бадиий адабиётлар рўйхати келтирилган.

Мазкур ихтисослик фанига оид услубий қўлланмани тузишда И.Қўчқортоев, Н.Маҳмудов, Б.Ўринбоев, М.Миртожиев, С.Мелиев, Қ.Хусанбоева, М.Худойкулов, Ў.Исломов каби олимларнинг матбуот саҳифаларида эълон қилинган илмий ҳамда илмий-услубий мақолаларидан фойдаланилди. Бу иш “Тилнинг ижтимоий моҳияти” деб номланган ихтисослик фанидан услубий қўлланма тузишдаги дастлабки тажриба бўлгани учун унда айрим нуқсонлар, камчиликлар бўлиши табиий. Шунга биноан услубий қўлланмани янада такомиллаштириш ва яхшилашга қаратилган ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни тузувчи мамнуният билан қабул қилади.

ИХТИСОСЛИК ФАНИДАН МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-маъруза

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ СЎЗНИНГ ИЖТИМОЙ ХОСЛАНИШИ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: сўз, оғзаки ва ёзма ахборот, сўз матн таркибида ўчмас маишъал сифатида, нутқ ва нотиқлик санъати, сўз нури тошни шуълага чулговчи бир шам, войизлик санъати ва сўз қудрати, Кайковус нутқ одоби ҳақида, “Қобуснома”, Абдураззоқ Самарқандий сўз ва унинг қудрати ҳақида, Алишер Навоий талқинида сўз.

1. **Кайковус ва “Қобуснома” асарида нутқ одоби муаммолари.** Ҳозирги вақтда нутқ одоби деб юритилаётган нуқтаи назарлар жуда қадимда яшаб ўтган аجدодларимизнинг тафаккури меваси саналади. Ўтмиш ёзма обидаларининг баъзиларида нутқ ва нотиқликнинг талаблари анча кенг акс эттирилганлигини кўрамиз. Бу жиҳатдан Кайковуснинг «Қобуснома» асарида айтилган мулоҳазалар катта аҳамиятга эгадир.

Кайковус ҳаётда тўғри сўзликни олқишлаб, ёлғон сўзни қоралайди. Кишиларни ўринли ва оз сўзлашга, ўйлаб, мулоҳаза билан фикр юритишга даъват этади. Мулойим сўз ва муомаланинг хосияти, аксинча, беҳуда, ёлғон, уят сўзлик, мактанчоқлик, нутқий манманликнинг зарари ҳақида ҳозирги давр учун ҳам муҳим бўлган насиҳатлар беради. Аммо Кайковуснинг нутқ, нотиқлик, нутқ одоби ва нутқий маданият ҳақидаги фикрларида ўзига хослик ва янгилик шундан иборатки, у бу масалани ҳар томонлама очишга, айниқса, нутқий фаолиятни нутқий шароитга, нутқий услуб талабларига мослаган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилган эди.

Кайковус, аввало, сўзнинг, сўз санъатининг аҳамияти ва мавқеини юқори кўяди. У «*билгилким, ҳамма ҳунарлардан сўз ҳунари яхши...*»², деб ёзади. Кайковус сўз ҳунарининг қуроли

² Унсуролмаолий Кайковус. Қобуснома (форсчадан Огаҳий таржимаси). Нашрга тайёрловчи: С.Долимов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 39. “Қобуснома”дан олинган кейинги мисоллар ҳам асарнинг шу нашридан келтирилади, қавс ичида асар саҳифаси кўрсатилади.

бўлмиш тил ва сўзларнинг қадрини ҳам юқори баҳолайди: «Сўзни жуда ҳам қимматли деб билгил, чунки (сўз) хор нарса эмасдир» (39-бет). Муаллиф тилни эгаллаш, ундан яхши фойдалана олиш ҳар бир кишига тааллуқли деб билади: «Киши сухандон ва нотиқ бўлиши лозим» (37-бет).

Кайковус кишиларни нотиқликка ундар экан, бу санъатни эгаллашнинг, ундан тўғри фойдаланишнинг йўллари кўрсатишга ҳам ҳаракат қилади. Асар муаллифи инсон нутқи ва унда ифодаланадиган мазмунни тўртга бўлиб, уларнинг хусусиятларини қуйидагича кўрсатиб беради: «Эй фарзанд, халойиқ уч турли бўлади: халойиқнинг бири шуки, билади, билганини ҳам билади, бундай киши олимдир, унга тобе бўлиш лозим, бири шуки, билади, билганини билмайди; у уйқудадур, уни бедор қилмоқ керак, бири шундайки, билмайди, билганини ҳам билмайди. У жоҳилдир, ундан қочиш керак. Сўз тўрт навъ бўлади: биринчиси билишга, айтишга ҳожати йўқ сўзлар; иккинчиси билишга ва айтишга зарур бўлган сўзлар, учинчиси билишга зарурияти йўқ, аммо айтса бўладиган сўзлар; тўртинчиси билса бўладиган, аммо айтишга ҳожати йўқ сўзлар...

Бу тўрт сўзни баён қилдим. Буларнинг яхшиси ҳам билиш, ҳам айтиш зарур бўлган сўздир» (98-бет).

Кайковус «Қобуснома»да мана шу «ҳам билиш, ҳам айтиш зарур бўлган сўз» (нутқ) олдида қўйилувчи талабларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган эди. Бу талабларни қисқача қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Сўз (нутқ) маъноли бўлмоғи керак. Бу нотиқликнинг биринчи шартидир: «Эй фарзанд, сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмасанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар. Тўти ҳам сўзлайди, аммо сўзнинг маъносини билмайди» (98-бет).

2. Сўз (нутқ) содда, халққа тушунарли бўлмоғи керак. Бу нотиқлик маҳорати аломатидир: «Шундай кишини нотиқ (сухангўй) деймизки, унинг ҳар сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга маълум бўлсин. Бундай кишилар оқил (ақлли)лар қаторига киради, бўлмаса инсон шаклидаги ҳайвондир» (39-бет).

3. Сўз (нутқ) изҳор қилганда тингловчиларни ҳисобга олиш, уларга мос равишда гапириш лозим. Бусиз нутқни тингловчилар қабул қилмайди, у тушунарсиз, кераксиз бўлиб қолади: *«Амалдорлар билан амалдорлардек, оддий одамлар билан оддий одамлардек сўзлашгил, (бундай вақтда ҳам) донишмандлик чегарасидан чиқма, сенинг сўзинг эшитган кишига оғир туюлмасин, (агар шундай бўлмаса) сенинг сўзингни ҳужжат ва далил билан ҳам эшитмайдилар, (бундай вақтда) уларнинг розилигига қараб сўзлагил, (шу билан сен ўша шароитдан) саломат қоласан»* (40-бет). Яна: *«Ҳар кишига гапирмоқчи бўлсанг, қарагилким, у сенинг сўзингга харидорми ёки йўқми. Агар тингловчи сенинг сўзингга харидор бўлса, сўзингни айтгил (агар шу сўзингни харидор хоҳламаса), у сўзни қўйиб, эшитгувчига ёқадиган сўзни гапир, токи сенинг сўзингга харидор бўлсин»* (40-бет).

4. Сўз (нутқ)да мазмунни тўғри ифода қилишга интилиш керак. Нутқ шароитга мос равишда бир хил изҳор қилинмоғи лозим: *«Агар сўзни ва илми яхши билсанг ҳам ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифла. Сўзни бир хил гапир»* (40-бет).

5. Нутқда тил бойлигидан ўринли, мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишга интилиш керак. Бунда нутқ учун ушбу ҳолатда керакли бўлган сўз ва ибораларни танлай олиш муҳимдир: *«... ҳар кишининг аҳволи ўз сўзи бетида яширинган бўлади. Яъни бир сўзни бир иборат билан айтса бўлади, эшитган кишининг эса кўнгли паршон бўлади, шу сўзни бошқа бир иборат билан айтса, эшитган кишининг кўнгли баҳра олади»* (38-бет).

6. Сўз (нутқ) мазмундор бўлиш билан бирга таъсирчан ҳам бўлмоғи керак. Бунинг учун луғат таркибидаги мавжуд сўз бойликлари, сўзларнинг маъно имкониятларидан фойдалана билиш керак: *«Илми яхши ўргангил. Билган илмингни яхши иборалар билан баён қилгил. Бемаъни даъво билан ҳижолат бўлмагил. Ўзингга маълум бўлган ва яхши билган сўзларингни кўпроқ айтгил. Бемаъни сўзлар билан шарманда бўлмагил»* (85-бет). Яна: *«Агар сўзинг юксак (ва таъсирчан) бўлишини истасанг, киноя, истеҳзоли гапни (кўп) сўзлама, мумкин қадар истиораларни ишлатгил. Мадҳда истиорани ишлатгил»* (98-бет).

7. Сўз (нутқ)инг изчил, мантиқли бўлсин: *«Агар мунозара қилишни истасанг, душманга қара, агар у билан тортишмоққа қувватинг етса ва сўз чўзилсин десанг, далиллар ва мисоллар билан*

мунозара қилгил. Бўлмаса сўзни тўхтатиб, бир мисолга қаноат қилгил, бир исбот билан тур, рад қилма, эҳтиёт бўлгилки, аввалги сўзингни кейинги сўзинг бузиб юбормасин» (85-бет).

8. Сўз (нутқ)да маълум меъёр, ўлчов бўлмоғи, гап талаб даражасида гапирилмоғи керак: «Охирги мақсадни аниқ баён қилишга, нафис сўзлашга ҳаракат қил. Жуда ҳам узун ва жуда ҳам қисқа сўзламагил ва бемаъни сўз демагил» (85-бет).

9. Сўз (нутқ) нафис, кўркем, гўзал бўлмоғи керак. У таъсирчан бўлиб, кишиларда ҳавас, рағбат уйғотиши лозим: «Охирги мақсадни аниқ баён қилишга, нафис сўзлашга ҳаракат қил» (85-бет). Яна: «Бу тўрт сўзни баён қилдим. Бу тўрт хил сўзнинг икки томони бордир: бири гўзал томони, иккинчиси хунук томонидир. Халқ олдида гапирадиган сўзинг гўзал бўлсин, бу сўзни халқ қабул қилсин» (85-бет). Яна: «...гўзал тил билан сўзлагил, кийимингни пок тутгил» (85-бет).

10. Сўз (нутқ) жўшқин, таъсирчан бўлиши, кишиларни ҳаяжонга солиши, уларни бирор бир мақсадга сафарбар қилиши керак: «Таъсирли сўз айтгил, наъра урсинлар ва мажлисни қиздиргил. Халқ йиғласа, сен ҳам гоҳо йиғлагил» (85-бет).

11. Нотиқ баднутқ, бадхулқ бўлишдан қочиши, нутқида хунук, уят, дағал сўзларни қўлламаслиги, мазах ва ҳазилдан ўз ўрнида фойдаланиши лозим: «Эй фарзанд, кўп кишилар дебдурларки, мазах - ёмонликнинг муқаддимасидир. Мазах, яъни хонаки сўз билан кишига дахл қилишдан ҳазар қил. Ҳазилни мастлик вақтингда қилма, чунки ёмонлик ҳазилдан келиб чиқади. Ярамас, ифлос сўз айтишдан шарм қил, (шундай сўзларни) хусусан, шахмат ва нард ўйнаётган вақтингда айтмагилким, икки кишининг ўртасида низо пайдо бўлади» (53-бет).

Яна: «Ҳазил айб бўлмаса ҳам, ҳазилдан эҳтиёт бўл... ҳазил қилиш мумкин, аммо ярамас сўз айтиш ёмон. Эй фарзанд, ўзингдан настроқ киши билан ҳазиллашгил, бўлмаса ҳазиллашма, чунки сенинг иззатинг кетмасин. Тенгдошларинг билан ҳазил қил, чунки жавоб берсалар айб бўлмайди. Уят сўзларни айтма, ҳаддан ташқари ҳазил қилма, чунки одамни хор ва беқадр қилади. Халққа нима десанг, шуни эшитасан, халққа нима қилсанг, шуни кўрасан. Аммо ҳеч ким билан уришма, чунки уришмоқ оқил ва қудратли кишиларнинг иши эмас, ёш болаларнинг ишидир.

Иттифоқо бирор киши билан уришсанг, оғзингга келган бузуқ сўз ва ҳақоратлар билан сўкма, шундай уришгилки, ярашмоққа жой қолсин ва бирданига бешарм, беҳаёлик қилма, чунки бундай иш безориларнинг одатидир» (54-бет).

12. Сўз (нутқ) мавзуга, услубга ва нутқий жанрга боғлиқ бўлади. Ҳар бир услубга хос сўзлаш ва ёзишга ўрганиш лозим: *«...газал ва марсияни бир хил услубда, ҳажв ва мадҳни ҳам бир хил услубда ёзмагил. Агар ҳажв ёзишни билмасанг, мадҳни тескарисини ёзгилки, бу ҳажв бўлади, марсия ва газални ҳам шундай қил» (99-бет).*

Кайковус нутқий услуб талаблари ва жанр ҳақида гапирар экан, мунозара қилиш санъати, шеър, ғазал, ҳажвиёт тили ва услуби, марсия ва мадҳия тили, шунингдек наср ва назмнинг нутқий талаблари ҳақида фикр юритади. Бу масалалар юзасидан Кайковус билдирган мулоҳазалар ҳозирги давр нутқий услубшунослик соҳасининг илмий қарашларига яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Муаллифнинг бу масаладаги баъзи фикрларини келтирайлик: *«Мадҳда истиорани ишлатгил. Агар газал ёзмоқчи бўлсанг, осон, равон ва латиф сўзлар билан ёзгил ва машҳур қофиялар билан зийнатлагил, совуқ ва ёқимсиз қофияларни ишлатмагил, ошиқона ўз аҳволингни ва гўзал (ёқимли) сўзларни қўлдан бермагил ва яхши масалларни ҳам қўлдан бермагил, шундай ёзсанг, юқори табақа ҳамда оддий халққа маълум бўлади ва сенинг шеъринг шухрат топади» (98-бет).*

Яна: *«Мадҳия, газал ё ҳажв ёки марсия ёзмоқчи бўлсанг, сўзни мукаммал ишлатгил. Насрда ишлатилган сўзни назмда ишлатма, негаки наср - раият, назм подшо мартабасидандир. Агар бир нарса раиятга боғлиқ бўлмаса, подшога ҳам лойиқ эмас. Ғазални гўзал ва равшан ёзгил, мадҳ ёзишда бақувват ва баланд ҳиммат бўл. Ҳар бир одамга лойиқ сўзни айтгил ва ҳар бир кишининг қадрига қараб шеърни билиб ёзгил» (98-бет).*

13. Оғзаки ва ёзма нутқ маданияти, саводхонлик бу - нутқий малакадир. Унга меҳнат, машқ туфайли эришилади. Кайковус нутқини яхшилаш, такомиллаштириш ишидан қочмасликка чақиради. Кайковуснинг бу масалага оид фикрлари унинг котибнинг тили ҳақида билдирган қуйидаги мулоҳазаларида аниқ ифодаланган. Чунончи, *«Эй фарзанд, агар дабир ва котиб бўлсанг,*

нутқингни яхши эгаллагил, хатни чиройли ёзгил ва кўп ёзишни одат қил, токи моҳир бўлгайсан» (106-бет).

Кайковуснинг нутқ маданиятига оид мулоҳазалари орасида нутқ эгасига оид фикрлари ҳам талайгина. Унинг таъкидлашича, киши қандай гап қилса, ўзгалардан ўшанга мос жавоб олади (28-бет), шу сабабли беҳудага сўзлаш (30, 40-бетлар), сўрамаса, талаб қилмаса ҳам гапиравериш, ўринсиз, беҳуда насихатлар қилиш (30-бет), киши ўзи яхши билмаган, хабардор бўлмаган нарсалар ҳақида гапириш (85-бет) нафақат тингловчиларга, балки нотиқнинг ўзи учун ҳам зарарли эканлигини таъкидлайди. Шу сабабли Кайковус сўзлашдан олдин тингловчиларнинг кайфияти, истак ва хоҳишларини билишни, ўшанга қараб гапиришни тавсия этади (85-бет). Ҳар бир гапни ўз пайтида, меъёрида гапириш, нотиқлик масаласида умумтомондан мақбул деб топилган қоидаларга риоя қилиш лозимлигини айтиб: *«Халойиқнинг олдидан бир кишининг қулогига сўз айтмоқ, яхши эмас. Гарчи бундай сўз яхши бўлса ҳам, ташқаридан ёмон кўринади. Бу сўздан одамлар гумон қиладилар. Чунки кўпчилик одамлар бир-бирлари ҳақида бадгумондирлар» (40-бет),* - дейди. Худди шунингдек у кишиларни ёқимли, фойдали сўз айтишга даъват қилади. Пичинг, ғийбат, бўҳтон, нутқий такаббурлик, шошқалоқлик сингари хусусиятларни қоралайди. Бу каби салбий нутқ кўринишларини «совуқ сўз» деб атайди: *«Совуқ сўз сўзлама. Совуқ сўз бир уруғ, ундан душманлик ҳосил бўлади» (40-бет).*

Кайковуснинг ёзишича, нотиқлик фақатгина нутқ, нутқий маҳорат эмас, балки нотиқнинг характери, хулқи, руҳияти, иродаси билан ҳам бевосита боғлиқ ҳодисадир. Мана шу маънода Кайковус нотиқнинг минбарда ўзини тутиб тура олиш, ҳаракатларининг нутқий жараён, нутқ мавзусига мос бўлишини нотиқликнинг узлуксиз томонларидан бири деб баҳолайди ва бу масалада нотиқларга бир қатор муҳим маслаҳатлар беради: *«Минбарда туриш одобини сақлагил, такаббурликдан, ёлгон сўзлашдан ва порадан узоқ бўл» (85-бет).* Яна: *«Минбар устида суст, хўмрайиб, совуқ сўз бўлиб ўтирмагал. Ҳамиша ҳаракат қилиб тургил. Сўз айтаётган вақтингда мажлис аҳлига қарагил, агар нутқни тингласалар, сўзлагил, агар афсона эшитишни тиласалар афсона айтгил. Чунки халқ сенга харидор*

бўлиб, ҳамма сени қабул этгандан сўнг, ҳеч нарсадан қўрқмагил» (16-бет).

Кайковус нотиқлик маҳорати ва нутқий маданиятни тажриба орқали, машқ ва меҳнат эвазига эришилувчи малака, лаёқат деб ҳисоблайди. Шу сабабли, кишиларни ўзгалар нутқини тинглашга, донишмандлар ўгитига қулоқ солишга даъват қилади. У *«Эй фарзанд, сўз эшитишдан қочма. Киши сўз эшитиши билан нотиқ бўлади. Буни шу билан исботлаш мумкин: Онадан туғилган чақалоқ бир болага ер остидан бир жой қилиб сут бериб ўша жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у бола бирор одамнинг сўзини эшитмаса, катта бўлганда у соқов бўлади, вақт ўтиши билан сўз эшитса, ўрганса, сўзга нотиқ бўлади»*, деб ёзади (85-бет).

Бошқа мисол - киши онадан кар туғилса, соқов бўлади. Кўрмайсанми, ҳамма соқовлар кар бўладилар ва хусусан, донишмандларнинг сўзига қулоқ сол. Донишмандлар деганлар: «Донишмандларнинг панд-насиҳатлари кўнгил кўзини равшан қилади, чунки бу панд ва насиҳатлар донишмандлик кўзининг сурмаси ва тўтиёсидир, демак, бу тоифанинг сўзини иккала қулоқ билан эшитиш керакдирки, бу жамоанинг сўзида манфаат кўндир, деб ёзади» (41-бет).

Шунинг учун ҳам, тил ва нутқ ғоят улуғ неъмат, у инсонни асрлар оша шакллантирган, ўзаро бирлаштирган, замонлар таъсирида уни ривожлантирган, тараққий эттирган, маънавий юксаклик сари илдам бошлаган ўзаро алоқа-аралашув қуроли саналади.

2. Абдураззоқ Самарқандийнинг сўз қудрати ҳақидаги қарашлари. Сўзнинг улуғворлиги, жамиятда тутган ўрни, ижтимоий хосланиш тамойиллари ҳақида Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари муҳим фикр-мулоҳазаларни баён этганлар. Масалан, кўп йиллар давомида Шохруҳ саройида мулозимлик, кейинчалик имомлик ва қозилик мансабларида ишлаган, забардаст тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандий “Матлаъи саъдаи ва мажмаи баҳрайн” асарида сўз орқали амалга ошириладиган оғзаки ва ёзма ахборот, бунда сўзнинг ижтимоий хосланишига жуда юқори баҳо берган эди. Унинг фикрича, дунёда одил сўздан устун турадиган ҳеч нарса йўқ. “Жонпарвар сўз худди инсон руҳидек абадий боқийлик топади. Сўз нури ичу тошни шуълага чулғовчи

бир шамдир ва у шуъла шундайдики, ёруғлиги абадий порлоқ ва ҳеч маҳал сўнмовчидир”. Инсон, аввало, сўз орқали бошқалар билан мулоқотда бўлади, жамият эҳтиёжи ва ўз ҳошиш-истагига кўра ундан мулоқот жараёнида фойдаланади. Сўз ўчмас машъал сифатида ёруғлик таратади ва бу бошқалар томонидан қабул қилинар экан сўзнинг умри узая боради. Доно одамнинг айтган сўзи унинг номини тарихга муҳрлайди. Оғзаки мулоқот орқали одамлар ўзаро тез ва изчил мантиқий алоқага киришадилар, бунда айтилган тўғри сўз кишиларда ҳамжиҳатлик туйғуларини шакллантиради.

Давлатни бошқаришда, жамиятни жамият сифатида шакллантиришда сўзнинг, сўз орқали оммавий мулоқот жараёнининг аҳамияти жуда муҳим аҳамият касб этади.

Нутқ сўзловчи кишиларга, яъни воизларга ўрта асрларда катта ишонч билдирилган. Воизлар ҳар бир сўзни ўз жойига қўйиб гапириш ва ёзишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий шундай деб ёзган эди: “Сўз майдонининг собиқ чавандозлари ва бу кўҳна чарх сирларини саралаб ажратувчилар, албатта, бу якка шуҳратли тоифа ҳақидаги хабарлар ва уларнинг ёдгорликларини ўрганиб, тартиб ипига боғлаганлар”.

Олимлар ўрта асрларда ҳам ҳар хил тилларда ва турли замонларда ёзма маълумотлар орқали назм ёки наср услубида асарлар ёзиб, китоблар (девонлар, баёзлар, маноқиблар, тазкиралар каби) тузганлар. Ўрта асрларда ёзма ахборот турларига фармонлар, фатҳномалар, салтанатга дахлдор ҳужжатлар, ҳеш-ақраболарнинг аҳволоти, бошқа валийлар ва азизлар ҳолатининг баёнини ўзида ифодаловчи мактублар кирган. Бу турдаги ёзма ахборот воситалари бир вақтнинг ўзида ақл билан чуқур фикрни талаб этади, улар қисқа вақт ичида бошқа бир тафаккур эгалари томонидан қабул қилинади, ўз кучини йўқотмасдан асрлар оша оммавий ахборот шакллари сифатида яшаб келмоқда. Бу жараёни Абдураззоқ Самарқандий образли тарзда қуйидагича ифодалайди:

“Тил қаламга хитобан: “У ширин чашмадан, яъни сиёҳдон ичидан Хизр янглиғ ҳаёт сувини чиқараётган вақтида достону ҳикоятлар асосини зийрак кишилар назарига солади, бир либосда жишлолантиради, сўз тузувчи табъ булбули иншо ҳавосида парвоз қилади... шу асосда дил сирини очишга кўмаклашади”.

Бу таъриф-тавсифдан кўринадики, ёзувчи, шоир ёки олимнинг ёзган ишлари ҳаёт сувиға тенглашади. Ўрта асрлардаги сўзга, унинг ижтимоий хосланишига берилган бундай юксак баҳолар ўша даврларда Ўрта Осиёда етук ва мукаммал оғзаки ҳамда ёзма матн (коммуникация) намуналари шаклланганлигидан далолат беради.

Даврлар ўтиши билан оммавий ахборот жараёни ҳам ўзгариб, ривожланиб боради. Бундай ҳолларда етук фикрларнинг яроксиз бўлиб қолмаслигини истаган ва уни асл ҳолича етказмоқ мақсадида *“гавҳарсифат безак берувчи қалам билан”* муносабатда бўлиш зарур. Бундан мақсад шуки, *“ахборотлар чехраси ва ёдгорликлар руҳсорида маънавий ҳарфлар ва бинолар изларидан бирор асар яратилар экан, ёзилаётган китобларнинг ҳам ёрқин нурлари барча урфларга худди офтоб шуъласидан ёруғлик бағишлаб туради ва унинг жаҳонга нур сочувчи олам атрофида кундуз ёруғлигидек жилоланади”*.

Бундан кўринадики, ўрта асрларда ҳам самимий сўз оғзаки ва ёзма ахборот шакли сифатида инсон қалбига офтоб нурлари янглиғ кириб боришига ҳаракат қилинган. Замонлар ўзгариши билан ахборот шакллари ҳам ривожланиб, кўркамлашиб бораверади, натижада оммавий ахборотнинг шакл ва услублари ҳам янада кенгаяди. Бу эса сўзнинг ижтимоий хосланишнинг даврлар оша ўзгариб боришидан далолат беради.

3. Алишер Навоий сўзнинг қудрати ва тилнинг ўткир қурол эканлиги ҳақида. Буюк мутафаккир ва шоир, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг она тилимизга муносабатлари, бу тилнинг ниҳоятда бой, гўзал, такрорланмас тил сифатидаги имкониятларини ўзининг шоҳ асарлари билан исботлаб бергани, она тилимизнинг софлиги, обрў-эътибори, таъсирчанлиги, юқори нутқ маданияти учун курашганликлари, милла-тимизнинг фахри сифатида, ҳар қанча таҳсинга, эъзозга лойиқдир. Тил ва нутқ маданияти жамият ҳаётининг ажралмас қисми, чунки она тили муҳим тарбия воситаси сифатида кишиларни буюк мақсадлар сари йўналтиради, руҳлантиради, эзгу орзу-умидлар билан яшашга ундайди. Сўзнинг куч-қудрати, тилнинг ўткир қурол эканлигини Алишер Навоий асарлари мисолида аниқ ҳис этиш мумкин.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг мероси, ўзбек тили ва адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси, бадий маҳорати,

тилдан фойдаланишдаги ўзига хослиги ҳақида адабиётшунос, тилшунос олимлар кўп ва ҳўб ёзишган. Навоийнинг бой мероси ва навоийшунослик соҳасидаги илмий, ўқув манбаларни чуқур ўрганиш ва улардан кенг фойдаланиш кундалик вазифаларимиздан бўлиб қолмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида улўғ шоиримиз сўзларининг қадри яна баланд, тобора юксак бўлиб бормоқда. «Хазойин-ул маоний», “Хамса”, “Муҳокамат-ул луғатайн”, «Маҳбуб-ул қулуб» каби шоҳ асарлар она тилимиздан моҳирона фойдаланишнинг ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтайди.

Алишер Навоий «Муҳокамат-ул луғатайн» асарида сўзнинг қудратига юксак баҳо бериб, сўзнинг қадри нақадар баландлигини алоҳида таъкидлайди: *«...сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир, кўнгил шундай бир ўрин бўлиб, унда майда ва йирик маънолар тўплангандир. Бу шунга ўхшайдики, гавҳар дарёдан гаввос воситасида чиқарилади. Сўз дури ҳам кўнгилдан сўзга чечан киши воситаси билан нутқ шарафига эришади, унинг қиймати ҳам ўзининг даражасига қараб шуҳрат қозонади ва ҳамма ёққа ёйилади. Нечунки, гавҳар қиймат юзасидан жуда кўп даражаларга бўлинади, ҳатто бир дирамдан юз тумангача деса бўлади».*

Буюк шоир она тилимиздаги сўзлар хусусида такрор-такрор фикр юритиб, сўзни дурга қиёслайди, унинг маънолари чексиз ва мавқеи ниҳоятда тенгсиз эканлигини исоботлаб беради. У сўз ҳақида шундай ёзади: *«сўз шундай гавҳардирки, мартабасини аниқлашдан нутқ эгалари ожиздирлар. Мартабаси – ёмон сўзнинг ҳалок қилувчанлигидан тортиб, яхши сўз билан Исонинг мўъжиза кўрсатишигача боради. Сўзнинг турлари шунчалик кўпки, ўйлаш ва тасвирлаб чиқиш мумкин эмас. Агар муболага қилмасдан, юзаки баён қилинса, ва қисқалик билан ёзиб чиқилса, етмиш икки навга бўлиниб, етмиш икки хил халқнинг сўзига айланишида ҳеч бир сўз йўқ, лекин мундин ҳам кўндир».*

Алишер Навоий сўзнинг қудрати ҳақида тўхталиб, у инсон учун зарур қурол ва манба эканлигини баён этади. Масалан:

*Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон бағрида дурдона бил.*

Ёки:

*Сўз қотиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.*

Она тилимизнинг бойлиги, қудратини юксак баҳолаган шоир «Муҳокамат-ул луғатайн» асарида унинг фазилатларини ниҳоятда чиройли тасвирлаб беради. Тилимиздаги сўзларни юлдузларга ўхшатиш билан уларнинг ниҳоятда кўплиги, хилма-хиллиги ва бири-бирига ўхшамаслигини акс эттиради.

Тилдаги сўзларни чаманзордаги гулларга ўхшатиш билан сўзларнинг ўзига хос маъно, мазмунга эгалиги назарда тутилади. Гул инсонни ўзига маҳлиё қилади, эътиборини тортади, уни қувонтиради, тилдаги сўзлар ҳам ана шундай фазилатга эга.

Киши сўзлашдан олдин сўзларни танлайди, уларни саралаб, зарурини, маъкулини ишлатади. Ҳар бир сўзни ишлатганда ҳам бошқаларга озор етказмасдан, маъносини ҳисобга олиб қўллайди. Тилдаги сўзлар инсоннинг энг нозик туйғуларини ифодалаш билан бирга кишининг ҳиссиётига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун сўзнинг қудратидан бошқаларга озор бериш учун эмас, уларни руҳлантириш учун моҳирона фойдаланиш зарур.

Сўзнинг қудрати хусусидаги афризмлардан намуналар:

*Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.
Сўзда, Навоий не десанг, чин дегил,
Рост наво наъмага таҳсин дегил.
Ҳам сўз ила элга ўлимдин нажот,
Ҳам сўз ила топик ўлук тан ҳаёт.
Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,
Гулиани одам самари сўз дурур.
(«Ҳайрат-ул аброр»дан).*

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» (Тошкент, 1983) асарида нутқнинг жуда кўп фазилат ва ҳислатларини алоҳида қайд этади. Асарнинг учинчи қисмида турли фойдали маслаҳатлар беради ва мақолларни келтиради. Уларни «танбиҳлар», деб номлайди. 118 танбиҳдан 20 га яқини бевосита нутқ маданияти ва сўз қудрати тўғрисида. Жумладан:

4. Танбиҳ. *Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар; улар кўп эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ – кишини бойитади; кўп гапирмоқ – саёзлатади. Кўп гапирган – кўп янглишади*(56-57-б.). Ушбу танбиҳнинг бугунги кундаги аҳамияти жуда юқори. Чунки ижодкорлик билан шуғулланаётган кишиларнинг бутун ҳаракати яратувчилик, меҳнат ва унинг

натижасини кўришга қаратилган. Ҳозирги пайтда курук насиҳатбозликка кишилар муҳтож эмас, улар учун Алишер Навоий наздидаги инсонлар, камгап, камтар, бутун фаолияти билан намуна бўла оладиган замондошлар зарур.

29. Танбих. *Илм ўрганмоқ – эътиқодни мустаҳкамлаш учундир, аммо бойлик орттирмоқ учун эмас(69-б.).* Олимларга нисбатан игна билан қудуқ қазимоқ ибораси ишлатилади. Машаққатлар эвазига олинган илм натижаси эса, ҳар қандай дуру гавҳардан кўра қимматлироқдир.

35. Танбих. *Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади. Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас; у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас.*

Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулойим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради; сеҳргар оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради(71-б.). Бу насиҳатларнинг бугунги кунда жуда кўп инсонлар учун зарурлигини кундалик ҳаётимизда сезиб турибмиз. Чунки муомала маданиятидаги айрим қусурлар, катта ёшдагилар, ҳатто олимлар орасида ҳам маиший масалалар доирасида ўзаро келишмовчиликлар орқасида асаббузарлик қилиб, ҳам ўзларининг обрўларини тўкаётганликлари, ҳам ёшлар мулоқот маданиятига салбий таъсир кўрсатаётганликлари сир эмас. Арзимас баҳоналар билан ҳамкасбларнинг дилини оғритиш, уларнинг қалбига жароҳат етказиш энг оғир гуноҳ саналиши билан бирга, она тилимизнинг ҳозирги мавқеига, унинг ижтимоий моҳиятига, кишилар муомала маданиятида бебаҳо восита сифатида хизмат қилишига озми-кўпми салбий таъсир этмасдан қолмайди.

Алишер Навоий меросининг боқийлиги шундаки, у бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмаганлиги, жамиятда тилнинг ижтимоий мавқеининг ошиши унинг тараққиётига хизмат қилиб, кишиларни энг эзгу мақсадлар сари руҳлантиришдаги роли юксак бўлишига муносиб ҳисса қўшиши учун ўзига хос йўлланма - ўғит сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда. Қуйидаги танбихлар бунинг исботидир:

36. Танбих. *Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз. ...Тили ёмон одам – халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказади.... Хушсухан одам юмишқлик билан дўстона сўз айтади;*

кўнгилга тушиши мумкин бўлган юз гам – унинг сўзи билан дафъ бўлади. Сўзда ҳар қандай яхшиликнинг имкони бор, шунинг учун айтадиларки; «нафаснинг жони бор...».

Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши; тил билан дил бир бўлса яна яхши. Тил билан дил – инсондаги энг яхши аъзолардир.... Тил – шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса – тилнинг офатидир(72-б.).

Телекўрсатув ва радио эшиттиришларнинг айримларида шевачиликка берилиш кўпайиб бормокда. Зиёлиларнинг, айниқса, раҳбар ходимларнинг оммавий ахборот воситалари орқали шевачиликка берилиши баъзи ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Кино асарларидаги айрим кўпол муомала лавҳаларининг меъёрдан ошиши ёшлар муомала маданиятига салбий таъсир этиши мумкин. Зеро, Алишер Навоий мероси бизни мулойим ва ширин сўзли бўлишга, ўрни билан шевада ёки адабий тилда сўзлашга ундайди.

37. Танбих. *Тил ширинлиги – кўнгилга ёқимлидир; мулойимлиги эса – фойдали. ...Ёлгон гапирувчи гафлатдадир; сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир, аммо ёлгондан ёмонроқ тури йўқдир(72-б.).*

40. Танбих. *У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам кўнгилсиздир, ёлгон бўлса янада нафратлидир(73-б.).* Турли миш-мишлар баъзан адолат тарозиси мувозанатининг маълум даражада бузилишига, кишилар ўртасида совуқчилик тушишига сабаб бўлади. Давлат тилининг мавқеидан фойдаланиб, таъсирчан, ҳаққоний, холис ахборот тарқатиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланиб бормокда. Ҳаққоний ахборот эса ҳар қандай ёлгон, миш-миш, асоссиз гап тарқатишларга зарба беради.

43. Танбих. *Кўнгил хазинасининг қулфи – тил; у хазинанинг калитини – сўз бил(74-б.).*

44. Танбих. *Чин сўз – мўътабар; яхши сўз қисқа – мухтасар. ... Ёлгончининг гапи қанчалик чиройли бўлса, шунчалик қабихдир(75-б.).*

87. Танбих. *Олим киши бир жоҳилни қаршисига ўтқазиб, уни мулзам қилишни истаса, бу олимнинг ўзи учун ҳақоратлидир. Олим,*

аввало, ўз илмининг даража ва салмоғини асраши керак, гавҳарни синаб кўриши учун тошга урмаслиги лозим(83-б.).

117. Танбиҳ. *Тилнинг ихтиёрини қўлингда асрагил; сўзингни эҳтиётлик билан сўзла. ...Тилинг билан дилингни бир тут; тили ва дили бир кишининг айтган сўзи бут. Сўзни кўнгилда нишизмагунча тилга олма; дилингда бор гапнинг ҳаммасини тилингга келтирма.*

Гарчи тилни тийиш – дилга меҳнатдир; аммо сўзни ёйиш – бошга офатдир. Айтиш керак бўлган гапни унутма; айтмайдиган ерда ўзингни сўзамол тутма. Айтар сўзни айт; айтмас сўздан қайт. Оқил киши чиндан бошқани демас; аммо барча чин сўзни айтиш ҳам оқил иши эмас(94-б.).

Баркамол авлоднинг ҳар томонлама тарбиясида ҳам энг муҳим манбалардан бири Алишер Навоий меросидир. Зеро, давлат тили ҳақидаги қонуннинг талаби ҳам шу – ўзбек тилининг мавқеини янада юқори кўтариш билан унинг ҳам юртимизда, ҳам дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада юксакликка кўтариш, аждодлар анъанасига содиқ қолиб, унинг гўзаллигини кенг намойиш қилиш, бойитиб бориш, юқори нутқ маданияти ва маҳоратига эришишдир.

Назорат саволлари:

1. Сўзнинг ижтимоий хосланиши ва унинг тил тараққиётидаги ўрни.
2. Ўрта асрларда ёзма ва оғзаки ахборот воситаларининг тараққиётида самимий сўзнинг ўрни.
3. Кайковус нотиклик ва нутқ одоби ҳақида.
4. Абдураззоқ Самарқандий сўз қудрати ҳақида.
5. Алишер Навоийнинг сўз ва қалам қудрати ҳақидаги қарашлари.
6. “Маҳбубул қулуб” асаридаги танбиҳлар нутқ маданияти ва сўз қудрати ҳақидаги муҳим қарашлар сифатида.

2-маъруза

АДАБИЙ ТИЛНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СТИЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: стиль, услуб, функционал стиль, функционал услуб, стилистика, адабий тилнинг функционал стиллари, функционал стиллар таснифи, нутқий доира (сфера), функционал стиллар таснифининг мезонлари, ўзбек адабий тилининг функционал стиллари, илмий стиль, бадиий стиль, расмий иш қоғозлари стили, публицистик стиль, оғзаки сўзлашув стили, газета тили, оммавий-ахборот воситалари (ОАВ) тили.

Маълумки, стилистика фанининг марказий тушунчаси стиль (услуб)дир. Стилистика (услубшунослик) термининг ўзи ҳам французча *stylistique* – сўздан олинган бўлиб, биринчи марта 1840 йилда қўлланган³.

“Стиль” (услуб) сўзи илмий терминдир. Зеро, терминлар оддий сўзларга нисбатан ўзларининг моносемантик хусусияти билан фарқланиши керак. Лекин “стиль” термини бошқача характерга эга, яъни “стиль” фақат лингвистик терминология доирасига эмас, балки адабиётшунослик ва санъатшунослик доирасига ҳам киради. Шунингдек, “стиль” оддий сўз сифатида ҳам тилда кенг қўлланилади. Масалан: “иш стили // иш услуби”, “бошқарув стили”, “тарбиялаш стили”, “эркин стилда // услубда // усулда сузиш”, “барс стили // услуби // усулида сузиш” (сузиш спортида), “комбинацион стиль // услуб // усул” (шахмат спортида) ва бошқалар.

Бу сўз энг қадимги замонларда ёзиш манераси (усули), ифодалаш усули маъноларини билдирган. Дарҳақиқат, стилда ижодкор шахснинг хусусиятлари ифодалангани учун бу сўз кенг, метафорик маъноларда қўлланиладиган бўлди.

Стиль тушунчаси тасвирий воситалар системасининг, санъатнинг ўзига хос ўйналиши, усули деган маънода санъатшунослик фани томонидан ҳам кенг қўлланилмоқда⁴. Стилни адабиётшунослик нуқтаи назардан тушуниш бадиий асарга ёки конкрет ёзувчига қаратилгандир.

³ “Стиль” сўзининг келиб чиқиши ва маънолари ҳақида қаранг: Михайлов М.М. Стилистика русской речи. – Чебоксары, 1968. – С. 77-87; Соколов А.Н. Теория стиля. – М.: Наука, 1968; Розенталь Д.Э. Практическая стилистика русского языка. – М., 1974. – С. 19-25; Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – М., 1974. – С. 16-18; Головин Б.Н. Язык и статистика. – М.: Наука, 1971. – С. 118-119; Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1977. – С. 33-38 ва бошқалар.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Соколов А.Н. Теория стиля. – М.: Наука, 1968. – С. 14-18.

Лингвистик стилистика эса икки асосий объектга эга: а) стиль (услуг) тил ёки нутқнинг бир кўриниши сифатида; б) бадий асар ёки ёзувчи стили.

Лингвостилистиканинг кейинги объекти бадий нутқ стили тадқиқ этилаётганда майдонга чиқади. Шунга кўра лингвостилистиканинг асосий объекти стилни тил ёки нутқнинг кўриниши сифатида ўрганишдир, деган хулосага келиш мумкин.

Олимлар, нотиклар, ёзувчилар антик даврлардаёқ у ёки бу тил воситасини қўллаш алоқа жараёнининг характери, шароити, мавзуси ва мақсади билан боғлиқ эканлигига алоҳида эътибор берган эдилар. Ўша пайтларда нутқнинг уч типи (стили) ўзаро фарқланган: а) паст стиль, б) ўрта стиль, в) юқори стиль⁵.

Тил стилларига оид бундай назариялар кейинчалик Европада нотиклик ва стилистиканинг тараққиётига сезиларли твёсир кўрсатди. Жумладан, француз академияси ХУШ асрда стилларнинг қуйидаги таснифини таклиф этди: юқори стиль – классик трагедиялар, одалар, ораториялар стили; замонавий стиль – роман, повестлар стили; фольклор стили ёки содда стиль – комедия, фарс ва масаллар стили⁶.

Шундан буён миллий тилларнинг услубий тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди, лекин антик олимлар бошлаб берган стиллар таснифи тил воситаларининг қўлланиш доирасини аниқлашда, уларни гуруҳлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тил стиллари ёки функционал стиллар ҳозирги даврда стилистика фанининг марказий термини бўлиб қолди. Лекин бу терминнинг аниқ чегаралари ҳали ҳам ишлаб чиқилганича йўқ. Ана шу ҳолат тил стилларини тасниф қилиш ва ўзаро фарқлаш ишида жиддий қийинчилик туғдирмоқда.

Функционал стиллар тилнинг функциялашуви билан боғлиқ, яъни реал нутқда, матнда ўзига хос “композицион системалар” (акад.В.В.Виноградов термини) сифатида намоён бўладилар. Ёки бошқача қилиб айтганда, тилнинг турли яруслари (фонетик, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик яруслари кабилар)га тааллуқли бўлган бирликлар хилма-хил стилистик бўёқда

⁵ Бу ҳақда қаранг: Брандес М. Стилистический анализ. – М.: Высшая школа, 1971. – С. 14; Скребнев Ю.М. Очерк теории стилистики. – Горький, 1975.

⁶ Қаранг: Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – М., 1974. – С. 18.

бўлишларидан қатъий назар алоқа қилишнинг маълум доирасига хизмат қилиш учун бўйсундирилади.

Масалан, сўз тартибининг эркин бўлиши, тўлиқсиз гаплар ва бошқа содда гап турларининг кенг қўлланиши, хилма-хил такрорларнинг ишлатилиши оғзаки нутқ учун характерли хусусиятдир:

- *Борасанми? Рост айт, борасанми, борасанми, а?*

- *Хўп, майли, бораман* (Саид Аҳмад. Уфқ, 263);

- *Юр, деяпман сенга!..*

- *Қаёққа бораман?*

- *Уйга!*

- *Йўқ, бормаيمان!* (Саид Аҳмад. Уфқ, 454).

Худди шунингдек, инверсиянинг деярли бўлмаслиги, матннинг дарак-ҳикоя шаклида ифодаланиши, таъсирлилик – бадий тасвир элементларининг учрамаслиги, маънонинг икки хил бўлишига йўл қўймаслик, қўшма гап шакллари қўллашга кўпроқ мойиллик каби хусусиятлар эса расмий нутқ учун хосдир: *“...Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин... **“Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси”**. Мусажонов Фарҳод – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси....”* (ЎзАС, 2011, 26 август).

Умуман олганда, функционал стилларнинг таснифига қуйидаги икки гуруҳ омиллар асос бўлиб хизмат қилади: а) экстралингвистик омиллар (алоқа қилиш доираси ёки сфераси ҳамда вазифалари), б) соф лингвистик омиллар (тил бирликларининг услубий хосланиши). Шунга мувофиқ, тилнинг функционал стилларига тавсиф бераётганда экстралингвистик омилларни ҳам, соф лингвистик омилларни ҳам тўла ҳисобга олиш зарур.

Тилшунослик тарихида, жумладан, рус ва ўзбек тилшунослигида ҳам жуда кўп олимлар тилнинг функционал стилларини тасниф қилишга, уларни ўзаро бир-биридан фарқлашга интилганлар. Лекин бу олимларнинг бир гуруҳи функционал

стилларни белгилашда экстралингвистик омилларни биринчи планга қўйган бўлсалар, бошқа бир гуруҳ олимлар соф лингвистик омилларга таяниб иш кўрганлар.

Масалан, рус тилшунослигида функционал стилларни тил функциялари асосида ажратишга дастлабки уриниш проф.А.М.Пешковский қаламига мансуб⁷. Кейинчалик функционал стилларни тилнинг жамиятда бажарган функцияларига кўра тасниф қилишнинг академик В.В.Виноградов томонидан таклиф этилган тамойили катта шуҳрат қозонди. Лекин олимнинг қайд қилишича, баъзан стиллар (яъни тил функциялари) билан алоқа қилиш доиралари бир-бирига мос келмаслиги ҳам мумкин, яъни тил функцияларига нисбатан стиллар кўпчиликини ташкил этади. Кўринадики, тилнинг асосий функцияларини бундай гуруҳлаш ва тасниф қилиш жуда умумий характерга эга⁸.

Бошқа бир гуруҳ рус тилшунослари ҳам тилнинг функционал стилларини фарқлашда тил функцияларини эмас, балки нутқ доиралари (сфералари)ни асос қилиб олмоқдалар.

Нутқ доиралари жуда кенг тушунча, у чексиз даражада хилма-хилдир. Чунки биргина мактабдаги нутқий муносабат болалар боғчасидаги нутқий муносабатдан фарқ қилади. Ёки ўқитувчи мактабда биринчи синф ўқувчилари билан бошқача планда сўзлашса, тўққиз ва ўнинчи синф ўқувчилари яна ўзгача нутқий муносабатни талаб қиладилар. Магазинда, супермаркетда харидор билан сотувчининг нутқий муносабати олимларнинг нутқий мулоқот доирасидан ажралиб туради ва ҳоказо. Худди ана шундай турли-туман нутқий муносабатлар асосида тилнинг функционал стиллари таснифи ҳақида тўлақонли гапириш мумкинми?

Фикримизча, бу хилма-хил нутқий муносабатлардан энг умумий, принципиал жиҳатдан тил воситалари системаларини талаб этувчи, ижтимоий жиҳатдан типиклашганларини ажратиб олиш зарур бўлади. Худди ана шундай умумий ва типиклашган нутқий доиралар (муносабатлар)гина функционал стиллар таснифига асос бўла олади.

Бу муаммога олимлар ҳозирги кунга қадар икки томондан ёндошмоқдалар. Бир гуруҳ олимлар нутқий муносабатларнинг

⁷ Пешковский А.М. Роль грамматики при обучении стилю // Пешковский А.М. Избранные труды. – М.: Просвещение, 1959. – С. 148.

⁸ Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М.: Наука, 1963. – С. 6.

тарихий жиҳатдан шаклланган икки тури – оғзаки ва ёзма (ёки оғзаки сўзлашув стили ва китобий стиллар)ни ажратадилар; шундан кейин нутқнинг бу икки формаси яна майда типларга ажратилади, типлар эса ўз ички бўлинишларига эга бўлади. Натижада тил стиллари таснифи кўп босқичли характер касб этади. Бунинг ёрқин мисоли сифатида проф.Р.А.Будагов томонидан олға сурилган тилнинг функционал стиллари таснифини кўрсатиш мумкин.

Р.А.Будагов оғзаки ва ёзма стилларни тилнинг бош стиллари, деб ҳисоблайди. Бу стиллар ичида яна илмий ва бадиий стиллар ажратилади. Қолган стиллар эса нутқий муносабатлар билан узвий боғлиқ бўлиб, нутқ стиллари деб юритилади. Нутқий стилларнинг сони ва ички бўлиниши алоқа муносабатларининг ўзи сингари чексиз ва хилма-хил формаларга эгадир⁹.

Кўринадик, Р.А.Будаговнинг функционал стиллар таснифида гарчи оғзаки ва ёзма, илмий ва бадиий стиллар орасидаги фарқлар тарихий ва умумтил нуқтаи назаридан анча чуқур ёритилган бўлса ҳам, бу таснифда терминологик изчиллик, нутқий стиллар доирасини аниқ чегаралаш етишмайди.

Иккинчи гуруҳ олимлар “нутқий сфера” тушунчасини тилнинг функциялашуви учун ҳал қилувчи роль ўйнайдиган омиллар билан чегаралаш асосида стилларни тасниф қиладилар. Масалан, проф.М.Н.Кожина чехословакиялик олимларнинг ишларига таяниб, стил ҳосил қилувчи объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро уйғунлашуви ғоясини олға сурди ҳамда бундай омилларнинг уч гуруҳини ажратиб кўрсатади¹⁰.

М.Н.Кожина ўз асарларида экстралингвистик омилларни биринчи навбатда ҳисобга олади, чунки бу омиллар тилнинг моҳияти билан, ижтимоий онг формалари ва уларга мос келувчи инсон фаолияти турлари (фан, санъат, ҳуқуқ, адабиёт, маданият ва ҳоказолар) билан узвий боғлиқдир. Бу ижтимоий онг формаларининг ҳар бирига умумий ёки конкрет фикрлаш типи ҳамда уларнинг инъикос формаси (илмий тушунча, бадиий образ,

⁹ Қаранг: Будагов Р.А. Литературные языки и языковые стили. – М.: Просвещение, 1967. – С. 77-92; Будагов Р.А. Обоснование языковых стилей // Будагов Р.А. Филология и культура. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – С. 136-153.

¹⁰ Кожина М.Н. К основаниям функциональной стилистики. – Пермь, 1968. – С. 142-154; Кожина М.Н. О системности научного стиля в сравнении некоторыми другими. – Пермь, 1972. – С. 46-83; Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1977. – С. 48-54.

хуқуқий норма кабилар) нутқий муносабат доирасини ҳам белгилаб беради.

Стиль ҳосил қилувчи объектив омилларга тилнинг ифодаланиш формалари (оғзаки ва ёзма), нутқнинг турлари (монологик, диалогик нутқ), коммуникация усуллари (оммавий ва шахсий), нутқ жанрлари (кенг маънода: очерк, ҳикоя, повесть, қисса, роман, монография, дарслик, илмий мақола, маъруза, диспут, тренинг, мажлис кабилар), фаннинг турлари (математика, физика, химия, адабиётшунослик, мантиқ, психология кабилар), фикрни баён қилиш усуллари (тасвирий, мунозарали, танқидий кабилар) киради. Бу хилма-хил объектив омиллар стилларни ва уларнинг ички бўлинишлари (подстиллари)ни белгилайди.

Учинчи тип омилларга ситуатив-ижтимоий омиллар киради. Улар нутқ тони (юқори, тантанавор, тушкун), тингловчини, аудиторияни ҳисобга олиш; нутқий акт типи (икки томонлама нутқ, бир томонлама нутқ, нутқ предметининг нутқ жараёнидаги бевосита иштироки ёки “яширингани”) кабиларни ўз ичига олади.

Бу омилларнинг ҳаммаси нутқ характериға бевосита таъсир этади, лекин уларнинг функционал стил ҳосил қилишдаги иштирок этиш даражаси бир хил эмас.

Жуда кўплаб стилист олимларнинг илмий тадқиқотлари ва бизнинг шахсий кузатишларимиз шундан далолат берадики, ҳозирги ўзбек адабий тили тизимидаги функционал стилларни тасниф қилишда, уларнинг ўзаро муносабатини ўрганишда юқорида таъкидланган экстралингвистик, объектив ва субъектив омилларни тўла ҳисобга олиш муҳим илмий ва амалий натижаларга олиб келади. Масалаға шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги ўзбек адабий тилида қуйидаги функционал стиллар мавжуд: илмий стиль, расмий иш қоғозлари стили, публицистик стиль, оғзаки сўзлашув стили, бадиий стиль. Тилнинг, жумладан ўзбек тилининг функционал стиллари тизимида бадиий асар тили (ёки бадиий стиль) алоҳида ўрин тутади.

Проф.М.Н.Кожинанинг таъкидлашича, нутқда тил элементларининг функциялашуви икки қонуниятға амал қилади, яъни улар тил стилистикасига ҳам, нутқ стилистикасига ҳам таянади. Бир томондан, тил стилистикасида муайян функционал стилға мос келувчи воситалар (сўзлар, грамматик формалар) мавжуд, иккинчи томондан стиль ҳосил қилувчи омиллар таъсири

туфайли функционал стиллар таркибида бу тил воситаларининг ўзига хос нуткий трансформациялари вужудга келади. Шунга мувофиқ, тил воситалари қайси функционал стилда қўлланилаётганига қараб ўзига хос функционал-нуткий, окказионал маънолар касб этади.

Масалан, бадий нутқ стилининг мақсади ўқувчи ёки тингловчига эстетик таъсир этишдир. Шунинг учун бадий нутқ стилида тил воситаларидан индивидуал-ижодий фойдаланиш, окказионал неологизмлар ҳосил қилиш учун катта имкониятлар мавжуд. Бу имкониятлардан сўз санъаткорлари – моҳир ёзувчи ва шоирлар ўринли фойдаланмоқдалар. Мисол учун, ўзбек тилида “*девор урмоқ*” конкрет ҳодисани ифодаловчи эркин сўз бирикмаси мавжуд. Саид Аҳмад “Уфқ” трилогиясида худди шу бирикмани мавҳум (абстракт) тушунчани ифодаловчи сўзлар қуршовида келтириб, бирикманинг қўлланиш имкониятини кенгайтирган ва фразеологик неологизм вужудга келтирган:

“- *Ҳукуматдан қарзим йўқ, - деб дўнгиллади Аъзамжон. – Ҳукумат деб қон тўкиб келганман. Ҳукуматни девори йиқилган бўлса, ўзи урсин*” (“Уфқ”, 630).

Ёки Ҳамид Ғуломнинг “Мангулик” романида “қавс очмоқ” деган конкрет лингвистик термин маъносини билдирувчи бирикма янги, ўзгача стилистик қуршовда қўлланиб, фразеологизмга айлантирилган: “...*Маъсуд Мардонхўжанинг ўйчан ҳолатини кузатиб, мақсадининг қавсларини оча бошлади...*” (“Мангулик”, 282); “*Маъсуд навбатдаги қавсини очишга киришади*” (“Мангулик”, 283) ва бошқалар.

Функционал стилларнинг ҳар бири ўз ички бўлинишларига ҳам эга бўлиб, улар подстиллар (стиль кўринишлари) деб юритилади. Масалан, ўзбек адабий тилининг илмий стилини қуйидаги уч подстилга ажратиш мумкин: а) соф илмий подстиль; б) илмий-ўқув подстили; в) илмий-оммабоп подстиль. Худди шунингдек, публицистик стиль ҳам ташвиқот-тарғибот (агитацион), расмий сиёсий-ғоявий, оммавий-сиёсий ва газета-публицистик подстилларида иборатдир.

Ўзбек тилшунослигида функционал стилларни ва улар таркибидаги подстилларни ўрганиш 60-йиллардан бошланди. А.Сулаймоновнинг “Тил стиллари ҳақида” номли мақоласи эълон қилинган эди. “Стилистиканинг вазифаси, дейилади мазкур

мақолада, - у ёки бу стилда ёки нутқ формасида, яъни оғзаки ва ёзма нутқда қандай тил ҳодисалари кўпроқ қўлланилишини аниқлашдан иборатдир”¹¹. А.Сулаймоновнинг бу иши функционал стилларга доир дастлабки илмий мақола эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

1969 йил 27-29 май кунлари Тошкентда ўзбек тили нутқ маданиятига бағишланган 1-республика тилшунослик конференцияси бўлиб ўтди. Ғ.Абдурахмонов бу конференция минбаридан туриб “...вазифа стилистик қатламлар (яъни функционал стиллар) таснифини назарий жиҳатдан асослаш, ҳар бир стилистик қатламнинг объектини, материални, воситаларини аниқлаш ва улар устида текшириш ишлари олиб боришдан иборатдир”¹², деб алоҳида таъкидлади. И.Қўчқортоев ҳам ўзбек адабий тилининг стилистик ихтисослашуви, унинг функционал услублари илмда ҳали қатъий чегаралаб берилмаганлигини уқдиради. Шу билан бирга олим ўзбек адабий тили доирасида бадий, илмий, ижтимоий-сиёсий услуб (стил)ларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларни бир-биридан фарқлайдиган белгилар маълум даражада аниқ сезилиб туришини конкрет мисоллар асосида кўрсатишга интилади¹³.

Умуман олганда, ўзбек адабий тилининг функционал стиллари орасида энг кўп ва хилма-хил аспектда ўрганилгани бадий нутқ стилидир. Бу стилни тадқиқ этишга бағишлаб бир қанча бағишлаб бир қанча номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрланган, илмий-назарий мақолалар ва монографиялар яратилган¹⁴.

Янги дастур асосида ёзилган мактаб дарсликларида ҳам стилистика, ўзбек тилининг функционал стиллари бўйича маълумотлар бериладиган бўлди.

А.Шомақсудовнинг қатор илмий ишларида ўзбек тилининг функционал стиллари масаласи анча чуқур ва асосли ёритилди.

¹¹ Сулаймонов А. Тил стиллари ҳақида // Сов.мактаби, 1964. № 6. – Б. 21-23.

¹² Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 53.

¹³ Қўчқортоев И. Адабий тилининг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 110.

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 28-68; Йўлдошев Б., Қурбонов Т. Бадиий асар тили ва услуби масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007.

Б.Ўринбоевнинг илмий ишлари эса оғзаки сўзлашув стилининг синтактик қурилишини тадқиқ этишга бағишланган¹⁵.

Ашхабодда (1966), Олмаотада (1976) ва Тошкентда (1980) ўтказилган бутуниттифоқ туркийшунослик конференциялари миллий тиллардаги, жумладан, туркий тиллардаги функционал стилларнинг ривожланиши, тараққиёти масалаларини ўрганишда муҳим воқеа бўлди.

Шу анжуманларнинг бирида Р.Қўнғуров “Ҳозирги даврда ўзбек тили функционал стилларининг тараққиёти” деган мавзуда маъруза қилган эди. Олимнинг кўплаб илмий мақолаларида ва монографияларида ўзбек адабий тили функционал стилларида грамматик формаларнинг қўлланиш даражаси бой фактик далиллар асосида ўрганилган. М.Мукаррамов эса ўзбек тилининг илмий стилини кенг планда ўрганиб, докторлик ишини ҳимоя қилди¹⁶. Т.Қурбонов ўзбек адабий тилида публицистик стилнинг шаклланиши ва тараққиёти муаммоси юзасидан кузатиш ишлари олиб борди ва номзодлик ишини ҳимоя қилди¹⁷. Д.Бобохонова эса ўзбек тилининг расмий иш қоғозларини стилини махсус тадқиқ этди¹⁸. А.Абдусаидов кейинги ўттиз йилдан буён матбуот тили муаммоларини изчил тадқиқ этиб келмоқда¹⁹. С.Каримов ўзбек тилининг бадиий услуби муаммолари билан жиддий шуғулланиди ва шу мавзуда докторлик ишини ҳимоя қилди²⁰. Стилистикага доир илмий тадқиқотларини давом эттириб, С.Каримов 2010 йилда “Ўзбек тили функционал стилистикаси” номли монографиясини нашр эттирди²¹.

Юқоридаги қисқача таҳлиллardan маълум бўладики, ўзбек тилининг функционал стилларини ўрганиш соҳасида тилшунослигимиз лзми-кўпми ютуқларни қўлга киритган. Лекин бу соҳада жиддий илмий тадқиқотлар яратиш, функционал стиллардан

¹⁵ Уринбаев Б. Вопросы синтаксиса узбекской разговорной речи. Автореф. дис... доктора филол. наук. – Ташкент, 1976. – 48 с.; Ўринбоев Б. Функционал услубият ва унинг моҳияти. – Тошкент: Фан, 1992. – 36 б.

¹⁶ Мукаррамов М. Научный стиль современного узбекского литературного языка в семантико-функциональном аспекте. Автореф. дис... доктора филол. наук. – Ташкент, 1985. – 44 с.

¹⁷ Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 22 с.

¹⁸ Бабаханова Д.А. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1987. – 24 с.

¹⁹ Абдусаидов А. Язык газеты и литературная норма (на материале местных и республиканских газет 70-80-х годов). Автореф. дис... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988. – 23 с.; Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари. ДДА. – Тошкент, 2005. – 49 б.

²⁰ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. ДДА. – Тошкент, 1994. – 52 б.

²¹ Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 191 б.

хар бирининг шаклланиши ва тараққиёт этапларини, лексик, фразеологик, морфологик, синтактик хусусиятларини махсус монографик планда ўрганиш, функционал стилларнинг ўзаро муносабати ва бошқа қардош тилларнинг функционал стиллари билан алоқаси муаммосини тадқиқ қилишга киришиш фурсати аллақачон етган, деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, ўзбек адабий тилининг функционал стилларини стилистика фанининг энг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда ўрганиш, уларда қўлланилган тил воситаларининг ўзига хос белгиларини аниқлаш ўзбек тилшунослигининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Назорат саволлари:

1. Функционал стиллар ва уларнинг таснифий белгилари ҳақида тушунча.
2. Функционал стиллар таснифи тарихи ҳақида маълумот.
3. Рус тилшунослигида функционал стиллар таснифи масаласининг ўрганилиши ҳақида.
4. Ўзбек адабий тилининг функционал стиллари таснифига доир илмий тадқиқотлар ҳақида.

3-март

ФУНКЦИОНАЛ СТИЛЛАРНИ ТАСНИФЛАШДА ИЖТИМОЙ ХОСЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

Таянч сўз ва иборалар: тил, адабий тил, вазифавий стил, вазифавий стилларни тасниф қилишнинг лисоний омиллари, вазифавий стилларни тасниф қилишнинг экстралингвистик омиллари, расмий-иш вазифавий стили, илмий вазифавий стил, публицистик стил, бадиий адабиётга хос матнлар, оддий сўзлашув стили, вазифавий стил ва ижтимоий фаолият доираси, вазифавий стилларнинг ёзма ва оғзаки шакллари.

Тилшуносликда адабий тилнинг вазифавий стиллари тил ходисасими ёки нутқ ходисасими, бадиий адабиётга мансуб матнлар ҳамда оддий сўзлашувга хос матнлар тилнинг вазифавий стиллари қаторига кирадими, умуман, у ёки бу тилда қандай

вазифавий стиллар мавжуд, уларни тасниф қилишнинг қандай ижтимоий хосланиш тамойиллари бор, деган масалалар узоқ йиллардан буён турли хил мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Рус тилшунослигида бу соҳада бир қанча ишлар амалга оширилган²². Бу ишларда тилнинг вазифавий стилларини аниқлаш мезонлари, бунда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши тамойилининг ўрни ҳақида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Ўзбек тилшунослигида ўзбек адабий тилининг вазифавий стилларга бўлиниши тўғрисида ҳам ҳозирги кунга қадар бир хилликка эришилганича йўқ²³.

Бизнингча, адабий тилнинг вазифавий стилларини Ф. Соссюр томонидан биринчи бор таърифланган тил системаси ва нутқ дихотомияси назариясидан келиб тасниф қилишда бу тушунчаларни бир-бирига кескин қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Аввало, у ёки бу тил системасининг жуда кенг қамровга эга эканлигини, ундаги тил ҳодисаларининг мураккаблигини ҳисобга олиш лозим. Тил системаси ўша тилдаги хилма-хил тил воситаларини, уларнинг жамият талаби билан матн таркибида қўлланиш хусусиятига эгалигини, яъни ижтимоий хосланиш тамойилини ҳам ўз ичига олади. Бу система диалектал сўз ва грамматик воситалар, архаик ва индивидуал характерга эга бўлган лексемалар кабиларнинг вазифавий стилларга мос ҳолда шаклланган матндар таркибида қўлланиш хусусиятини ҳам қамраб олади.

Тил бирликлари нутқ жараёнида, ижтимоий жихатдан хосланган матнлар таркибида моддийлашар экан, мана шу моддийлашиш ижтимоий фаолият доирасида юз беради. Ушбу жараёнда тил системасидаги воситалар ҳар хил ижтимоий фаолият доирасида бирдай қўлланилмайди. Шунинг учун ҳам тилнинг вазифавий стилларини белгилашда нутқнинг у ёки бу ижтимоий фаолият доирасидаги экстралингвистик омиллар таъсирида келиб

²² Бу ҳақда қаранг: Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение, 1983. – С. 43-83; Бондалетов В.Д., Вартапетова С.С., Кушлина Э.Н., Леонова Н.А. Стилистика русского языка. Под редакцией Н.М.Шанского. – Л.: Просвещение, 1982. – С. 178-195 ва бошқалар.

²³ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 6-41; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 73-97; Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – Б. 4-11.

чиқадиган функцияси, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Чунки тил воситалари ижтимоий фаолиятнинг бирор доирасида қўлланар экан, фақат мана шу доира учун зарур бўлган шаклга солинади. Маълум бир йўналишдаги нутқ жараёнида тил воситаларининг бир қисми фақат у ёки бу ижтимоий фаолият доирасида фаол ёки нофаол тарзда қўлланиши билан бирга бошқа бир қисми умуман қўлланмаслиги ҳам мумкин.

Маълум бир вазифавий стилга хос бўлган нутқ ёки матн мана шу вазифавий стиль талабидан келиб чиқиб, тил воситалари чегаралаб олиниб, қатъий бир меъёр (норма)га, шаклга солиниб тузилади. Нутқдаги (матндаги) луғавий бирликлар, грамматик қурилмалар у ёки бу вазифавий стиль учун зарур бўлган вазифани бажаришга хизмат қилади.

Албатта, бу ерда адабий тилнинг ҳар бир вазифавий стили доирасида қўлланувчи тил воситалари фақатгина ўша вазифавий стил доирасига хосдир, деб айтиш унчалик тўғри эмас. Чунки вазифавий стиллар ўзлари алоҳида-алоҳида системаларни ташкил қила олмайди. Вазифавий стиллар маълум тил системаси доирасида ташкил топади ва ривожланади.

Ҳар бир вазифавий стилнинг луғавий таркиби, ундаги грамматик қурилмаларда маълум фарқ бўлиши билан бирга, уларнинг умумий, яхлит томони ҳам бўлади. Бундан ташқари, доимо бирон бир вазифавий стилда қўлланиб келадиган сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирликлар ва бошқа тил воситалари ўша вазифавий стилга оид услубий бўёқдорликка эга бўлади. Улар бошқа бир вазифавий стилда қўлланганда, уларнинг бегоналиги, ўз ўрнида қўлланмаганлиги дарҳол сезилади. Масалан, расмий иш стилига тааллуқли бўлган *«Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаким...»* қурилмаси илмий ва публицистик стилларга хос матнларда умуман қўлланмайди. Агар бундай қурилмалар юқоридаги вазифавий стилларга хос матнларда қўлланса, кулгили, юмористик ҳолат юз беради (Абдулла Қаҳҳорнинг “Нутқ” ҳажвий ҳикоясини эсланг).

Шундай қилиб, адабий тилнинг вазифавий стилларини белгилашда уларнинг экстралингвистик ва соф лисоний хусусиятлари, уларнинг таркибида тил бирликларининг қўлланишида ижтимоий хосланиш тамойиллари ҳисобга олиниши лозим. Ҳар бир вазифавий стил доирасида фақат ўша нисбатан тор

доирага хос бўлган лисоний омилларни аниқлаб, уларни матн таркибида бир-бирига таққослаш билангина уларнинг ўзига хос, ижтимоий хосланган тил воситалари аниқланади.

Демак, адабий тилнинг вазифавий стилларидаги барча тил воситалари, албатта, ижтимоий фаолиятнинг у ёки бу томони билан боғлиқ равишда юзага келади ва мулоқотга киришади. Ҳар бир вазифавий стил ижтимоий фаолиятнинг қуйидаги доираларидан бирига хизмат қилади: а) илм-фан доираси - илмий стил; б)

идора-ҳуқуқий доира - расмий-иш стили; в) ижтимоий-сиёсий доира - публицистик стил кабилар.

Адабий тилнинг вазифавий стилларни белгилашда ва уларни ижтимоий хосланиш нуқтаи назаридан чегаралашдаги муҳим омиллардан яна бири вазифавий стилларга хосланган матнларнинг мавзусидир. Мавзу оддий сўзлашув, бадиий матнлар билан нутқнинг вазифавий стиллари орасидаги фарқни белгиловчи муҳим омиллардан бири саналади.

Муайян бир ижтимоий соҳага хосланган оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам тил воситалари мавзунинг талаби билан чегараланади, муайян тор доирага солинади. Олдиндан режали равишда тилдаги луғавий бирликлар, грамматик қурилмаларнинг фақат мўлжалланган ўша мавзу учун зарурлари танлаб олинади.

Сўзсиз, вазифавий стилларга хос оғзаки нутқда оддий сўзлашувга мансуб тил ва нутқ воситалари маълум даражада қўлланиши мумкин. Аммо нутқнинг мавзу талаби билан бажараётган вазифасига биноан тил воситаларининг барчаси ижтимоий хосланиш нуқтаи назаридан у ёки бу тарзда чегараланишга мажбур бўлади. Масалан, икки киши бир-бири билан бирор фан соҳасига оид илмий мавзуда суҳбатлашар экан, аниқки, улар илмий услубга оид тил воситаларини қўллайди. Шу билан бирга, бу ерда оддий сўзлашувга хосланган айрим бирликлар ҳам иштирок этиши мумкин. Аммо бу билан суҳбатнинг илмийлик хусусияти йўқолади, деб ҳам, бу суҳбат оддий сўзлашув стилига хосланиб қолади, деб ҳам бўлмайди. Демак, нутқий мулоқот шакли вазифавий-услубий бўлинишга, табақаланишга унчалик таъсир эта олмайди. Н.Ю.Шведова бу тўғрида, ҳар қандай ёзилган нарсга ёзма

нутққа тааллуқли бўлмаганидек, ҳар қандай оғзаки гапирилган нарса оддий сўзлашувга кирмайди, деб ҳаққоний таъкидлаган эди²⁴.

Нутқ ёки матн эгасининг характери, нутқий мулоқот жараёнидаги ҳолати, ёши ва шу каби омиллар ҳам тил воситаларининг ижтимоий хосланишига ва танланишига ўз таъсирини кўрсатади. Аммо бу хусусиятлар фақат алоҳида-алоҳида сўзловчилар нутқидаги услубий хусусиятларни белгилай олади, холос. Улар вазифавий-услубий бўлинишга, умуман, тил системасига таъсир кўрсата олмайди. Чунки вазифавий-услубий бўлиниш айрим тил эгаларининг ўзига хос хусусиятларидан, хоҳиш-иродасидан келиб чиқмайди. Аксинча, сўзловчи қаерда, кимга ва қайси мавзуда гапиришига қараб, у ёки бу вазифавий стилга мурожаат қилади.

Нутқ ёки матннинг вазифавий стилларига тааллуқли бўлган матнлардан фарқли ўлароқ, бадиий адабиётга оид матнларда тил воситалари жуда кенг кўламда қўлланади. Ёзувчи образ характерини очиш учун тил системасида мавжуд бўлган барча воситалардан унумли ва мақсадга мувофиқ ҳолда ўринли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Бадиий матнларда экспрессив-эмоционал сўзлар, турли хил архаик ва диалектал лексемалар, иборалар кўп қўлланилади. Тарихий воқеаларни акс эттирувчи бадиий матнларда эса тарихий воқеликни ёритиш учун муаллиф (ёзувчи) тарихий лексикадан ташқари, ўша давр учун хос бўлган грамматик шакллардан ҳам фойдаланади. Шу билан бирга, бундай матнларда асар қаҳрамонлари тили, иложи борица, оддий сўзлашув стилига яқинлаштирилади ва бундай матнлар сўзлашув услубига жуда ўхшаш хусусиятга эга бўлади. Шу билан бирга бадиий асарлар қаҳрамонлари тили ҳаётдаги оддий сўзлашувдан тубдан фарқ қилади. Бундай матнларда баъзан ёзувчи қаламига хос бўлган индивидуал ясалган ва ҳали тилда учрамаган ҳамда меъёрга кирмаган окказионализмлар ҳам бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, муаллиф (ёзувчи)нинг шахси, билими, табиати, тил воситаларини қай даражада қўллай билиш хусусиятлари бадиий матнларда айниқса равшан кўзга ташланади. Бадиий матнларнинг адабий тилнинг вазифавий стилларига хос

²⁴ Шведова Н. Ю. Очерки по синтаксису русской разговорной речи. М.: Наука, 1960. – С. 3.

матнлардан фарқи тил воситаларидан фойдаланиш кўламининг жуда кенглигида кўринади. Бадиий матнларнинг экспрессив-эмоционаллиги уларни вазифавий стилларга хос бошқа турдаги матнлар билан қиёсий-услубий метод асосида текширганда ҳам очик намоён бўлади²⁵. Бадиий матнларнинг ушбу хусусиятлари унинг эстетик таъсир қилиш вазифаси билан ҳам боғлиқдир. Демак, бундай матнларда тил воситаларининг қўлланиш доираси чегараланмаган, маълум тор шаклга солинмаган. Шунинг учун ҳам ҳар бир муаллиф (ёзувчи ёки шоир) қаламига мансуб бадиий асарларнинг, гоҳида бир муаллифнинг ҳар бир асари тили ўзи алоҳида системани ташкил этиши ҳам мумкин.

Адабий тилнинг вазифавий стиллари таҳлилига оид кўпгина тадқиқотларда оддий сўзлашув услубига хосланган матнлар ҳам тилнинг вазифавий стиллари қаторига киритилади. Бу ишларда оддий сўзлашув услуби доирасига митингларда, мажлисларда ўқиладиган маърузалар, чиқишлар ҳам, радио, телевидение орқали эшиттиришлар, бирор соҳага оид суҳбатлар ҳам киритилади. Аслида, бу хил ҳолатларга албатта сўзловчи олдиндан, режали равишда муайян мавзу бўйича тайёрланади. Сўзлаганда эса, у ёки бу мавзуга оид бўлган луғавий воситалардан фойдаланади²⁶.

Қундалик ҳаётдаги оддий сўзлашувда эса сўзловчи ҳеч қандай тайёргарлик кўрмайди, олдин ўзи сўзлаши керак бўлган мавзунини мўлжалламайди. Бу сўзлашув кундалик турмушнинг турли кўринишларига оид бўлгани учун ҳам уларнинг таркибида турли-туман тил воситалари қўлланади. Шу билан бирга, оддий сўзлашувда тўлиқсиз гап қурилмалари, биргина сўздан иборат сўз-гап шакллари қўлланилади. Бунда ифодаланаётган маъно (мазмун) эса ўша сўзлашув жараёни кечаётган шароитдан, бутун бир суҳбатнинг мазмунидан келиб чиқиши мумкин.

Оддий сўзлашув стилига хос матнларда тил воситалари ранг-баранглиги, индивидуаллиги, экспрессив-эмоционаллиги билан ажралиб туради. Адабий нормага кирмаган лексемалар, эмоционал маъно билдирувчи товушлар, интонация, мимика ва бошқа қўшимча нутқ воситалари оддий сўзлашувга хос бўлган лисоний ва экстралингвистик хусусиятлардир. Сўзлашувда муайян шева ва

²⁵ Береснев С.Д., Крилова О.А., Фих И.М. Субъязыки, стили и художественная литература // Субъязыки и функциональные стили. - Ульяновск, 1980.

²⁶ Шмелев Д.Н. Русский язык в его функциональных разновидностях. - М.: Наука, 1977. - С. 17-41.

лахжа доирасида қўлланадиган луғавий бирликлардан, грамматик шакллардан ҳам фойдаланилади. Бу, айниқса, ўзбек тилида равшан кўринади. Кўпинча, соф ўзбек адабий тили меъёри (нормаси)га радио, телевидение эшиттиришларида, вақтли матбуот матнларида қатъий амал қилишга ҳаракат қилинади. Оддий сўзлашувда эса шахсинг қайси шевага, лаҳжага тааллуқли эканлиги сезилиб туради. Оддий сўзлашув билан вазифавий стиллар орасидаги яна бир фарқ шундаки, вазифавий стиллар фақат ёзма кўринишдаги матнлардан ташкил топиб ривожланади.

Демак, адабий тилнинг вазифавий стиллари бадиий адабиётга оид матнлар ва оддий сўзлашув матнларидан қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

а) вазифавий стилларнинг аксарияти ёзма шаклда ташкил топади ва ривожланади;

б) вазифавий стилларга хосланган нутқ кўринишлари (матнлар) ўша нутқ субъектининг хоҳиш-иродасига бўйсунмайди, бадиий матнларда ва оддий сўзлашувга хосланган матнларда эса субъект, нутқ эгасининг хоҳиш-иродаси, қалами сеҳри билиниб туради;

в) вазифавий стилда тил воситалари ижтимоий фаолият доирасида чегараланиб, маълум мавзуга йўналтирилади, оддий сўзлашувга хосланган матнларда эса суҳбат эркин тарзда, тайёрланмасдан, махсус ижтимоий фаолият доирасидаги мавзуга йўналмаган ҳолда кечади ва бошқалар.

Умуман олганда, адабий тилнинг вазифавий стилларини, ўз навбатида, қуйидаги стилларга ажратиб таснифлаш ва ўрганиш мумкин:

1. Расмий-иш функционал стили. Бунинг таркибига: а) расмий-ҳужжатлар услуби. Бунга қарорлар, қонунлар каби ҳужжатлар киради; б) расмий-иш услуби. Бунга ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги расмий ишга тааллуқли бўлган турли хил хатлар, ёзишмалар киради.

2. Илмий функционал стилга илмий-техника, илмий-оммабоп, илмий-публицистик ҳамда илмий-ўқувга тааллуқли турли хил матнларни киритиш мумкин.

3. Публицистик стилга асосан газета, журнал, умуман, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) матнлари кириб, уларнинг мавзуй доираси жуда кенг ва хилма-хилдир. Бу вазифавий стил: а)

мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаёти (бош мақолалар, ички сиёсат, маъруза, нутқ матнлари ва бошқалар); б) чет эл хабарлари (сиёсий ва иқтисодий мавзуга оид матнлар); в) иқтисод (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, уй-жой, коммунал хўжалиги ва бошқаларга оид матнлар); г) фан ва техника (илмий янгиликлар, ҳар хил соҳалардаги техника ютуқлари ва ҳоказоларга оид матнлар); д) маданият ва санъат (театр, кино хабарлари, музика ва рассомчилик асарларига тақризлар ва бошқаларга оид матнлар); е) репортаж, памфлет, очерк ва ҳоказоларнинг матнлари; ж) физкультура ва спорт хабарларига оид матнлардан иборатдир. Бундай матнларнинг барчасида тил воситаларининг қўлланишида уларнинг ижтимоий хосланиш тамойили етакчи ўрин тутди.

Назорат саволлари:

1. Функционал стилларнинг тил ва нутқ дихотомиясига муносабати.
2. Функционал стилларни тасниф қилишнинг лисоний ва экстралингвистик омиллари.
3. Оддий сўзлашув услубининг вазифавий стилларга муносабати.
4. Адабий тилнинг функционал стиллари ва бадиий адабиётга хос матнларнинг ўзаро муносабати, уларнинг фарқли ҳамда умумий белгилари.
5. Функционал стилларнинг таснифи ва ички бўлиниши, бунда ижтимоий хосланиш тамойилларининг ўрни.

4-маъруза

ПУБЛИЦИСТИКА ВА УНИНГ ЖАНРЛАРИ ҲАҚИДА

Таянч сўз ва иборалар: публицистика, радиопублицистика, кинопублицистика, телепублицистика, илмий публицистика, иқтисодий публицистика, адабий-бадиий публицистика, ахборий публицистика, таҳлилий публицистика, хабар, интервью, ркпортаж, ҳисобот, суҳбат, мақола, тақриз, шарҳ, лавҳа, очерк, эссе, фельетон, памфлет.

Маълумки, жамият ҳаётида публицистика ва унинг жанрлари жуда муҳим роль ўйнайди. Публицистика латинча *publicus* сўзидан

олинган бўлиб, ижтимоий, жамиятга оид деган маънони билдиради [ЎТИЛ-5, Ш, 319]. Публицистиканинг моҳияти ҳақида турлича қараш ва турлича таърифлар мавжуд. Айрим луғатларда у ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритувчи адабиёт деб қаралса, айрим мутахассислар томонидан унга ижоднинг бир тури деб таъриф берилди. Бизнингча, бу ҳар иккала таърифда ҳам публицистиканинг хусусиятлари ўз ифодасини топган.

Публицистика бу - ҳаётни тасвирлашнинг алоҳида бир йўли, усули, ижод туридир²⁷. У жамият ҳаётининг шу кундаги, айни замондаги бўлиб ўтган ижтимоий аҳамиятга молик воқеа ва ҳодисаларини акс эттириб оммага етказди, даврнинг энг долзарб масалаларига муносабат билдиради, ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни кўтариб чиқади. Публицистика замон воқеа-ҳодисаларидан кишиларни хабардор қилиш, шу кун учун зарур масала, муаммоларни таҳлил этиш ва уларнинг ечилиши борасида жамиятга таъсир кўрсатиш воситаси ҳамдир. Унинг бош вазифаси ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, масала ва муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборатдир. Публицистика асл маънода - айтилган гап, ёзилган матн, маълум бир кўринишдаги асар бўлиб, у матбуот саҳифаларига кўчган, радио, телевидение, интернетдан ўрин олган тақдирдагина ғоявий-сиёсий ва маънавий кучга айланади, оммага етиб боради. Гарчи публицистик рух, яъни айни замон муаммоларини кўтариб чиқиш ва айни замон кишиларига етказиб бориш ижтимоий ҳаётни акс эттириш кўринишларидан бўлмиш бадиий адабиётда ва санъатнинг барча турларида мавжуд бўлса-да, публицистика кенг ва ҳар тарафлама иш кўра оладиган майдон - матбуотдир. Аслида, матбуот ҳам худди ана шу вазифани бажаради, яъни жамият ҳаётини тасвирлайди, таҳлил этади, унга ўз таъсирини кўрсатади ва ўзининг ижтимоий вазифасини публицистика орқали амалга оширади. Бу эса матбуот билан публицистиканинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади, яъни матбуотсиз публицистика ва публицистикасиз матбуот иш кўролмайди.

Публицистика инсониятнинг ҳаётни билиш, уни идрок этиш, оламда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан хабардор бўлиш ва улардан ўзи учун тегишли хулосалар чиқариш воситаси саналади.

²⁷ Бу ҳақда қаранг: Мухаммадиев Р. Ўзбек... публицистикаси. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 10-24; Хусаинов М. Ўзбек... бадиий публицистикаси (жанр тарихи, проблемалари, поэтикаси). – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 5-64.

Шу сабабли у инсоннинг ҳаётни кузатиш, тадқиқ этиш натижаси, тажрибаларидан келиб чиққан фанлар билан ҳамда ташқи дунёнинг эстетик инъикоси бўлган адабиёт ва санъат, тилшунослик фанлари билан чамбарчас боғлиқдир. Публицистика ҳаётдаги факт ва воқеаларни қайд этиш, уларни тадқиқ этиш, моҳиятини, ички қонуниятларни очишда фанга хос қатор усул ва имкониятлардан фойдаланади. Шунинг учун ҳар қандай публицистик асарда маълум даражада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, илмий тадқиқот элементлари мавжуд бўлади. Публицистика дунёни билиш ва акс эттиришда асосан сўздан, умуман, тил воситаларидан фойдаланганлиги учун у бадиий адабиётга жуда яқин туради ва баъзи ўринларда унинг таркибий қисмига айланади. У сўз санъати бўлмиш бадиий адабиётдан образ ва образлилик, сюжет, композиция, конфликт, характер ва бошқа зарур тасвирий элементларни олади. Бундай адабий-бадиий элементлар публицистик асарларнинг таъсирчанлигини ошириш, ҳаётни жонли, қизиқарли тасвирлаш учун қўлланилади. Аммо публицистиканинг асосий вазифаси шу кундаги ижтимоий ҳаётни тезкорлик билан, ихчам ва таъсирчан шаклда ёритиб беришдан иборат бўлганлиги боис унда юқоридаги адабий-бадиий воситалардан фақат зарур ўринлардагина, маълум даражада фойдаланилади.

Худди матбуот сингари публицистика ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади ва жамият ҳаётининг хилма-хил қирраларини ёритишга қараб бир неча турларга бўлинади. Масалан, жамиятнинг шу кундаги, айти замондаги ҳаётининг бош масалаларини **ижтимоий-сиёсий публицистика** ёритса, унинг иқтисоди, ишлаб чиқариш масалаларини **иқтисодий публицистика** ўзида акс эттиради. **Илмий публицистика** эса илм-фан соҳасидаги янгиликларни, муаммоларни ихчам, публицистик таъсирчан руҳда ёритишга хизмат қилади.

Публицистика фақатгина жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ёритишда ўзига хос восита ва усуллардан фойдаланади. Жумладан, **адабий-бадиий публицистика** ўзида ҳаётнинг барча соҳаларини акс эттирса-да, бунда у алоҳида адабий-бадиий воситаларига таяниб иш кўради. Яъни, **бадиий публицистика** ҳаётга бадиий адабиёт нуқтаи назаридан

ёндошади²⁸ ҳамда матбуот билан адабиётни бир-бирига узвий боғлаш воситаси сифатида намоён бўлади. **Ҳажвий публицистика** эса ҳаётни ёритишда алоҳида ижтимоий-бадний восита бўлган кулгига, яъни сатира ва юморга асосланиши билан бошқа публицистика турларидан ажралиб туради.

Публицистика турлари қаторига, шунингдек, **радиопублицистика, телепублицистика ва кинопублицистика** ҳам киради.

Шу билан бирга публицистика ўзининг ички хусусиятлари, ижтимоий ҳаётга ёндашиш ва акс эттириш қирралари нуқтаи назаридан ҳам бир неча турларга бўлинади. Ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар ҳақида тезкорлик билан хабар берувчи, ҳаётнинг кўзга кўриниб турган устки қатламларини ёритувчи публицистика - **ахборий ёки хабардор этувчи публицистика** бўлса, воқеа ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини очиб берувчи, ҳаётнинг чуқур ички қатламларини ўзида акс эттирувчи публицистика **таҳлилий публицистика**дир. Ҳаётдаги воқеа ва ҳодисалар, кишилар фаолиятини адабий-бадний воситалар билан ёритувчи, бошқача қилиб айтганда, ҳаётни бадний-эстетик жиҳатдан таҳлил қилиб баҳоловчи **бадний публицистикани** мазкур ижод турининг энг мукаммал, юқори шакли дейиш мумкин. Публицистиканинг юқоридаги уч тури бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Публицистика ҳаёт ҳақида хабар бериш, таҳлил этиш билан чекланиб қолмасдан уни турли жолларда, тил воситалари ёрдамида тасвирлайди.

Публицистиканинг турли **жанрлари** ҳам мавжуд. Маълумки, жанр сўзи французча жинс, тур маъносини англатиб, адабиёт ва санъат асарларининг маълум мазмуний ва шаклий турини билдиради [ЎТИЛ-5, II, 72]. Масалан, бадний адабиётнинг насрий туридаги ҳикоя, қисса, роман; шеърый туридаги шеър, ғазал, баллада, достон; тасвирий санъатдаги натюрморт, портрет, пейзаж ва бошқалар публицистик асар жанрлари қаторига ҳам киради. Публицистика шунингдек, вазифаси, изчил хусусиятларидан келиб чиқиб, **ахборий** ҳамда **таҳлилий публицистикага** бўлинади. Ўз навбатида **ахборий публицистик асарлар** қаторига хабар (информация), репортаж, интервью, ҳисобот каби жанрлардаги

²⁸ Тоғаев О. Ўзбек бадний публицистикаси (назария ва маҳорат масалалари). – Тошкент: Фан, 1973. – Б. 13-146.

асарлар киради²⁹. Бу жанрлар ҳаётдаги факт ва ҳодисаларни, янгиликларни тезкорлик билан ёритиш учун хизмат қилади. Мазкур жанрларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан тезроқ, оператив тарзда хабардор қилишдир.

Таҳлилий публицистик асарлар қаторига эса кенгайтирилган хабар (корреспонденция), суҳбат, мақола, тақриз, шарҳ каби жанрлардаги асарларни қўшиш мумкин. Уларда ҳаёт воқеаларини таҳлил этиш, ички моҳиятини очиб бериш асосий ўрин тутди³⁰. **Таҳлилий публицистика** ҳаётнинг муҳим, зарур масалалари ва муаммоларини кўтариб чиқиш ва уларга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотишга хизмат қилади.

Ҳаётни адабий-бадий нуқтаи назардан ёритувчи **бадий публицистика** ҳам ўзига хос жанрларга эгадир. Булар - лавҳа, очерк, эссе кабилар бўлиб, улар қаторига ҳажвий публицистикага оид бўлган фельетон, памфлет каби жанрларни ҳам киритиш мумкин.

Демак, публицистика инсониятнинг муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-иждодий қуроли, яшаш воситаси ҳисобланиб, у орқали инсоният ўзини ўраб турган ташқи дунёдан хабардор бўлади, уни англайди ва ўз манфаати йўлида фойдаланади. Бундай публицистик матнларда тил бирликлари ижтимоий жиҳатдан хосланиш мезонининг кучли тарзда намоён бўлиши билан характерланади.

Назорат саволлари:

1. “Публицистика” атамаси ва унинг маънолари ҳақида.
2. Публицистиканинг адабиёт ва санъат турлари билан муносабати.
3. Ижтимоий-сиёсий публицистика, иқтисодий публицистика ва илмий публицистиканинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда фарқли томонлари.
4. Ахборий публицистиканинг хабар (информация), репортаж, интервью, ҳисобот каби жанрлари ҳақида.

²⁹ Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б. 9-128.

³⁰ Бу ҳақда қаранг: Абдусайдов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. – Б. 28-172.

5. Таҳлилий публицистиканинг кенгайтирилган хабар (корреспонденция), суҳбат, мақола, тақриз, шарҳ каби жанрлари ҳақида.

6. Бадиий публицистиканинг лавҳа, очерк, эссе каби жанрлари ҳақида.

7. Ҳажвий публицистиканинг фельетон, памфлет жанрлари ҳақида.

5-маъруза

БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНЛАРДА СЎЗНИНГ ИЖТИМОЙ ХОСЛАНИШИ ҲАМДА ЭСТЕТИК ТАЪСИР КУЧИ

Таянч сўз ва иборалар: шеърий матн, шеърда сўзнинг таъсир кучи, шеърий матнда гармония, шеърда товушлар оҳангдорлиги, Ҳ.Олимжоннинг “Ҳолбуки тун...” шеърида таъсирчанлик, Ғ.Ғуломнинг “Кузги кўчатлар” шеърида бўёқдорлик, шеърий матнда сўзларнинг предметлик хусусияти, “ўғай” сўзи А.Орипов тўртлигининг умуртқа суяги сифатида, шеърий матнда сўзнинг эстетик таъсирчанлик белгиси.

Маълумки, юксак санъат намунаси бўлган ҳар қандай шеърни ўқиганда ёки тинглаганда киши бир нафас бутун борлиқни унутиб, шу шеър таъсирида бўлади. Масалан, М.Горький талантли шоир С.Есениннинг шеър ўқишидан олган таассуротини шундай ифодалаган эди: «...ҳаяжонланганимдан томоғим куруқшаб, бир нарса хиппа тикилгандек бўлди. Ҳўнграб йиғлагим келди»³¹.

Бизнингча, бутун бир шеърнинг ёки шеърий матн парчасининг таъсир кучини қуйидаги уч омил белгилайди. Аввало, сўзлар ташқи оламдаги муайян ҳодисани қайта тиклаши натижасида китобхон ҳис-туйғуларини жунбушга келтиради. Бундай матн парчаларини текширганда асосий эътибор фақат образли сўзларга қаратилади. Иккинчидан, сўзлар семантик жиҳатдан ўзаро бирикиб, матнда воқеий ҳолат ёки манзара яратади, бунда асосий вазифа - поэтик ҳис уйғотиш бевосита сўзларга эмас, манзаранинг ёрқинлиги ёхуд

³¹ Горький М. Асарлар. 10 томлик. 10-том. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 220.

ҳолатнинг кучига юкланади. Тўғри, шеърий матнлардаги манзара, ҳолат сўзлар воситасида бунёдга келади, лекин бунда сўз ёрдамчи, қўшимча вазифани бажаради. Учинчидан, кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб, қулоқ билан эшитиб бўлмайдиган мавҳум (абстракт) тушунчалар ва конкрет предметни эмас, у ҳақдаги тушунчани англатувчи сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви натижасида поэтик туйғуни юзага келади.

Масалан, шоир Ҳамид Олимжоннинг «Ўрик гуллаганда» шеърининг «*Новдаларни беаб гунчалар...*» сатридаги “*гунча*” сўзи билан Ғафур Ғуломнинг «Вакт» шеърининг «*Гунча очилгунча ўтган фурсатни...*» сатридаги “*гунча*” сўзини қиёслаш кифоя. Дастлабки ҳолдаги *гунча* биз ҳар баҳорда кўриб завқ оладиган аниқ табиат ҳодисаси бўлса, кейинги ҳолдаги *гунча* ушбу табиий ҳодиса ҳақидаги умумий тушунчани ифодалаб, шеърий матн таркибида ҳар бир дақиқанинг, фурсатнинг қайтмаслигини, улуғворлигини далиллаш учун хизмат қилмоқда.

Тилшуносликда мнемалар одатда иккига бўлиб ўрганилади, яъни образга тақлид сўзлар ва товушга тақлид сўзлар. Ҳақиқатан ҳам, бундай тақлидий сўзларнинг бири ташқи оламдаги зоҳирӣ, образли тасаввурларнинг сўзда ифодаланиши бўлса, иккинчиси турли хил товуш ҳодисаларининг сўзда ифодаланишидир. Лекин иккинчи ҳолатда ҳам образли тасаввурнинг иштироки катта, зотан, бу ўринда товуш чиқараётган жисм, ҳодиса кўз олдимизда яққол гавдаланади³². Бундай сўзлар муайян шеърий матн таркибида келганда эса, эртакларда сеҳргарнинг сирли таёқчаси бир тегиши билан оддий нарсаларни қимматбаҳо буюмларга айлантириб қўйгани сингари, ёндош сўзларни ўзининг образли тасаввур доирасига киритиб олади. Шоир ҳам бундай сўзларнинг кучига ишонади, сўзлар ҳам, ўз навбатида, шоирни ҳаяжонлантирган туйғуни, фикрий манзарани (шеърда манзара шунчаки манзара бўлмай, муайян фикрни ифодалашга хизмат қилади) тўла-тўқис яратиб беради:

*Шағирлайди бетиним дарё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар,*

³² Шунинг учун бўлса керак, айрим ўзбек тили дарсликларида бундай сўзларни яхлит «тасвирий сўзлар» категориясига киритиб, ундан сўнг уларни «тақлидий сўзлар» ва «образли сўзлар»га ажратилади, яъни бу сўзларни номлашда бош тамойил қилиб тасвирийлик олинади. Қаранг: Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-том. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 376.

*Шағирлайди қоронғи дунё,
Шағирлайди водий, даралар (Ҳ.Олимжон).*

Бу шеърӣ матн парчаси Ҳамид Олимжоннинг «Ҳолбуки, тун...» асарида олинган. Шеърда шоир туйғуларига даставвал туртки берган нарсa - бу тоғ дарёсининг тошчаларни йирик харсанглар орасидан олиб ўтиб, тинимсиз пастга ташиш жараёни натижасида ҳосил бўлган овоз. Бу бевосита биринчи сатрда ифодаланади. Дарёнинг овози аста-секин шоир шуурини эгаллай боради ва, пировардида, ваҳм тўлган жар ҳам қоронғи, дунё ҳам, водий, даралар ҳам шағирлай бошлайди. Дастлаб, “шағирлайди” сўзининг образли тасаввури шоир қалбида кўрқинчга ўхшаш бир туйғу уйғотади, ваҳм тўлган жар, қоронғи дунё сўзлари шундай туйғуга_тиргак бўлади. Бу биринчи банднинг поэтик маъноси. Лекин шеър сатрма-сатр, бандма-банд ана шу кўрқинч туйғусини бартараф этишнинг бадийи инкишофи сифатида ривожланади. Умуман айтганда, «Ҳолбуки, тун...» шеъри шоир билан чексиз сир-асрорга тўлиқ дунё, янада кенг маънода, инсон ва уни ўраб турган коинот орасидаги мураккаб муносабатнинг шеъриятдаги теран ифодасидир.

Инсон, дастлаб, ваҳимали ва сирли туюлган табиат ҳодисаларидан ўзи учун самарали маъно топа олади, ташқи олам стихияларидан ўз туйғуларига мос ҳолда фойдаланади. Инсон руҳиятининг буюклиги ҳам шу билан белгиланади. Шеърӣ матндаги поэтик маънонинг бу муҳим қирраси [чунки шеърдан ягона маъно излаш ва унда қатъий туриш ушбу шеърнинг бадийлигини, санъат асари эканлигини инкор этиш билан баробар, зотан, ҳар қандай ҳақиқий санъат асари «ўз-ўзича чексиз организм» (Гегель) бўлиб, унинг маъно жилолари ҳам турли-тумандир] сўнгги бандда, айниқса, биринчи ва охириги бандни солиштирганда, конкрет асосга эга бўлади. Бу шеърнинг охириги банди қуйидагича жаранглайди:

*Шағирларди осмон ва ҳаво,
Шағирларди бутун коинот.
Шағирларди бетиним дарё
Шағирларди дарёда ҳаёт...
Ҳолбуки, тун... (Ҳ.Олимжон).*

Қонцептуал маъно жихатдан биринчи ва охириги банд орасида айтарли фарқ йўқдай кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Агар

диққат қилинса, тадқиқотчи қаршисида бутунлай бошқа-бошқа шеърӣ бандлар кўзга ташланади. Шеърдаги бадий маъно силжиши шундай кескин ўзгаришга олиб келадики, бу ўзгариш бандларнинг сўз таркибидан тортиб, уларни ташкил этган товушларгача ўз муҳрини босади.

Иккинчи бандда биринчисига зид ўлароқ гармония ҳукмронлик қилади. Чунки энди стихияли, тартибсиз таассурот ўрнини муайян гўзаллик қонунларига монанд поэтик сезги эгаллайди. Шунининг оғибатга олиш лозимки, инсоннинг материяни шакллантириши фақат унинг актив амалий фаолиятига тегишли бўлмай, табиат ҳодисаларининг эстетик жиҳатдан идрок қилиши ҳамда уларга гўзаллик қонунларига мос ҳолда шакл ва мазмун бахш эта олиши, яъни маънавий фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Юқорида келтирилган шеърӣ банд фонологик томондан ҳам чексиз борлиқнинг сир-асрорларининг англаш каби сурурли ҳолатдан сўнг бўладиган бахтиёр дамларнинг моддий ифодаси сифатида жаранглайди. Дарҳақиқат, бу бандда кенг ёки очик унлилар бўлган *а* ва *о* унлилари (*ё* унлиси икки товуш бирикмасидан иборат: *й+о*) тўла ҳукмронлик қилади. Шунинг учун ҳам *шағирларди* сўзидан кейин келадиган аксар сўзлар кўкракни баланд кўтариб, овозни баралла қўйиб айтадиган сўзлардир. Матн таркибидаги кенг ва очик унлилар эшитиш органларига таъсир этиб, кенглик ва эркинлик ҳиссини туғдиради.

Биз бу бандда гармония - уйғунлик ҳукмрон, деб таъкидладик. Бу шеърӣ матндаги гармония ёки уйғунлик нимада кўринади? Бу саволга аниқ жавоб топиш учун дастлаб, банднинг сўз таркибидаги ўзгаришларни кўздан кечирайлик. Бошланғич банднинг биринчи сатридаги *бетиним дарё* ўрнининг *осмон ва ҳаво* эгаллади, *бетиним дарё* эса учинчи сатрга сурилди, чунки шоир шуурининг дастлаб банд этган *дарё шовқини* энди ортга чекинди, лирик қаҳрамон онгининг эса кенглик ва эркинлик кайфияти чулғаб олди. Ваҳм тўлган жар - бу жумла маъноси билангина эмас, балки товуш томони билан ҳам шеърхонда ваҳима уйғотади. *Ваҳм* сўзи таркибидаги сирғалувчи ундош *ҳ* билан портловчи-сирғалувчи бурун ундоши *м* ўртасида унли товуш бўлмаганидан икки товуш оралиғидаги ўтиш артикуляцион томондан қийинчилик туғдирадики, бу *жар* сўзидаги ваҳмни янада кучайтиради. *Жар* сўзида эса портловчи *ж* ва сирғалувчи-титроқ *р* ундошлари бирикиб, сўзнинг предметлик

маъносига қўшимча нозиклик жило (оттенка)си бериб, уни, яъни ваҳмни янада қуюқлаштиради. Шунинг учун ваҳм тўлган жарнинг ўрнини бутун коинот эгаллаши осмон ва ҳаводан пайдо бўлган кенглик ва озодлик туйғусини беҳад кенгайтириб, бутун коинот миқёсига олиб чиқади.

Шеърнинг бу бандида энди қоронғи дунёга ўрин қолмайди, лекин банддаги дастлабки туртки *бетиним дарё* ҳали ҳам шағирламоқда, аммо бу шағирлаш энди дарёда, тинимсиз, абадий ҳаёт куйи бўлиб жаранглайди.

Ана эндигина бошланғич банддан сўнг айтиш мумкин бўлмаган (чунки у банднинг ўзи том маънода туннинг инъикоси эди) шеърнинг сарлавҳасидаги сўзларни айтиш имкони туғилди. *Ҳолбуки, тун...* Шеърни ўқиганда ҳам, ички талаффуз қилганда ҳам бу сўзларни пасаювчи интонация билан паст овозда ўқийсиз, чунки шеърнинг бутун руҳи сизни шеърни шундай талаффуз қилишга гўё мажбур қилади. Бинобарин, пасаювчи интонация билан айтилган бу сўзлар зулмат ва ёвузлик кучларининг ёруғлик ва яхшилик кучлари қаршисида сўнгги талвасасидек ўткинчи бир ҳиссиётни туғдиради. Ҳар қандай *тунга* зид ўлароқ *музаффар ҳаёт* (А.Орипов) давом этаверади.

Худди шу ерда шеъринг матннинг охирги бандидаги яна бир ўзгаришни кўриб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Бошланғич бандда ҳозирги-келаси замон шаклида бўлган, *шағирлайди* феъли охирги бандга келиб ўтган замон давом феъли шаклига - *шағирлардига* айланади. Феълнинг бу замон шакли «маълум вақт, темпораллик тушунчаси билан чегараланмаган давомлиликни ифодалайди»³³. Зеро, феълнинг замон шаклидаги бу ўзгариш ҳам шеърнинг умумий поэтик ғоясини яна бир бор тасдиқлайди ва кучайтиришга хизмат қилади.

«Ғафур Ғуломнинг шеърида китобхонга айтадиган гапи ғоятда кўп бўлади. Бугунги кибернетика тили билан айтсак, унинг шеъри информацияга бойлиги билан ажралиб туради. У ҳар бандда воқеликнинг янги бир томонини очади. Ҳар бир бандда янги манзара чизади. Унинг «Кузги кўчатлар» деб аталган ноёб бир

³³ Мирзаев М., Усмонов С, Расулов И. Ўзбек тили. - Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 134.

шеъри бор. Унинг ҳар саккиз сатридан бир ажойиб қиссанинг манзарасини топасиз»³⁴.

Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг бу асари - ноёб шеърий матн намунаси. Унинг ноёблиги фақат воқеликнинг янги, ёрқин манзарасини чизишида эмас. Бу шеърдаги манзаралар ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шоир жонли-жонсиз мавжудотнинг кеч куз пайтидаги ўзига хос ташвиш-тайёргарликларини ўта ёрқин, аниқ деталлар ёрдамида гавдалантиришга муваффақ бўлган. Шеърда қиш ҳақида гап бўлмаса ҳам, шеърнинг дастлабки олти бандининг ҳар бири руҳида босиб келаётган қаҳратон қишнинг нафаси сезилиб туради. Чунки қишнинг биринчи элчиси - изғирин шеърий матннинг дастлабки сатрлариданок китобхон қалбидан мустаҳкам ўрин олади:

*Навқирон бир теракнинг чўққисида ошён -
Кеч куз тонготарини салом билан олқишлар.
Олтин тангалар каби барглар учар паришон,
Аллақачонлар кўчмиш бўғот тагига қушлар*³⁵.

Агар шеър матнига диққат қилинса, сарғайиш ва кексалик рамзи бўлган кеч куз ҳақидаги шеър авжи куч-қувватга тўлган, ёш, навқирон терак тасвири билан бошланмоқда. Шоир гўё табиатга жон ато этади, қушлар ошённи ташлаб, бўғот тагига кўчиб ўтганлар, лекин якка қолган ошён тушкунликка тушмасдан янги тонгни бардамлик билан олқишлайди (*олқишламоқ* сўзи замирида мамнунлик, ўз ҳолатидан шодлик каби маъно нозикликлари борлиги сезилади). Дарахтдан тўкилаётган заъфарон барглар *паришон* учади. Бу ўринда *паришон* сўзи фақат ҳар тарафга тартибсиз тўзғиб учаётган барглар ҳолатини ифодалагина қолмасдан, ҳаёт кузи етиб келган кекса кишининг паришон, тарқоқ хаёлларига ҳам сезилар-сезилмас ишора қилиб ўтади. Албатта, бу ерда Бобурнинг «*Хазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғайдим*» мисрасидагидек таққосланувчи параллел образлар йўқ, фақат *паришон* учаётган барглар бор, холос. Бинобарин, Бобурда поэтик ҳис-туйғу лирик қаҳрамоннинг «*хазон япроғи янглиғ*» ҳолати билан маҳбуба (кенг маънода инсон қуйиб, ёниб

³⁴ Ғафуров И. Ям-яшил дарахт. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – Б. 167-168.

³⁵ Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн икки томлик. II-том. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 156.

интиладиган ҳар қандай гўзал нарса)нинг «гул юзи» ўртасидаги зиддият тўқнашувида пайдо бўлади.

Дарвоқе, шоир Ғафур Ғуломда ҳам *паришон баргларга* ўхшатиш тарзида келтирилган, аслида унга маъно жиҳатидан зид бўлган *олтин тангалар* бор. Гўё *олтин тангалар*даги кўтаринкилик *паришон барглар*даги хазин руҳни мувозанатлаб туради.

*Барди кўрпаларини елкага қийғоч ташлаб,
Учиб қолган соқийдай гунгурс ухлайди тоқлар.*

*Пахсаларнинг бўйнига билак ташлаб, ёнбошлаб,
Хомуш уйқусирайди қўрғон тагида ноклар* [35,156].

Шеърда тасвирланган бу ёрқин манзарада реал ҳаётини асос мавжуд, лекин уни одатдаги насрий тил билан ифодалаганда жуда камбағал ва таъсирсиз чиқади. Совуқ урмаслиги учун тоқлар барди (қиёқ) билан ўраб қўйилган, пахса девор ёнига экилган нок шохлари тарвақайлаб кетиб, деворга суяниб қолган. Шоир ана шу одатдаги ғайри фавқулодда манзарани синчиклаб кузатган, натижада унинг учқур ҳаёли юқоридаги ноёб лавҳани чизиб қўяди. Ток шоир шуурида соқий, косагул тушунчаси билан таносиблашади. Соқий каби ток ҳам ўз фарзанди - май билан одамларни меҳмон қилади, ора-сира ўзи ҳам олиб турганидан учиб қолиб, гунгурс ухлайди. Ноклар эса пахсалар билан ишқ-муҳаббат суҳбатидан чарчаб, кузга келиб хомуш уйқусирайди.

Шундан кейин бу шеърини матн таркибига шоир Ғафур Ғулом ўзи энг севиб тасвирлайдиган образлардан бири - *қуёш* тасвирини олиб киради:

*Каттакон мис баркашдай бўғриққан, қон талашган,
Аранг чинор учига келиб қўнади қуёш.*

*Камҳафсала, бепарво, қилар иши қолмаган,
Юрайми,юрмайми, деб ер билан қилар кенгаши.*

Шоир Ғафур Ғулом қуёшни жуда севади, ардоқлайди. У қуёшни улуғлаб, унинг шаънига баланд пардаларда жуда кўп шеърлар битган. Бу ерда эса қуёш негадир анча пастлатилиб, заминга туширилиб, камҳафсала қилиб тасвирланган. Бунинг сабаби қуйидаги банддан маълум бўлади.

*Ҳу... Шудгор этагидан шу томонга йўл олур,
Иргайдай тетик, лобар боғбон Миришакар ота,
Узун узоқ сояси гўёки режа солур,
Елкада кетмон билан беш-ўн кўчат, албатта* [35,156].

Кўринадик, бу банддан шеър саҳнига ҳазрати инсон - боғбон Миршакар ота образи кириб келади. Шу банддан бошлаб шеърнинг биринчи ярмидаги камҳафсала ҳолат барҳам топиб, унинг ўрнини тетик, бардам кайфият эгаллайди. Ана энди олдинги бандлардаги оромга мойиллик ҳолатининг сабаби аниқлашади. Шоир табиатнинг актив, ижодкор ўзгартирувчиси инсонни улуғлаш ниятида шеърнинг биринчи қисмида махсус сокинлик кайфияти яратгани ва уни инсоннинг тиниб-тинчимаслиги, доимо бирор нарсага интилиб яшашига қарама-қарши қўйганлиги маълум бўлади. Бу қарама-қаршилиқ жуда усталиқ билан пардаланган. Аммо биз қуёшнинг хатти-ҳаракати билан Миршакар ота белгиларини ўзаро солиштирсак, бу ҳолат яққол кўзга ташланади. Қуёш - камҳафсала, бепарво бўлса, Миршакар ота ирғайдай тетик, лобардир. Қуёшнинг қилар иши қолмаган, Миршакар ота эса кўчат экиш, кўкартириш билан банд. Шу ерга келиб шеърнинг биринчи сатридаги навқирон теракнинг адл қомати Миршакар ота умрининг бевосита давоми - у эккан кўчатларнинг шамшод қоматлари билан тасаввурда бирикади.

Бу шеърнинг сарлавҳаси моҳирлик билан пардаланган оксюмарондир. Куз - кексалиқ, ўтиб бўлганлик рамзи бўлса, кўчат – навнихоллик, янги бошланган ҳаёт тимсолидир. Миршакар ота ўз ҳаётининг кузида ҳам кўчат экишни қўймайди, у бу қарама-қаршилиқни ҳал этиб, *«Одамзод ўлмайди-ку, кимдир ахир теради»* деган доно ва улуғ ҳикматга амал қилади. *«Кузги кўчатлар»* шеъри бутун туриши билан шоирнинг инсон ҳақида *«фақат ўзинг буюксан Қуёш системасида»* деган шеърий формуласининг поэтик исботи ўлароқ жаранглайди.

Аммо шуни ҳам инобатга олиш лозимки, предметлик хусусиятига эга бўлган ҳар қандай сўз ҳам тасвирийликни юзага келтиравермайди. Бунинг учун шоир ташқи оламнинг бирор характерли картинасини яратиш орқали ўзининг муайян бадий ниятини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган бўлиши керак. Ўзбек адабиётида шундай шеърлар борки, улардаги бадийятга адабиётдан кўра кўпроқ илм-фаннинг қуроли бўлган фикр воситасида эришилади. Масалан, қуйидаги шеърий матн - тўртликка диққат қилайлик:

Булбул ўгай эрур зоглар орасида,
Югурик сув ўгай тоғлар орасида.

*Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз,
Ўғай бўлсак нетонг соғлар орасида* (А.Орипов).

Бу шеър таркибида бевосита предметни англатадиган конкрет сўзлар анчагина қўлланган. *Булбул, зог, сув, тоғ* ва бошқа сўзлар шулар жумласидандир. Лекин биз шеърни ўқиш жараёнида шу сўзлар англатадиган нарсаларни тасаввуримизда қайта тиклаймизми? Йўқ, улар бизнинг онгимизда ўзлари номлаган нарсалар ҳақидаги мавҳум тушунчалигича қолаверади. Чунки шоир бизнинг тасаввуримизни жонлантиришни мақсад ҳам қилиб қўймаган. Шоирнинг нияти бутунлай бошқача.

Шеърдаги бутун «воқеа» бир-бирига контраст уч жуфтлик - *булбул ва зоглар, югурик сув ва тоғлар, биз ва соғлар* ўртасида содир бўлади. Уларнинг муносабати битта сўз – *ўғай* сўзида мужассамлашган. Бу сўз тўртликнинг марказий сўзи, образли қилиб айтганда, умуртқа суяги, концептуал асосидир. Лекин шу уч ёндош ва қарама-қарши тушунчанинг бир-бирига «ўғай» муносабатидан бадий асар, яъни шеър қандай вужудга келди?

Тўртликнинг қофияланиш тартиби *а-а-б-а* бўлиб, худди шу тартибда қофияланадиган рубойларга мос келади. Одатда, рубойларда учинчи - қофиядан озод сатрда асосий гап ўртага ташланади, таъбир жоиз бўлса, сўнгги сатрда отилиши керак бўлган милтиқ учинчи сатрда ўқланади. Бунда, кўпинча, сабаб ва оқибат категориясининг ўзаро мураккаб алоқаси намоён бўлади:

*Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз - сабаб,
Ўғай бўлсак нетонг соғлар орасида - оқибат.*

Аммо бу мантиқий силлогизм бўлмай, аввал таъкидлаганимиздек, бадий асар – шеър матндир. Бунда шеър рух *ўғай билан бемор ва соғ* сўзлари орасидаги кўп томонлама маъно нозикликлари, қочириклари заминида туғилади.

Умуман олганда, беморлик ҳавас қиладиган нарса эмас. Халқда соғлиғинг - бойлигинг, деган мақол ҳам бор. Аммо лирик қаҳрамон муҳаббат дардидан бемор бўлса-чи? Бу энди бошқа гап. Энди *бемор* тушунчаси нохуш нарсадан олижаноб хислатга айланади ва, ўз навбатида, *соғ* сўзини тескари ўгирилишга мажбур этади. *Соғ* сўзи тескари, зид маънодагина шеърнинг қарама-қарши кутблар занжирида ўз ўрнини топа олади: *булбул - югурик сув* - биз уларга зид *зоғлар - тоғлар - соғлар*. Бу шеър матнда қўлланган зид маъноли сўзларнинг ҳар бири матн таркибида жуда муҳим

ғоявий-эстетик юкка эга. *Булбул* - Шарқ поэзиясида азалдан ошиқлик рамзи, у одатда жуда нозик ва ҳимоясиз. *Югурик сув* - шунинг учун югурикки, тоғ уни бир дақиқа ҳам ўз бағрида тутгуси йўқ, пастга қувгани-қувган. *Биз* эса - булбул ва югурик сувнинг ҳамма хусусиятларини ўзига сингдиради.

Булбул сўзида ижобийлик қанча кучли бўлса, *зоғ* сўзида салбийлик шунча кучли, ана шу салбийлик эмоционал-экспрессив томондан нейтрал *тоғ* сўзига ҳам ўз таъсирини ўтказади³⁶. «Кавказ» шеъридаги *тоғ* улуғворлик ва юксаклик тимсоли бўлса, тўртликдаги *тоғ* - баҳайбатлик ва зулмкорлик рамзидир. *Созлар* ўзининг тескари маъносига ўтиб (чинакам касал - ана шулар), икки ҳамжинсига муносиб ҳолда китобхон учун нафратга лойиқ, ўй-хаёли бойлик ва шахсий ҳузур-ҳаловат бўлган кимсаларнинг йиғма тимсолига айланиб кетади.

Негаки, одамлар *зоғ*ни эмас, *булбул*ни тинглашади ва ардоқлашади. *Югурик сувлар* йиғилиб, албатта, жилғага, жилғалар эса ирмоққа айланади, ирмоқлар қўшилишиб, одамларга обихаёт таратувчи дарё бўлади. Шеърдаги муҳаббат фақат аёл зотида бўлган муҳаббат эмас, балки бутун борлиққа, дунёга, аҳли оламга бўлган муҳаббат тимсоли сифатида жаранглайди. Шунинг учун ҳам дунёни «*муҳаббат дардидан бемор қалблар*»гина ўз елкаларида кўтариб турадилар.

Биз бу кузатишларда, шак-шубҳасиз, бадий қийматга эга бўлган шеърий матнларга мурожаат қилдик, зеро, позитив материал асосида чиқарилган хулосаларгина муайян тил бирликларининг матндаги ижтимоий хосланишига доир назарий, айниқса, амалий хулосалар чиқаришга асос бўлиб хизмат қилади. Лекин биров тошдан санъат яратса, бошқа биров худди шу тош билан бировнинг бошини ёради. Шунга ўхшаш ҳар уч йўлда ҳам турлича «*бош ёриш*»лар бўлиши мумкин. Чунончи, шеърий матн таркибини образли сўзлар билан тўлдириб ташлаш поэтик фикрдан маҳрум жимжимадорликка олиб боради. Агар шеърий матн таҳлилида тасвир тасвир учун тамойилига амал қилинса, шеърдаги тасвир, картина унинг фикр ва туйғулар оқимида янги тўлқин олиб қирмайди, балки бу шеър қуруқ тавсифдан нарига ўтмайди.

³⁶ Бошқа бир шеърий матнда “тоғ” сўзи бутунлай бошқа, кўтаринки оҳангда жаранглайди:
Юксаклик истасанг тоққа чиқ фақат, // Теранлик истасанг денгизларга боқ (А. Орипов. Кавказ).

Тафаккур оламида теран маъноли фикрлар кўп, аммо уларни шеъриятнинг ташқи талабларига мослаш билан ҳақиқий шеър яратилмайди, балки фикрбозлик юзага келади, холос. Табиийки, адабий жараёнда баъзан учраб турадиган бундай негатив ҳолатлар шеърий матнлар орқали ифодаланадиган тўлақонли эстетик таъсирни йўққа чиқаради.

Умуман олганда, сўз бадиий ва публицистик матнлар таркибида эстетик таъсирнинг, ижтимоий хосланишнинг асосий қуролидир. Аммо ҳар қандай сўз хоҳлаган тартибда уюшиб келганида эстетик таъсирнинг манбаи бўлавермайди. Бунинг учун сўзга ёрқин шеърий истеъдод ўз муҳрини босган бўлиши керак. Шеърий матн таркибида сўзнинг эстетик таъсир кучи, унинг ижтимоий хосланиши ўрганилар экан, Шоир Ҳайдар Хоразмий бадиий матндаги сўзнинг ўрни ҳақидаги қуйидаги сатрларини доимо ёдда тутмоқ лозим бўлади:

*Сўзда керак маънию маънида завқ,
Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ.*

Назорат саволлари:

1. Шеърий матннинг эстетик таъсир кучи ва унинг уч омили ҳақида.
2. “*Ҳолбуки тун...*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида.
3. Ғ.Ғуломнинг “*Кузги кўчатлар*” шеърида “қуёш” сўзи тасвиридаги ўзига хослик.
4. А.Орипов тўртлигида “*ўғай*” сўзининг тутган марказий ўрни ҳақида.
5. Сўз бадиий ва публицистик матнларда эстетик таъсирнинг асосий қуроли сифатида.

6-маъруза

БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНЛАРДА СЎЗНИНГ ЯХЛИТ, ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: сўз, шеърий матн, шеърий матн таҳлили, шеърий матннинг сўзма-сўз таҳлили, шеърда сўзларнинг жойлашув тартиби, шеърий матннинг концептуал маъноси, шеърий матннинг поэтик маъноси, бадиий асарни бир бутун ҳолда яхлит таҳлил қилиш, шеърий матннинг яхлит, лингвопоэтик

таҳлили, шеърдаги нозик ҳиссиётлар пардасига ўралган поэтик руҳ.

Бадиий услубга хосланган матнлар орасида шеърий матнни таҳлил қилиш ниҳоятда қийин ва мураккаб жараён саналади. Агар шеърий матн том маънодаги бадиий маҳорат самараси бўлса китобхон кўз онгида тугал қиёфа касб этади. Шеърий матнни таҳлил қилиш унинг мазмунини оддий сўзлаб беришдан иборат эмас. Чунки муайян шеърий матн маълум бир сўзларнинг айни шундай жойлашувидан юзага келган бадиий асардир, агар шеърдаги шу ҳолат бузилса, ўша шеърнинг поэтик мазмунига ҳам жиддий путур етади. Шеърий матн мазмунини сўзлаб бериш унинг ўзини қайта ўқиш билан тенгдир. Негаки асл шеърдаги сўзларнинг жойлашув тартибини поэтик маънога зарар етказмасдан ўзгартириш жуда мушкул иш саналади.

Шеърий матн адабий танқид, адабиётшунослик, лингвопоэтикада ҳозирги вақтда жуди хилма-хил йўллар билан таҳлил қилинади. Ана шундай шеърий матн таҳлилининг фақат иккитаси кенг тарқалган: а) шеърдан олинган шахсий тассурот баён қилинади; б) шеърдаги маълум бир таянч сўз белгиланиб, ана шу сўз атрофида шеърий матн таҳлили амалга оширилади.

Шеърий матн таҳлилининг дастлабки йўли китобхонни шеърдан таъсирланишга ўргатади, лекин таҳлилнинг бу йўли ўзининг субъектив характери туфайли ҳаммавақт ҳам асосли бўлавермаслиги мумкин.

Маълумки, ҳақиқий шеърий матнда сўзлар органик бутунликда яшайди. Маълум бир сўзни органик бутунликдаги шеърий матндан узиб олиб таҳлил қилиш илмий таҳлилдан кўра ўша шеър ҳақидаги эркин мавзуда фикр юритишга ўхшайди, яъни бу усулда баъзан шеърнинг асл, объектив маъноси четда қолиб, тадқиқотчи ўзига ёққан маънони айланма йўллар билан келтириб чиқариши, баъзан бадиий жиҳатдан бўш матнни осмонга кўтариши ёки аксинча, асл шеърий матнни бутунлай йўққа чиқариши ҳеч гап эмас. Кўпинча бадиий жиҳатдан бўш шеърлар шу усулда таҳлил қилиниб, уларнинг адабиёт оламидаги “юксак парвози” таъминланади.

Шеърий матнни таҳлил қилиш дейилганда унинг бадиий мазмунини очиш тушунилади. Ёмон, бадиий жиҳатдан бўш шеърий

матнларда бадиий мазмуннинг ўзи бўлмайди, демак, бадиий мазмунсиз шеърий матннинг таҳлили аравани қуруқ олиб қочиш билан барабардир.

Ҳозирги замон филология илмида бадиий асарни, жумладан, шеърий матнни таҳлил қилишнинг илмий асосли йўли асарни бир бутун ҳолда таҳлил қилиш (целостный анализ текста) мавжуд бўлиб, уни бошқа тарзда лингвопоэтик таҳлил усули ҳам дейиш мумкин. Бундай таҳлил усулида бадиий матн яхлит бутунликда олиб қаралади, ундаги ҳар бир элемент (сўз) тадқиқотчи диққат эътиборида бўлади, шу кичик бир элементнинг ҳам матн таркибида бирор бир маъно ташуви, эстетик қимматга эга бўлиши инобатга олинади. “Чинакам бадиий асарда ҳар бир деталь, ҳар бир услубий хусусият, охир-оқибатда ҳар бир сўз зарур, яъни образли вазифадор, муайян бир маъно ташишга хизмат қилади”³⁷. Бундай таҳлил “анализ” деб юритилса-да, унинг замирида синтез хусусияти ҳам мавжуд бўлади. Чунки бундай таҳлил усулида шеърий матн фақат бўлакларга (қисмларга) бўлиниб таҳлил қилинмасдан, бундай таҳлил охирида шеърий матн замиридаги яхлит бадиий мазмун ярқ этиб кўзга ташланиши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам ўз таркибида анализ ва синтез элементларини бирлаштирган бу таҳлил усули шеърий матннинг бир бутун таҳлил усули ёки лингвопоэтик таҳлил усули деб юритилади.

Лингвопоэтик таҳлил усули илмий жиҳатдан асосли бўлишига қарамай, унинг бир қатор қийинчиликлари бор. Бу қийинчиликлар у ёки бу асарга ёндошув жараёнида аён бўлади. Чунки бу таҳлил усулида ҳар бир шеърий матнда индивидуал тарзда, алоҳида ёндошиш талаб қилинади. Маълум бир шеърий матн таҳлилида зарур, фойдали бўлган таҳлил усули иккинчи бир шеърий матн таҳлилида унчалик фойда бермаслиги мумкин. Бундан кўринадики, шеърий матннинг бир бутун яхлит таҳлили, лингвопоэтик таҳлили усули ўзининг жуда кўплаб кўринишлари, қисмларига эга. Лингвопоэтик таҳлилнинг ана шундай кўринишларидан бири шеърий матннинг сўзма-сўз таҳлил усулидир. Бу усулда шеърий матннинг лингвопоэтик таҳлили сўз орқали, шеърнинг сўзга боғлиқ мисра, қофия, туроқ, оҳанг, пауза каби элементларига суянган ҳолда олиб борилади. Аммо бу таҳлил усулини ҳам қолип усулида

³⁷ Гуковский Г.А. Изучение литературного произведения в школе. – М.-Л., 1966. – С. 103.

фойдаланиб, барча шеърий матнларга бирдек қўлланиш мумкин эмас, яъни ҳар бир шеърий матн бу таҳлил усулида конкрет, индивидуал ёндошувни талаб қилади. Бу ўринда биринчи вазифа таҳлил қилинаётган шеърий матндаги етакчи сўзни белгилаш, (доминанта)ни топишдан иборатдир. Ана шу доминант белгилар тўғри ва аниқ топилса, лингвопоэтик таҳлил аниқ ва илмий жиҳатдан асосли бўлиб чиқади. Масалан, шоир Эркин Воҳидовнинг “Шоир умри” деб номланган пародия-шеърдан олинган қуйидаги матн парчасига диққат қилайлик:

*“Мана, мен Лермонтов ёшига етдим,
Бир шоир умрини яшадим чиндан”.
Қанча қозғоларнинг бошига етдим,
Ва лекин Лермонтов чиқмади мендан.
Дўстларим, ортиқча камтарлик нега,
Келажак ўн йилни кўрдим олдиндан.
Вақт келар, етарман Пушкин ёшига,
Ўшанда... Пушкин ҳам чиқмайди мендан”³⁸.*

Юқорида келтирилган шеърий матннинг доминантаси, асосий белгиси нима, деган савол туғилиши табиий. Бу матннинг етакчи сўзлари – икки шоирнинг номи, *антропоним (Лермонтов, Пушкин)*, етакчи белги эса лирик қаҳрамон – шоир “мен”ининг ўз-ўзини фoш этишидир. Ана шу икки хусусият бу шеърий матн лингвопоэтик таҳлилининг асосини ташкил этади.

Юқорида келтирилган шеърий матндаги лирик қаҳрамоннинг сўзлаш оҳангида маҳобат, муболаға, кўтаринки оҳанг сезилиб туради. Бу оҳанг Пушкин ва Лермонтовнинг мангу умри ва “думбул шоир” – лирик қаҳрамоннинг уларга номуносиб ёши – бу шеърий матнни бадиий асар сифатида кўтариб турган асосий омиллардир.

Лирик қаҳрамон – “мен” ўзининг нотавонлигидан ор қилиш ўрнига фахрланиб гап сотаётган бир шоир қиёфасида намоён бўлади. Бу ҳолатни мазкур шеърнинг пародия жанрида ёзилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Нима бўлганда ҳам “думбул шоир”нинг гап сотиши, мақтанчоқлик қилиши бу шеърнинг муҳим элементига айланган.

³⁸ Воҳидов Э. Сайланма. Биринчи жилд. Ишқ савдоси.. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти, 2000. – Б. 44.

Шоввоз шоирнинг хатти-ҳаракати унинг мақтаниб гап сотиш оҳангига, сўзларига ўтиб қолгандай туюлади. Шеърни ўқиган китобхон лирик қаҳрамон - “мен”нинг кибрли, шу билан бирга кулгили қиёфасини худди сахнадагидек аниқ кўриб туради. Шеърдаги ҳар бир сўз лирик қаҳрамон – думбул шоир қиёфасининг янги томонларини очишга хизмат қилади.

Шеърдаги дастлабки мисрада етакчи сўз – *Лермонтов ёшидан* бошқа сўзлар *мана мен* деб кўкрагига уриб мақтанаётган кимсани кўз олдимизга келтиради, мисрадаги *етдим* сўзи эса ортидан зўр ишни қойил қилиб, ё бўлмаса оғир масофани босиб ўтиб етдим деб керилиб турган ўша шоир қиёфаси яна пайдо бўлади. Бунда сўзнинг алоҳида сатр билан ёзилиши, шунинг таъсирида мисранинг алоҳида бир тўхтам (пауза) билан талаффуз қилиниши ҳам муҳим аҳамият касб этади. *Лермонтов ёши* ҳам ҳозирча бу шоирга кучли фахр ва ғурур бағишлайди.

Шеъринг матннинг иккинчи мисрасида асосий эътибор *шоир умри* бирикмасига қаратилади. Лекин ҳозирча бу умрнинг қандай умр эканлиги китобхондан сир тутилади.

Шеъринг матннинг учинчи мисрасидан лирик қаҳрамон – думбул шоирнинг “тилидан тутилиш” жараёни бошланади. Ана шу мисрадан бошлаб шоир аталмиш бу одам ўзини ўзи фош эта бошлайди. Қанча қоғозларнинг бошига етдим ҳамроҳ қофиядош мисра таъсирида онгнинг қайсидир катламларида “қоғозларнинггина эмас, Лермонтовнинг бошига етдим” сифатида жарангдор эшитилади. Чунки Лермонтов айти шу оқ қоғоз саҳифалари орқали ўзининг буюклик шарафига эришган эди. Бу ўринда лирик қаҳрамон – думбул шоир “осилсанг, баланд дорга осил” қабилида иш тутиб, ўзини Лермонтовга тенглаштиришга интилади. Бу эса китобхон кўз ўнгида буюк шоир Лермонтов руҳига иснод, унинг бошига етишга ўхшаш нарсаси сифатида тасаввур ҳосил қилади.

Ана шу тасаввур таъсирида шеъринг матннинг тўртинчи мисраси китобхон томонидан илгаридан маълум, шубҳа уйғотмайдиган гап сингари қабул қилинади. Негаки, рамзий маънода бўлса-да, Лермонтов бошига етган кимса – думбул шоирдан Лермонтов чикмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Ана шунинг ҳам мисра таркибидаги “*мендан*” сўзини лирик қаҳрамон – шоввоз

шоир биров пастроқ оҳангда ҳафсаласизлик билан талаффуз қилади.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, курук дабдабага ўрганиб қолган лирик қаҳрамон – думбул шоир нафасини биров ростлаб олиб, яна чирранишни, мақтаниб керилишни бошлайди. Энди у келажакдан ўзига тасалли қидиради: *Вақт келар, етарман Пушкин...* Ўқишдаги пауза, ёзилишда сатр охирлаганидан кўрингани сингари лирик қаҳрамон ҳам шу ерда бир тўхтаб олиб, бехосдан “*етарман Пушкинга!*” деб юборишига сал қолади. Шоввоз шоир бундай дейишга, фахрланишга журъат этолмай “ёшига” сўзини истар-истамай бир амаллаб айтиб қўяди; “*ўшанда*” сўзи талаффузида эса чуқур бир нафас олиб, ўзидан ҳам, оламдан ҳам ҳафсаласи пир бўлган ҳолда секингина *Пушкин ҳам чиқмайди мендан* деб ўз шеърий нутқини тугатади.

Шуниси эътиборлики, бу шеърда гарчи Лермонтов ёши ҳақида гап кетса-да, аслида бугдай тушунча, тасаввур кўзга ташланмайди. Фақат тарихий шахс - улуғ шоир Лермонтовнинг шоввоз шоирга ўтган 27 ёши бор, холос. Тўртинчи мисрада мавжуд *Лермонтов* сўзи эса буюк Лермонтовнинг адабиёт, шеърият оламидаги обрў-эътиборини йиғма ҳолида ифодалашга хизмат қилади.

Шеърий матнда келтирилган *Пушкин ёши* бирикмаси ҳам китобхонда худди шундай тасаввур уйғотади. Чунки *Пушкин ёши* бирикмасида Пушкин йўқ, фақат 38 ёш бор, холос. Шеърнинг лирик қаҳрамони – шоввоз шоир Пушкин ёшига ҳам албатта етади, чунки ўтаётган йиллар, умр ундан рухсат сўрамасдан ҳам ўтаверади. Аммо шоввоз шоирдан гениал Пушкин чиқмаслиги аниқ.

Шеърий матннинг бу мисрасидаги *Пушкин* сўзи гениал шоир Пушкиннинг шон-шарафидан, буюклик рамзига айланган бу қутлуғ ном – тарихий шахснинг бутун кучидан фойдаланади.

Шунда иккинчи мисрадаги *шоир умри* курук 27 йилдан, шеър сўнгидаги “аванс” умр бесамар 38 йилдан иборат эканлиги маълум бўлиб қолади. Бу рақамлар Пушкин ва Лермонтовнинг боқий умри олдида тасодифиу ва кичик нарсаларга айланади. Яъни лирик қаҳрамон – шоввоз шоирнинг ёши пуч ёш, умри эса пуч умр эканлиги маълум бўлади.

Шоввоз шоир ўзининг ана шундай нотавонлигини билади, лекин ана шу ҳақиқатни ҳам дабдаба, мақтанчоқлик пардаси билан

ёпмоқчи бўлади. Лирик қаҳрамон умри давомида амалга ошмаган ишларидан – “*Лермонтов чиқмади*”, “*Пушкин чиқмайди*” деб керилар экан, бу ҳолат китобхонда аччиқ кулги кўзғайди. Аслини олганда, ҳақиқий шоирларнинг умри қандайдир йиллар билан ўлчанмайди, *Пушкин, Лермонтов* каби даҳо шоирларнинг умри эса боқийликка дахлдордир.

Бу шеърий матнда икки буюк шоирнинг номи икки карра такрор қўлланган. Бу такрорлар матнда *Лермонтов ёши – Лермонтов, Пушкин ёши – Пушкин* зиддиятларини ҳосил қилиш учун бўйсундирилган. Бу зиддиятларнинг қўлланишидан мақсад фоний дунёда кечган йиллар саноғи гениал шоирлар учун мутлақо аҳамиятли эмас, уларнинг ёши, умри мангуликка тенг, деган муҳим илмий хулосани таъкидлашдир.

Аммо бу гениал шоирларнинг ёруғ дунёда кечирган йиллари, ёши шоирликка даъвогар кимсага – шоввоз шоирга керак. У ўзининг пуч ёшини даҳо шоирлар умрига таққослаб, шон-шарафга эга бўлиш ниятида. Лекин бу ўринда ҳам калтак ўша шоввоз шоирнинг ўз бошига синади, яъни генийликка, даҳоликка давогар ўз давосидан кечади, *Лермонтов* ва *Пушкин* каби буюк шоирларнинг номи уни шундай қилишга мажбур қилади.

Демак, бу таҳлилдан кўринадики, шеърий матнни юқоридаги сингари яхлит сўзма-сўз таҳлил қилиш ўша шеърдаги бадиий мазмунни, кўзга ташланмайдиган нозик маъно қочирилларини очиб бериш учун бой имкониятлар яратади.

Шу ўринда бир савол туғилади. Ҳар қандай шеър сўзлардан ташкил топганидек, унинг ҳар қандай таҳлили ҳам сўз орқали амалга оширилади-ку! Шеърий матннинг яхлит, бир бутун лингвопоэтик таҳлили бошқа таҳлиллардан қандай хусусияти билан ажралиб туради? Тўғри, шеърий матннинг барча таҳлиллари ҳам сўзга таяниб иш кўради, лекин бошқа таҳлиллар шеър таркибига кирган сўзларни бирма-бир изоҳлаш, унинг ботиний мазмунини очиш асосига қурилмайди. Ўз вақтида улуғ В.Г.Белинский тўғри таъкидлаганидек, “лирик асарда, ҳар қандай поэзияда бўлгани сингари, фикр сўз билан баён қилинади, лекин у фикр сезги орқасига яширинган бўлади ва бизда мушоҳада уйғотади, буни эса онгнинг очик ва аниқ тилига кўчириш қийин”³⁹.

³⁹ Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1955. – Б. 142.

Юксак бадий маҳорат намунаси бўлган шеърий матнларнинг мазмуни “тутқич бермас ва оний сезгидан иборат бўлиб” [37, 140], улар соф лирик шеърлардир. Бундай шеърларни сўз орқали таҳлил қилиш мумкин эмас. Агар шундай таҳлил қилинса асар матни таркибида нозик ҳиссиётлар пардасига ўралган бадий маъно – поэтик руҳ очилмай қолади. Бундан кўринадики, бундай лирик шеърларнинг поэтик маъноси бевосита сўзда бўлмай, сўз ёрдамида юзага келган ҳиссий туйғуларда намоён бўлади. Шунинг учун бундай шеърий матнлар таҳлили ҳақида гап кетар экан, кўпинча тадқиқотчилар бу шеърдан олган ўз ҳис-ҳаяжонини изҳор қилиш билан чекланадилар.

Масалан: Ҳамид Олимжоннинг “Хаёлимда бўлдинг узун кун...” деб номланувчи лирик шеъри шундай мисралар билан тугалланади:

*Кеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар
Пишқиради билмай тинимни.
Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
Солиб қўйдинг ёдимга кимни?...⁴⁰*

Бу шеърий матн таркибидаги сўзлар бирор мантикий фикр ифодаламасдан, фақат ҳиссиётга таъсир этиш ва китобхонда ассоциатив туйғулар уйғотиш учун хизмат қилмоқда. Бу шеърнинг поэтик мазмуни унинг ичида эмас, балки ундан ташқарида, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳам шеърий матн таркибида, ҳам ундан ташқарида ўз ифодасига эга бўлмоқда.

Тадқиқотчи олимлар лирик шеърдаги маъно, поэтик мазмунни қуйидагича иккига ажратиб ўрганадилар: а) концептуал маъно, б) поэтик маъно⁴¹. Бу маънолар орасидаги муносабат, алоқадорлик турли шеърларда турлича хусусиятга эга. Юқорида биз келтирган шеърий матнда ифодаланаётган поэтик маъно унинг замиридаги концептуал маънодан анча устунлик қилади. Шунинг учун ҳам бу шеърий матни сўзма-сўз таҳлил қилиш яхши самара бермайди, уни яхлит, лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганиш орқалигина унинг замиридаги нозик поэтик ҳис-туйғуни англаш мумкин.

Демак, бундан кўринадики, ҳар бир шеърий матн таҳлилига конкрет ёндошиш лозим бўлади. Ҳамма шеърий матнга бирдек мос

⁴⁰ Ҳамид Олимжон. Мукамал асарлар тўплами. Ўн томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 198.

⁴¹ Звегинцев В.А. О значениях и значимостях в поэзии // Замысел, труд, воплощение. – М.: Наука, 1977. – С. 12.

тушадиган таҳлил қилиш усули йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шеърый матнни сўзма-сўз таҳлил қилиш концептуал маъноси устун бўлган шеърларга мувофиқ келади. Поэтик маъноси устун, соф лирик шеърый матнлар таҳлилининг самарали усуллари кидириб топиш ва амалда қўллаш лингвопоэтика соҳаси билан шуғулланувчи олимлар олдида турган долзарб вазифалардан бири саналади.

Назорат саволлари:

1. Бадиий матнни таҳлил қилиш усуллари ҳақида тушунча.
2. Шеърый матнни сўзма-сўз таҳлил қилиш унинг бадиий мазмунини очиш демакдир.
3. Бадиий асарни бир бутун таҳлил қилиш (целостный анализ текста), унинг моҳияти, матнни таҳлил қилишнинг бошқа усулларида фарқли жиҳатлари.
4. Э.Воҳидовнинг “Шоир умри” шеърини яхлит, бир бутун ҳолда таҳлил қилиш имкониятлари.
5. Ҳамид Олимжоннинг “Хаёлимда бўлдинг узун кун...” шеърининг лингвопоэтик таҳлили ҳақида.

7-майруза

БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА СЎЗНИНГ ДИНАМИК ХУСУСИЯТИ ҲАҚИДА


Таянч сўз ва иборалар: шеърый матн, сўз-компонент, динамик хусусият, публицистик матн, семантик алоқалар, шеърый банднинг поэтик мазмуни, мисралараро зиддият, шеърый матннинг товуш тўқимаси, шеърый матнда байрамона кўтаринки руҳ, шеърый матннинг бир неча қисмли таҳлили, матндаги ҳаракатчан динамик сўзлар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърдан олинган куйидаги мисраларга эътибор қаратайлик:

*Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,
Ҳаммасига гувоҳ – ер ости.
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро
Жаҳонгири кам бўлар рости.
Беш асрким, назмий саройни
Титратади занжирбанд бир шер.*

Темур тиги етмаган жойни
 Қалам билан олди Алишер,
 Дунё бўлди чаманим маним,
 Ўзбекистон, Ватаним маним⁴².

Келтирилган шеърий матнни ташкил этган сўзлар орасидаги семантик алоқани схемада қуйидагича акс эттириш мумкин:



Бу схемада кўрсатилган ва кўрсатиш мумкин бўлмаган ўзаро ички семантик алоқалар натижасида шеърий матнда ўзига хос бадиий мазмун юзага келган. Матн таҳлили билан шуғулланувчи ҳар қандай филолог бу шеърий матндаги семантик алоқаларни тўғри илғаб, уни аниқ ифодалай олсагина, шеърдаги бадиият сирини очишга муваффақ бўлади. Шунда ҳам шеърий матннинг сеҳри сеҳрлигича қолади, фақат бу ўринда шеърий матнга, унинг таркибидаги сўзларнинг ижтимоий хосланиш хусусиятини талқин қилишнинг объектив, тўғри асослари яратилади, холос.

Шеърий матндаги сўзларнинг ўзаро семантик алоқаларини қуйидагича иккига ажратиш мумкин: 1) сўзларнинг мазмун жиҳатдан матнда ўзаро мос келиши; 2) шеърий матн таркибидаги

⁴² Абдулла Орипов. Сайланма (шеърлар, туркумлар ва достон). – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1996. – Б. 120.

сўзларда қарама-қарши, зиддиятли, контраст ҳолатларнинг намоён бўлиши.

Умуман, таҳлилга тортиладиган шеърий парчаларда бадий мазмун худди ана шундай сўзларнинг ўзаро семантик жиҳатдан ё мутаносиблик, ё зиддият асосида намоён бўлади. Инсон миясидаги фикрлаш тарзи аслида объектив олам, ўқиладиган матн ҳақида худди шундай икки хил инъикосли тасаввурни вужудга келтиради. Дарвоқе, инсоннинг тафаккур қилиш тарзида ҳам бир фикр ё ўзига ўхшашини, ёки унинг зиддиятли ҳолатини етаклаб келишини психоллингвист олимлар ҳам қайта-қайта таъкидлашган. Аммо шеърий матндаги ана шундай семантик алоқаларда зиддиятли, контраст ҳолатлар анча устунлик қилади.

Матнда сўзлар орасидаги семантик алоқалар натижасида ўша матн компонентлари, бутун бир шеърий матннинг маъно қуввати ошиб, ўзига хос жозибадорлик кашф этади. Бадийлик, таъсирчанлик кўп жиҳатдан сўзларнинг ана шундай ҳаракатчанлиги (динамик хусусияти)га боғлиқ. Бадиият сеҳрига чулғанган сўзлар шеърий матн таркибида кўзга сирли кўриниб, мазмуни ғамгин ёхуд қувноқ бўлишидан қатъи назар, кишига аллақандай қувонч, завқ, ғурур бағишлайди. Бундай асар матни билан танишиш худди севимли киши билан мулоқотдек тансиқ, ҳузурбахш хусусиятга эга бўлади.

Юқорида келтирилган шеърий банд матнида байрамона юксак руҳ ҳукмронлик қилади. Аммо дастлабки икки мисрада ана шу кўтаринки руҳга зид ўлароқ, атайлаб пастлаштирилган ҳорғин оҳанг ҳам эшитилади. Аслида кучли, жарангдор сўзлар *жаҳонгир* ва *дунё* олдидаги *кўп* билан *бу* ва бошқа сўз-компонентларнинг ўзаро семантик алоқалари таъсирида улар матн таркибида одатдаги оддий сўзларга айланиб қолади. Жумладан, матндаги *ер ости* сўз-компоненти кўп жаҳонгирларнинг ўзлари ҳам, яхши-ёмон ишлари ҳам ер остида қолиб кетганлигига ишора қилса, бошқа томондан, ўзининг ниҳоятда оддий ва бежаранглиги билан матндаги жарангдор *жаҳонгир* сўзини ҳам ўз доирасига «*тортиб туширади*». *Кўрган* сўзи ҳам матндаги *жаҳонгир* сўзининг семантик жиҳатдан мавқеини пасайтиришга хизмат қилади.

Аслида юқоридаги шеърий контекст (банд)нинг поэтик мазмуни *жаҳонгир* ва *дунё*нинг жаҳоний курашидан вужудга келади. Зеро, жаҳонгир биз тарих китобларидан биладиган, аъмоли

«борлиқни жонлига қилиб танг, қон! - дея, қон! - дея босарок кечмиш» (Ғафур Ғулом) бўлган фотиҳлар тўдаси. Бу дунё ўзининг минг йиллик одимида бундайларнинг кўпини кўрган, уларни қадамидаги бир ғубор сингари ортда қолдириб ҳам кетган.

Бу дунё барча ўтган замонларда жаҳонгирлар оёғи остида топталган инсонлар жамидир. Шу ўринда *кўп жаҳонгир* ва *бу дунё* бирикмалари матн таркибида ички семантик алоқага киришиб, жаҳонгирлар йўқолиб кетиши, дунёнинг собит туриши, яъни *бу дунёнинг* ғолиб келиши билан якун топади. Жаҳонгирлар ғолиб дунё ортидан маънос боқиб қоладилар.

Лекин *дўстлар* бирикмасидан бандда семантик юксалиш, кўтаринкилик бошланади. Бундай семантик юксалиш банднинг бош мақсади, талаби билан воқе бўлади. Матн орқали ифодаланаётган бош мақсад *кўп жаҳонгир* эмас, балки *шеърият жаҳонгири* Алишер Навоийнинг Ўзбекистон, она-Ватан силсиласида тутган ўрнини юксак кўтаринки руҳда бадиий ифодалашдир.

Шу асосда матнда биринчи хил жаҳонгирлик (жанг жаҳонгирлиги)дан бошқача маънавий-маърифий, бадиий жаҳонгирликка аста-секин ўтилади. Шунга мутаносиб ҳолда матнда сатрма-сатр банднинг жарангдорлик, тантанаворлик хусусияти кучая боради.

Беш асрким назмий саройни,

Титратади занжирбанд бир шер

мисралари билан банд орқали ифодаланаётган мазмуннинг бош мақсадини очиш бошланади.

Маълумки, «*Занжирбанд шер*» - Алишер Навоий чизган суратнинг номи. Ҳозирги термин билан атаганда асар сарлавҳаси – идеоним. Бу суратни Навоийнинг мажозий тасвири сифатида баҳолаш анъанага айланган ва жуда кўп бадиий асарларда шу анъанадан ўринли фойдаланилган. Шунинг учун *занжирбанд шер* жумласи бу шеърий матндан ташқарида ҳам китобхонда муайян ҳис уйғотишга хизмат қилади.

Бандда китобхондаги ана шу олдинги ҳис-туйғу янада кучайтирилади. Бир томондан, Алишер Навоий шеъриятда *жаҳонгир*, иккинчи томондан, *занжирбанд шер*. Навоийнинг дохий шоир сифатида буюклиги ҳам, зулмат феодал

замоннинг фарзанди ўлароқ катта фожiasi ҳам ана шу зиддиятда тўла ўз аксини топган.

Назмий сарой бирикмасидаги *сарой* сўзи конкрет маънода тушуниладиган бўлса, матндаги *титратади* феъл-компонент занжирбанд шернинг ҳайқириғидан ларзага келган кошонанининг хатти-ҳаракатини образли тарзда англатиб, кўчма маънода шеърят оламида доврўқ солган паҳлавон - Алишер Навоий даҳосини ифодалашга восита бўлади. Бу матн замирида қуйидаги тағмаъно (пресуппозиция) яширинган: ўзи занжирбанд бўлган бу шер она тупроқ чегараларини тарк этиб, ўзга юртлардаги кишилар қалбини ҳам забт этган зот, олий маънода *жаҳонгир* саналади.

Занжирбанд шер тимсолидаги буюк шоир Алишер Навоийнинг назмий саройни титратишида яна қандайдир бир нуқта, семантик алоқа борга ўхшайди. Зеро, шоир яшаган давр *тигдор жаҳонгирлик*, ўзаро қирғин-барот урушлар даври. Алишер Навоий каби буюк шахс сифатида тигдор жаҳонгирлик даврига сиғмас, бу давр унга ҳар жиҳатдан тор эди. Академик В.Зоҳидов таъбири билан айтганда, ўша ўрта аср «даври улуғ Навоийни ўзи яратди, ўзи улуғ Навоийни рад этди ва улуғ Навоий томонидан ҳам бу давр рад этилди»⁴³. Занжирбандлигига қарамай, улуғ Алишер Навоийнинг саройни (*назмий саройни* эмас) титратишига сабаб ана шундан иборат. Бу ҳолат Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмсида ёрқин ўз аксини топган:

“Н а в о и й. Мен мамлакатда зулм оловларини сўндириб, адолат машъалини ёқмоқчи бўлдим, аммо зулм мендан зўрлик қилди. Мен салтанатимизни мустаҳкамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди.

Ҳ у с а й н. Дўстим, ёшлигимизни замон олиб кетди. Саройга қайтинг, фоний дунёнинг орзу-ҳавасларидан воз кечиб, қолган умримизни ҳилватда ва фароғатда ўтказайлик. Тахт бебақо, дунё бевафо.

Н а в о и й. Мен кетдим!

Ҳ у с а й н. Қаёққа?

Н а в о и й. Ижодимга, халқимга! (*Кета бошлайди*)”⁴⁴.

⁴³ Зоҳидов В. Ўлмас халқ даҳоси // Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш томлик. 1-том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1963. – Б. 5.

⁴⁴ Иззат Султон. Асарлар. 1-том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б. 154.

Биз ўрганаётган шеърий матнда иккинчи *жаҳонгир* сўзи махсус маънода ишлатилиб, фақат ўша банд таркибида шундай кучга эга бўлади. Яъни *жаҳонгир* тушунчасининг бир қирраси - ўз мамлакати доирасидан чиқиб кетиш олиниб, шу белги Алишер Навоий ижодига кўчади. Забт этиш *икки жаҳонгир*да ҳам мавжуд, фақат бу забтлар сифат жиҳатидан бир-биридан фарқли хусусиятга эга. Иккала жаҳонгир ҳам забт этади, аммо бири куч - қилич билан, иккинчиси эзгулик, ҳақиқат кучи – қалам билан забт этади. Шунда ҳам қилич билан забт этганда одамларнинг қуруқ вужудини қўлга киритиш мумкин, холос. Қалам эса инсон қалбини, унинг маънавий-маърифий оламини забт этишга қодир. Эндиги *жаҳонгир* сўзи улуғ Алишер Навоийни ана шу жиҳатдан шарафлайди. Зотан:

*Темур тиги етмаган жойни,
Қалам билан олди Алишер.*

Мазкур мисралар ўзаро бир-бири билан зид, контраст муносабатда. Бу зиддият кўп томонлама бўлиб, ҳам мазмун, ҳам шаклни ўзига бўйсундиради. Бу ўринда зид ҳолатдаги кучлар - *Темур* ва *Алишер* бири парчанинг боши, иккинчиси эса охирида икки қарама-қарши қоя сингари бежиз қўйилмаган. Ана шу икки куч теvarак-атрофидаги ҳар бир сўз ва тушунча бир-бирини рад этади. Шу зиддият шарофатидан келтирилган шеърий банднинг поэтик кучи аста-секинлик билан ортиб боради.

Бирида тиг, яна бирида қалам. Тиг ва қаламнинг ташқи белгилари: тиг - ўткир ва кучли, қалам - нозик, кучсиз, уларнинг асл моҳиятига, бажарадиган ишига тўғри келмайди. Лекин нозик қалам қиладиган иш қаршисида ўткир тиг ожиз қолади.

Бирининг *тиги етмаган* жойни иккинчиси *қалам билан* олди. Чунки *жаҳонгирлар* илкидаги тигнинг кўрсатадиган каромати ўлдириш, даҳшат солиш бўлса, Алишер қаламининг бемисл кучи ҳақиқат ва эзгулик нуруни сочишдадир. Зеро, дунёда эзгулик ололмаган кўрғон, эзгуликка эшик очмаган инсон қалби бўлмаса керак. Шеъриятнинг куч-қудрати ҳам шу билан белгиланади. Алишер Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда:

*Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтига бир девон йибордим*⁴⁵.

⁴⁵ Алишер Навоий. Хамса. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1960. – Б. 335.

Шеърӣ матндаги *жой* сўзи икки зидлик учун муштарак хусусиятга эга, аниқроғи, улар орасидаги кураш объекти саналади. Шунга яраша бу сўз-компонентда маъно юки ҳам катта. У фақат Темур ололмаган, аммо Алишер шеърлари билан қўлга киритган мамлакатлар, улардаги одамларнигина эмас, тиф билан олиб бўлмайдиган нарсалар, хусусан, инсон қалбини ҳам ўзида акс эттиради. Зотан, қўшқаноти эзгулик ва ҳақиқат бўлган шеърят тиф билан олиб бўлмайдиган инсонлар қалбини забт эта олади. Бунда ҳам Амир Темурнинг тифи Алишернинг эзгу қалами олдида ожиз қолади.

Келтирилган матндаги мисралараро зиддият уларнинг товуш тўқимасида ҳам ўз аксини топган. Биринчи мисрада шовқинли, портловчи ундошлар *т* ва *ж* тўртала сўздаги таянч товушлар саналади. Улар ўз акустик-артикуляцион хусусиятларига кўра кишида каттик, кескин, ҳатто мудҳиш ҳиссиёт кўзгайди. Мисранинг мазмуни эса бунга тўла мос келади. Иккинчи мисрада овоздор (сонор) *л* товуши иштирокидаги сўзлар шеърхонда юмшоқ, ёқимли кайфият уйғотади. *Қалам билан олди Алишер* сатридаги сўзлар бир тан, бир жонга айланиб, алоҳида олинганда ҳам, яхлит бутунликда ҳам умумий мақсад йўлида аҳил хизмат қиладилар. Натижада биринчи мисра, хусусан, Темур тифи товуш томондан қанча кескин, каттик бўлмасин, қалам атрофидаги юмшоқ, ёқимли сўзлар уни босиб кетади.

Жаҳонгирлар инсониятга жисмоний ва маънавий қуллик келтирса, шеърлар кишига руҳий эркинлик, маънавий юксаклик бахш этади. Иккинчи мисранинг ёқимли оҳанги ушбу руҳий эркинликнинг бир қиррасидек жаранглайди:

Дунё бўлди чаманим маним,

Ўзбекистон ватаним маним

мисраларида банддаги байрамона, кўтаринки руҳ энг юқори нуқтага кўтарилиб, оламшумул тантана касб этади.

Шафқатсиз, бевафо дунёда шеърят ғолиблигини сезиш, унинг беқиёс қудратини ҳис этишнинг ўзи киши кайфиятини юксак чўққига кўтариб, дунёни инсон кўзига чаман қилиб кўрсатади. Шунинг учун *дунё бўлди чаманим маним* бевосита воқеликка қаратилганидан ташқари инсон руҳиятининг чаманзор онларини ҳам ўзида ифодалайди.

Эндиги дунё банд бошидаги дунёга шаклдош, аммо унинг вужуди, семантик доираси тамомила ўзгарган. Энди у шеърият сеҳри билан чаманга айланган, забт этилгани холда *тигдор жаҳонгирлик*ни билмаган дунёдир.

Жаҳонгир сўзи ўз ичида икки қарама-қарши тушунчага ажралади. Ғолиб дунё фақат *тигдор жаҳонгирлик* билан кураш олиб боради, пировардида, уни «*ер ости*»га қолдириб кетади. *Шеърият жаҳонгири* эса дунё билан доим бир тан, бир жон. Зеро, шеърият шарофатидан дунё юзи боғу бўстонга айланиб кетади. Жаҳонгирлар сиқувидан зулматга чўккан дунё шеърият сеҳри билан чаман бўлади.

Қалам билан олди Алишер мисрасида олди сўзининг ҳозирги дунёга қаратилганлиги айтилган фикр фақат бизнинг замонда, тинч-эркин ҳаёт тузуми шароитида амалга ошуви мумкинлигига ишора вазифасини бажаради. Зотан, буюк Алишер Навоий ижоди ҳозирги мустақиллик даврига келибгина том маънода оламшумул аҳамият касб этганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Демак, Алишернинг қалам билан дунёни эгаллаши ва дунёнинг чаманга айланиши чамбарчас боғлиқ ҳодисалардир. Шунинг учун, *дунё бўлди чаманим маним* жаҳонни ҳозирги даврда қайта ўзгартиришнинг поэтик ифодаси сифатида бундан кейин ҳам баралла жаранглайверади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ана шу чаманзор дунёнинг бағрида, шунга кўра у биз учун доимо чаманзор ватан бўлиб қолаверади.

Энди таниқли шоир Ҳусниддин Шариповнинг “*Балиқ фалсафаси*” деб номланган мўъжазгина бир шеъри матнига диққат қилайлик:

Думингни ликиллатасан,

Олга кетасан.

Думингни ликиллатасан,

*Олга кетасан*⁴⁶.

Келтирилган шеърий матнни қуйидагича уч қисмга ажратилган ҳолда таҳлил қилиш мумкин.

1. Шеърий матн таҳлилининг биринчи қисми. *Думингни ликиллатасан* дейилганда бирданига шеърхон кўз ўнгида думини ликиллатиб турган ит кўринади. Чунки итнинг думини ликиллатиш

⁴⁶ Шарипов Ҳ. Лирика. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б. 24.

билан ҳаракати ҳар қадамда учрайдиган, кўпчиликка жуда таниш бўлган ҳаётий манзарадир.

Ит ўзига аталган емишнинг ҳидини сезганда ёки емиш еяётганда думини ликиллатади. Эгасига ялтоқланаётган итни кўз олдингизга келтиринг. Ит эгасига бутун вужуди билан «*мен сеникиман, сенга вафодорман*» дегандай суйкаланади, эгасидан бирор емиш умидвор бўлади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси итнинг дум ликиллатишида ўз ифодасини топади.

Тасаввур қилинг: кўчада юрган дайди ит сизга дўстлигини билдирмоқчи бўлса ҳам, тўғрироғи, сиздан кўрқиб хавфсираса ҳам, думини ликиллатади. Аммо шу ит сиздан кучлилигини сезса борми, дум ликиллатиб ўтирмай, тўппа-тўғри Сизга ташланиб қўя қолади.

2. Шеърӣ матн таҳлилининг иккинчи қисми. Аммо бу шеърда итнинг эмас, балиқнинг думи ҳақида гап кетмоқда. Одам оёғи билан юргандек, қуш қанот қоқиб учгандек, балиқ ҳам дум ҳаракати билан олға силжийди. Шунинг орқасидан емиш топиб, ҳаёт кечиради.

Аренага ит кириши билан балиқ ўз-ўзидан иккинчи даражали нарса бўлиб қолади. Биров сувда сузиб юрган тирик балиқни кўрган, биров кўрмаган. Ундаи ташқари, балиқ сузаётганда фақат думи эмас, балки бутун танаси билан тўлғанади. Шунинг учун бўлса керак, балиқ сарлавҳада қолиб кетиб, бу шеър чуқур ижтимоий мазмун касб этади, яъни “ликиллатиш ҳаракати” секин-аста одамлар орасига кўчиб ўтади.

3. Шеърӣ матн таҳлилининг учинчи қисми. Инсон тасаввуридан узоқлашган балиқ ўрнига пайдо бўлган ит ўзига ҳамжинс, думи бўлмаса-да, дум ликиллатишга ўхшаб кетадиган беўхшов қилиқлар қилувчи киши нусхасини бошлаб киради.

Дум ликиллатиш итдан кўчиб баъзи лаганбардор одамларнинг хулқ-атворини англатувчи белгисига айланишининг объектив сабаблари бор. Бу ҳаракат итнинг олға кетишига восита бўлолмайди; ит думини ликиллатса ҳам, ликиллатмаса ҳам, ўша ит жойида туриши ҳам, югуриб юриши ҳам мумкин. Бу нарса итнинг ҳайвоний феъл-атвориға мос, шунинг учун итнинг думини ликиллатиши ёки ликиллатмаслиги ҳеч кимда ҳайрат ёки нафрат уйғотмайди.

Аммо баъзи одамларда “дум ликиллатиш” хатти-ҳаракати биров бошқача хусусиятга эга. Улар ўзидан юқори мартабадаги ҳар

қандай кишига ёхуд ўз бошлиғига шундай ялтоқланадиларки, дум ликиллатаётган итнинг бу борадаги хатти-ҳаракати йўлда қолиб кетади. Ўша лаганбардор одам муте кўзларини бошлиқдан узмайди, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатига жавоб беришга шай туради. Бошлиқ кулса илжаяди, бошлиқнинг қовоғи солинса, ён-верига, ўз танасига, қараб аланглайди, бесаранжом бўлади. Унинг қўли дам кўкракда, дам бир-бирига ишқаланади, дам қилар ишини билмай эгик танасининг у ер, бу ерини тимискилайди. Ўша одамнинг танаси бешиктерватардек тебраниб, оғирлиги гоҳ бу оёққа, гоҳ бошқа оёққа ўтади.

Шундай қилиб, бу шеърый матн билан танишган китобхоннинг тасаввурида дум ликилллатишнинг ана шундай «инсоний» кўриниши мукаммал тикланади. Машҳур санъаткор ёзувчилар итнинг дум ликилллатишини лаганбардор одам хатти-ҳаракати билан қиёслашнинг бундан ҳам юксак намуналарини яратганлар. Масалан, Л.Толстойнинг “Тирилиш” романидан олинган қуйидаги парчада мўътабар киши илтифотидан ўта ҳаяжонланган йирик подшо амалдорининг чизилган қуйидаги ҳолати бунинг ёрқин далили бўла олади:

“...Мана шундай илтифот Масленниковни ҳаммавақт шундай ҳаяжонлантирардики, гўё эгаси силаб, қулогининг орқасини қашилаб қўйган итдек севиниб кетарди. Ит думини ликилллатиб, гужанак бўлиб олади, жилпанглайди, қулогини қисади, ўзини йўқотиб гир-гир айланиб югуради. Масленников ҳам худди шундай қилишига тайёр эди”⁴⁷.

Шуни ҳам унутмаслик зарурки, ит ҳаммавақт ҳам дум ликиллатавермайди; ё ўзини биров олдида ожиз сезганда ёки бериладиган емишга таъма бўлганда дум ликиллатади. Худди шундай лаганбардор одам ҳам ҳаммага ялтоқланавермайди. Унинг итдан фарқи шуки, унда тамагирлик ва ўзини ожиз сезиш туйғуси қўшилиб кетган. Шу лаганбардорнинг ўзидан мартабаси паст одам билан муомаласини кўрсангиз, уни умуман таниёлмай қоласиз. Бундай вақтда лаганбардор одам ўта калондимоғ, қаршисидаги кишидан ўзига ўхшаб дум ликилллатишни талаб қилувчи нусхага айланади.

⁴⁷ Толстой Л.Н. Тирилиш. Роман. – Тошкент: Ўзадабий нашр, 1960. – Б. 213.

Думингни ликиллатасан, олға кетасан мисраси замирида аччиқ захарханда оҳанги сезилиб туради. Бу шеърий матн думини ликиллатиб умр кечирувчи кишиларнинг «олға кетишига» тўсқинлик қилиб, уларни ҳажв зарби билан янчиб ташлашга қаратилган.

Лекин бу ўринда таҳлилнинг биринчи қисмида келтирилган балиқ хатти-ҳаракати шеърхон тасаввуридан бутунлай чиқиб кетмайди. Зеро, лаганбардор одамнинг балиққа ўхшаш томонлари ҳам йўқ эмас. Балиқнинг сувда солланиб, силлиқ сузиши ҳаётнинг сермашаққат йўлларида раво бўлиб кетишига ружу қўйган лаганбардор «фалсафаси»га тўла мос келади.

Кўринадик, мутлақ бир хил шаклдаги икки мисранинг такрорланиши натижасида бу шеър тугал бадиий асар қиёфасига киради. Шеър матни таркибидаги сўзларнинг айтилиш оҳангида ҳам балиқнинг сузишию итнинг дум ликиллатишини эслатадиган нимадир борлигини китобхон сезиб туради. Ана шу ўхшашлик лаганбардор кимсаларнинг яшаш фалсафасини нафрат ва захарханда ўтига дучор қилади.

Умуман олганда, шеърий матнда сўзнинг динамик хусусияти кенг тушунча. У фақат муайян шеърий матн доираси билан чекланиб қолмасдан, ўша таҳлил қилинаётган сўзларнинг воқелик билан семантик муносабатини ҳам ўзида қамрайди. Демак, шеърий матнда сўз динамикаси турли кўринишларга эга бўлиб, уни очиб бериш ўша матн таркибига чуқур кириб торишни талаб қилади. Юқорида биз келтирган биринчи мисолда матндаги динамик хусусият сўзлараро муносабатда кўринса, кейинги мисолда ўша шеърдаги сўз ташқи воқеликдан ўзига монанд ҳодисани шеър атмосферасига киритишида воқе бўлади. Шеър матнида балиқдан бошқа нарса йўқ. Аммо *дум ликиллатиш* хатти-ҳаракатининг қўлланиш доираси шунчалик кенгки, у аввал ит, кейин лаганбардор одам қиёфасини китобхон зеҳнида ёрқин тиклаш воситасига айланади.

Ҳар икки ҳолда ҳам ҳаракатчан динамик сўзлар (*бу дунё, назмий сарой, занжирбанд шер, думингни ликиллатасан, олға кетасан* кабилар) юксак шеърий матнларни вужудга келтириши билан тадқиқотчи эътиборини ўзига тартади. Шеърий матнлар таҳлилида ана шу ҳолатлар, албатта, инобатга олиниши лозим бўлади.

Назорат саволлари:

1. Бадиий матнда сўз-компонентларнинг ўзаро семантик алоқалари ҳақида тушунча.
2. Бадиий матнда сўзларнинг динамик хусусияти ва унинг кўринишлари.
3. “Жаҳонгир” ва “шеърят жаҳонгири”нинг ўзаро семантик боғланиши ва унинг шеър таркибидаги имкониятлари.
4. “Балиқ фалсафаси” шеърининг матнининг уч қисмли таҳлили.

8-маъруза

БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТН ВАРИАНТЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: матн, матннинг лингвистик табиати, матн назарияси, матн генерацияси, ёзма матн, қўлёзма матн, матн лингвистикаси, публицистик матн, контекст, матннинг қўшимча нусхаси ёки матн варианты.

Сўнгги йилларда филолог олимларнинг диққат эътиборини ўзига тортган масалалардан бири матн ва унинг табиати масаласидир. Бу масалани образли қилиб, филология фанларининг ўзига хос чорраҳаси, деб таърифлаш мумкин. Матн ва унинг табиати масаласида тилшуносни ҳам, адабиётшуносу услубшуносни ҳам, психолингвистни ҳам, қисқаси, филологиянинг жуда кўп соҳалари мутахассисларини қизиқтирадиган нуқталар мавжуд. Бу масалани ўрганиш бўйича махсус филологик баҳс — матн назарияси ёки матн лингвистикаси баҳси шакллана бошлаганини эсласак, матн ва унинг табиати масаласи ҳозир филологиянинг долзарб масалалари доирасида қандай мавқега эга эканлиги яна ҳам аниқроқ намоён бўлади.

Матн шу вақтгача ўрганиб келинаётган лингвистик бирликларнинг биронтасига ҳам тўғри келмаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Матнни сўзга ҳам, сўз бирикмасига ҳам, гапга ҳам тенглаштириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, сўз бирикмаси ёки гапни ўрганишда ишлатиладиган тушунча ва тамойиллар матнни ўрганишда ўзини оқламайди. Лекин сўз, бирикма ва гапларсиз матн ҳам юзага келолмайди. Матн сўзлардан, бирикмалардан, гаплардан ташкил топади. Бундан матннинг асосий

белгиси миқдорий белги экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, яъни сўзлар йиғиндиси гап, гаплар йиғиндиси матн бўлар экан, деб қараш тўғри эмас.

Сўз билан гап орасидаги фарқ миқдорий фарқ эмас, балки мазмуний, сифатий фарқ эканлиги олимлар томонидан қайта-қайта таъкидланмоқда. Гап миқдор томондан сўзга ҳам, сўзлар йиғиндисига ҳам тенг бўлиши мумкин. Лекин биз ҳеч қачон сўзлар йиғиндисига тенг гапни гаплар қаторига, бир сўзга тенг гапни эса сўзлар қаторига кирита олмаймиз. Яъни кўп сўзли гап ҳам, бир сўзли гап ҳам “гап” деб номланувчи тил бирлигининг тавсифларига мувофиқ келади.

Гап билан матн орасидаги муносабат юзаки қараганда, сўз билан гап орасидаги диалектик муносабатни эслатади. Матн бир гапга ҳам, бир неча гапга ҳам, бутун бир китобга ҳам тенг бўлиши мумкин. Бундай матннинг гапдан фарқини фақат унинг ҳажмидан (гарчи ҳажм матн учун муҳим белгилардан бири ҳисобланса ҳам) қидирмаслик керак.

Бирор гапни лингвистик томондан тавсифлаганда, биз бу гапнинг муаллифи, яъни уни ким томонидан айтилгани ёки ким томонидан ёзилгани тўғрисида бош қотириб ўтирмаймиз. Мазкур гапнинг лингвистик табиати унинг мазмун ва шакл томондан қандай гап эканлиги, унинг қандай бўлаклардан ташкил топганлиги, бу бўлакларнинг нималар воситасида ифодаланганлиги каби масалаларда намоён бўлади. Бу масалалар матн учун ҳам фақат айрим ҳолларда маълум бир қиймат касб этиши мумкин. Лекин матннинг туб моҳиятини бу хусусиятлар белгиламайди. Матн конкрет шахс томонидан конкрет мақсадда ҳосил қилинади. Матнни, айниқса, бадиий матнни ўрганганимизда, биз бу матннинг нимани ифодалашга қаратилганлиги, уни ким яратгани каби масалаларни эътибордан соқит қилолмаймиз. Матн маълум билим, кўникмага, маълум хулқ-атворга эга бўлган конкрет шахс томонидан маълум шароитда маълум мақсадни кўзлаб яратилгани учун унда муайян қонун-қоидага, дастурга асосланган элементлар билан бир қаторда мазкур қонун-қоида ва дастурдан чекинадиган, тасодифий характерга эга бўлган элементлар ҳам учрайди.

Матн назарияси (матн лингвистикаси) баҳсида матн асос эътибори билан лингвистик объект сифатида ўрганилиб

келинмокда⁴⁸. Бу йўналишдаги тадқиқотларда матн муайян белги-хусусиятларга эга бўлган статик ҳодиса сифатида тушунилади. Бу назария ҳозирги тилшуносликнинг ғоят истиқболли йўналишларидан бири саналади.

Шу билан бирга матнни муайян белги-хусусиятларга эга бўлган статик объект сифатида тадқиқ этиш уни бошқа нуқтаи назарлардан ўрганишга асло тўсиқ бўлмайди. Матннинг лингвистик табиати, унинг тузилиши, асосий белги-категориялари фан учун қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, матн генерацияси, матннинг яратилиш жараёни каби масалалар ҳам тилшунослик учун шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Бу фикр, биринчи навбатда, бадиий матн кўринишларига тааллуқлидир.

Ўзбек ёзувчиларининг матн устида, сўз устида ишлашини ўрганиш бўйича тилшуносликда маълум тажриба тўпланган⁴⁹. Бу тажрибали ёзувчининг матн устида ишлашини ўрганишнинг ўзига хос масалалари ва методларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Дастлаб шуни инобатга олиш керакки, нутқ генерацияси нуқтаи назаридан (у ёки бу талантли ёзувчининг қўлёзма устида ишлашини нутқ генерациясининг махсус кўриниши сифатида қараш мумкин)⁵⁰ матн статик ҳодиса эмас, балки динамик ҳодиса саналади. Қўлёзма устида ишлаш ёки асарни қайта нашрга тайёрлаш жараёнида ёзувчи томонидан бутун матнга ёки унинг муайян қисмларига маълум ўзгаришлар киритилади. Бундай ўзгаришлар натижасида бутун матннинг ёки унинг бирор қисмининг ўзига хос қўшимча нусхалари, вариантлари юзага келади. Матннинг қўшимча нусхаси ёки варианты дейилганда, мазкур матнда тасвирланган воқеа-ҳодисаларнинг бошқа воқеа-ҳодисалар билан алмашуви эмас, балки ўша воқеа-ҳодисаларни тасвирловчи ифода воситаларининг бошқа ифода воситалари билан

⁴⁸ Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – М., Наука, 1981. – С. 4-5.

⁴⁹ Шомақсудов А. Муқимий сатирасининг тили. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1971. – Б. 113-122; Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1975. – Б. 77-94; Аминова М. Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий лабораториясидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976. № 6. – Б. 67-69; Қўчқортоева Р. Абдулла Қаҳҳор асарларининг турли нашрдаги баъзи семантик-стилистик тузатишлар ҳақида // ТошДУ илмий асарлар тўплами. 475-сон. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. – Тошкент, 1977. – Б. 69-73; Қўчқортоева Р. Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий текстни ихчамлаштириш устида ишлаши // ТошДУ илмий асарлар тўплами. 486-сон. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. – Тошкент, 1978. – Б. 100-107; Қўчқортоева Р. Абдулла Қаҳҳорнинг “Нурли чўққилар” ҳикоясининг тугалланмаси устида ишлаши // ТошДУ илмий асарлар тўплами. 532-сон. Ўзбек тили стилистикаси масалалари. – Тошкент, 1980. – Б. 186-189 ва бошқалар.

⁵⁰ Бу ҳақда қаранг: Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 61-63.

алмашуви, матн таъсирчанлиги, ихчамлиги, образлилигининг кучайиши назарда тутилади.

Масалан, ёзувчи Ойбекнинг «Навоий» романи баҳор ҳавосида товланган «Гавҳаршод» мадрасасини тасвирлашдан бошланиши маълум: *«Баҳор қуёши кўкнинг тиниқ ферузасида Ҳиротнинг «Гавҳаршод» мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлар, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор қаби турли-туман олов ранглар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теваарагида қувонч билан ўйнашар эди»*⁵¹.

Романнинг худди шундай манзара тасвиридан бошланиши шу қадар табиий ва жозибадор чиққанки, унинг бошқача йўсинда бошланишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмаймиз. Ҳолбуки, романнинг дастлабки қўлёзма нусхасида бу манзара йўқ эди. Асарнинг олдин бир хил, кейинчалик бошқача манзара тасвиридан бошланиши унинг композицион қурилиши, ғоявий йўналиши, муаллиф образи қаби масалалар нуқтаи назаридан муайян аҳамият касб этади. Лекин вариантдорлик нуқтаи назаридан у лингвистик кузатув объекти бўлолмайди.

“Навоий” романидаги эпизодлардан бирида улуг шоир Навоийнинг кечаси ўз уйида танбур чалиб ўтиргани тасвирланади. Бу манзара тасвири романнинг қўлёзма вариантыда қуйидагича берилган:

*«Токчада ёнган шамнинг нури ва қия очилган даричадан тушган ойдинлик юмшоқ, гулдор, қизил гиламларнинг гуллари устида ҳаётий, майин манзаралар ясар, ўқтин-ўқтин эсган шамол шам ёлқинини липиллатар, пастгина курси устида очиқ турган катта, қалин китобнинг юпқа варақларини шилдиратиб, танбурда шоир чалаётган куйнинг сеҳрига берилгандай жимгина тинар эди... Муסיқадан хабарсизликни шоир учун кечирилмас бир нуқсон ҳисоблаган Навоий гўзал садолар илмини чуқур билар ва чуқур севар эди»*⁵².

Романнинг иккинчи нашрида бу парча қуйидагича берилган: *«Токчада ёнган шамнинг шуъласи ва қия очиқ даричадан тушган ой нури гиламларнинг гуллари устида жилваланиб, хаёлий, майин манзаралар, ўйинлар ясар, ўқтин-ўқтин эсган шабада шам*

⁵¹ Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 19 томлик. У1-том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 9.

⁵² Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. 19 томлик. У1-том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 477.

ёлқинини липиллатар, пастгина курси устида очик турган қалин, катта китобнинг варақларини шилдиратар ва танбурда шоир чалаётган куйнинг сеҳрига берилгандай жимгина тинар эди... Муסיқани шеърдан айирмаган Навоий гўзал садолар илмини чуқур билар ва чуқур севар эди»⁵³.

“Навоий” романидан келтирилган бу матнлар бири иккинчисига нисбатан вариант ҳисобланади, чунки уларда тасвирланган манзара, ифодаланган (тўғрироғи, ифодаланиши зарур бўлган) хабар ёки информация бир хил. Бу матнларнинг бир-биридан фарқи асос эътибори билан уларнинг ифода планига, тил бирликларининг матн талабига ҳосланиш даражасига тегишли.

Ёзувчининг қўлёзма устида, бадий матн устида ишлаши лингвостилистик планда ўрганилганда, биринчи навбатда, мана шундай тузатишларга эътибор қилиниши лозим, бир воқеа-ҳодисани тасвирлашга қаратилган воситалар, ўзаро вариантдор матнлар бир-бирига таққосланиши муҳим аҳамият касб этади. Шу йўсинда ёзувчининг ўз ниятини ифодалаш учун зарур, энг ўткир тил воситаларини қандай қидириб топгани ва уларни матн таркибида қандай моҳирона қўллагани очиб берилади.

Агар биз Навоийнинг уйида танбур чалиб ўтирганини тасвирлашга қаратилган матннинг юқорида келтирилган вариантларини бир-бирига таққосласак, улар орасида қатор фарқлар борлигини кўришимиз мумкин⁵⁴. Бу фарқларнинг, тузатишларнинг ҳар қайсиси ўзига хос эстетик-стилистик талаблар орқасида содир бўлган. Бу тузатишларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборат:

1. Қўлёзмада ишлатилган *нур* сўзи асарнинг босма нусхасида *шуъла* сўзи билан алмаштирилган: *шамнинг нури - шамнинг шуъласи*.

Бу алмаштиришни соф услубий талаблар орқасида амалга оширилган алмаштириш, деб ҳисоблаш мумкин.

Биз изоҳлаётган матннинг кейинги қаторида *даричадан тушган ойдинлик* жумласи бор. Бу жумлада *ойдинлик* сўзининг ишлатилиши унча ўринли чиқмаган: ойдинлик бирор жойга

⁵³ Ойбек. Навоий. Роман. – Тошкент: Ўзадабий нашр, 1948. – Б. 32.

⁵⁴ Бу ўринда мазкур матни романнинг биринчи нашридаги варианты билан таққослаш ҳам мумкин, чунки биринчи нашрдаги матн вариантыда юқорида келтирилган матнларнинг икковидан ҳам фарқ қиладиган ҳолатлар учрайди. Қаранг: Ойбек. Навоий. Роман. – Тошкент, Ўзадабийнашр, 1944. – Б. 39.

тушадиган, тарқаладиган ҳодиса эмас, балки ой нури тарқалиши орқасида юзага келадиган вазиятдир. Шунинг учун ёзувчи Ойбек ушбу жумладаги *ойдинлик* сўзини *ой нури* бирикмаси билан алмаштиради. Натижада роман матнида такрор бирикмалар юзага келади: *шам нури, ой нури*. Бу такрордан қочиш ниятида ёзувчи *шам нури* бирикмасидаги *нур* сўзини *шуъла* сўзи билан алмаштиради.

2. Қўлёзма матндаги *ҳаётӣй* сўзи ўрнида босма нусхада *ҳаёлий* сўзи ишлатилган: *ҳаётӣй, майин манзаралар* - *ҳаёлий, майин манзаралар*. Бизнингча, бу ўринда матн таркибидаги сўз алмаштириш тўғрисида гапиргандан кўра матнда амалга оширилган хато тузатиш тўғрисида гапириш ўринлироқ, чунки ушбу матн парчаси (контекст) *ҳаётӣй* сўзи учун норматив (меъёрий) контекст ҳам, метафорик контекст ҳам бўлолмайди.

3. Қўлёзма матнда ишлатилган *шамол* сўзи босма нусхада *шабада* сўзи билан алмаштирилган: *ўқтин-ўқтин эсган шам ёлқинини липиллатар* - *ўқтин-ўқтин эсган шабада шам ёлқинини липиллатар...*

Матндаги бундай алмаштиришни соф семантик талаблар асосида содир бўлган алмаштириш, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки адабий тилда *шамол* сўзи ҳам, *шабада* сўзи ҳам ҳаво оқимининг горизонтал ҳаракатини билдиради. Бу сўзлар орасидаги асосий семантик фарқ ҳаво оқими ҳаракатининг кўлами ва интенсивлигига тегишлидир, яъни *шамол* ҳаво оқимининг кенг кўламдаги кучли ҳаракатини, *шабада* эса ҳаво оқимининг (нисбатан тор кўламдаги) кучсиз ҳаракатини билдиради.

Юқорида келтирилган матн парчаси (контекст)да ҳаво оқимининг кучсиз ҳаракати кўзда тутилганини пайқаш қийин эмас. Контекстдаги *ўқтин-ўқтин* (эсган), *шам ёлқинини липиллатар* сўзларининг мазмуни ҳам мана шундай ҳолатга ишора қилади. Сўзларнинг маънолари орасидаги ана шундай нозик фарқларни чуқур ҳис этган Ойбек романнинг кейинги нашрларида *шамол* сўзини *шабада* сўзи билан алмаштириб, сўзлар орасидаги семантик мослашувнинг ҳаққоний, табиий тус олишини таъминлаган.

4. “*Муסיқадан хабарсизликни шоир учун кечирилмас бир нуқсон ҳисоблаган*” жумласи босма нусхада “*мусиқани шеърдан айирмаган*” бирикмаси билан алмаштирилган. Бу алмаштиришни

образ, характер мантиқи талаблари асосида содир бўлган алмаштириш, деб ҳисоблаймиз.

Тарихий манбалардан маълумки, Алишер Навоий шеърятни қанчалик ҳис этса, билса, мусиқани ҳам шунчалик чуқур ҳис этган, билган. Шеърятни, мусиқани чуқур ҳис этиш Навоий қалбининг табиий хислати бўлган. Бу хислат, истеъдод онгли ҳаракат орқасида юзага келмаган; онгли ҳаракат, ўқиш-ўрганиш бу хислатни, истеъдодни кучайтирган, камолот чўққисига кўтарган.

Қўлёзмадаги *“Мусиқадан хабарсизликни шоир учун кечирилмас нуқсон билган”* жумласи Навоий характерининг мана шу хислатига зид бўлиб қолган. Бу жумла мантиқига кўра, Навоийнинг мусиқани севиши, ҳис этиши табиий хислат бўлмай; музикадан хабарсизликни шоир учун нуқсон ҳисоблагани учун у музикани ўрганган ва севган, деган хулоса келиб чиқади. Бу ноўрин зиддиятни йўқотиш учун мазкур жумла *“мусиқани шеърдан айирмаган”* шаклидаги ихчам бирикмаси билан алмаштирилган.

Бу ўринда биз Ойбекнинг «Навоий» романидан олинган бир парчанинг икки матний вариантыни бир-бирига таққослаб таҳлил қилдик, холос. Матн устидаги бундай таҳлилни яна давом эттириш ва чуқурлаштириш мумкин. «Навоий» романида, умуман Ойбекнинг бошқа асарларида бундай таҳлил учун, матн генерациясига оид илмий хулосалар учун объект бўладиган материал кўп. Лекин биз юқорида таҳлил қилган материалнинг ўзиёқ ёзувчининг матн устида ишлашини ўрганиш масалалари ва методлари ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилишга имкон беради, деган умиддамиз. Талабалар бу соҳада мустақил кузатишлар олиб бориши мавзуни янада чуқурроқ ўрганиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Назорат саволлари:

1. Матннинг лингвистик табиати ва ҳақида тушунча.
2. Матннинг сўз, сўз бирикмаси, гап каби тил бирликлари билан муносабати.
3. Матн статик ва динамик ҳодиса сифатида.
4. Бадиий асарнинг текстуал намуналарини ўрганиш нутқ генерациясини тадқиқ этишнинг бир кўриниши сифатида.
5. Ойбекнинг “Навоий” романи матнидаги фарқли ҳолатларнинг семантик-стилистик хусусиятлари.

ИХТИСОСЛИК ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ИШЛАНМАЛАРИ

1-амалий машғулот

ШЕЪРИЙ, НАСРИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: матн, шеърий матн, шеърнинг таъсир кучи, шеърий матнда сўз, шеърий нутқда коннотация, кундалик нутқ (R1), поэтик нутқ (R2), баёний (насрий) нутқ (R3), шеърий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари: амалий безаразлилик, биринчи шахс – “мен”нинг ҳукмронлиги, сиқиклик, шеърий асарда шаклнинг ўзига хослигини таъминловчи омиллар (ритм, қофия, банд, туроқ кабилар).

Маълумки, ташқи оламнинг ўзига хос сигнали бўлган сўз воқеликнинг бирор парчаси (предмет, ҳолат, муносабат)ни кўз олдимизда гавдалантиради ёки шу воқеликка тегишли бўлган муайян тушунчаларни англатади. «Ҳар бир тилдаги ҳар қандай сўз матнда уч асосий кўринишда ўзаро муносабатга киришади: 1) сўзнинг инсонни ўраб турган воқелик, предметлар ва ҳодисаларга муносабати; 2) сўз орқали инсоннинг ўз фикри, ҳис-туйғу ва истакларига муносабати; 3) бирор сўз орқали тилдаги бошқа сўзларга муносабат. Ушбу муносабатларни билмай туриб, сўзнинг матндаги лингвопоэтик моҳиятини тўла англаш мумкин эмас»⁵⁵.

Ана шундай турли хил кўринишдаги семантик муносабатга киришган сўзлар шеърий асарлар матни таркибида ҳам ўзларининг хилма-хил хил денотатив ва коннотатив хусусиятларини намоён этадилар. Шеърий матннинг таъсир кучи, яъни поэтик руҳ ўша шеърдаги сўзларнинг характериға мос ҳолда хилма-хил йўл билан намоён бўлади. Лекин бу масала, яъни воқеликка муносабати турлича бўлган сўзларнинг поэтик руҳ яратишдаги ролини аниқлашдан олдин сўзнинг шеърий матнлар таркибида воқе бўладиган бир ўзига хос хусусияти ҳақида тўхталиш зарур.

⁵⁵ Головин Б.Н. Введение в языкознание. - М.: Высшая школа, 1977. – С. 70.

Аввало, ушбу умумназарий масалани тўғри ҳал этиш, сўнг ана шу назарий асосга суянган ҳолда юқорида тилга олинган масалаларни тадқиқ қилиш мумкин.

Шеърый матнда сўз инсон тасаввурини кўзғатиб, ҳаракатга келтирадиган сўздир. У онгда мудраб ётган ҳис-туйғулар, ташқи олам таассуротлари, бир вақтлар туғилиб, сўнг унутила бошлаган фикрларни қайта уйғотади, уларнинг ўзига тегишлисини ягона ип - ассоциация ипига тизади. Шу маънода шеърый матнда сўз - сўз туртки, ички қалб туғёнларига ўзига хос ишорадир, дейиш мумкин⁵⁶.

Юқорида саналган хусусиятлар шеърый матндаги ҳар қандай сўз учун характерлими? - деган савол туғилиши табиий. Бу саволга турли типдаги шеърый нутқ кўринишларида сўзнинг ўзига хос вазифасини кўрсатиш ва шу асосда уларни ўзаро қиёслаш натижасида аниқ жавоб бериш мумкин. Бельгиялик профессор М.Ж.Лефев «Поэтик ва баёний матнларда нутқ структураси» китобида худди шу йўлдан боради. У шеърый матнлардаги сўзни, сўз натижасида пайдо бўлган образни баёний (яъни эпик) адабиётдаги сўз ва образ билан ўзаро қиёслайди. Ҳодисага қандай мақсадда ёндашувига қараб уни кузатаётган киши онгида ўша ҳодисани ифодаловчи сўзнинг турли маънолари актуаллашуви мумкин. Шунга асосланиб, олим нутқнинг уч хил типига мос келадиган нарсалар ҳақида тасаввурнинг, нарсанинг онгдаги образининг уч типини белгилайди: кундалик нутқ (R1), поэтик нутқ (R2) ва баёний нутқ (R3).

Биринчи нутқ кўринишида сўзловчи ва қабулловчи R (нутқ) дан шу ҳолатда ўзи учун бевосита амалий аҳамиятга эга бўлган маънони ажратиб олади. Масалан, йўловчи йўл сўраганда унга шундай жавоб берадилар: *юз қадам юрганингиздан. сўнг йўл четида ёлғиз дарахт бор, чанда сўқмоқ кўринади. Шу сўқмоқ билан борсангиз, кўзлаган манзилингизга етасиз.* Бунда йўловчи онгида фақат энг умумий ва қашшоқ тушунчалар: «ёлғиз дарахт», «сўқмоқ», «чап» сақланиб, қолганлари шу ўринда кераксиз бўлгани учун қабулловчи онгидан тушиб қолади. Бундай образ (R1) ҳеч

⁵⁶ «Поэзиянинг ўзига хослиги шундаки, унда битта сўз ҳам кўп нарсаларга ишора қилиш хусусиятига эга» (Л.Н.Толстой). Бу ҳақда қаранг: Озеров Л. Стихи и стиль (Записки поэта). - М.: «Сов.писатель», 1975. - С. 40.

қандай маънони коннотация қилмасдан нарса тўғрисидаги мавҳум тушунча билан бирикиб кетишга мойил бўлади.

«*Йўл четида якка бир дарахт...*». Ушбу матнни шеърий мисра сифатида ўқисак, вазият тубдан ўзгаради. Шеърий мисрада тилга олинган нарсалар (йўл, дарахт) бирон бир амалий аҳамиятга эга эмас. Амалий беғаразлилиқ китобхонга айтилган нарсаларга алоқадор ҳолда ўз ҳаётий тажрибасини фаоллаштириш, тилга олинган нарсаларнинг яхлит ва конкрет образини тиклаш, уни ўзининг ҳаётий тажрибасига суянган ҳолда янги, индивидуал маънолар билан тўлдириш имконини яратади. R1 дан принципиал фарқ қилувчи бундай образ (R2) фақат поэзияга, шеърий матнга хос хусусиятдир.

Баёний нутқдаги образ, ўз навбатида, поэтик образдан кескин фарқ қилади. Кундалиқ нутқда бўлганидек, бунда ҳам лисоний шакл китобхонни конкрет нарсага йўллайди: «*Отлиқ бурилишга етгач, йўл ёқасидаги якка дарахтни кўрди*». Келтирилган матнда предметлар яна конкрет ҳолат контекстида ўзаро семантик муносабатга киришди, аммо бу энди китобхоннинг ўз ҳолати бўлмай, тўқима персонаж ҳолати, ҳис-туйғусининг ифодасидир. Мазкур учинчи типдаги образ (R3) нинг ўзига хос хусусияти шундаки, айтилган нарсалар (*отлиқ, йўл, дарахт*) ни тўқима сифатида қабул қилиб, шу билан бирга ҳикоя қилинадиган ҳар қандай воқеанинг «реаллигига» қай даражада ишонсак, тилга олинган нарсаларнинг реаллиги ва яккалигига (R2 дан фарқи) шу даражада ишонамиз⁵⁷.

Кундалиқ нутқда сўзнинг образли тасаввур уйғотиш, китобхонга эстетик таъсир кўрсатишига тўсқинлик қиладиган нарса сўзнинг муайян амалий вазиятга, мақсадга боғлиқлигидир. Сўз ушбу вазият талаб қиладиган даражадагина ўз маъносини намоён этади. Одатда кундалиқ ҳаётда қўлланадиган сўзлар, аввал таъкидланганидек, бирор аниқ мақсадга қаратилган бўлади ва шунинг учун бизни кундалиқ сўзлашувда сўзлар эмас, сўзлар воситасида айтиладиган ният, мақсад қизиқтиради. Натижада сўз оддий хабар узатгиш воситаси сифатида қолиб, ўзининг барча мавжуд имкониятларини тўла намоён қила олмайди.

⁵⁷ Общественные науки за рубежом. РЖ. Серия 7. Литературоведение. 1974, № 2. – С. 87-88.

Насрий ва шеърий нутқ эса бошқача хусусиятларга эга. Бунни аниқлаш учун бир хил мавзудаги насрий ва шеърий матн парчаларини ўзаро қиёслаб кўрайлик:

1. Насрий матн парчаси: *«Ўрик дарахти остидаги баланд супада ётган Муротали одатдагидек тонг-сахарда уйғонди. Уйғонди-ю, кўзларини катта-катта очиб, ўрик шохларига термилди. Ҳар бир новда гунча ва гул билан тўла эди»* (Ш.Рашидов. Бўрондан кучли, 6).

2. Шеърий матн парчаси:

Деразамнинг олдида бир туп

Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб гунчалар

Тонгда айтди ҳаёт отини,

Ва шаббода қургур илк сахар

Олиб кетди гулнинг тотини (Ҳ.Олимжон. Ўрик гуллаганда).

Юқорида келтирилган икки бадиий матн парчаларини ёнма-ён келтириб солиштиришимизга сабаб - уларнинг мавзуй жиҳатдан анча яқинлигидир (зотан, бунда уларнинг насрий ёки шеърий матн сифатидаги ўзига хос хусусиятлари бўртиброқ кўзга ташланади), ҳар иккала матнда ҳам табиат ҳодисаси - ўрикнинг гуллаши образли равишда тасвирланади. Лекин бу ўхшашлик уларнинг фақат ташқи оламнинг ягона ҳодисаси бўлганлиги учун, яъни формал ўхшашликдир. Аслида улар бадиий адабиётнинг турли жинсларига мансуб: бири насрий нутқ кўриниши, иккинчиси эса шеърий матннинг гўзал намунасидир. Шунинг учун ҳам уларнинг вазифаси бошқа-бошқа, бинобарин, уларни ташкил этган сўзларнинг коннотацияланиш даражаси ҳам турлича. Нима учун, деган ҳаққоний савол туғилади.

Ҳар қандай китобхон романни, умуман, эпик асарни ўқиётганда мазкур асар муайян ёзувчи томонидан ёзилганини, аниқроғи, айтиб берилаётганини доимо ҳис қилиб туради. Лирик шеър эса китобхоннинг ўз туйғуси, ўз фикри-ўйлари сингари қабул қилинади. Шоир «мен»и ўз-ўзидан китобхон «мен»ига айланиб кетади. Бу фақат биринчи шахс тилидан ёзилган шеърларга эмас, асосан, кўпчилик лирик шеърларга ҳам тааллуқли бўлган характерли хусусиятдир.

Бунинг натижаси ўлароқ, ҳар иккала матндаги бир хил сўзлар (*ўрик, новда, гунча, гул* кабилар) потенциал маъноларини намоиш қилишда бир хил имкониятга эга бўлмайди. Романдан олинган парчадаги тасвир асар қахрамони Муроталининг тонгдаги таассуротини кўрсатишга қаратилган ва бу тасвир роман воқеалари тизмасида муҳим роль ўйнайди. Муротали киндик қони тўкилган Қатортол қишлоғини, ўзининг туғилиб ўсган ҳовлисини, отаси экиб кетган шу жонажон ўригини ташлаб кетишга кўзи қиймайди. Ўрик билан боғлиқ тасвирлар кекса деҳқон Муроталининг ички изтиробларини ҳаётӣ, ишонарли ифодалашга восита бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўрикнинг гуллашига оид сўзлар асл маъносида қолиб, роман воқеаларига узвий киришиб кетадилар.

Юқорида келтирилган шеърий матнда эса бутунлай бошқа ҳодисанинг гувоҳи бўламиз. Биринчидан, юқорида айтилганидек, шеър китобхоннинг ўз кечинмаси тарзида бўлганлигидан у ўзининг ҳаётӣ тажрибаси, олдинги таассуротлари эвазига шеърнинг «қўлланиш доираси» чексиз кенгаяди. Иккинчидан, шеърий тасвир романдагидек воқеалар занжирига боғлиқ бўлмаганлиги туфайли шеърдаги сўзлар ўзларини эркин ҳис қилиб, бор имкониятларини ишга солади. Шу маънода ҳар қандай шеърий парча насрий асардан олинган парчага нисбатан анча мустақилроқдир, дейиш мумкин. Бунда шеърий бандларнинг маъно жиҳатидан нисбий тугалланганлиги ҳам муҳим роль ўйнашини инобатга олиш лозим бўлади.

Тадқиқотчи олим Н.Каримов таъбири билан айтганда, “Ўрик гуллаганда” ...шеъридаги қарийб ҳар бир образ фалсафӣ умумлашма даражасига кўтарилган. Ҳатто воқеа юз бераётган жой ҳам шеър хотимасига келиб бениҳоя кенг кўлам касб этади... Шоир тегишли картина яратгач, бир туп ўрик ўсган ҳовли шеърий санъат сеҳри билан бепоён мамлакат ҳудудига айланади. Дурбиннинг катталаштириб ва яқинлаштириб кўрсатувчи томони унинг акс тарафи билан алмаштирилганидек, шоир нигоҳининг камрови беҳад кенгаяди. Яъни воқеа рӯй бераётган жой шоирнинг хонадонидан бутун ўлкага кўчирилади”⁵⁸. Бундай хусусият фақат «Ўрик гуллаганда» шеърига тегишли бўлмай, ҳар қандай ҳақиқӣ лирик шеърнинг белгиловчи хусусиятларидан биридир.

⁵⁸ Каримов Н. Гўзалликнинг олмос қирралари. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 20-21.

Бу масаланинг яна бир томони ҳам бор. Бадий асардаги муайян воқеа ва ҳодисанинг тасвири эпос ва лирикада турлича бўлиб, бошқа-бошқа мақсадларга йўналтирилган бўладиги, буни биз тарихда ҳақиқатан ҳам рўй берган бир ҳодисанинг икки адабий жинсга мансуб асардаги талқини мисолида кўриб чиқайлик.

1. *«Мўзуллар хоқоннинг султонни тирик тутии ҳақидаги амрини эсда тутиб, Жалолиддинни борган сайин ўраб олмоқда эдилар. У эса душман сафини ёриб ўтишига уриниб, жон-жаҳди билан олишарди. Аҳволнинг ёмонлигини фаҳмлаганидан кейин Жалолиддин севикли туркман отига минди, қалпоқ ва бошқа ҳарбий кийимларини ташлаб, фақат қиличини қолдирди. Отни буриб, баланд қоядан Синд (Ҳинд) дарёсининг мавж уриб турган тўлқинларига қараб отилди. Нариги қирғоқнинг баланд ерига чиқиб, Жалолиддин қиличи билан Чингизхонга таҳдид қилди ва от чоптириб, чакалакзор ичига кириб кетди»* (В.Ян. Чингизхон, 1959, 214).

Романнавис воқеани китобхон онгида яққол гавдалантириш мақсадида Жалолиддин ҳолатига боғлиқ энг майда деталларни ҳам эсдан чиқармайди. Абдулла Орипов «Ўзбекистон» шеърисида худди шу воқеани қаламга олар экан, уни батафсил тасвирлашга ҳожат сезмайди, фақат шоир бу воқеанинг энг умумий ва шу билан бирга характерли деталларини сақлайди, холос.

*... Ҳар учраган нокасу нодон,
Она халқим ёқангдан тутди.
Сени Чингиз газабга тўлиб,
Йўқотмоқчи бўлди дунёдан.
Жалолиддин самани бўлиб,
Сакраб ўтдинг Амударёдан* (А.Орипов. Ўзбекистон).

Романдаги воқеа тасвири фақат хоразмшоҳ Жалолиддиннинг жасурлигини кўрсатиб, якка ва хусусий ҳодиса сифатида қолса, шеърнинг ҳар бир сатри, ҳар бир сўзи умумий, олий маънога эга бўлиб, рамзийликка интилади. «Ёқадан тутмоқ» ибораси беозор турган бировга озор бериш ва, кўпинча, ноҳақ озор беришни киши кўз олдида аниқ жонлантиради. Бу ибора «Она халқим ёқангдан тутди» сатрида эса ўзгача теран маъно кашф этадики, аслида, умумий тушунча бўлган халқ бу сатрда (бутун шеърда ҳам) жуда конкрет лирик персонажга айланади.

Романда Чингизхон ҳам, Жалолиддин ҳам тарихий шахслар ва ўқувчи уларни шундай тарихий шахслигича қабул қилади. Шеъринг матнда эса улар тарихда ўтган шахсларнинг номларигина бўлиб қолмасдан, ўтмишда ўйнаган ролларига мувофиқ ҳолда муайян сифатнинг рамзий ифодасига айланади. Чингиз - халқнинг ёқасидан тутган нокасу нодонларнинг умумлашган образи бўлса, Жалолиддин чингизларга қарши жон олиб, жон бериб курашган халқнинг йиғма тимсолидир. Бундай бўлишига сабаб шуки, романнависни воқеанинг ўзи қизиқтирса, шоир бу воқеадан тимсол сифатида фойдаланади. Шоирнинг мақсади воқеани аниқ ва батафсил тасвирлаш эмас, балки она халқнинг буюк ва суюклигини образли, таъсирчан ифодалашдир. Шунинг учун ҳам романда Жалолиддиннинг оти аниқ - *туркман оти* дейилса, шоир уни номлаш учун умумийроқ ном - *саман* сўзини танлайди. Бу сўзнинг жарангдорлигини айтмаганда ҳам, Жалолиддин дарёдан сакраган отнинг тусини китобхон онгида гавдалантириш жиҳатидан ҳам ўзини тўла оқлайди. Бундан ташқари, саман отлар одатда чидамли, чопқир ва кучли бўлганидан шеърда ўзига ортилган бадий «юк», яъни Амудай дарёдан сакраб ўтиш каби муболағали ҳолатнинг ҳаққонийлигини таъмин этади.

Шоир тарихий фактдаги Ҳинд дарёсини Амударё билан алмаштиради, акс ҳолда, чет мамлакатдаги дарё билан халқнинг ўз юртини ҳимоя қилиб, чет эл босқинчиларига қарши кураши ўртасидаги номувофиқлик поэтик ҳисни барбод этган бўлур эди (Поэтик ҳис тахминан қуйидагича кечади: *Амударё ўзимизнинг дарё, ўз еримизда кун бермайдиган босқинчиларга лаънатлар бўлсин*).

Адабиётшунос олим Т.К.Лобанова В.Ян ижодига бағишланган китобида романнинг ушбу эпизодига тўхталиб, унда қаҳрамонлик эпосига хос муболағалаштириш усули мавжуд, деган фикрни олға суради. «Гўё қандайдир куч Жалолиддинни сеҳрлаб олгандай бўлди ва бутун қўшиндан якка ўзи тирик қолган Жалолиддин оти билан «баланд қоядан Синд дарёсининг мавж уриб турган тўлқинларига қараб отилди...» ва мўғулларнинг кўз ўнгида эсон-омон нариги тик соҳилга чиқиб олди. «Тиғи-олмос

бунга ботмас... урсанг ботмайди яроқлар» бўлган Алпомиш билан таққослаймиз»⁵⁹.

Бу ўринда олима бир неча ноаниқликларга йўл қўйган кўринади. Биринчидан, В.Ян мазкур лавҳани чизишда ўша замон тарихчилари, хусусан, Эрон йилномачиси Рашидиддин маълумотларига суянган, шунинг учун, тарихий манба умумийлиги туфайли «Ўзбекистон тарихи»да Жалолиддиннинг жасурлиги тасвирланган лавҳа романдагидан унчалик жиддий фарқ қилмайди⁶⁰. Иккинчидан, тадқиқотчи ўзининг янглиш фикри таъсирида ушбу лавҳа ҳақида романда бўлмаган гапларни ҳам айтиб юборганини сезмай қолган. «Жалолиддинни сеҳрлаган аллақандай куч» ҳам, «бутун қўшиндан якка ўзи тирик қолиши» ҳам романда йўқ гаплар. Учинчидан, Жалолиддиннинг тадқиқотчи назарида Алпомишда, тиф-олмос ботмаслигига келсак, бунинг сабаби жуда реал бўлиб, Чингизхоннинг ўз қўшинига «Султонни тирик қўлга туширинглар» деган фармонидир.

Шундай экан, тадқиқотчининг юқоридаги фикри Ўрта Осиё халқларининг мўғул истилосига қарши курашининг энг ёрқин эпизодларидан бирига ишончсизлик туғдиради. Тўғри, Алпомишда ҳам халқнинг энг олижаноб хислатлари, баҳодирликлари ўз аксини топган, лекин бу халқнинг орзу-истакларининг романтикага йўғрилган мевасидир. Жалолиддиннинг қаҳрамонлиги ҳақидаги лавҳа эса халқ дostonларига хос муболағалаштиришдан холи, тарихий фактларга асосланган реалистик бадиий тасвирдир.

Аслида тадқиқотчи тилга олган қаҳрамонлик эпосига хос муболағалаштириш кўп даражада А.Ориповнинг «Ўзбекистон» шеърдан олинган парчага тегишли (отнинг Амударёдан сакраб ўтишини эсланг, романдагидек дарёга отилди эмас, балки «... *сакраб ўтдинг Амударёдан*»). Лекин бу ҳолат бизда тарихий фактга ишончсизлик туғдирмайди, шеърдаги шартлилик, кўтаринкилик бунга йўл қўймайди.

Романдан олинган парчада диққат марказида Чингиз ва Жалолиддин турса, шеърда она халқ, Чингиз (босқинчилик тимсоли) ва от - *саман* туради. От азалдан дostonларда тасвирланган, қўшиқларда куйланган жонзот, халқнинг севиқли

⁵⁹ Лобанова Т. К. Исторические романы Василия Яна. - М.: Наука, 1979. - С. 81.

⁶⁰ Қаранг: Ўзбекистон тарихи. I-том. I-китоб. - Тошкент: Фан, 1956. - Б. 325.

қаҳрамонларининг энг содиқ дўсти ва йўлдоши. Охирги зарбли сатрларда тимсол уч ҳадга эга бўлади: *саман - халқ - ватан*.

*Сенсан ўша саманим маним,
Ўзбекистон ватаним маним.*

Ватан - бу қон ва жон бериб эришилган аجدодлар юртидир, ватан учун шундай курашган халқгина «ватаним маним» дейиш шарафига муяссар бўла олади. Бу ўринда *саман* ватаннинг рамзига айланади, бу иккала сўзнинг қофиядош бўлиб келиши билан бу рамзийлик яна бир бор мустаҳкамланади. Шундай қилиб, бир тарихий факт шоирнинг сеҳргар қалами остида бекиёс кенг тимсолга айланади.

Бу хусусият, яъни шеърдаги ҳар бир образ, қолаверса, ҳар бир сўзнинг бадий умумлашма даражасига кўтарилиши, қамров доирасининг чексиз даражада кенгайишига сабаб нима? Юқорида баён этилган мулоҳазаларга таянган ҳолда бунинг сабабларини куйидагича кўрсатиш мумкин:

1. Амалий беғаразлик, яъни шеърий матнда воқеликнинг (шеърий воқеликнинг) кундалик амалий фаолият билан бевосита боғлиқ эмаслик хусусияти ўз аксини топади.

2. Биринчи шахс - «мен»нинг шеърий матнларда ҳукмронлик хусусияти. Бу – шеърий матнда ифодаланган кечинманинг китобхон учун бевосита алоқадорлигини таъминлайди, яъни шеърий кечинма ҳассос шоирнинг маҳорати туфайли ўқувчининг ўз ички кечинмасига айланади.

3. Сиқиклик. Бу шеърий матнга нисбатан қўлланганда поэтик ҳолат фақат энг зарур, энг характерли деталлар ва сўзлар орқали яратилишини англатади. Шунинг учун сиқиклик шеъриятнинг формал, ташқи аломати бўлмай, унинг ички табиатини ҳам ўзида акс эттирадиган, поэтик маънони кучайтирувчи аломатидир.

4. Шеърий матнда шаклнинг ўзига хослигини таъминловчи омиллар: ритм, қофия, банд, туроқ ва бошқалар шеърий нутқнинг одатдаги, кундалик гап эмас, шартли, таъсирчан, образли сўз эканлигини таъкидлашга хизмат қилади ҳамда улар шеърий матнларда гўзал поэтик руҳ ва таъсирчан поэтик мазмун вужудга келтиришда ҳам фаол иштирок этадилар.

Назорат саволлари:

1. Сўзларнинг уч асосий кўринишдаги муносабатлари ва уларнинг шеърий ва насрий матнлардаги инъикоси.

2. Шеърий матндаги сўзнинг инсон тасаввурини қўзғатиб, ҳаракатга келтирувчи хусусияти ҳақида.

3. Кундалик нутқ (R1), шеърий нутқ (R2) ва баёний (насрий) нутқ (R3) кўринишларининг умумий ҳамда фарқли белгилари.

4. Шеърий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари: амалий беғаразлилик, биринчи шахс – “мен”нинг ҳукмронлиги, сиқиклик, шеърий шаклнинг ўзига хослигини таъминловчи омиллар (ритм, қофия, банд, туроқ кабилар).

2- амалий машғулот

БАДИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ЎХША- ТИШЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Таянч сўз ва иборалар: ўхшатиш, ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси, ўхшатишнинг формал (грамматик ёки лугавий) кўрсаткичи, ўхшатиш эталони ўхшатишнинг лингвопоэтик асоси сифатида, индивидуал-муаллиф (оказионал) ўхшатиш, бир шеърий матнда икки ўхшатишнинг ёнма-ён келиш хусусияти, юмористик оҳангдаги ўхшатиш, беҳад салбий бўёққа эга бўлган ўхшатиш, кучли контраст асосидаги ўхшатиш.

Маълумки, мантиқ (логика) илмида хулоса чиқаришнинг турли шакллари бўлиб, улар орасида аналогия ҳам алоҳида ўрин тутди, чунки у хулоса чиқаришнинг махсус шакли ҳисобланади. Бу фан мутахассисларининг таъкидлаб кўрсатишларича, "аналогия деб ўхшатиш орқали бир белгининг икки буюмда борлигини аниқлаб, бу буюмларнинг бошқа ўхшаш белгиларга эга эканлигини кўрсатишга айтилади. Биринчи нарса ёки ҳодисанинг ҳамма белгилари биз учун таниш. Иккинчи нарса ёки ҳодисанинг фақат баъзи бир белгиларинигина биламиз. Биз бундай вақтда бу икки нарса ёки ҳодисани бир-бирига ўхшатамиз”⁶¹.

Демак, бундан кўринадики, инсоннинг дунёни билишида ўхшатиш-қиёслаш (аналогия) усули ҳам бениҳоя катта ўрин тутди. Бу беҳад муҳим мантиқий категория, табиийки, тилда ўз аксини

⁶¹ Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Логика (предмети ва қисқа тарихи). – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 247.

топади. Таъкидлаш лозимки, қиёслаш билинган нарса-хусусият воситасида билинмаган нарса-хусусиятни осонлик билан билиш имкониятини беради, яъни, масалан, тошнинг қаттиқлиги билинган хусусият бўлса, энди бошқа нарсаларнинг шу хусусияти тошга қиёсан (*тошдан қаттиқ*) ёки тошга ўхшатиш орқали (*тошдай қаттиқ*) осонлик билан идрок этилавериши мумкин.

Ўхшатишлар нутқда сезиларли даражада катта бадий-услубий ва лингвопоэтик имкониятларга эга бўлган конструкциялар саналади. Шунинг учун ҳам ўхшатишлар дунё филология илмида энг қадимги даврлардан бошлаб нутқ таъсирчанлигини таъминлайдиган алоҳида восита сифатида турли тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Панини грамматикасидан бошлаб (эрамиздан олдинги IV аср) қадимги ҳинд поэтик-грамматик трактатларида ўхшатишлар поэтик фигура сифатида ўрганилган ва ўхшатишнинг мунтазам тўрт унсурдан таркиб топиши таъкидланган, яъни: 1) ўхшатиладиган нарса ёки субъект, 2) унга ўхшаш бўлувчи нарса ёки объект, 3) ўхшатиш белгиси ёки ўхшатиш асоси ва 4) ўхшатишнинг формал кўрсаткичи⁶². Ўзбек тилида ҳам, бошқа барча тилларда бўлгани каби, ўхшатишлар тўрт унсурдан таркиб топади ва биз уларни ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси ва ўхшагишнинг шаклий кўрсаткичи деб номлашни маъкул кўрамиз.

Аввало, таъкидлаш лозимки, ўхшатишлар ўзига хос образли тафаккур тарзининг махсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам улар нутқда ҳамиша бадий-эстетик қимматга молик бўлади, нутқнинг эмоционал-экспрессивлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўхшатишларнинг икки тури, яъни: 1) индивидуал-муаллиф ўхшатишлари ёки эркин ўхшатишлар ва 2) умумхалқ ёки турғун (доимий) ўхшатишлар фарқланади.

Бадий-эстетик қиммат, лингвопоэтик салмоқ нуқтаи назаридан эркин ўхшатишлар ёзувчи, шоир ёки публицистнинг маҳоратини намоён этувчи воситалардан бири сифатида бадий нутқда алоҳида ўрин тутади. Ижодкорлар ўзларининг бадий тасвир мақсадига мувофиқ равишда хилма-хил оригинал ўхшатишлар яратади, бу ўхшатишлар кутилмаганлиги, оҳорлилиги

⁶² Невелова С.Л. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. – М.: Наука, 1979. – С. 38.

билан ўқувчини ром этади, муайян руҳий ёки жисмоний ҳолат-хусусият-предметларни ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалантирадилар. Масалан: *Сўфининг тани ийу тонда Арабистон тоғларининг саратондаги тошларидай қизиб ёнарди* (Чўлпон. Кеча ва кундуз). Бу гапдаги ўхшатиш конструкцияси эркин ўхшатиш бўлиб, у Эшонга ишониб, расво бўлган, ҳаж илинжида кун ўтказган Раззоқ сўфининг руҳий ҳолатини фавқулодда аниқлик билан ифодалаш мақсадида Чўлпон томонидан яратилган. Мана бу мисолларда ҳам ана шундай оригинал, эркин ўхшатишларни кўриш мумкин: *Мирёқуб ...икки кишининг пичирлашиб гаплашганини эшитди, юраги обжувоз ликопидай ура бошлади* ; (Чўлпон. Кеча ва кундуз). *Булар қийқириқ солишиб, тобига келган чойдишдек шарақлашиб... кампир билан ўйнашаркан...* (Чўлпон. Кеча ва кундуз); *Хаёллар қўймайди ўз ҳолимизга - Лўливаччалардек ёпишқоқ, кир-чир* (И.Мирзо, "Эй дил" шеъри); *Ҳилол янглиз очик қолган саволларим. Еллар қувнаб-қувнаб титди вароқларим* (И.Мирзо, "Азобларим" шеъри) кабилар.

Турғун ўхшатишларнинг моҳияти шундан иборатки, уларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади, бундай ўхшатишлар, гарчи муайян шахс ёки ижодкор томонидан қўлланган бўлса-да, вақтлар ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, доимий ифодалар сифатида турғунлашган, умумхалқ тили лексиконидан жой олиб улгурган бўлади. Бундай ўхшатишлар худди тилдаги тайёр бирликлар каби нутққа олиб кирилади.

Юртбошимиз Ислом Каримов жуда ўринли таъкидлаганидай: "... халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз"⁶³. Ана шу хусусиятлар ҳам ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларда ўзига хос бир тарзда ифодаланади, ўхшатишлар халқнинг ўзига хос кўриш ва идрок йўсини, образли тафаккур ва тахайюл интизомини ҳам акс эттиради. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар қайд этадиларки, ижодкорлар объектив оламдаги нарса-ҳодисалар ўртасидаги компаратив алоқаларни образли қиёслаш асосида сонсиз-саноксиз

⁶³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 8.

ва хилма-хил ўхшатишлар яратсалар-да, уларнинг жуда ҳам оз қисми тилда турғунлашади, чунки бундай ўхшатишлар тилда халқнинг тажрибалари, урф-одатлари, маданияти ва тарихининг ўзига хосликларига мувофиқ сараланади, ана шунга кўра ҳам турғун ўхшатишлар миллий специфик хусусиятга эга⁶⁴. Рус тилидаги турғун ўхшатишларнинг салмоқлигина луғатини яратган проф. В.М.Огольцев уларнинг эркин ўхшатишлардан фарқли равишда нутқ ҳодисаси эмас, балки тил системасининг тайёр ҳолда қўлланадиган бирликлари эканлигини таъкидлаб, бу бирликларнинг жами рус тили фразеологиясининг алоҳида, компаратив қатламини таркиб топтиришини айтади. Айни пайтда у турғун ўхшатишларнинг аксарияти кўп маъноли эканлигини, улар синонимик ва антонимик қаторларни ҳам ташкил қилишини кўрсатиб беради. У рус тили фразеологиясининг энг тўлиқ луғати бўлмиш А.И.Молотков таҳрири остидаги луғат (М., 1967; 1978) 4000 дан ортиқ луғат мақоласини ўз ичига олган бўлса-да, атиги 100 та атрофидаги турғун ўхшатишнинг акс эттирганлигини қайд этади, буни, энг аввало, махсус тил бирлиги бўлган турғун ўхшатишларнинг структур-семантик ўзига хослиги билан изоҳлайди⁶⁵.

Тилдаги ўхшатишларни тадқиқ этган тилшуносларнинг аксарияти турғун ўхшатишларнинг идиомаларга яқин туришини ёки идиома мақомида бўлишини, улар кўп асрлар мобайнида кишилар нутқида қўлланиш натижаси сифатида турғунлашиб, сўзловчилар онгида муайян моделлар шаклида мустаҳкамланиб қолишини, ўхшатиш эталонининг, яъни ўхшатиш асосидаги образнинг муайян белги-предмет билан мунтазам ва қатъий боғлиқ бўлишини таъкидлайдилар⁶⁶.

Агар бу мулоҳазалардан келиб чиқилса, турғун ўхшатишларнинг тил ва нутққа муносабати ойдинлашгандай бўлади. Буни қуйидаги бир неча мисолда ҳам яққол кўриш мумкин: *Унинг бу хислати ҳам ҳаммага отнинг қашкасидай маълум*

⁶⁴ Огольцев В.М. Словарь устойчивых сравнений русского языка (синонимно-антонимический). – М.: Русские словари. АСТ. Астрель, 2001. – С. 5.

⁶⁵ Огольцев В.М. Словарь устойчивых сравнений русского языка (синонимно-антонимический). – М.: Русские словари. АСТ. Астрель, 2001. – С. 5-6.

⁶⁶ Масалан, қаранг: Некрасова Е. А. Сравнения общезыкового типа в аспекте сопоставительного анализа художественных идиомов / Лингвистика и поэтика. М.: Наука, 1979. С. 225; Лебедева Л. А. Устойчивые сравнения русского языка. – Краснодар: Кубанский ГУ, 2003. С.3; Хакимзянов Ф.С. О словаре устойчивых сравнений татарского языка // Российская тюркология. М.; Казань, 2010. № 2.- С.80.

(Чўлпон. "Кеча ва кундуз" романи); *Болалари... қўрққанларидан бақадек қотиб қолишди* (М.Низанов. "Охират уйқуси" романи) кабилар.

Ўзбек тилшунослигида турғун ўхшатишлар ёки, В.М.Огольцев таъбири билан айтганда, компаратив ибораларнинг ўзига хосликлари, уларнинг фразеологик ибораларга, умуман, тил ва нутққа муносабати аниқ белгиланган эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, аслида улар ҳам айна фразеологик иборалар каби тил бирликлари бўлиб, нутқнинг экспрессивлиги учун хизмат қилади. Ҳозирга қадар турғун ўхшатишлар ҳам худди эркин (индивидуал-муаллиф) ўхшатишлар каби одатдаги синтактик структура сифатида ўрганилган, уларнинг турғунлашиб, яхлит ифода мақомида тил бирлигига айланиш жараёнлари тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган.

Рус тилшунослигида ҳам ҳар қандай ўхшатиш конструкциясини муайян синтактик структура сифатида ўрганиш анчайин анъанага кириб қолган. Айрим тадқиқотчилар ҳатто эркин ўхшатиш конструкцияларини ҳам, турғун ўхшатиш конструкцияларини ҳам синтактик тузилишлар сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар. М.И.Черемисина 1976 йилгача рус тилшунослигида ўхшатиш конструкциялар тадқиқига бағишланган 100 дан ортиқ иш эълон қилинган бўлишига қарамай, ҳали ҳамон бундай конструкцияларнинг синтактик моҳияти етарли даражада очиб берилмаганлигини айтади. Бу муносабат билан у шундай ёзади: “Тан олиш керакки, ўхшатиш - бу синтактик категориядир ва унинг тадқиқи синтаксис доирасида олиб борилиши лозим. Ўхшатиш тилшуносликнинг шу бўлими методлари ва усуллари воситасида ўрганилиши, синтаксиснинг махсус тили, яъни унинг терминлари ва тушунчалари асосида тавсифланиши керак”⁶⁷.

Ўхшатиш, метафора каби ҳодисалар тилшуносликда компаратив троплар деб ҳам юритилади⁶⁸. Бунда, албатта, ўхшатишнинг асосида ҳам, метафоранинг асосида ҳам қиёслаш-ўхшатиш усули ётганлиги эътироф қилинадн. Аслида метафора ҳам ўхшатиш, фақат метафора – яширин⁶⁹ ёки қисқарган ўхшатишдир.

⁶⁷ Черемисина М.И. Сравнительные конструкции русского языка. – Новосибирск: Наука, 1976. – С. 5-7.

⁶⁸ Черемисина М.И. Сравнительные конструкции русского языка. – Новосибирск: Наука, 1976. – С. 3.

⁶⁹ Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Л.: Просвещение, 1973. – С. 146.

Буни ўз вақтида Аристотель жуда аниқ ва содда қилиб кўрсатиб берган. Унинг кўрсатишича, ўхшатиш ҳам метафорадир, чунки улар ўртасида арзимаган фарқ мавжуд, холос. Масалан, у *шердай ташланди* тарзидаги ифодада ўхшатиш бор, агар ифода *шер ташланди* тарзида ўзгартирилса, метафора юзага келади⁷⁰. Баъзи тадқиқотчилар ҳатто "метафора-ўхшатиш" терминини ҳам қўллайдиларки⁷¹ бунда улар ўртасидаги умумий жиҳатлар эътироф қилинади.

Бадий тасвир воситаларидан бўлмиш эпитетларнинг ҳам умумтил ва индивидуал-муаллиф эпитетлари турлари фарқланади. "Рус адабий тили эпитетлари луғати" муаллифларининг тавсифича, анъанавий, умумтил эпитетларининг асосий характерли белгилари сифатида аниқловчи (эпитет) ва аниқланмиш (эпитетланмиш) ўртасидаги алоқанинг барқарорлиги, бундай бирикмаларнинг адабий тилда кўп қўлланиши ва қайта тиклаш имконининг мавжудлиги, доимийлигини таъкидлаш мумкин, индивидуал-муаллиф эпитетлари эса нуткий, яъни окказионал бўлади, аммо улар ҳам вақтлар ўтиши билан умумтил гуруҳига ўтиши мумкин⁷².

Ўзбек тилидаги тайёр бирликлар сифатида компаратив иборалар мақомига ўтган турғун ўхшатишларни тавсифлаш, уларнинг тилимизнинг лексик-фразеологик хазинасидаги ўрнини белгилаш, шубҳасиз, назарий-амалий қимматга моликдир. Аммо бундай компаратив иборалар ўзбек тилида ҳатто бирон-бир шаклда тўпланган ҳам эмас.

Ўзбек тилидаги мингдан ортиқ фразеологик иборани ўз ичига олган луғатда *томдан тараша тушгандай* (қўққисдан), *бир қошиқ сув билан ютгудай* (нозик), *ёғ тушса, ялагудек* (тоза), *ичаги узилгудай*, *кўзига ўтдай кўринмоқ*, *кўнгли тоғдай кўтарилмоқ*, *кўнглига зигир ёғидай урмоқ*, *юраги дарёдай кенг*, *сув қуйгандай* (*жимжит*), *хамирдан қил сугургандай*, *қушдай енгил бўлмоқ* каби 11 тагина турғун ўхшатиш ёки компаратив ибора берилган⁷³, холос. Ўзбек тилининг 80 минг сўз ва иборани ўз ичига олган беш жилдли изоҳли луғатида ҳам юз-икки юз атрофидаги *бордондай*, *булутдай*, *гулдай*, *гумбаздай*, *гупчакдай*, *давангидай*, *данакдай*, *девдай*,

⁷⁰ Аристотель. Риторика // Античные риторика. – М.: МГУ, 1978. – С. 134.

⁷¹ Григорьев В.П. Поэтика слова. – М.: Наука, 1979. – С. 200.

⁷² Горбачевич К.С., Хаблю Е.П. Словарь эпитетов русского литературного языка. – Л.: Наука, 1979. – С. 7.

⁷³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.

муздай, она сутидай, Рустамдай, тариқдай, тангадай, туядай, тўтидай, чиннидай, қўғирчоқдай, мош еган хўроздай, оёғи куйган товуқдек, томдан тараша тушгандай каби турғун ўхшатиш эталонлари ва *бўздай оқармоқ, бўтадай бўзламоқ, бўзчининг мокисидай югурмоқ (қатнамоқ), бўрсиқдай семирмоқ, деворга танбур чертгандек, сувдек ичмоқ, маймундай ўйнатмоқ, тарракдек қотмоқ* каби турғун ўхшатишлар - компаратив ибораларгина берилган. Кўринадик, ўзбек тили захирасидаги жуда катта миқдордаги турғун ўхшатишлар лексикографик тавсиф доирасидан ташқарида қолган. Ҳолбуки, турғун ўхшатишлар ҳам тилимизнинг бетакрор ва ўзига хос бойлигини, улкан ифода имкониятларини, айти пайтда халқимизнинг миллий образли тафаккур тарзини намоён этадиган бирликлардир.

Бошқа тилшуносликларда, масалан, рус тилшунослигида бу борада, хусусан, рус тилининг компаратив иборалар бойлигини турли даражада тавсифловчи анча-мунча лексикографик ишлар, изоҳли, изоҳли-тематик луғатлар яратилган бўлиб, уларнинг баъзиларида минг-бир ярим минг, баъзиларида ҳатто ўн бир минг бирлик изоҳланган⁷⁴. Бу луғатларнинг аксариятида ўхшатиш эталони луғат мақоласи сифатида тавсифланган.

Талантли бадий истеъдод соҳиблари теран ва мунтазам кузатувчанлик натижасида ўз асарларида оригинал ўхшатишлар яратишга ҳаракат қилганлар. Ана шундай истеъдодлардан бири Ойбек эди. Унинг шеъриятида кузатувчанлик ва мукамал ҳис қилиш беҳад нозик ва нодир бир санъат даражасига кўтарилган бўлиб, шоир шеъриятининг бадий тақомили учун хизмат қилди. Ойбекнинг ҳар бир шеъри нафис ва расо кузатишлар, мукамал мушоҳадалар натижаси сифатида намоён бўлади.

Ойбек шеърларида хилма-хил ўхшатишлар алоҳида ўрин тутди. Таъкидлаш лозимки, бу ўхшатишларнинг ҳар бири ҳаётсевар, табиат ошиғи бўлган Ойбекнинг кузатувчанлигига, табиат ва инсоннинг мураккаб ҳаётини ипидан игнасиғача, бутун икир-чикирларигача кўра ва кўрсата олишига, борлиқни ўзига хос йўсинда, «ойбекона» идрок қилишига холис ва характери

⁷⁴ Лебедова Л.А. Постоянные сравнения русского языка. – Краснодар; 1975; Лебедова Л.А. Устойчивые сравнения русского языка. Краткий тематический словарь. - Краснодар: Кубанский ГУ, 2003; Огольцев В.М. Словарь устойчивых сравнений русского языка (синонимо-антонимический). – М.: Русские словари. АСТ. Астрель, 2001; Мокиенко В. М. Словарь сравнений русского языка. - СПб., 2003.

далиллар саналади. Чунки ўхшатишлар шеърятда хилма-хил мақсадлар билан қўлланса-да, уларнинг сифати, айти мақсадларга қай даражада бўйсундирилиши, қисқаси, уларнинг поэтик мазмун даражаси шоирнинг кузатувчанлигига, поэтик идрокига бевосита боғлиқдир.

Юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай ўхшатиш муносабати тилда акс этар экан, у албатта, қуйидаги тўрт элементни назарда тутди, яъни: 1) ўхшатиш субъекти, 2) ўхшатиш эталони, 3) ўхшатиш асоси ва 4) ўхшатишнинг формал кўрсаткичи. Соф лингвистик нуқтаи назардан бу тўрт элемент бир содда гап доирасида ифодаланар эди, гапнинг шакли ва мазмуни ўртасидаги мувофиқлик бузилади ва бундай содда гаплар энди асимметрик структурали содда гап сифатида қаралади. Бошқача қилиб айтганда, ўхшатиш муносабати ифодаланган содда гапларнинг мазмун сифими ҳамиша катта бўлади, яъни кичик шакл (форма) катта (мураккаб) мазмун ифодаси учун хизмат қилади. Бу эса шеър лингвопоэтикаси учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади, чунки айти ҳолат шоирга турли нарса-ҳодиса, мураккаб воқеа-ҳодисалар, тақдирлар ва шу кабиларнинг беҳад ихчам тасвирларини, ёрқин образларини яратиш имконини яратиб беради.

Айтиш лозимки, ҳар қандай ўхшатишнинг лингвопоэтик асосини ўхшатиш эталони ташкил қилади. Ўхшатишнинг поэтик қимматини ҳам ана шу ўхшатиш эталони белгилайди. Ойбекнинг шеърларини ўқиганда, шу нарсага тўлиқ ишонч ҳосил қиламиз. Ойбек ўз шеърларида ўхшатиш эталони бўладиган воқеа-ҳодисаларни тўлиқ ва аниқ тасаввур қилган, шунинг учун ҳам у ўхшатишга мурожаат қилар экан, зукко кузатувчи сифатида беҳад мувофиқ ва янги ўхшатиш эталонларини қўллашга интилади.

Масалан, шоир Ойбек ўзининг «Ҳамза» номли достонида Шоҳимардон қишлоғининг ўтмишдаги манзарасини тасвирлар экан, шундай ёрқин мисралар яратган эди:

Пастда қишлоқ, тошларга қапишибди зич -

Фақир уйлар қалдирғоч инлари каби.

Кузатувчан шоир Ойбек *фақир уйларни қалдирғоч инларига* ўхшатади, айти бу ўхшатишда қалдирғоч инларининг ўхшатиш эталони сифатида қўлланиши Ойбекнинг теран ва фавқулодда нигоҳи маҳсули саналади. Агар *фақир уйлар* тўлиғича

тасвирланадиган бўлса, ҳатто бир-икки саҳифа ҳам камлик қиларди ва шунда ҳам бу ердагидай, яъни бир-икки сўз билан ифодаланганидагидай ёрқин ва таъсирли ўзига хос «сурат» юзага келмаган бўларди. Маълумки, *қалдирғочнинг* иини ҳаммамиз кўрганмиз, у лойдан қилинади ва худди майда гувала кесак билан урилган деворга ўхшайди. Айни пайтда, беҳад кичик ва кўримсиз шаклга эга бўлади. Ана шу асосга кўра *фақир уйлар қалдирғоч инларига* ўхшатиш, бунда бу предметлар муайян бир белги асосида эмас, балки бир неча белгилар асосида бир-бирига ўхшатиш, бу ўхшатиш асосидаги белгилар яхлит, умумий хусусияти билан китобхон кўз ўнгида ёрқин гавдаланади. Ана шунинг учун ҳам “Ҳамза” достонида *фақир уйларнинг* беназир мукамал ва «*нофақир*» *картинаси* яратилган. Бу картина ойбекона поэтик жарангга ҳам, кучли экспрессияга ҳам эга. Нозик кузатишлар натижасида яратилган бундай оригинал ўхшатишлар Ойбек шеъриятида жуда кўп. Биз бу ўринда шулардан айримларини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиб кўрамиз:

*Дўконлар қалашган ари инидай,
Қай томон қарасанг - зийнат буюмлар.... («Байрут»);
Мана сувга тушар полвон қиз,
Тўлқинларни ҳеч тисанд қилмай...
Сочлар сувда қора илондай («Қизлар»);
Олтин гўза пўчоқлар
Сингари очилганди
Кўкда гуж-гуж юлдузлар («Янги ой чиққанда») кабилар.*

Ойбек, кўпинча, ўз шеърларида шундай ўхшатиш эталонларини қўллайдик, китобхон уларнинг фавқулоддалигидан, тутилмаганлигидан, уларнинг фақат Ойбек ижодига хослигидан завқланади ва беҳад ҳайратга тушади. Масалан, унинг «*Шоир билан суҳбат*» шеърдан олинган қуйидаги парчага диққат қилайлик:

*Мен инак қурти каби
Хаёлимга ўралдим.
Туйғуларим гирдоби
Орасида йўқолдим.*

Бу шеърий матн парчасида мураккаб ҳиссий ҳолатнинг гўзал тасвири берилган. Бу ҳиссий ҳолатнинг асосий ва ажойиб мазмуни биринчи икки мисрада ўзининг жуда ҳам нозик ифодасини топган, кейинги икки мисра эса ана шу ифодани яна ҳам

конкретлаштиришга хизмат қилади. *Ипак қурти қаби* тарзидаги ўхшатиш эталони бу ўринда ниҳоятда оригинал ва ўша ҳолат ифодаси учун фавқулодда мувофиқ келган. Маълумки, ипак қурти ипак чиқариб ўзини ўзи ўрайди ва натижада пилла ҳосил бўлади, ўзи эса унинг ичида қолиб кетади, пилла - оппоқ, у ана шу оқлик ичра пинҳон, яширинган бўлади. Шоир эса ўз хаёлига ўралади, уни оқ, пилладай оппоқ хаёллар қуршайди, ана шу хаёллар, оловли туйғулар гирдобини ўзининг бесарҳад бағрига олади, шу оппоқ бағирда шоир пинҳон бўлади. Бизнингча, бу ўхшатиш теран ва таранг мутаносибликка эга бўлган, ўхшаши йўқ, ҳақиқий ойбекона ўхшатиш даражасига кўтарилган. Бундай оригинал ўхшатишнинг поэтик салоҳияти шундаки, шоир у орқали фақатгина у ёки бу даражада тасаввур қилиш мумкин бўлган ҳиссий ҳолатни қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлган даражада «моддийлаштириб», ёрқин сурат даражасида конкретлаштириб кўрсатишга муваффақ бўлган.

Қуйидаги шеърини парчалардаги ўхшатишларда ҳам Ойбекнинг ўткир нигоҳини аниқ сезиш қийин эмас:

*Бехосдан узилган шода дур қаби
Тўкилди умиднинг рангли барглари («Қорахат»);
Муҳтожликнинг изгиринида
Куз баргидек тушади ўйин («Дехқон. Қора кечалар»);
Сўнгсиз уфқларда қишининг хаёли,
Абадий сукутдек узалмиш жимжит
(«Қорнинг заҳар тилли...»).*

Кузатишлар шундан далолат берадики, шоир Ойбек ўз шеърларида *қуёш, офтоб, қиз, чечак, гул, баҳор, қуш, денгиз, дарё, шафақ* қаби сўзларни ўхшатиш эталони сифатида жуда фаол қўллайди. Бу шоирнинг инсонга ва табиатга бўлган чексиз муҳаббатини, бу муҳаббатни юксак оҳангларда куйлаганлигини, инсон ва табиат тасвири учун табиатнинг ўзидан бетиним ранг ва оҳангоар излаганлигини яққол намоён этади.

Ойбек баъзан шундай ўхшатиш эталонларини топадики, улар тасвир аниқлиги ва образлигини таъминлаш билан бир пайтда енгил юмористик оҳангнинг чиройли ифодаси учун ҳам хизмат қилади. Масалан:

*Файласуфдек салмоқланиб бир қатор тева
Ҳайқиритиб, кўпик сочиб шунда саф тортар.
Эгалари «Бу неси?» деб ҳайронлик била*

Полиздаги қўриқчидек қотишиб қолар.

(«Радио тинглайдир...»).

Юқорида келтирилган шеърий парчада иккита ўхшатиш эталони - *файласуфдек ва полиздаги қўриқчидек* - қўлланган бўлиб, улардан, айниқса, биринчиси алоҳида диққатга сазовор, чунки у тева (туя)га нисбат берилган. Файласуфнинг вазмин ва салмоқли одимлаши билан туянинг битта-битта, салмоқ билан юриши ўхшатиш. Табиийки, бу кутилмаган ташқи ўхшашлик (иккинчи мисрада сохта файласуфнинг яна айрим «хислатлари»га ҳам ишора бор) кишида енгил кулги қўзғайди. Бу чиройли ва оҳорли ўхшатиш фақат тасвир аниқлиги учунгина эмас, балки юмористик фон ифодаси учун ҳам холис хизмат қилган. Ана шу ўхшатишнинг лингвопоэтик механизми ва формал ҳажми бошқа ўхшатишлардан мутлақо фарқ қилмаса-да, шоирнинг маҳорати билан у полифункционал воситага айланган, айтиш мумкинки, бу ўхшатиш матн таркибида яна ҳам «ишчан» хусусиятга эга бўлган.

Ойбек ёмон, нафратга лойиқ кишилар, нарса-ҳодисаларни тасвирлар экан, уларга нисбатан беҳад салбий бўёққа эга бўлган ўхшатиш эталонларини қўллайди. Масалан, «Зафар бизники!» шеърида фашист галаларига ўтли нафратини ифодалар экан, «*Чўчқалардек янчиб_киради // Тинч ўлкалар чаманзорига*» деб ёзади. Ёки «Дехқон» шеърида шайх-эшонларга бўлган нафратини «*Бир-биридан олғир ва ютоқ, // Дум ўйнатар оч ит сингари*» тарзида ифода этади. Ойбек шеърларидаги ўхшатишлар лингвопоэтикасидаги яна бир муҳим ҳолат шундан иборатки, шоир ўхшатиш яратар экан, кўп ҳолларда ўхшатиш субъектига шундай ўхшатиш эталони танлайдики, улар ўртасида кучли контраст юзага келади. Бу контраст ўхшатишнинг эстетик қимматини, унинг тасвирийлиги, образлилигини янада оширади. «Янги йил» шеъридан олинган қуйидаги матн парчаси бунга мисол бўла олади:

Кампир тарих яна ёш бир қиз каби

Гулдор каштасини тикишига ёйди.

Шоир «кампир тарих» учун ёш бир қиз тарзидаги ўхшатиш эталонини муносиб кўрган, *кампир ва қиз* тушунчалари ўртасидаги ўткир ва абадий контраст ўхшатишнинг поэтик мазмунини яна ҳам бўрттирган, натижада шеърда *Янги йил* образи жуда чиройли ва бетакрор равишда таъкидланган. «*Кампир тарих*»га яна бир ёш қўшилди, яна ҳам қариди, аммо у яна ҳам кексайган бу ёшида ҳам

яна «гулдор кашталар тикишига» шай, яна янги яратишлар, яна янги курилишлар, яна янги гўзалликлар ...Ойбек шеърларида бундай зиддият (контраст)га асосланган ёрқин ўхшатишлар бениҳоя кўп. Бундай ўхшатишларнинг айримларига доир мисоллар келтирамиз:

*Зарбдор бўлган чол отанг
Қирчиллама йигитдек.
Филдир теримда онанг,
Ўзи кичик чигитдек («Қишлоқ қизи - студент»);
Мана, йигитдай ишлар Умрзоқ ота,
Кетмоннинг зарбидан ерлар ларзада («Шодиёна»).*

Хуллас, Ойбек шеъриятида ўхшатишлар лингвистик моҳияти жиҳатидан бирон-бир алоҳида, жуда фарқли хусусиятга эга бўлмаса-да, поэтик жиҳатдан ўзига хос ва бетакрордир. Ойбек шеъриятидаги ҳар бир ўхшатиш кузатувчан шоирнинг ўткир нигоҳи, нафис ва вазмин мушоҳадасининг маҳсули саналади. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси келгусида яна ҳам муфассал, яна ҳам чуқурроқ ўрганилмоғи лозим. Чунки Ойбекнинг ўхшатишлари ёш ижодкорлар учун бениҳоя ибратли ва сабоқ бўларлидир. Зеро, ҳар бир санъаткор ёзувчи ёки шоирдан «Тошга ҳам, рангга ҳам, сўзга ҳам // Ҳаёт нури билан бер жило» деб талаб қилган шоир сўзнинг жилосини ҳамиша табиатдан, ҳаётнинг ўзидан тинмай излаган ва уни ўз ижоди давомида бутун мукаммаллигича топиш бахтига муяссар бўлган эди.

Назорат саволлари:

1. Ўхшатиш тасвирий воситаси ва унинг тўрт элементи (ўхшатиш субъекти, ўхшатиш эталони, ўхшатиш асоси, ўхшатишнинг формал кўрсаткичи) ҳақида умумий тушунча.
2. Ўхшатиш эталони ўхшатиш тасвирий воситасининг лингвопоэтик асоси сифатида.
3. Ойбек поэзиясида ўхшатишлар шоирнинг теран ва фавқулудда нигоҳи, кузатувчанлиги маҳсули сифатида.
4. Ойбек шеърларида *қуёш, офтоб, қиз, чечак, гул, баҳор, қуш, денгиз, дарё, шафақ* каби сўзларнинг ўхшатиш эталони сифатида қўлланилиш хусусиятлари.
5. Ойбек шеъриятида қўлланган юмористик оҳангдаги ўхшатишларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.

6. Ойбекнинг ўхшатиш қўллаш маҳорати ёш ижодкорлар учун ибрат ва сабоқ намунаси сифатида.

3-амалий машғулот

ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА СЎЗНИНГ ИЖТИМОЙ ХОСЛАНИШИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

***Таянч сўз ва иборалар:** публицистик матн, газета тили, очеркда сўз қўллаш, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Самарқанд расадхонаси, “Зичи жадиди Кўрагоний”.*

ТУРКИЯГА САЁҲАТ - сарлавҳа

ёхуд буюк аждодимиз Али Қушчи қабрини зиёрат- (ён сарлавҳа)

Али Қушчининг асл исми Алловуддин Али ибн Муҳаммаддир. Отаси Самарқанд ҳокими, улуғ астроном Мирзо Улуғбекнинг Қушчи бошиси, яъни девонбегиси эди. Али Қушчи 1403 йилда Самарқандда таваллуд топган, отаси Мирзо Улуғбекнинг девонбегиси бўлгани учун "Қушчи" тахаллусини олган. (газетада бу абзац алоҳида, ажратиб берилган)

Алловуддин Али ибн Муҳаммад ёшлигидан ўта зийрак, илмга чанқоқ бўлганлигидан - отаси Муҳаммад ўз ўғлини сарой амалдорларининг фарзандлари билан бирга ёшлигидан диний илмлар билан бир қаторда дунёвий фанларни ҳам ўқитишга катта аҳамият беради. Алловуддин Али ибн Муҳаммад отасига бўлган ҳурмат юзасидан "Али Қушчи" тахаллусини олган ва ёзган асарларига доимо ушбу тахаллус билан имзо қўйган.

Али Қушчининг отаси математика, астрономия бўйича ўзининг тенгдошларига қараганда анча илгарилаб кетган ўғлини ҳам расадхона илмий ишларига жалб қилган.

Бу ерда Мирзо Улуғбек Туркиянинг Бурса шаҳридан ўқиш учун Мовароуннаҳрга келган Қозизода Румий орқали Али Қушчи билан танишиб унга дарс берган. Али Қушчи математика ва астрономия соҳасидаги фундаментал билимларни Самарқандда Улуғбек, Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшиддан олган.

Али Қушчи Улуғбек жадвалини тайёрлаш ишларида тўлиқ катнашади. Қозизода Румийнинг ўлимидан кейин Улуғбек ўзининг шогирдлари ичидан энг иқтидорли Али Қушчини бутун илмий ишлари бўйича ёрдамчи қилиб олади ва Самарқанд расадхонасига мудир этиб тайинлайди.

Улуғбекнинг ўлдирилишидан (1449 йил) кейин ҳимоячисиз қолган Али Қушчи Самарқанд мадрасасидаги дарслари билан расадхонадаги ишларини икки йил ичида тугаллаб, Мирзо Улуғбекнинг бевосита раҳбарлигида қарийб йигирма йилдан зиёд ишларининг якуни бўлган 1018 та осмон жисмлари - юлдузлар жадвалини "Зижи жадиди Кўрагоний" номи билан китоб шаклига келтириб, кўплаб нусхалар тайёрлатиб бошқа илмий китоблар билан биргаликда туяларга ортиб 1451 йил ёзида Темурийлар саройидан чиқиб кетади ва ҳаж қилиш мақсадида Ҳиротга йўл олади. Ҳаж сафаридан сўнг яна Ҳиротга қайтиб ўзининг илмий ишларини давом этдиради, кўплаб шогирдлар тайёрлайди, ўзигача яшаб ижод қилиб ўтган олимларнинг математика, астрономия бўйича илмий асарларини буюк астроном олим Мирзо Улуғбек таълимоти нуқтаи назаридан келиб чиқиб ўрганади, таҳлил қилади ва шарҳлайди.

Али Қушчи қарийб йигирма йил Афғонистон, Эрон, Ироқ ва бошқа Шарқ мамлакатларининг таниқли мадрасаларида маърузалар қилади, китоб ва рисоалар ёзади, кўплаб шогирдлар етиштиради, математика ва астрономия бўйича бу давлатларда ўз мактабини яратиб, катта обрў-эътибор қозонади. Етмиш ёшларга бориб қолган Али Қушчи 1471 йил охирларида ўзининг кейинги ҳаётини Истанбулда ўтказмоқчи эканлигини билдиради.

Али Қушчининг Истанбулга бутунлай яшаш учун келганлиги тўғрисидаги қарори Фатих саройида катта тантаналар, совғалар билан кутиб олинади. Фатих 1473 йилда Эроннинг Табриз шаҳрига, унинг хони Узун Ҳасан ҳузурига қилган сафарида ёнида олиб борган Али Қушчини қайтишда Аясофия (Аё-Сўфия) мадрасасига мударрис этиб тайинлайди. Фатих кейинчалик Али Қушчига 200 ақча маош белгилайди.

Истанбулдаги илмий ишлари ва берган дарслари билан ўз замонасидан илгарилаб кетганлигини кўрсатган Али Қушчи Мирзо Улуғбекнинг "Зижи жадиди Кўрагоний" асарини турк тилига

таржима қилади. Асарни ўнлаб нусхаларда кўпайтириб, Оврўпа давлатларига тарқатади.

Али Қушчи 1474 йилнинг 15 декабрида Истанбулда вафот этган ва жуда катта хурмат эҳтиром билан турк султони Фотих Султон Меҳмед Хон томонидан қурилган жоме масжиди мажмуасида Аюб Султон макбараси атрофида дафн қилинган. Мен бу ҳақда билмасдим. Ёзги таътилда Туркияга саёҳат қилишимни эшитиб, рафиқам, тарихчи Насибахон: - Дадаси, биласизми, Али Қушчининг қабри Истанбулда, - деб қолди. Менда қабрни зиёрат қилиш истаги туғилди.

Тезроқ Истанбулга борсаму Али Қушчининг қабрини топиб, тавоб қилсам армоним қолмасди, деган ўй-фикрлар борлиғимни чулғаб олди. Истанбулга учиб кетдим. Мени туркиялик дўстим Умарбейнинг укаси Усмонбей кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашувлар ва чой устида Ўзбекистонимизнинг тарихи, буюк бобокалонларимиз, уларнинг жаҳон фани ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида сўзлаб бердим. Улуғбекнинг шогирди, ўз даврининг Птоламейи деб эътироф этилган математик ва астроном, бир қанча илмий асарлар муаллифи, буюк олим Али Қушчининг қабри Истанбулда эканлиги, уни топишга кўмаклашишларини илтимос қилдим.

- Али Қушчи тўғрисида, қабри Истанбулда эканлигини билмайман, - деди Усмонбей. – Аммо кўнглингиз тўқ бўлсин, сиз Эгей денгизида дам олиб қайтгунигизча суриштириб қўяман.

...Сафарим охирлаганда Усмонбей: "Менга учрашиб кетинг, хушхабар бор" деб кўнғироқ қилиб қолди. Дарҳол йўлга чиқдим ва Усмонбей ҳузурига етиб келдим. Усмонбей тарих билан қизиқувчи инсонлардан сўраб-суриштириб, Али Қушчининг қабри ҳақида хабар топибди: Аюб Султон жоме масжиди қошида экан.

- Аммо уни минглаб қабрлар орасидан аниқ топиш осон эмас, - деди Усмонбей. - Лекин уриниб кўрамиз.

Мен барибир хурсанд эдим, ҳеч бўлмаса Аюб Султон жоме масжидида номоз ўқиб, Али Қушчи ҳаққига дуо қиларман деган умид билан йўлга тушдик.

Аюб Султон жоме масжиди Истанбулнинг Европа қисмида бўлиб, кичик буғознинг ичкарасида жойлашганлиги учун у жой номини, шаклига қараб "Халич" ҳам (катта буғознинг "шохи") деб аташар экан. Атрофга арчалар, ҳар хил гуллар экилган, ҳамма жой

саранжом саришта - файзли, кичик-кичик савдо расталари, зиёратга кириб ва чиқиб бораётган ҳар турли миллат вакиллари учратдим. Шу пайт муаззиннинг пешин намозига чақирган азони эшитилди.

Намоз тугагач, ўнг томонимда, бирга намоз ўқиган инсон кўлимдан ушлаб туришимга ёрдам берди. Менга турк тилида мурожаат қилиб, қаердан келганимни, нима масала мени қийнаётганини сўради. Мен бу улуг жойга келишим сабабларини тушунтирдим ва Али Қушчининг қабри шу атрофда эканлигини, аммо уни ҳеч ким билмаётганини айтдим. Гапим тугамасданок у Али Қушчининг қабрини билишини, аммо у ерга махсус рухсат олиш кераклигини билдириб, албатта, ёрдам беришини айтди. Ўзини Ойдин деб таништирган турк йигитининг кўлини кўймасдан тиқилинч одамлар орасидан ўтиб, масжид ҳовлисининг тўрига қараб юрдик ва қабристон бошланишига бордик.

Йўл-йўлакай Ойдин кўл телефони орқали тинмай уч-тўрт киши билан гаплашди, ҳаммасига менинг вазиятимни тушунтирар, аммо улар негадир рухсат беришмас эди. Шу тариқа биз қабристонга, панжара билан ўралган, панжарали эшиги қулфланган, полиция зобити кўриқлаётган жойга келиб тўхтаб қолдик. Зиёратчилар кўплигидан қабристон топталмасин деб ичкарига киритилмас экан.

Полиция ва қабристон ходимлари билан олиб борган бир соатдан ортиқ музокарамиз натижасиз тугагандан кейин мен Ойдинга қараб, булар ҳеч ишни битирмайдилар, яхшиси мени шу масжид бош имом-хатибига олиб бор деб илтимос қилдим.

Ходимлар бу талабимни эшитгач, сукутга чўмишди, бир-бирлари билан шивирлашиб олишгач, бизга қараб қабристонга киритишини маълум қилишди ва панжарали эшик қулфини очишиб, Али Қушчининг қабри томон бошлашди. Бу кичик бир қабристон бўлиб Аюб Султон жоме масжиди билан бир яхлитликни ташкил қилган, қабристон девор билан масжиддан ажратилган ҳамда салобатли панжаралар билан ўралиб, ташқи муҳитдан муҳофаза қилинган. Жой йўқлигидан бўлса керак, бир неча асрлардан бери бу қабристонга майитлар қўйилмас экан.

Тахминан ўн-ўн беш метрлар юрганимиздан кейин бизни бошлаб бораётган полициячи ва қабристон ходими мана шу дея, бир қабрни кўрсатишди. Зудлик билан Али Қушчининг қабрини тавоб қилиб, кўзларимга суртдим ва Қуръони каримдан тиловат

қилишни кўзларимга қалқиб келган ёш билан бошлаб юбордим. Тиловотни тугатиб сумкамдаги фотоаппаратни чиқариб, қабрни бир мартагина суратга олишга улгурдим, чунки бизга ажратилган вақт тугаган эди.

Қабрга охирги бор разм солиб, иложи борица барча кўринишлари, тафсилотларини қалбимга муҳрлаб қолишга ҳаракат қилдим. Али Қушчининг қабри шундай масжид ҳовлисини ажратиб турган деворнинг яқинида жойлашган, мармар тошдан баландлиги қирқ-эллик сантиметр атрофида, тўрт бурчак шаклида. Қабр бўйлаб узунаси бир юз олтмиш сантиметр, энига саксон-тўқсон сантиметрлар чамаси. Қабр тепаси очик, бу очикликнинг ҳажми энига олтмиш, бўйига бир юз йигирма сантиметрлар бўлиб, тупроқли ва бу тупроққа тўрт дона атиргул экилиб парвариш қилинган, гулнинг яқинда қайчиланганлиги шундай билиниб турибди.

Қабрнинг бош томонида қирқ-эллик сантиметр катталиқда мармар тош устига эни эллик, бўйи бир юз йигирма сантиметр атрофидаги мармар тош ва унга жуда чиройли ҳусни хат билан араб алифбосида ўн-ўн беш қаторли бўрттирилиб чиройли қилиб ёзилган ёзув. Аммо йиллар, асрлар ўтиши билан табиатнинг бу тош ва ёзувларга бироз таъсири сезилиб турибди.

Чиқиш олдидан яратиб берган имконияти учун Ойдинга раҳмат айтдим ва Али Қушчининг ҳоки-пойи панжаралар билан ўраб эъвозланаётганидан тўлқинланиб кетдим. Полиция ва қабристон ходимлари, дўстим Ойдин билан чиқиб, қабристон учун хайру-эҳсон қилдим. Ойдин мени масжид ҳовлисининг бир чеккасига бошлаб келди. Бу жойда касса аппарати қўйилган, компьютер, принтерли уч ходим хизмат қилаяпти, худди банкдагидек мижоз билан ораси ажратиб қўйилган махсус стол олдига келиб тўхтадик. Ходимлардан бири менга мурожаат қилиб нима мақсадда бу хайру-эҳсонни амалга оширмоқдасиз, деб савол берди. Мен кўрганларимдан хурсанд эканлигимни ва қабристон ходимларига, бу улуғ инсон учун шу қабристондан жой берган бутун турк халқига ўз миннатдорчилигимни аён этиш учун хайру-эҳсон қилишимни билдирдим. Улар сўзларимни компьютерга ёзишиб, пулни олганлиги тўғрисида маълумот битилган қоғозни кўлимга беришди.

...Яна тўрт соатдан кейин, мени "Ўзбекистон ҳаво йўллари"га қарашли "БОИНГ-767" лайнери ўз бортида она-юртим Ўзбекистонимга олиб келиб қўйди. Али Қушчи тўғрисида дўстларим ва интернетдан олинган маълумотлар, фотоаппаратга туширилган қабр сурати, қалбимга муҳрланиб улгурган ҳаяжонли таассуротлар оғушида бахтиёр эдим.

**Олламурод ИСАҚУЛОВ,
Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани.**

(“Зарафшон” газетаси, 2011 йил, 4 октябр, 118-сон, 3-бет)

Назорат саволлари:

1. “Туркияга саёҳат” публицистик матнининг жанрини аниқланг.
2. Али Қушчи ва унинг қабрини қидириб топиш билан боғлиқ сўзларнинг матнда ижтимоий хосланиши.
3. Истанбул сафари ва унинг публицистик матнда ифодаланиш усуллари.
4. Матнда ватанпарварлик ҳис-туйғуларининг ифодаланиши ҳақида.

4-амалий машғулот

**ПУБЛИЦИСТИК ЭССЕ ЖАНРИДА СЎЗНИНГ
ИЖТИМОЙ ХОСЛАНИШ УСУЛЛАРИ**

***Таянч сўз ва иборалар:** публицистик матн, эссе жанри, ўқитувчи ва мураббийлар байрами, ёзувчи Худойберди Тўхтабоевнинг иш фаолияти, ўқитувчилик касби, ёзувчининг ўтмиш воқеаларга муносабатида сўзнинг қудрати, ўқитувчи – ибрат намунаси.*

**Худойберди Тўхтабоев,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси
МАКТАБДАН МИННАТДОРМАН**

(“Маърифат” газетаси, 2011 йил 1 октябр, 10-бет)

Авалло, бугунги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган барча ўқитувчи ва мураббийларни байрам билан муборакбод этаман. Уларнинг меҳнатисиз ёруғ оламни тасаввур қилиб бўлмайди. Муаллимлар ҳамиша жамиятнинг юкини, масъулиятини ўз елкасида кўтариб туради. Яъни, бу шундай масъулиятки, унинг замирида инсоният тақдири бўлади. Бу эзгулик, илм-маърифат

улашиши демакдир. Агар ота-она фарзандининг жисмини тарбияласа, ўқитувчи эса уни руҳий-маънавий жиҳатдан камолга етказди, ўзлигини англашга, тўғри йўл танлашга ёрдам беради. (бу абзац газета матнида алоҳида ажратиб берилган)

Мен отадан эрта етим қолиб, унинг тарбиясини кўрмаганман. Онамдан ҳам узоқда бўлганман. Ҳамиша ўхшашга интиладиган, ўртак оладиган кишилар бу - муаллимлар эди. Мактабни, тарбияни танлашим ҳам шундан бўлса керак. Чунки, болалигимда мен учратган уч ўқитувчи руҳий дунём, ҳаётий эътиқодимнинг шаклланишида ҳал қилувчи муҳим роль ўйнаган. Улар ҳамон юрагимда яшаб келмоқда. (таъкид бизники – Б.Й.)

Биринчиси қишлоғимиздаги Эрматов домла дегани эди. Бир воқеадан кейин у киши умрбод эсимдан чиқмади.

1943 йил... Учинчи синфда ўқиётган даврим эди. II-жаҳон уруши айлани авжига чиққан пайти. Ўша йиллари юртимизга Украинадан кўплаб оилалар эвакуация қилинганди. Бу оилаларнинг уч-тўрттаси бизнинг қишлоқларга ҳам жойлаштирилди. Шулардан иккитаси бизнинг қўшимиз бўлди. Уйларимизнинг ўртасида ҳатто девор ҳам йўқ эди. Вақт ўтган сари катталарнинг алоқалари тобора қалинлашар, биз болалар ҳам бирга ўйнай бошлагандик. Зинаида исмли қўшни қизалоқнинг турли расмларга бой биринчи ва иккинчи синфларда ўқиган китоблари бор эди. Ҳаётимда илк бор суратли китобни қўлимга олишим эди. Расмлар завқимни оширар ва қайта-қайта кўриб чиқиб ҳам тўймасдим. Ҳатто улардан бирини ўртоқларимга кўрсатиш учун мактабга кўтариб бордим.

У маҳалда бошланғич синфларнинг ҳаммаси бир хонада ўқишар, синф тахтаси икки ёки учга бўлиниб дарс ўтиларди. Ўшанда фронтдан яқинда келган Эрматов домла бизга сабоқ берарди. Биринчи куни барча болалар дарсни ҳам, ўқитувчимизни ҳам эсдан чиқариб, атрофимни ўраб олишганча ҳайратларини яширолмай роса томоша қилишди. Домла индамадилар. Эртаси куни яна шу аҳвол такрорланди, Муаллимимиз китобингни олиб кўй, дея бир-икки огоҳлантирди, бироқ болалар бир нафас ўтмай олдимда йиғилаверишди. Сўнг унинг росманасига жаҳли чиқиб, ҳассасини партага урди. Чўчиб кетган ўқувчилар дув этганча жой-жойига ўрнашиб олишди. У оқсоқланганча тўғри менинг олдимга келди-да, китобни ғазаб билан парча-парча қилиб йиртиб печкага

солиб юборди ва юзимга бир тарсаки туширди. Бу иши кўнглимга каттиқ ботди ва синфдан отилиб чиқиб уйга қараб қочдим.

Энди Зинаидага нима дейман?! Бир неча кун ўзимга келолмадим. У китоб мен учун нодир эди гўё. Мактабга ҳам беш-олти кун бормадим. Ўша пайтда ким дарсга қатнашса яримта нон бериларди. Бориб шу нонни олгим келарди-ю, лекин кўрқув йўл бермади. Охири ўртоқларим келиб, Эрматов домла касал бўлиб қолибди, сени кўргиси келяпти экан, дейишди. Йўқ, деб ўйладим ўзимча, у мени шундай алдаб чақириб олмоқчи. Орадан уч кун ўтгач, муаллимнинг укаси келиб, акам оғир ётибди, тинмай сени сўраяпти, бориб кўриниш бергин, дея кўярда-қўймай судраб кетди. Олдига киргач, билдимки, домла ҳақиқатдан ҳам оғир, нафас ололмай хириллаганча ётибди. Қўлимни ушлайман деб қўлини узатди. Кўрқиб ортга тисландим, лекин аҳволини билгач, қўлимни бердим. Шунда у:

- Ўша куни ноҳақ эдим, сени бекорга хафа қилдим, мени кечироласанми, - деб сўради.

Индамай туравердим. Унинг қўллари шундай титрар эдики, зўрға тутиб турарди. Орқамда турган укаси:

- Сендан нима кетди, бир оғиз сўз-ку, айтгин, — дея ортимдан турткиларди. Ноилож «кечирдим», дедим.

- Илтимос, яқинроқ келиб шу сўзларингни такрорла, яхшироқ эшитай, - деди Эрматов. Қулоқларига уч бор айтганимдан кейин, домланинг кўзларидан икки томчи ёш сизиб чиққанини кўрдим. Ўқитувчимиз кўзларини юмди. Тинчлангандай бўлди. Мен чиқиб кетдим. Эртаси куни тонг саҳар маҳаллада йиғи овози. Билса, домла дунёдан ўтибди...

Ўшанда бу воқеанинг моҳиятига етмагандим. Орадан йиллар ўтиб тушундимки, устоз оддий ўқувчисининг дилига озор берганига пушаймон бўлиб, қилган иши учун ўзини кечиролмабди. Шунча жангу жадалда қон кечиб келган бўлса-да, муаллим инсоний туйғуларни, айниқса, ўқитувчилик қалбини ўзида сақлаб қолган ва бу дунёдан ўқувчисининг норозилиги билан кетолмай ётган экан. Кейинчалик, инсон бировнинг кўнглига озор берган ҳолда оламдан кетмаслиги керак, деган хулосани чиқариб, бутун асарла-имга ушбу фалсафани сингдиришга ҳаракат қилдим.

Хотирамда ёрқин из қолдирган яна бир ўқитувчим бу Меҳмонали Турсунов домла бўлиб, бу киши, болалик тасаввуримда

Эрматовдан ҳам олижаноб эди. У бизни тўртинчи синфда ўқитганди. 1947 йили еттинчи синфни битираётган йилимиз мактабимизга тўрт киши Қўқон шаҳридаги ўғил болалар педагогика билим юртида ўқиши учун таклиф келибди. Шунда тўрт болани танлашди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Меҳмонали домла колхоз аравасида бизни олиб жўнади. Фарғона каналидан ўтгач, Охунхайдар деган жойга етганимизда Махмуджон ўртоғим «бизни уруш бўлган ерларга курул-яроғ тердиргани олиб кетишяпти», деб қолди. Бу гап тўртталамизга ҳам бирдан қаттиқ таъсир қилди.

Ўша йиллари урушнинг даҳшати ҳали тугамаганди. Кўз юмиб-очгунча аравадан сакрадик-да, домланинг ҳай-ҳайлашига қарамай ура солиб қишлоққа томон қочдик. Ўқитувчимиз изма-из қувлаб келяпти. Аравакаш Холбек ака эса оптимиздан от солиб, Фарғона каналининг кўприги олдида йўлимизни тўсиб бизни тўхтатди. Оптимиздан ҳансираганча етиб келган Меҳмонали ака қўлларимизни ушлаганча, тўсатдан ҳўнграб йиғлаб юборса бўладими.

- Болаларим! Мен сизларни ўқисин, қишлоққа маданиятли киши сифатида қайтсин, ўрнимга ўқитувчи бўлсин, деб Қўқон шаҳридаги ўғил болалар педагогика билим юртига олиб кетаётибман, сизлар нима деб ўйладинглар, болаларим, — дея йиғларди. Биз унинг гапларига ишониб, яна йўлга тушдик. Етиб борганимиздан кейин бизни жойлаштирди. Қочиб кетишимиздан хавфсираб билим юрти ёнидаги чойхонада ўқитувчимиз уч-тўрт кунгача қолди. Ҳар куни келиб, бизни овқатлантирар, илиқ гаплар айтиб ўқиб муаллим бўлишга ундарди. Биздан ваъдани олгач, кейин Кайтиб кетди.

Учинчи бир ўқитувчини ўша билим юртида учратдим. Ўқишга келган йилимнинг ноябрь ойида Ашхабодда зилзила бўлди. Ўша зилзилада бутун Ашхабод шаҳри вайронага айланди. Табиий офат бизга ҳам таъсир қилмай қўймади.

Билим юртининг ётоқхонаси эски бир бинода эди. Унинг кулаб тушиш эҳтимоли йўқ эмасди. Зилзила пайтида ўқувчиларнинг ҳаммаси ташқарига отилиб чиқишга улгурди. Ёнимизда катта одамлар бўлмагани учун саросимага тушиб қолдик. Бир соат ўтар-ўтмай Солиев деган география ўқитувчимиз пайдо бўлиб, ҳаммамиз-га далда берди. Кейин билсак, биздан хавотир

олиб салкам 10 км.ли масофадан чоғиб келибди. Ўша домла болалар қўқиб қолишди, ўқишни ташлаб кетиб қолмасин, деб уч кунгача олдимизда гирдикапалак бўлди. Ўзи шундоқ ҳам қийинчилик даврлар бўлишига қарамай, 35 нафар болага ўз ҳисобидан билим юрти ёнидаги чойхонада уч кун ош берди. Уларнинг фидойилиги, мардлиги, тантилигини қаранг.

Ёшликда, гўр маҳалинг бу нарсаларнинг туб моҳиятида нима яширинганига унчалик ҳам эътибор қаратмайсан киши. Бироқ йиллар ўтиб, муаллим деган зотнинг ким эканлигини англай бошлайсан. Уларнинг фидойилиги, жонкуярлиги туфайли қийинчилик, машаққатли дамларда ҳам маънавиятимиз, руҳий гўзаллигимиз, имон-эътиқодимиз сақланиб қолди. Мана салкам етмиш йил бўляпти. Барча таниган-билганларим ёдимдан чиққан бўлиши мумкин, лекин шу учала ўқитувчини бир дам бўлса-да, унутганим йўқ. Асарларимда қандай яхши инсонлар тимсолини яратган бўлсам, шу учов ўқитувчиларимнинг характери асосида пайдо бўлган. Албатта, ҳозир ҳам бундай ўқитувчи ва мураббийлар етарлича топилади. Юртимиз номини дунёга танитаётган ёшларимизнинг камол топаётганлиги улар меҳнатининг самарасидир.

Кейинчалик ўқишни тамомлагандан сўнг 10 йиллик меҳнат фаолиятим Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги мактаблар ҳаёти билан боғланди. Ўқитувчи бўлдим, директор ўринбосари, директорлик лавозимларида ишладим. Айни шу давр болалар ёзувчиси сифатида шаклланишимга, болалар дунёқарашини ўрганишимга бениҳоя катта мактаб бўлди. У маҳаллар қишлоқлар бир-биридан олисда. Ўқувчиларнинг дарсга қатнаши, айниқса, ёғин-сочин пайтлари жуда мушкул. Совуқ тушса, хоналарда машғулот ўтишни гапирмаса ҳам бўлади. Камига ўқитувчилар ҳам етишмайди. Мактабдан узоқдаги болалар трактор аравасида олиб келинар, эшаги борлар эса эшак билан келишарди. Бу маҳаллий «транспорт воситалари» деворнинг тагида қатор боғланганлиги важдан қани тинчгина дарс ўтиб бўлса. Бири ҳанграса, ҳаммаси унга жўр бўлар, агар бирортаси бўшаниб кетгудай бўлса, кечгача биргалашиб ўша ҳайвонни қидирандик. Ўша пайтлари мен келгусидаги асарларим қахрамонлари — Ҳошимжон ва Акрамларнинг прототипларини кашф қилганман. Бир қизиқ воқеа бўлган. У пайтда синфхона ва ўқитувчилар етишмаганлиги сабабли

кечки синфлар ҳам ташкил қилинганди. Мактабимизга комиссия келадиган бўлди. Ўнинчи синф кечкида ўқирди. Мен текширувчилардан олдинроқ кириб болаларга «билсанг ҳам, билмасанглар ҳам дадил бўлинглар, баъзан дадиллик ярим баҳо бўлади. Ўзингларни йўқотмай шиддат билан гапиринглар», дея тайинладим. Дарсимиз Ойбекнинг «*Фанга юриш*» деган шеърини таҳлил қилиш эди. Дарс бошланди. Кузатувчи кирди. Шеър бўйича саволлар ўртага ташланди. Мактабга ҳафтада бир-икки марта келадиган, лекин ўзи жуда тийрак Алижон исмли бола бор эди. У ҳам гапимдан ғайрат олиб тинимсиз мен гапираман, дея кўлини кўтариб туриб олди. Унга сўз берилди.

- Ойбек домла ўзининг «*Панага юриш*» деган шеърида ажойиб бир фикрларни ўртага қўйган. Мана, масалан, ўзингиз ўйланг, даладан макка ўғирлаб келяпсиз. Қаердан юрган бўлардингиз? Албатта, паналаб, ариқнинг ичидан юрасиз. Мана ҳозир роса беда етилган пайт. Одамлар беда ғамламаса, қишда мол боқолмайди. Шунинг учун яшириб бўлса-да, беда олиш керак. Ўшанда сиз қайси томондан юрасиз? Кўчанинг нариги бетидан. Шунда раис кўрмайди. Ойбек домла ҳам ёшлигида беда ўрган бўлса керак, ўз шеърида панага юришнинг фойдалари ҳақида ёзган, - дея ўз фикрларидан завқланиб, хай-хайлашимга қарамай гапиряпти.

Қани энди уни тўхтатиб бўлса. Синфхонада кулгу. Алижон аслида шеърдан умуман хабари бўлмаган ва «*Фанга юриш*»ни «*Панага юриш*» деб эшитиб, бояги гапимдан руҳланган ўқувчи миясига келган жайдари фикрлардан руҳланиб баҳо олиб қолмоқчи бўлган. Шунга ўхшаш мактабдаги турли-туман воқеалар ва болаларнинг ўзига хос характерлари мени қалам олишга, болалар ёзувчиси бўлишга ундаган. Ўтган ҳаётим, эришган ютуқларим учун мактабдан, ўқитувчиларимдан ҳамиша миннатдорман (сарлавҳага ишора).

Назорат саволлари:

1. Публицистик матн, унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Эссе жанри ва унинг публицистик матн сифатидаги белгилари.
3. Ёзувчи Х.Тўхтабоев – публицистик эссе жанрининг моҳир устаси.

4. Публицистик эссе жанрида сўзнинг ижтимоий хосланиш усуллари.

5-амалий машғулот

“МЕН СЕНИ ТОПГАНДИМ...” ШЕЪРИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева қаламига мансуб “*Мен сени топгандим...*” шеъри⁷⁵ ни мазмун-моҳияти билан кўнгил битиги дейиш мумкин. Бу уч бандлик қисқагина шеърда баланд орзулар дунёсида кезган ёш бир қалбнинг (лирик қаҳрамон - Қизнинг) изтироблари самимий тасвирланган.

Бу асарнинг қаҳрамонини барча шеърларга “эғалик қилувчи” қиёфасиз «лирик қаҳрамон» дейиш, унчалик тўғри бўлмаса керак. Шеър қаҳрамони ҳеч кимга ўхшамаган, ўз қалбига эга бўлган ва ўзгача туйғулар соҳиби саналади. Шунинг учун шеър қаҳрамонини оддийгина қилиб Қиз деб аташ мумкин. Унда, аввало, Қизнинг ёшликда билиб-билмай қилиб қўйган хатоларидан чеккан изтироби, бунинг устига шу хатолар туфайли иккинчи бир қалбнинг бесабабдан-бесабаб жабрланганини ҳис қила туриб кўнглидан кечаётган руҳий қийноқлари тасвирланган. Мазкур битикдаги ҳар бир мисра рост, ҳақиқатдир. Бор-йўғи уч банддан иборат бу шеърнинг ҳар бир сатридан кўнгил дардининг зардоби сизиб томиб турибди. Бу шеърга адабиётшуносликдаги, лингвопоэтикадаги мавжуд назарий ўлчовлардан кўра руҳият, ички қалб мезонлари билан ёндашиш яхши самара беради. Чунки қаҳрамон руҳиятидан тўкилган туйғулар кўнгил кишиси бўлган шеърхонни мувозанатдан чиқаради, қалбини жунбишга келтиради. Бундай безовта вазиятда шеърхон ҳам самимий бўлади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу шеър асосида яратилган Ҳилола Ҳамидова ижросидаги кўшиқ сўзнинг таъсир кучини янада оширган. Маълумки, шеърни ҳамма ҳам ўқийвермайди. Айримлар шеърни ўқиса ҳам унинг туб моҳиятига киравермайди. У ёки бу шеър кўшиққа айланганда, хусусан, сўз билан куй бир-бирига монанд келиб, ҳар

⁷⁵ Худойбердиева Ҳ. Садоқат (шеърлар). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б. 99-100.

иккиси кўнгилдаги туйғулар билан ҳамоҳанг бўлганда, сўзнинг таъсир қудрати янада ортади. Баъзи кўшиқлар бор, муסיқаси ёқимсизлигидан таниш шеърнинг, гўзал сўзнинг таъсир кучи ҳам йўқолиб кетади. Ҳалима Худойбердиеванинг мазкур шеърига куй ёзган бастакор сўзни шунчалар нозик ҳис қилган, унга монанд куйни кўнгли билан топганки, кўшиқ самимий ижроси билан тингловчига ҳузур бағишлайди. Унинг асаб томирларини бўшаштириб, маънавий озуқа беради.

Шеърнинг биринчи мисрасидаёқ қаҳрамоннинг романтик туйғулар соҳиби эканлигини кўриш мумкин:

Мен сени топгандим, аммо яхши қол,

Сен: «Яхши қол!» - дегил, «Кўришгунча»мас.

Бул қуёш ҳали кўп ол бўладир, ол,

Бул ой ҳам умримга кўп қиладир қасд.

Мисрадаги “топгандим” сўзи шундан далолат беради. Инсон «топдим» деган сўзни қидирган, истаган ёки орзу қилган нарсасига эришганда қўллайди. Демак, Қиз Жабрланувчи тимсолида ўзининг орзусидаги илк муҳаббатини, унинг ишқида телбавор Мажнунни топдим деб ўйлаган. Шу мисранинг ўзидаёқ “аммо” инкор боғловчисининг келтирилиши унинг адашганлигини, муҳаббат борасида биринчи хатога йўл қўйганлигини кўрсатади. Тийиксиз туйғулар етовида юрган, ҳаёлан оқ отлик шаҳзодани кутган бўй қиз ўз наздида истаклари, баландпарвоз орзуларига эришган эди, лекин у висолдан кутилган натижани - бахтдан мастлик лаззатини туёлмади. Орзулари сароб бўлиб чиққанини тезда пайқади.

Албатта, шеърда кўнгилдаги муҳаббатнинг топилиши билан унинг сароб эканлигини англаш ва бу муҳаббатдан воз кечгунгача бўлган ораликдаги ҳаёт машаққатлари, “яхши қол” деган қарорга келгунгача руҳиятда рўй берган кураш ҳамда бу жараёндаги қийноқлар ҳақида ҳеч сўз дейилмайди. Орадаги бутун бошли ҳаёт «топгандим» ва «аммо» сўзлари ҳамда улар орасидаги вергулга жойлаштирилгандек тасаввур пайдо бўлади кишида: «*Мен сени топгандим, аммо яхши қол*». Буни руҳи безовта шеърхон ўзи англаб олади.

Кўринадики, шеърнинг лирик қаҳрамони - Қиз жуда катта журъат эгаси. Одатда аёллар итоаткор, тақдир етовига бўйсунувчан яратик бўлади. Аёл табиатан орқасида суянчиғи бўлишига мойил.

Шоиранинг қаҳрамони эса - Исёнкор. У тақдирига қарши чиқа олган, узил-кесил қарорни қабул қилишга ўзида куч топа билган аёл. Бунга ҳамма аёл ҳам қодир эмас. Қиз эртага ҳаётида нималар бўлишини, келажакда уни қандай синовлар кутаётганини билмайди, лекин муҳаббатсиз яшашни, айбсиз бир одамни алдашни истамайди. Қолаверса, нега шундай қилаётганини асослаб ҳам ўтирмайди. Унинг асоси шеърхонга бутук матн мутолааси давомида аён бўлади.

Банднинг иккинчи мисрасида лирик қаҳрамон Жабрланувчига ҳеч қандай умид қолдирмайди, у билан абадий хайрлашишини маълум қилади: «Сен: “Яхши қол!” - дегил, “Кўришгунча”мас» (таъкид бизники - Б.Й.). Қизнинг бу ҳукмона ўтинчи қатъий раддия. Лекин бу раддия шеърда ўта юмшоқлик билан баён этилган. Агар бу фикр «яхши қол» дегин» ёки «яхши қол» де» тарзида ифодаланганда эди, гапда талаб, буйруқ оҳанги касб этган бўларди. «Сен «яхши қол» дегил» - яъни «н» товушининг ўрнига «л» товушининг қўлланилиши ифоданинг таъсир кучини анча юмшатган. Чунки ҳар иккиси - Қиз ҳам, шоира ҳам оғриган дилларнинг ҳисоб-китоби борлигини жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳар иккиси ҳам буни имкон қадар юмшатишга, иккинчи бир қалбни аяшга ҳаракат қилишади.

Кейинги икки мисра уларнинг билгичлиги исботидир: «Бул қуёш ҳали кўп ол бўладир, ол, Бул ой ҳам умримга кўп қиладир қасд». Қуёшнинг «ол бўл»иши (қизариши)да Қиз учун табиатнинг жазоси бор. Маълумки, Қуёш ўз нурлари билан баъзи яратикларни яйратиб-яшнатса, баъзиларини қовжиратиб-қуриптиб юборади. Бу ўринда Қиз ўз хатти-ҳаракати билан иккинчисига дахлдор эканини яхши билади. Қолаверса, ой ҳам қуёшга шерик. У ҳам жафокор лирик қаҳрамон - Қизнинг умрига қасд қилади. Маълумки, дардкаш инсон кечалари бедор бўлади. Бедорлик эса кишини ўйлашга, хатти-ҳаракатларини тафтиш қилишга мажбур қилади. Бу тафтиш жараёнида Қиз хатолари учун ўзини ўзи «еб» боради ва бу, пушаймон ва ҳижолатлик, ўз-ўзидан унинг умрини эговлайди - жонига қасд қилади. Бу мисраларни ўқигандан сўнг кишида қиз мазкур вазиятда ақлининг эмас, кўнглининг етовида иш тутгани учун табиат ҳам уни жазолайди, жабрланган бир кўнгил учун ундан ўч олади, деганга ўхшаш тасаввур пайдо бўлади. Айни замонда шеърхон инсон бу ҳаётини дунёда ҳамиша ҳам ақлининг етовида

юра олмаслиги, баъзан кўнгли ғолиб келиши, унинг етовида юриш, дил амри билан иш кўриш нима учундир жазоланиши ҳақида ўйланиб қолади. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладик, баъзан кўнгил тилакларига инсон ақлининг кучи етмай қолади. «Кўнгил - Аллоҳнинг мулки. Бандаси унда пайдо бўлган истакларга бўйсунса, яъни Яратганнинг мулкида пайдо бўлган туйғуларга эргашса, нега жазоланиши керак? Ахир Худонинг мулкида ёмонликлар бўлмайди-ку!», - деган эзгу фикрлар кечади кишининг хаёлидан. Бу саволларга таниқли адабиётшунос олим Қ.Йўлдошевнинг: «...ҳар қандай айрилиқ ҳам инсонни учрашув томон, висол сари етаклайди. Биз ҳаёт ва инсон туйғуларининг инжа акси бўлмиш шеъриятда ҳам тасвир нишаби, албатта, шу томонга (висолга -таъкид бизники – Б.Й.) бурилишига кўникканмиз»⁷⁶, -деган фикри жавоб берар, эҳтимол [2]. Лекин қарангки, висол ҳамиша ҳам, ҳаммага ҳам кутилган натижани беравермас экан. Ҳар бир инсон ўзича бетакрор яратик бўлгани каби унинг тақдири ҳам қайтарилмас экан. Ҳамма ҳам умумий мезонларга тушавермас экан. Аллоҳ инсонга ҳамиша, ҳар қандай муаммоли вазиятдан чиқиш йўлини унга танлаш имконияти билан тақдир қиларкан. Танлаш эса ўша одамнинг характери, маънавиятининг қанчалик соғломлиги билан боғлиқ бўларкан. Шеърнинг қаҳрамони ҳам ўз тақдир йўлини ўзи танлади.

Банднинг бу сўнгги мисраси ҳақидаги фикрни давом эттириб яна шуни айтиш мумкинки, унда шоира «бу» кўрсатиш олмошини «бул» шаклида қўллаган. Мисра таркибида қўлланган биттагина «л» ҳарфи қизнинг исёнини юмшатган, иккинчи бир дилни оғритгани учун унинг қалбида кечаётган изтиробини кучайтириб кўрсата билган. Мисралардаги «бўладир», «қиладир» сўзларида ҳам охирги «р» товушининг орттирилиши ифодани маълум даражада юмшатишга хизмат қилган. Жазо кўламининг кенглигини яхши англаб турган исёнкор лирик қаҳрамон - Қизнинг хатти-ҳаракати Жабрланувчига оғир ботмаслиги учун шундай қилингандай тасаввур пайдо бўлади, ўқувчида. Шеърдаги асл мисраларда ифода «Бу қуёш ҳали кўп ол бўлади, ол, Бу ой ҳам умримга кўп қилади қасд»дан кўра анча юмшоқ эканлиги ҳам кўриниб турибди.

⁷⁶ Йўлдошев Қ. Парда ортидаги нафис туйғулар // “Ҳордиқ” газетаси, 2009 йил 11 июнь.

Шеърнинг иккинчи бандида ғамга ботган «айбдор» (лирик қаҳрамон - Қиз) ўз ёғига ўзи қовурилаётгани тасвирланган:

*Сен шерик бўлмайсан энди ғамимга,
Дарвоқе, ҳеч қачон шерик қилмадим.
Хайр энди, маъзур тут ортиқ-ғамимга,
Мен сени Лайлидай сева олмадим.*

Қиз дард-изтиробларини ҳеч ким билан бўлишолмайди, жабрдийда йигит билан-ку, умуман. Чунки у билан авваллари ҳам ҳеч нарсани ўртоқлашмаган, на ғамига, на шодлигига уни шерик қилган. Бунинг сабаби - улар бошқа-бошқа дунёнинг одамлари. Қиз жабрдийда йигитни камситмайди, лекин йигит уни ҳеч қачон тушуна олмаслигини ҳам яхши билади. Йигитдан ёзғирмайди ҳам. Бу йигитнинг ҳам айби эмас. Балки мана шу ҳақиқат Қизнинг жазосини енгиллаштирар?! Виждони олдида ўзини оқлашга асос бўлар?! Буларнинг ҳаммасини англаб етган, фақат кечроқ тушунган Қиз ошиғига бор вазиятни тушунтиришга ҳаракат қиларкан, ҳамма-ҳаммаси учун уни кечиришини сўрайди: «...маъзур тут ортиқ-ғамимга».

Ҳаммасига ақли етиб турган Қиз қандай қилиб ошиғини Лайлидек сева олсин? Маъшуғини Лайлидек севиш - ошиқ учун ўзликдан кечиш-ку! Шеърда Жабрланувчининг ўзи, унинг табиати ҳақида ҳеч нарсаси дейилмаган. Лекин Қизнинг назарида у Лайлидек севишга муносиб эмас, туйғулари жўш урган, орзулар қанотида чиб юрган қиз истаган одам эмас. Шундан келиб чиқиб жабрланувчи йигитнинг шу ҳолатдаги табиатини тахмин қилишимиз мумкин. Агар у туйғулар кишиси бўлганида шоиранинг қаҳрамони: уни «Лайлидай сев»иб қолиши табиий ҳам эди ва “Лайлидай сева олмагани” учун хижолат чекмаган бўларди. Қолаверса, севиш ёки севмаслик инсоннинг ихтиёрида эмас. Севиш – бу кўнгилнинг иши. Уни одам ақли билан бошқаролмайди. Агар муҳаббат ишига ақл аралашса, у муҳаббат эмас, манфаатга айланади. Демакки, бундай ҳолатда муҳаббат туйғуси рост, чин ҳақиқат бўлмайди. Шеърнинг лирик қаҳрамони -Қиз эса муҳаббат бобида ёлғонларга қодир эмас. Бу соҳада ўзини ҳам, ўзгани ҳам алдагиси келмайди. Шунинг учун у ўзида мардона кетишга журъат топа олган. У тақдирга тан бериб, бориға шукур қилиб, кўникиб яшайверадиганлардан эмас. У табиатан бошқача яшашга буюрилган одам. Шу боис у шеърда ўз

ошиғидан чинакамига рози-ризолик тиламоқда, Жабрланувчи йигит билан абадул-абад видолашмоқда: «*Хайр энди...*».

Шеърнинг учинчи бандида асар қаҳрамонининг Жабрланувчига ачинаётгани яққол сезилади:

*Ўртанма бул хато мушуқларидан,
Ё раббий, лаҳзада бор орзулар пуч.
Мен ҳам қайдан билай ишқ йўлларида -
Мажнун эмас, Сенга келаримни дуч...*

Мазкур вазият - ҳар икки қаҳрамон тушиб қолган ҳолат - хато. Бу хатода, балки ҳар икки тарафнинг ҳам айби бордир. Балки улар иккаласи ҳам бир-бирини севмас. Фақат тақдирларида шу кўргилик борлиги учун қовушишгандир. Тўғри, бир хато ортидан кишининг бошига олам-олам ташвишлар ёғилиши мумкин. Улар кишини ҳам жисман, ҳам маънан қийнайди. Айниқса, фикр кишиси кўпроқ қийналади. Демак, шеърнинг иккинчи қаҳрамони ҳам маълум даражада фикр кишиси, буни асарнинг лирик қаҳрамони - Қиз яхши билади. Шунинг учун уни (йигитни) қийналмасликка даъват қилмоқда. Ўртанмасликнинг, албатта, иложи йўқ. Маънан соғлом одам тақдиридаги, ҳаётидаги муаммолардан, айниқса, бу каби номутаносибликдан, ўйламай босиб қўйилган қадамлардан фикрга толмаслиги мумкин эмас, албатта. «*Ё раббий, лаҳзада бор орзулар пуч*» мисраси мазкур вазиятдан Қиз ҳам, шоира ҳам ларзага тушаётганини кўрсатади. Бу мисрадаги «лаҳза» сўзида «аммо яхши қол» деган видолашув иборасининг айтилгунигача бўлган оралик назарда тутилган. Бу сўзни айтган Қизнинг ўзини ҳам бирданига кўрқув босган. Лекин айтилган гап, отилган ўқ – ҳаммаси тамом бўлди.

Юқорида келтирилган шеър бандининг сўнгги икки мисрасида асар лирик қаҳрамони - Қизнинг орзуси билан бирга армонлари ҳам ўз аксини топган. У «ишқ йўлларида» Мажнунни учратишни, ўз Мажнунига дуч келишни, эга бўлишни истаган, Лайлидек севилишни, севишни орзу қилганди. Тақдирларида бундай бурилиш бўлгани учун, албатта фақат Қизнинг ёлғиз ўзи айбдор эмас, лекин инсофли, диёнатли бир одам сифатида у бу ўринда ўзини гуноҳкор ҳис қиляпти: «*Мен ҳам қайдан билай ишқ йўлларида - Мажнун эмас, Сенга келаримни дуч...*». Бу Қизга бир умрлик армон бўлиши ҳам мумкин. Ким билади, энди умрининг қолган қисмида у ўз Мажнунини балки топар, балки топмас. Балки

шу бахтдир-у, қаҳрамонимиз бунинг кадрига етмай, унинг бахт эканлигини билмай йигитнинг уволига қолар?! Буни келажак кўрсатади. Инсон олдида нималар борлигини, ҳаётда уни нималар кутиб турганини билмайди.

Исломий қараш бўйича, тикан ҳам инсонга Аллоҳнинг амри билан, унинг қайсидир қилмишлари учун жазо сифатида кираркан. Демак, инсон хатти-ҳаракатининг ҳаммаси Яратган томонидан назорат қилинади. Инсонга фазилатлари учун рағбат, гуноҳлари учун эса жазо тайин. Шеър қаҳрамонларининг бошига тушган бу кўргуликлар ҳам уларнинг тақдирида бўлган. Иқтидорли ёзувчи Улуғбек Ҳамдам “Сабо ва Самандар” романида: *«Нимасини айтай, қодир Эгам инсонга бир кўчадан ўтишни тақдир қилган эса, қаршиида сон-саноқсиз бошқа кўчаларнинг дарвозалари ланг очик ва у минг уриниб шулардан бирига кирмоқчи бўлса-да, ниятига етмас экан»*⁷⁷, - деб ёзганида ҳақ эди. Шеърнинг лирик қаҳрамони - Қиз ҳам, Жабрланувчи йигит ҳам келажақда нималарга мустаҳиқ эканликларини бошларига тушганда кўрадилар. Билиб-билмай ўз тақдирлари сари борадилар.

Хуллас, биз бу ўринда матний таҳлилини маълум даражада амалга оширишга интилган *“Мен сени топгандим...”* шеърида шоира Ҳалима Худойбердиева ўз фикри ва қарашига эга бўлган кўнгил кишисининг чин туйғуларини унинг ўзидек ҳис қилган ва самимий ифодалай билган. Бунга ўқувчисини ҳам тўла ишонтира олган, дейишга ҳар жиҳатдан ҳақлимиз.

Назорат саволлари:

1. Шоира Ҳалима Худойбердиева шеърларининг умумий лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида.

2. “Мен сени топгандим” шеърий матнида лирик қаҳрамон ички кечинмаларининг ёрқин тасвирлаш усуллари.

3. “Мен сени топгандим” шеърий матнида тuroқ, қофия ва ритмик оҳангдорликни вужудга келтирувчи бошқа воситалар ҳақида.

4. “Мен сени топгандим” шеърий матнида шоира кўнгил кишисининг чин туйғуларини самимий ифодаловчи киши сифатида.

⁷⁷ Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 73.

6-амалий машғулот

БАДИЙ МАТННИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

(“Сабо ва Самандар” романи асосида)

Таянч сўз ва иборалар: бадий матн, бадий матн таҳлили, лингвопоэтик таҳлил, роман, ўзбек романи, романнинг лингвопоэтик таҳлили, эсселашган тафаккур романи, ёзувчи Улуғбек Ҳамдам, “Сабо ва Самандар” романи, романда илоҳий ишқ тасвири, романда ички нутқ кўринишлари.

Маълумки, ҳозирги кунда таниқли ёзувчи, шоир ва олим Улуғбек Ҳамдам қаламига мансуб ҳар бир қисса ёки романлар китобхонлар томонидан катта муҳаббат билан ўқилмоқда. Унинг асарлари ўқувчини ўйлашга мажбур қиладиган, кишининг кўнглидаги бош-оёғи топилмай юрган муаммолар ечимига кўмаклашадиган асарлар сифатида китобхонлар қалбидан муносиб жой олган. Улуғбекнинг асарларида жамият ва инсондаги оғриқ нуқталар жуда нуқтадонлик билан қаламга олинади. “Ёлғизлик”нинг жисми, онги ва руҳияти билан боғлиқ барча ҳақиқатларни айтишга уринган, лекин бунинг уддасидан чиқолмаган А. исмли қаҳрамони ҳам, «Исён ва итоат»даги бир умр ичидаги ғалаён, исён билан курашиб яшаган Акбар ҳам, «Мувозанат»даги бутун ҳаёти давомида йўқотишлар билан яшаса-да ўз эътиқодига хиёнат қилолмаган Юсуф ҳам, «Сабо ва Самандар»даги ўзи ёққан ишқ оловида куйиб кул бўлган Самандар ҳам қайсидир жиҳатлари билан бир-бирларига ўхшаб кетади.

Бу тимсоллар маълум маънода бир-бирларини тўлдиради, дейиш мумкин. Улар бугуннинг одамлари. Бизнинг орамизда юрган инсонлар. Уларни биз кўнгил кишилари дейишимиз ҳам мумкин. Ҳаётда бундай одамларни топиш, уларни тушуниш ва шу тарзда тасвирлай олиш учун ёзувчининг ўзи ҳам кўнгил кишиси бўлиши керак. Бундайларга ҳаётда ҳамиша қийин бўлади. Шунинг учун ҳам ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг қаҳрамонларини атрофидагиларнинг кўпчилиги тушунмайди. Тушунолмайди ҳам. Чунки улар: *«манфаат ва ҳисоб-китоблар кули... ўзгаларнинг фикри, дунёқараши, кайфияти, ўзиникидан бошқача бўлганда уларга*

душман кўзи билан қараи»ни одат қилиб олган, «...бу дунёда ҳар кимнинг ўз карвони, ўз йўли ва манзил-муддаоси борлигини ҳамда буларнинг бари бизникига ўхшаши шарт эмаслигини...» тушуниб етолмайдиган оломон⁷⁸.

Озми-кўпми бадиий асар ўқиб юрадиган одамлар Улуғбек Ҳамдамнинг китобларини интиқиб кутади. Унинг ўз китобхонларига такдим этган навбатдаги «Сабо ва Самандар» романини илоҳий ишқнинг дебочаси бўлган инсоний муҳаббатни куйлаган асар, дейиш мумкин. Бу асар ишқни туйган, тушунган ва қайсидир даражада тушунтириб бера оладиган одамлар учун битилган буюк муҳаббат қиссасидир.

Асар қаҳрамонларининг ёши бир жойга борганда ошиқман деб, оҳ-воҳ қилиб юришлари айримларга бачканалик бўлиб туюлиши, асарни эса «бизнинг ахлоқий мезонларимизга тўғри келмайди» деб баҳолаши ҳам мумкин. Лекин эътибор қилинса, Сабо ва Самандар муҳаббати тавсифини бошлашдан аввал муаллиф: *«Нимасини айтайин, қодир Эгам инсонни бир кўчадан олиб ўтишга қарор қилган бўлса, унинг қаршисида сон-саноқсиз бошқа кўчаларнинг дарвозалари ланг очиқ турган ҳамда у юз уриниб шуларнинг бирига кирмоқчи бўлса-да, ниятига етмас экан...»* (73-б) деб ёзади. Мана шу ҳақиқатга асосланган муаллиф қаҳрамонини ўз тақдири сари бориши керак бўлган йўллардан олиб ўтади. Инсон, деярли ҳамиша, ўз хатти-ҳаракатлари билан тақдирида белгилаб қўйилган манзиллардан ўтишини яхши билган ёзувчи бошқача йўл тутолмас эди ҳам. Ўқувчи ҳам асарга мана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб ёндашса, унда ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмайди. Бу дунёда ҳеч нарса Яратгanning иродасидан ташқари бўлмас, ҳатто тикан ҳам Худодан беамр кирмас экан, Самандар ва Сабо тақдиридан қочиб қаёққа боради!?

Ҳаётда Сабо ва Самандарга ўхшаган одамлар учраши аниқ. Сиртдан қараганда улар ҳам ҳамма қатори кун кечиришяпти. Лекин ёзувчига ўхшаб уларнинг кўнгилларига кирсангиз, туйғуларига тегсангиз, дардлари «тўкилиб кетади». Улар «ичкари»да нималар содир бўлаётганини ҳаммага дoston қила олмайдилар-ку! Қолаверса, ҳамманинг Улуғбекка ўхшаган дардкаши йўқ. Самандар ҳам ўшаларнинг биттаси. У бугунги турмуш ташвишларига

⁷⁸ Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар. Роман. – Тошкент: “Зарқалам”, 2009. – 352 б. Ишда кейинги мисоллар ҳам асарнинг шу нашридан келтирилади, қавс ичида асар саҳифаси кўрсатилади.

кўмилиб ўзлигини унутаёзган замондошига илоҳиёт илмидан, инсондаги Яратганнинг мулки бўлган кўнгил дардларидан сабоқ беради. Унга чин муҳаббат туйғусини англатишга ҳаракат қилади, бу жиҳатдан ўқувчининг чинакам ҳамдардига айланади, уларнинг аччиқ тақдири кишининг мижжаларига ёш келтиради. Бугунги ўқувчини йиғлатиш осон эмас. Асар билан танишган одам бу борада муаллифнинг билимдонлигига таҳсинлар айтиши аниқ.

Романнинг ютуқлари ҳақида шуни айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида китоби орқали ўқувчиси билан бевосита мулоқотга киришиш, унга ўз дардини айтиб мурожаат қилиш усули Ш. Холмирзаев асарларида учрайди. Улуғбек ҳам Самандарни Мингтепанинг бағридан юлиб олиб, адоқсиз ишқ дардига мубтало қилиш учун Тошкентга олиб келар экан, бунинг уддасидан чиқиб: *«Эй ўқувчим! - деб мурожаат қилади китобхонга. - Менинг бу дунёдаги ягона йўлдошим! Кўлингни бер, биз буюк ишқ достонининг дарзозаси олдига ниҳоят етиб келдик! Кўлингни бер, мен ёлғиз эмаслигимни англай!..»* (72-б.). Муаллиф билан бирга буюк ишқ достони дунёсига кириш, қаҳрамонлар билан бирга қайғуриб, бирга йиғлаб, бирга кулиб, биргаликда дард чекишга ҳамма ўқувчи ҳам қодир эмас. Шунинг учун ёзувчи ўзига ўхшаган ўқувчини қидиради.

Муаллиф Сабо ва Самандарнинг бир-бирига дил изҳоридан маст бўлган, севиш ва севилиш туйғусидан бахту иқболга чулғанган ҳолатидан ҳайратланган тарзда яна ўқувчисига мурожаат қилади: *«Ҳайҳот, дунёда, бизнинг дунёда бундан ортиқ бахт бўлса, айтинг, токи, мен... ёзгучи, бу ерда умримни беҳудага сарф қилмай, шошиб ўша иқболнинг қошига борай, унга термулай, уни алқай, кўкларга кўтарай!.. Борми!? Нега жимсиз! Нега индамайсиз, ер чизасиз!?»*.

Чунки... чунки айтадиган гапингиз йўқ! Чунки муҳаббатдан устун нарсанинг ўзи йўқ бу дунёда!..» (100-б). Бундай мулоқот ёзувчи билан ўқувчи орасидаги масофани қисқартиради. Уларни бир-бирларига яқинлаштиради. Улуғбек ҳам мана шундай мурожаатлари билан ўқувчисини ўзига қарата олган, уни ўйлашга мажбур қила билган.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ёзувчи асарида Алишер Навоийнинг: *«Сен бўлсангу мен бўлсам мавжуд, Бўлса яна коинот нобуд»* мисраларини маҳорат билан шарҳлаб ўқувчисини шеърят

дунёсига, сўз мулкига олиб киради. Бундан ташқари, муаллиф Ойбек қаламига мансуб: *«Тушимда кўрдим сени, Бирга олиб кет мени»* мисраларини асар қаҳрамони Самандар тилидан ўзгача маҳорат билан шарҳлайди. Бу байт асарнинг мазмунига шу қадар мос тушганки, гўё у мана шу икки мисра асосига қурилгандай. Бу билан ёзувчи бадий сўзни нақадар нозик тушунадиган адабиётшунос сифатида ҳам бўй кўрсатади. Икки мисра шеърдан бундай чуқур ва инжа тафсир чиқариш учун инсонга баланд дид, кучли савия, нозик кўнгил ва каттагина билим керак бўлади.

Ёзувчининг *«Ёлғизлик»* қиссасига эпиграф қилиб олинган қуйидаги:

*«Парча-парча бўлдим, қайдасан?
Юрагимда жарлик, қайдасан?
Қулаб тушмоқдаман, қайдасан?
Ёлғизлигим - зўрлик, қайдасан?
Парча-парча бўлдим, қайдасан?»*

деган мисралари *«Сабо ва Самандар»*да (учинчи мисрадаги *«Ёлғизлигим»* сўзи *«Сенсизлигим»* тарзида ўзгартирилиб) қайта ишланган ва яхлит шеър ҳолига келтирилган. Бунда ҳам ўзига хос мутаносиблик бордай: *«Ёлғизлик»*да муаллиф асар қаҳрамонини мунтазам равишда Аллоҳнинг ўзига муножот қилиб, у билан диллашишда намоёиш этса, *«Сабо ва Самандар»* романида инсоний муҳаббатни Яратганга бўлган муҳаббатнинг ибтидоси шаклида тасвирлашга тиришади. Шу маънода иккала асарнинг қаҳрамонлари бир кишига ўхшайди. Бундан ташқари, мазкур шеър ҳам, асардаги бошқа назмий мисралар ҳам, наср устаси муаллифнинг шоирлик маҳорати ҳам дахлсиз эканлигини кўрсатади.

Романда ажратиб кўрсатиш лозим бўлган хусусиятлардан яна бири шуки, асар муаллифи ҳам унинг қаҳрамони билан бирга ўқиганларига, билганларига асосланган ҳолда *“Ишқ”* деган тушунчанинг моҳиятига киришга, уни ичдан англашга интилаётгандек: *«Ай!.. Муҳаббат нима ўзи? Нега у ошиқни яшашига ундагани каби ўлимга ҳам қистайди? У қандай сеҳрли кучки, бағрида бир-бирининг зидди бўлган қутбларнинг асов бошларини келиштира олади?»* - дейди (199-б.). Бу билан у китобхонни ҳам ишқ ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Муаллиф ва асар қаҳрамони мулоҳазалари таъсирига тушиб қолган кишининг кўнгли беҳосдан

ишқ аҳли қавмидан бўлишни, шундай севиш ва севилишни истаб қолади. Руҳиятида «Ошиқ-маъшукларга висол ҳақида ўйлаш кўпроқ ҳузур бағишлайдими ёки висолнинг ўзими? Сабо билан Самандар нега ўз бахти учун курашмади? Ёки бирга бўлишдан кўра бунга интилиш ҳузурбахшроқмикин? Ёки бахт бирга бўлишда эмас, бир-бирига интилишда, бир-бирига зор бўлиб яшашдамикин? Бир-бирига эришса, улар ҳам бошқаларга ўхшаб оддий одам бўлиб қолармиди?» деган бир дунё саволлар пайдо бўлади. Ўқувчисини шундай ўйлашга мажбур қилган муаллиф - комрон!

Романдаги бош қаҳрамонлардан бири Самандар образи ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, у - фикр кишиси. У тинимсиз, тизгинсиз ўйлар қуршовида, фалсафий мулоҳаза, илоҳий фикрлар етовида яшайди. Шунинг учун ҳам ҳали ишқ дардига мубтало бўлмай, унинг нима эканини англамай туриб, синфдоши Азиза билан ишқ ҳақида гаплашар экан, ўқиганларига асосланган ҳолда: *«...чинакамига севиб қолган одам девонага ўхшаб қолса керак, деб биламан негадир. Лайли ва Мажнунни эсланг... Улар юракларини эмас, юраклари уларни бошқарар эди...»* (45-б.) деган катъий фикрни айтади. У болаликдан, ўзи англамаган ҳолда шундай девоналикка ичдан тайёрланиб юрган. Яъни ўйлари, мулоҳазалари, хатти-ҳаракатлари билан юқорида белгилаб қўйилган ўз тақдири сари борган. Муҳаббат деган туйғу шунчалар нодирки, Худо уни ҳамманинг ҳам кўнглига солавермайди. Аллоҳ хос бандаларини бунга муносиб деб топар экан, уларнинг бутун ҳаётини ўзгаларникидан ўзгачароқ қилиб белгилаб қўйган бўлса, ўзи ҳоким, ўзи билади. Самандар ҳам Аллоҳнинг айрича яратиғи сифатида бир умр ўзини-ўзи тафтиш қилди. У бутун ҳаёти давомида ўзлигини англашга интилди. Фирокда, изтиробда яшади. Ёзувчи ҳам ўқувчисини қаҳрамонининг ғайриоддий шахсияти билан таништираркан: *«Во дариг... наҳотки бундай ишқнинг ўзи бўлса?! Ахир замонлар неча бор турланиб, рост туйғулар устига ёлгонлар қат-қат ётмадими? Бани инсон сотқин ҳислар ила тил бириктириб, чинларининг қачонлардир мавжуд эканини, уларнинг бағрида ўзининг чексиз саодатли бўлганини унутиб юбормадими? Во дариг! Агар Самандарнинг қалбида ўшандайин ишқ баралла яшаётган бўлса, Яратганнинг олдидаги урвоққина иймоним билан қасамки, бу йигит кўчани тўлдириб юрган одамзоднинг қавмидан эмас! Йўқ!!!»* - дейди (7-8-б.).

Қалбан катта ишққа мойил Самандар Саболарнинг гуруҳига биринчи марта дарсга кирганда ҳали уни кўрмай туриб кўнгли беҳаловат бўлди. Унинг руҳиятида нимадир содир бўлаётганди. Самандарнинг кўнгли ўзининг ҳокими шу ерда эканини сезиб турарди. У дарс ўтаркан негадир кунлар ҳали анча салқин бўлишига қарамай исиб кетаётган, гаплари не учундир пойинтар-сойинтар чиқаётган, ёддан билгани зарур маълумотлар эса ҳаёлига келмаётган эди. Уни нимадир босиб турарди. Самандар эса нега ўзини бошқаролмаётганини англай олмай ҳалак эди. Ниҳоят у жазм қилиб аудиторияга разм солади-ю кўзлари Сабонинг кўзлари билан тўқнашади. Шундан сўнг бори ҳам йўқолади. Ёзувчи Самандарнинг ҳолатини шунчалар билгичлик билан тасвирлайдики, ўқигани сари унинг ҳолати ўқувчи кўз олдидан кинолентадагидай ўтаверади.

Кўнглининг ҳабибини топган Самандар барча ошиқлар каби бахтдан маст эди. Ёруғ оламда Сабодек қизнинг мавжудлигидан, уни кўриб туришнинг ўзидан чексиз бахтиёр эди. Унинг болаликдан кўнглида асраб юрган муҳаббати ҳақиқатга айланган, «...шу чоққача қум заррасидек қиммати бўлмаган оламда ўша зарра олам қадар маъно» касб этганди. Сабо ҳам дугоналаридан ажралиб у раҳбарлик қилаётган бўлимни танлади. Улар кўнгилларидаги туйғулари етовида бир-бирларига яқинлашишарди.

Самандарнинг ўзи раҳбарлик қилаётган махсус курсда ташкил қилган давра суҳбати ҳам аслида талабаларнинг муҳаббат ҳақидаги тортишувлари билан эмас, балки унинг маъшуқаси кўнглидаги туйғуларни илғгани, «*кўзини узмай жилмайганича боқиб*» нигоҳлари орқали Сабони севишини сездиргани билан аҳамиятлидир. Гарчи ўртоғининг таклифидан ноқулай вазиятга тушиб қолган Сабо энтикиб ўқитувчисига қараган, шу қараши билан кўнглидаги туйғуларини ўзи фош этиб қўйган бўлса-да, уят ва изтиробдан ёниб, ўртоқларига кулги бўлишдан қўрқиб кетган қиз андишаси етовида бир иш қилди: Самандарнинг кафедрасига яқин бормасликка, унинг дарсларига кирмаслик ва ўзини кўрмасликка қарор қилди. Бу қарорида қатъий туришга кучи етмаслигини ҳали билмаса-да, бир ота-оналик, яхши тарбия кўрган шарм-ҳаёли қиз сифатида сўзида туришга ҳаракат қилди.

Гарчи бу ҳолат асарда бўрттириб кўрсатилмаган бўлса-да, шу оддийгиа қарор уларнинг ҳаётини мувозанатдан чиқариб юборди - Самандарнинг ҳаётидан ҳаловат, дарсларидан маъни, кўнглидан

хотиржамлик кетди. Сабонинг ҳам тинчи йўқолди. Тўғри, бундан кейин ҳам улар устоз-шогирд, ошиқ-маъшук бўлиб учрашишди. Лекин мана шу вақтинчалик айрилиқ бир умрлик хижрон йўлида босилган илк қадам эди. Самандар бу севгисининг охири йўқлигини кўнглининг бир чеккаси билан ҳис қилиб турса-да, шунга қарамай, маъшуқасига дил изҳори қилишга журъат этди, Сабо ҳам бунга муҳаббат билан жавоб қайтарди.

Самандар табиатан принципиал одам бўлса-да, гап кўнглидаги туйғуларига бориб тақалганда кўлидан ҳеч нарса келмай қолди. Қарийб ўттиз йиллик хижрон йўлларида муҳаббатига эришиш учун курашмади. Сабонинг ёруғ оламда борлиги ва ҳар замонда уни кўриб туришнинг ўзи унинг учун кифоя эди. Муҳаббати оловида қовурилиб яшаркан, Самандар тинимсиз унинг нималигини тушуниб олишга уринарди: *«Севги нима, биродар? - деб ўзига-ўзи савол берарди. - Усиз яшаса бўладими? У билан-чи? Севги ҳаётдан мақсад, тирикликдан ягона нишон деб ким айтди ўзи? Ким у менинг шусиз ҳам шўр пешанамга муҳаббат дардини нақш этган? Нега у менинг бирдан-бир ишимга айланиб қолди? Нега фикру ёдим фақат унда, турсам ҳам, юрсам ҳам, ўнгим ҳам тушимда уни дейман?, уни кўраман? Нега бу дарддан қутулишнинг иложи йўқ? Нега уни бир эски кийимдай ечиб-итқитиб, бошқасини ҳарид қилиш мумкин эмас?.. Ёки у менинг табиатимми? Жон билан кирган ва фақат у билангина чиқиб кетадиган айрилмас кучми?.. Балки жоннинг ўзи, менинг жонимнинг ўзи удир, ишқдир...»* (124-б.). Рухиятида содир бўлаётган ишларни тўлиқ фарқлаб, нега бошқаларга ўхшаб туйғуларини «бир эски кийимдек» ечиб ташлаб кетолмаётганининг ўзи унинг Аллоҳнинг алоҳида яратиғи эканлигини кўрсатади.

Ўзининг туйғуларини баъзан фарқлаб, баъзан фарқлолмай уни тафтиш қилар экан Самандар яна: *«Севги нима ўзи? Юрагим оғриққа тўлиб кетди. Фақат сенга... сенгагина айтсам оғриқ мени тарк этгандек. Наҳотки севги шу бўлса? Севги бу - оғриқ ва унинг умри! Севги бу - ўзни унутмоқ ва ўзганинг хаёлига тутилмоқдир. Севги бу - ўзга ҳақида қайгуриш!»* - дейди (242-б.). Бу фикрларидан коникмаган ошиқ шу саволи билан Яратганга мурожаат қилади:

Севги нима, ё Тангрим?

Азал билан абаддир.

Юрагингдан Мен сари

*Улоққан йўл - каманддир.
Шу йўлдан юрсанг бир кун
Қошимга келадурсан
Икки олам сирини
Бир зумда биладирсан...(244-б.)*

Ошиқнинг бундай саволларига Аллоҳнинг жавоби ҳам унинг кўнглидаги туйғулари Яратган томон олиб борувчи ўзига хос йўл эканидан далолат беради.

Сабонинг отаси билан суҳбатдан сўнг ўзлигини бутунлай йўқотган Самандар: «... *Художон! Мени кўр қил, оёғимни шол эт, розиман, фақат Сабони менинг ҳаётимдан йироқ этма! Уни кўриш бахтидан, у билан суҳбатлашиш саодатидан мени маҳрум қилма!.. Унинг ити бўлиб остонасини ялашга, қули бўлиб хизматини қилиб кун кўришга тайёр мендек одамдан марҳаматингни дариг тутма, эй, яратган Эгам!»* - дея ёлворади (146-б.). Бу муножоти билан Самандар ўқувчига Шайх Санъон, Шайх Рўзбехон Бақлий муҳаббатларини эслатади. Дикқат қилинса, ошиқ маъшуқаси билан бирга бўлишни, у билан оила куриб, фарзандлар кўриб, бошқаларга ўхшаб тўқис-туғал яшашни сўраётгани йўқ. Чунки у бошқаларга ўхшамайди. Бу билан Самандар ҳам муҳаббати йўлида ўзлигидан кечиб чин ошиқликка мойиллигини намойиш этади. Кўринадики, Самандарга Сабонинг ўзи эмас, унинг висоли, суҳбати муҳим эди.

Саидкамол ака билан бўлган бу учрашув ва Сабонинг хатидан кейин у чинакам мажнунга айланди. Самандарнинг кўнглидаги аламни босиш учун қўллаган чораси ҳам дикқатга сазовор. Бакир билан бирга Самандарни изма-из кузатиб бораётган китобхон ҳам унинг нима қилиши, вазиятдан чиқишнинг қандай йўлини топиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Ўқувчининг кўнглига ҳам Бакирнинг ҳаёлидан ўтган гап келади. Лекин Самандар ўлимни ўзига эп кўрадиган даражада жўн одам эмасди. У тоғ чўққисига чиқиб ақлдан озган кишига ўхшаб бор овози билан телбаларча қайта-қайта қичқирар экан, бу билан ўзининг вазиятига, кўнглига, туйғуларига, қолаверса, тақдирига исён қилди. Рухиятидаги фавқулодда ҳолатдан кутулиш учун бундан бошқа чора тополмаган эди. Бакир ҳам Самандарнинг изтиробларини, кўз ёшларини кўриб ўзини тутолмай йиғлаб юборади ва: «*Вой Худойим-ей, наҳот одам боласини шунақа севиш мумкин бўлса!?*» - деб ҳайратдан қотади. Самандарнинг аҳволини кўриб кишининг

кўнглидан: *«Балким бандаси ўзига ўхшаган инсонни бунчалар қаттиқ севгани учун Худонинг қаҳри келдимикин? Шунинг учун севишганларнинг бирлашишига йўл қўймадимикин?»* деган фикр ўтади.

Самандар ўзи ва Сабо билан боғлиқ вазиятини соғлом ақл-ла баҳолар экан, аламдан: *«Аммо юрагим ёниб кетяпти, Бакир!.. усиз қандай яшайман? Яшаи у ёқда турсин, усиз нафас олиш мумкинми ўзи? Билмайман!...»* - дейди (160-б). Мана шу тўсиқлар туфайли Самандарнинг ишқи илоҳийликка юз бурган бўлса, эҳтимол.

Самандар кўнглидаги изтироблар, ишхонадаги ташвишлар, ҳаётидаги чигалликлардан қутулиш учун бегона юртларда бир неча йил қаттиқ ишлади. Орада келиб онасининг орзусини рўёбга чиқарди - уйланди, ўғиллик бўлди. Аёли иккинчи фарзандига ҳомиладор. У ёқда Сабо турмушга чиқиб, иккита фарзандлик бўлди. Лекин Самандар буларнинг барчасига ҳаёт тақозоси, тириклик талаби деб қарарди. У барча мард йигитлар каби аламини ишдан оларди. Ўзидаги жамики руҳий, жисмоний қудратни тўлалигича меҳнатга сарфлади. Токи ишдан кейин, ўзи билан ўзи ёлғиз қолганда бирор нарса ҳақида ўйлашга, муҳокама қилишга, сиқилишга кучи қолмасин. Лекин шунга қарамай, қалбида узлуксиз равишда ўзининг асл ҳаётини Сабога бўлган муҳаббатдан иборат деб билар, бунга хатто ҳаёлан ҳам шубҳа қилолмасди. Ҳар сонияда бир мўъжиза юз беришини кутар, Яратган уни шундай ташлаб қўймаслигини ичдан сезарди: *«Йўқса, нега мен севдим, нега Сабо севди? Нега бизлар учрашдик? Бизларнинг кўришишимиз ва севишишимиз асло тасодиф бўлмаган! Унда катта маъно бор эди ва у изсиз, мевасиз йўқолиб кетиши мумкин эмас!»* деб ишонарди (166-б.). Шунинг учун ҳам Сабони тинимсиз тушларида кўрар, икки ўт орасида яшарди. Унинг ўзини бешинчи қаватдан ташлаши ҳам худ-бехуд юришларининг оқибати. У ҳам барча оддий одамлар сингари ҳам руҳан, ҳам жисман чарчаган. Лекин бандасининг Яратган томонидан белгилаб қўйилган ризқи ва умри бор. Одам бу ёруғ оламда ризқи тугамагунича ва умри поёнига етмагунича яшашга маҳкум. Самандар ҳам ўз тақдиридан қочиб кетолмасди - бу оламда ҳали унинг кўргиликлари кўп эди.

Романда тасвирланган Самандар - мағрур йигит. У кўнглига яқин олган кишилари Бакирга ҳам, бегона юртларда ҳамдарди бўлган Фарҳодга ҳам кўнглини ёриб, ичидагини айтолмайди.

Айтса, балки енгил тортармиди. Самандар ана шу мағрурлиги билан ўзини ичдан емириб борарди. У ҳам ишқ деган «ўсимта»ни юрагидан қувиб чиқариб одамларга ўхшаб яшагиси, ҳаётини оиласи, фарзандларига бағишлагиси келарди. Лекин бунинг уддасидан чиқолмасди. Чунки кўнгилга ақлнинг кучи етмайди. Кўнгил ақлнинг етовига юрмайди. Баъзида, қандайдир манфаатлар устун келиши мумкин, лекин бу вақтинчалик. Ёлғондакам бўйсуниб бўлади. Ичкари - Кўнгил деган қудрат ўз билганини қилаверади. Самандар ҳам унга эргашишга мажбур эди. У ўз қилмишидан баъзида ҳижолат бўлади, баъзида эса ҳайрон қолади. Шунга қарамай, ақлини йиғиб бегона юртдаги сарсон-саргардонликка чек қўйиб, бола-чақасининг олдига қайтди..Уларни олиб Тошкентга келиб ўғил-қизи ва лобар хотини учун яшашга қарор қилди. Аммо тақдиридан қочиб кетолмаган Самандарнинг энди бошқалардай кун кечиришга қарор қилиб турганда «Сабо» гипермаркетининг олдидан чиқиб қолиши -тақдир ўйини эди гўё.

Самандарнинг тинимсиз «Сабо» гипермаркети атрофида айланиши, киракашлик учун бошқа жой қуриб қолгандек шу ердан йўловчи олиб кетиши яхши эмаслигини ўзи ҳам тушуниб турарди. Лекин бошқа йўл тутолмаслиги ҳам аён эди. Олган йўловчилари Саболарнинг кўчасида туриши ҳам ўқувчини унча ҳайратга солмайди. Ошиқнинг маъшуқаси ярим ой-бир ойда меҳмонга келиб кетадиган ота уйи дарвозасининг тутқичини ўзидан бахтлироқ деб ҳисоблаши ҳам оддий ҳол бўлса керак. Акс ҳолда, бу лавҳа асарга киритилмаган бўларди. Шу дарвоза олдига ҳаёл суриб ўтирган Самандарнинг Сабонинг онасига рўбарў келиши ҳам тақдир уни Сабо томон етаклаётганини кўрсатади.

Ошиқ йигитнинг маъшуқасининг онаси билан тўқнашиб қолиши, суйган кишиси ҳақида бир зумда кутганидан ҳам кўпроқ маълумотга эга бўлиб қолиши ҳам ўқувчини ажаблантирмайди. Чунки ҳаётда бундай тасодифлар онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Ёши қиркдаи ошган одамнинг Сабонинг эшиги олдига пойлоқчилик қилиб ўтириши ҳам ташқаридан қараганда жуда эриш туюлади. Қилмишидан ўзи ҳам уялиб кетган Самандарнинг кетишга имкони бўлмайди, Саболарникидан «Жип» чиқади. «Киракаш»нинг Сабо ўтирган машина кетидан радио биноти томон боришдан бошқа иложи қолмайди. Чунки Самандар бу ўринда ҳам тақдиридан нари кетолмас эди. Орадан йиллир ўтиб радио орқали

фавқуллода Сабонинг овозини эшитиб қолган Самандарнинг йиғиси, гарчи эркак кишининг йиғисига одам ўрганмаган бўлса-да, ўқувчининг ғашига тегмайди, аксинча, кўнглида раҳмдиллик, ачиниш ҳиссини уйғотади. Китобхон уни ҳис қилади.

Самандарнинг аёли Солиҳанинг самимий муносабатидан виждони қийналиши ҳам, оиласи олдида ўзини гуноҳкор ҳисоблаши ҳам табиий. У виждонли, ҳалол, мард йигит. Шунинг учун ҳам бир умр изтиробда яшайди. Мастлик - ростлик деганларидек, аёлининг оёқларини ўпиши ҳам шундан. Айни вақтда, у кўнглидаги девонавор ишқидан ҳам, Мажнун ҳақидаги қарашларидан ҳам юз ўгира олмайди. Оиласидан, бошқа бурчларидан воз кечиб, Мажнундек фақат ишқи кўйида яшамаётгани учун ўзидан ёзғиради.

Самандар ҳар жумани телбаларча кутар, радиодан Сабонинг жон олғучи овозини эшитар экан бошига илк марта муҳаббат савдоси тушган бир ўспириндек севиначи. Ёш йигит кўнглидаги туйғуларини фарқлай олмаслиги, ичида нималар кечаётганини англамаслиги мумкин. Лекин Самандар ёши бир жойга борган, оилали эркак сифатида Худога ёлворишдан бошқа иложи йўқлигини тушуниб туради: *«Нега ишқ олови юрагимни куйдириб азоб беради-ю унинг тафтини босгулик бир сабаб юбормайсан тақдиримга? Майли, Сабони менга берма, майли, мени ундан узокроққа олиб кет, майли, уни ҳеч қачон кўрмай кетай! Барига розиман! Аммо кўнглимдаги ишқ оловига муздай сув сеп ёки уни бошқа бирор ўзанга буриб юбор!... Тўхтат мени оллоҳим бу йўлдан!...»* (198-б.) - дея Яратганга илтижо қилади.

Умрининг ярми ўтиб бўлганида Самандар шундай хулосага келди: *«...ишқ инсоннинг ақл мантиғи билан унчалик ҳисоблашмас экан. Аксинча, унинг ўз мантиғи бўларкан: бу мантиқ эса ҳеч қандай қолипгаю қоидага тушмас экан. Демак, ишқ мантиғи бу мантиқсизликдир»* (224-б.). Ўзининг *«...руҳсизлигининг сабаби - Сабо! Сабо унинг ҳаёти, умрининг бош маъноси экан! Энди уни ҳис қилмай, унинг овозини, гапларини, нафасини эшитмай яшаи ўлимга тенг!»* (236-б.). Самандар ўз виждони ва кўнгли орасида сарсон-саргардонликда яшади. Бир умр *«Сени дея сенсиз яшадим!»* деб ўтган қаҳрамоннинг муҳаббатга берган таърифи балки кўнгил кишининг, фикр кишининг орзусидир?! Самандарнинг «Эгасига юборилмаган мактублар» дафтарига ёзганларини ўқигани

сари кишининг эти жимирлайди. Унинг ягона дарди Висол! Висол! Висол! У қачон бўлишининг ошиқ учун аҳамияти йўқ. Ошиқнинг тилаги - фақат у бор бўлсин! Қачондир Висол бўлишининг ўзи ошиқ учун бахт. Унга бошқа нарсанинг кераги йўқ. Лекин висолнинг бунчалар жўн, оддийгина нарса бўлишини ўқувчи тасаввур ҳам қилолмайди. Янги ёққан қор сабаб икки машинанинг тўқнашуви ва ошиқ-маъшуқларнинг учрашуви - иккаласи учун ҳам - йиллар давомида кутилган учрашув! Ҳар иккиси ҳам бутун ҳаёти давомида кутгани висолни балки бошқача таърифлаб ҳам бўлмас? У мана шу соддалиги билан ҳамма нарсадан устундир, балки? Буни фақат ошиқлар билади.

Самандар билан Сабонинг ўзлари билмаган ҳолдаги сўнгги учрашуви китобхон кўнглида исмсиз туйғуларни кўзғайди. Шу пайтда кишининг ҳаёлидан наҳот шунчалар буюк муҳаббатнинг висоли хотиралардан, шу кичкинагина суҳбатдан иборат бўлса? Наҳотки ошиқ-маъшуқлар бир умр кутганлари висолдан шундан ортиқ нарсани иташмаса? Балки кўнглидаги ишқи илоҳийликка даъво қиладиган одамлар шунақа бўлишар, деган ҳаққоний фикрлар ўтади.

Ёзувчи бу илоҳий ишқни бандалар кўнглидаги муҳаббат даражасига туширмоқчи бўлади шекилли, таксига ўтиришганда Самандар Сабонинг тиззасида титраб турган қўлларини тутди. Бу ҳаракати эътирозга сабаб бўлгач, «кечир, атай қилмадим» дейди. Ҳа, у бу ишни атай қилмагани аниқ. Буни маъшуқаси ҳам тушунади. У туйғуларини бошқаролмади, ўзини идора қилолмади, бу табиий ҳам. Лекин барибир, инсон хом сут эмган банда, Сабони кўтариб қўлмакдан ўтказиб қўйган Самандар маъшуқасини бағридан чиқаролмай қолганда иккаласи ҳам ўзлигини идора қилолмай қолади. Бу ҳам табиий. Ахир улар - инсон! Қалблари бир-бирларига ташна бўлиб кетган одамлар! Агар шу ерда индамай иккаласи икки томонга тарқалганда бу асар тақибига киритилган ёлғон бўлиб чиқарди.

Сабо лом-мим демай эри билан Москвага кетиб қолганда ўн йиллик Сабосизликдан телбага айланган Самандар яна ҳижроннинг исканжасида қолади. *«Сабо... Сабогинам! Қаердасан? Кўрмайсанми, сенсииз нима ҳолга тушдим!.. Нега мени ташлаб кетдинг? Ахир мен сендан молу давлат сўрамадим, васлингни талаб қилмадим! Бор йўғи борлигингни, борлигингни сезиб, ҳис*

қилиб яшаш бас эди менга. Ўзингни кўрмасам ҳам ҳар ҳафта овозингни эшитиб ҳаётга талпинишининг ўзи кифоя эди менга», - дея ёлворади хаёлидаги маъшуқасига. Бу мисралар ўқувчини руҳий мувозанатдан чиқаради. Кўнглида раҳмдиллик, ачиниш ҳиссини уйғотади. Шу билан бирга китобхон Сабони ҳам қоралашга, уни лаънатлашга ичида куч топмайди.

Ўз муҳаббатининг қулига айланган Самандар туш билан рўёни фарқлолмай қолаётгандай яна маъшуқасига телбаларча мурожаат қилиб: «*Сен бормидинг ўзи ё ҳаммаси хаёлимда эдим, билмай қолдим, Сабо! Сен билан бирор марта бўлсин, ҳаётимизда юзма-юз кўришганмизми ўзи ёки нимаики бўлган бўлса, бари тушларимда кечдим - билмайман, Сабо!*» (287-б) - дейди. Мана шундай тинимсиз хаёллар қуршовида яшаш кишини ақлдан оздириши ҳеч гап эмас. Самандар ниманинг қияси (касри)га қолди? Нега Аллоҳ унинг кўнглига бундай изтиробли ишқни солди? Лайли ва Мажнунларга ҳавас қилгани учунми? Уларни тушунишга ҳаракат қилгани учунми? Ўйлаб қоласан, киши.

У бутун ҳаёти давомида бу муҳаббати билан ҳеч кимни хафа қилмасликка, атрофидагиларга ҳалақит бермасликка тиришди. Бошқалар - онаси ва жигарлари, аёли ва фарзандлари уни деб азият чекишларини истамади. Ҳар иккала севишганнинг қалбидаги туйғулари, изтироблари ўзлариники. Бунинг жабрини ўзгалар тортиши мумкин эмас. Шу боис ҳам улар ўзларига дахлдор бўлган кишилар учун муҳаббатларини, ўзларини қурбон қилиб яшади. Бир умр кўнглидаги туйғулари билан курашиб яшаган ошиқ-маъшуқлар бир кунда, бир хил дард – юрак хасталиги билан бу дунёни тарк этди. Бундай ишқ дардини бандасининг юраги бунчалар узоқ кўтариб юришининг ўзи ҳам ажабланарли эди.

Асардаги Сабо тимсоли ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, мутолаа жараёнида ўқувчининг хаёлидан Самандар маъшуқасини кўрмасдан олдин кўнглида мавжуд бўлган муҳаббатни Сабо орқали намоён этган, деган фикр ўтади. Самандар Сабони гўзалдан олиб гўзалга солмайди, муаллиф ҳам унинг ташқи қиёфасини кўкларга кўтариб мактамайди. Ёзувчи асосий эътиборни унинг ички гўзаллигига қаратади. У китобхонн Сабо билан илк марта дарсда «ғийбатдан олиб» ўтирган ҳолида таништиради. Сабонинг ўз тақдиридан беҳабар ҳолда дугонаси ҳақида: «*Фууу, Шаҳлонинг йигити бор-ку, бошига урадимиз ўқитувчини?..*» -

дейиши ўқувчининг кўнглида унга нисбатан салбий муносабат уйғотади. Балки шу гапи учун Худо уни жазолагандир-у, кўнглига бир «қашшоқ» ўқитувчига нисбатан катта муҳаббатни солиб қўйгандир, деб ўйлаб қоласан киши.

Сабо Самандарнинг муҳаббати ифорида маст бўлиб бунинг орқасидан нималар келиши мумкинлигига ақли ҳам етмай Яратганга илтижо қилиб: *«Вой Худойим, агар муҳаббат бахт бўлса, мен пойингга тиз чўкиб, ишқдан ўзга бахт сўрамайман! Менга шуни бер ва то тирик эканман, мени ундан маҳрум айлама! Мен ишқнинг уйида сўнгги нафасимгача қолишни истайман! Ишқ билан кўз очиб, ишқ билан кўз юмсам дейман! Мени шу ерда тўхтат, мени ҳаёт деб аталмиш узун йўлнинг ишқ бекатида тушириб ва унутиб қолдир, эй Парвардигор!»* (88-б)- дейди. Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳам умматларини ҳар хил яхши-ёмон тилаклар билан яратганга мурожаат қилавермасликка чақириб: «...Аллохдан ижобат бўладиган соатга тўғри келиб дуоингиз қабул бўлиб қолмасин!» - дея огоҳлантирган эканлар⁷⁹. Сабонинг бу ўтинчини Аллоҳ даргоҳида қабул қилиб қолган бўлса керакки, ишқи туфайли бошига бунча кўргиликлар тушди. Бир умр кўнглидан бу ишқни ситиб чиқаролмади. Бутун ҳаёти изтироб ичида ўтди. Аллоҳ унга сўраган нарсасини кутганидан зиёда қилиб берди. Шунинг учун бандаси китобхон асардаги шу ўринларни ўқиш жараёнида ҳамиша сўзга эҳтиёт бўлиши, Яратганга мурожаат қилганда, айниқса, теран ўйлаб иш қилиши кераклигини чуқур англаб етади.

Унинг кейинги тутумлари ҳам қизнинг мана шу табиатидан келиб чиқади. Лекин бундан Сабони калта ўйлайдиган қиз деб ўйлаш ҳам мумкин эмас. У оддий бир ўзбек қизи сифатида ота-онаси олдида ўзини бурчли ҳисобларди ва шунинг учун ҳам отаси айтган одамга турмушга чикди. Бир аёл сифатида эрига хиёнат қилмай ўзини унинг ихтиёрига топширди. Бир она сифатида фарзандларига ҳам хиёнат қилмади. Ўзини, муҳаббатини охириги ўринга тушириб яшади. Ўзининг жамиятдаги, оиладаги ҳалтинлик, оналик, келинлик, фарзандлик бурчларидан кеча олмади. Лекин ҳар қандай инсон иродасининг ҳам чеки-чегараси бор. Қиз ҳаёт азобларидан жуда тўйиб кетди. Натижада ўзига ягона йўл - ўлимни

⁷⁹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. 3-хузв. – Тошкент: “Шарқ”, 2006. – Б. 13.

танлади. Бир аёл қилиши мумкин бўлган охирги чора шу эди. Сабонинг ўлими ҳам асарда ўзига хос, табиий бўлиб чиққан. Бошқа кўпчилик аёлларга ўхшаб ўзини сувга отиши, осиб қўйиши ёки заҳар ичиши ҳам мумкин эди. Бундай ўлимлар унинг даражасидаги аёлга муносиб эмасди. У ўзига хос ва мос ўлимни танлади.

Романда тасвирланган Сабо образини иродасизликда ҳам айблаб бўлмайди. У севгиси учун қўлидан келганича курашди. Лекин бир фарзанд сифатида отасининг юзига ҳам оёқ босолмасди. Олдида тиз чўкиб, ўз шаъни, обрўси, ҳаётини гаровга қўйиб турган отасининг қаршисида қайси қиз тек тура олади? Камол раҳбар билан Саидкамол ака ўртасидаги фарқ шунда эдики, Нилуфарнинг отаси қизига гапини ўткизолмай «йўқол, кўзимга кўринма!» деб бақирдию, ташқарига чиқиб кетди. Саидкамол ака эса қизининг ваъдасини олмагунча тиз чўккан жойида ўтираверишини айтиб қизини синдирди.

Такдирга тан бериб бошқа одамга турмушга чиқишга рози бўлган Сабонинг Бакир орқали Самандарга юборган хатида кишини безовта қиладиган ҳеч гап йўқ. Ҳаммаси ақлли гаплар. У шу хати билан Самандарнинг ишқини балки жуда ҳам илоҳийлаштириб юборгандир. Ўз муҳаббатидан бундай чекиниш маъшуқа томонидан юз бериши ҳам асарда табиий чиққан. Чунки айнан қиз бола ўзини отасининг олдида кўпроқ бурчли деб ҳисоблайди. Қиз бола ҳамиша ўзини яқинлари учун қурбон қилиб яшайди. Барча қизлар қатори Сабо ҳам бошқача бўлолмасди. Гарчи отаси учун муҳаббатини қурбон қилиб, у истаган одамга турмушга чиққан бўлса ҳам, икки ўт орасида қолган, бир умр виждон азобида яшаётган Сабо ўртоқларига: *«Бир эркакнинг хасми ҳалоли бўлиб, тузини ичиб, у билан бир ёстиққа бош қўйиб, яна тунлари тамомила бошқа эркакни туш кўриш изтиробларини ҳеч кимга, ҳатто душманимга ҳам тиламаган бўлардим. Бунинг азоби қандайлигини биласизларми, озгина бўлса ҳам ҳис қиласизларми?»* (144-б) -дейди. Сабонинг бу гапларидан қизнинг ўзини бир умр айбдор ҳисоблаб, виждон азобида яшаётганини англаш қийин эмас.

Ана шу эътирофдан кейин Сабонинг ўртоқлари Шахло ва Назира ҳам уни бир оз ҳис қилгандек бўлишади. Улар дугоналари - Сабога раҳмлари келади, ачинишади, айни вақтда ажабланишади ҳам. Лекин бу дугоналар ҳам ҳаёт ташвишлари-ю манфаатлар юки билан яшаётган бугунги одамлар. Сабо ва Самандар эса кўнгил

кишилари. Бакир ҳам худди шундай, дўстини кўнгли билан эмас, ақли билан тушунишга ҳаракат қилади.

Ўзи ташкил қилган фироқда эзилиб кетган Сабо Самандар Зоҳиднинг янги китобини дугонаси Шаҳлонинг кўлидан юлиб оларкан: *«Наҳотки! Наҳотки! - дерди унинг лаблари тинимсиз пичирлаб. Кўзларидан эса аччиқ ва қайноқ ёшлар сўлиброқ қолган яноқларини ювиб тушарди. Сабо бир китобга қарар, бир уни ўпиб бағрига босар, кўзларига суртар, «шукур, шукур...» дерди тинимсиз»* (232-б.). Китобхон бу мисраларни ўқиркан, Сабонинг шундай ҳолатга тушиб қолганига раҳми келиб томоғига йиғи тикилиб қолади ва беихтиёр унинг кўнглидан: *«Ё Раббим! Наҳотки ишқ деган савдо шунчалар қудратли бўлса? Наҳот ишқ инсонни шунақа телбанамо қилиб қўйса?»* - деган фикр ўтади.

Одамлар онгида аёл киши учун оиласи, фарзандлари ҳамма нарсадан устун деган тушунча ўрнашиб қолган. Бу ҳаётий ҳақиқат Сабонинг кўрган туши мисолида ҳам акс этган. Лекин кўнгилда чинакам ишқ бўлса, айниқса унга аёллик, оналик бурчи кўндаланг турса, аёлнинг ҳаёти дўзахга айланаркан.

Бир қараганда Сабо билан Самандарнинг учрашуви тақдирнингми, табиатнингми бу ошиқ-маъшукларга иноятига ўхшайди. Машиналари тўқнашган ерда Самандарни кўриб қолганда қандай аҳволга тушганини, кўнглидан нималар ўтганини Сабонинг ўзи билади. Бу икки севишганнинг суҳбатидан Сабо ўзини айбдор ҳис қилиб юрганини Самандарга билдиришни истаганини сезиш мумкин.

Сабонинг ўғли ҳам, қизи ҳам манфаат кўйида юрган миллиардлаб одамларнинг бири. Уларнинг, айниқса ўғлининг онасини тушунолмаслиги, унинг радиодаги чиқишларидан ор қилиши, ойисининг иши туфайли *«кўчада бош кўтариб юролмай қолиши»* ҳам бугуннинг одами сифатида унинг учун табиий ҳол сифатида намоён бўлади. Сабо ўғлини тушунади. Бир она сифатида: *«Улар менинг юзимдодн бировнинг олдидан изза бўлишларига йўл қўймаслигим керак. Нима бўлса ҳам, бошимга тошлар ёгилса ҳам, аввало, уларни ўйлашим, улар ҳақида ғамхўрлик қилишим лозим!..»* (256-б.)- деб қисоблайди. Шунинг учун ҳам яхши кўрган ишидан, Самандар билан боғлаб турадиган ягона илинждан воз кечади - эри билан Москвага кўчиб кетади. Лекин у бу билан ўзлигидан қочиб кетолмаслигини ҳам у яхши биларди. Кўнглидаги

дарди қаерга борса ҳам у билан бирга бўлишини, уни ҳамиша қийнашини сезиб турарди. Унинг бир аёл, она сифатида бошқа чораси ҳам йўқ эди.

Ҳаётидаги бир катим нурдан ҳам маҳрум бўлган Сабонинг соғлиги Москвада янада ёмонлашади. Эри унинг юрагини худди машина мурватини алмаштиргандек алмаштирилса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ўйлайди. Лекин Сабодайин ошиққа соғлом юрак керакмикин? Тошкентдан дугонасини юрак алмаштириш операциясига кўндириш мақсадида борган Шаҳлога унинг: *«Нима дейсан, янги юрагимга у келармикин?»* деган саволи, гарчи ҳазиллашиб айтилган бўлса-да, аслида операциядан қочиб кетишига асос эди. Ошиққа ишқсиз юракнинг кераги йўқ. Ошиқ шунчаки яшашни ўзига эп кўрмайди.

Асарда тасвирланган Сабо образи ҳақидаги фикрлар якунида яна шуни айтиш мумкинки, ижобий қаҳрамоннинг шевада гапириши бир оз кишининг ғашини келтиради. Балки биз бунга ўрганмаганимиздандир. Балки муаллиф бу билан ҳам ниманидир ёритмоқчи бўлгандир. Тўғри, айрим ўринларда муаллиф Сабони адабий тилда гапиртиради. Шундай зийрак ёзувчи Улуғбек Ҳамдам буни бекорга қилмагандир? Балки Самандар ясаб олган илоҳий маъшуқа адабий тилда, ҳаётдаги Сабо шевада гапиргандир!?! Яна қайдам...

Асардаги Шердил образи ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, инсон асли онадан ўз характери билан туғилади, шунинг учун унинг тақдири, қисмати табиатига, қарашларига монанд бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, Шердил минглаган бугуннинг одамларидан бири. У болаликда, қишлоқда Самандар билан бирга қўй боқиб юрган кезларидаёқ бунинг дасглабки белгилари ўз нишонасини кўрсатган эди. Отаси олиб келган шиша ичидаги “шаҳарча”га муҳаббати орқали муаллиф бу ҳақда белги бериб ўтган. Орадан йиллар ўтиб бугунги техника замонининг эгаларидан бирига айланган Шердил телесгудияда бўлган мулоқотдан сўнг севги ҳақида ўзича шундай хулосага келади: *«Севги-муҳаббат эмиш, - деди худди биров билан баҳслашаётгандек, - мана у нима! Ҳаммасининг борар жойи - шу! Сен ҳаёлингдаги муҳаббатдан оғиз тўлдириб гапиришидан нарига ўтолмайсан, мен эса уни қучиб ўйнайман. Мен турмайман бир жойда, ҳаракат қиламан... сен эса фақат ўйлайсан. Мана фарқимиз қаерда,*

Самандар!...» (125-б). Ўзининг қарашларини Самандарга тушунтирмоқчи бўлиб уни меҳмонга таклиф қилган Шердил аввалига болалик дўсти билан жуда самимий ўтиради. Сўнгра дўстини шаҳардаги энг гўзал Сабо билан меҳмонхонада қовуштиради. Лекин у, Самандар айтмоқчи, ўз ҳақиқатини ўзи учун исбот қилди, холос. Самандарнинг фикри бу борада бўлакча: «Ошиқ ва маъшуқнинг нафақат ҳиссий даражалари, балки маънавий савиялари ҳам юксак бўлса, ҳеч қандай «тўшак» уларнинг муҳаббатларига раҳна сололмайди» (222-б.).

Аммо Шердил ўзининг қанчалик ноҳақ эканини Самандарнинг қабри устида тан олади, лекин ўзи айтмоқчи бу тан олиш анча кеч эди. Фақат унинг сўнгги иқрори китобхонни лол қолдиради: *«Саман, мени кечиришинг керак! Чунки мен сен билмаган бир мудҳиш ишга қўл урганман. Ҳа-ҳа, мудҳиш бир хатога! Мен... мен Сабони сендан тортиб олганман. У менинг хотиним, болаларимнинг онаси эди...»* Бу ҳақиқатдан ўқувчи, хайратдан қотиб қолади. Чунки асарда Сабо кимга турмушга чиққани ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмайди. Ҳамма ўринларда учинчи одам Сабонинг Эри сифатида тасвирланади. Китобхон ҳам унинг кимлиги, исми нима эканлиги билан ҳеч қизиқмайди. Чунки ўқувчи учун бу унча аҳамиятли эмас эди. Чунки Сабонинг Эри (Шердил) ҳозирги замоннинг миллионер одамларидан бири - тамом! Шердилнинг яна бир гапи ўқувчини хайратга солади: *«Сабо ҳам... сен билан бир кунда... бир вақтда мени ташлаб кетди...»*. Балки бу ҳақиқат муаллиф тилидан айтилса, бунчалик таъсирли чиқмаса ҳам керак эди. Ёзувчи буни Шердилнинг тилидан айтириб илоҳий ҳақиқатни - Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилган ахлоқий мезонларга хиёнат қилган кишилар ҳамиша шундай хорликка маҳкум эканликларини асосламоқчи бўлади.

Ўрни келганда кўнгилдан кечган яна бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Романга киритилган Нодир ва Нилуфар қиссаси анчагина содда, саёз ва жўн тасвирланган. Бу қиссани (ёзувчининг асл дардини айтиш учун солинган киннани) романга киритиш билан муаллиф икки ўспириннинг, хусусан, ҳали мактаб ўқувчиси бўлган Самандарнинг муҳаббат деган туйғуга муносабатини кўрсатиш, шу орқали унинг шахсиятини ўқувчисига яққолроқ намоиш этишни назарда тутган. Бу қисса баъзи ўринларда ўз вазифасини ўринлатгандек туюлади. Бизнингча, асардаги бу хикоя тасвирини

олиб ташлаб, Самандар билан Азизанинг Лайли ва Мажнун ҳақидаги суҳбати кенгайтирилса, бош қаҳрамоннинг «Мен»и китобхон кўз ўнгида янада тугалроқ гавдаланарди. Ахир у «Лайли ва Мажнун»ни қайта-қайта ўқиган, деярли бутун дostonни ёд биладиган киши. Самандар - Сабо тимсолида ўзи ўша ўсмирлик йилларидан бери орзу қилган, йиллар мобайнида хаёлида, кўнглида олиб юрган маъшуқасини, ўз Лайлисини ясаб олган Мажнун қиёфасида эди. Чунки у ҳали Сабони танимай, билмай туриб ҳам кўнглини ўзи билмаган ҳолда кимгадир, нимагадир топшириб бўлганди. Бунини ёзувчи ҳам эътироф этиб: *«Шунда Азизани ҳам ўйлади, жуда кўп ўйлади, у билан бирга бўлгиси, унга ғамхўрлик қилгиси, бағрига босиб эркалагиси келди... Лекин... лекин шу билан бирга қалбининг чуқур бир жойига тушиб қараганда кўрардики, у ерда Азиза йўқ эди! Яна у ерда кимдир, нимадир Азизанинг кўксидан итарар, ўзига яқин йўлатмасди...»* (73-б) - деб ёзади.

Асардаги чол-кампир йўловчиларнинг манзилига еткунча орада бўлган суҳбатлари ҳам бир оз ўқувчига нохушлик бағишлайди. Кампирнинг гаплари кишининг ғашини келтиради. Улар тинчгина ўз манзили сари боравергани, Саболарнинг кўчасига бурилганининг ўзи маъқул эди. Шунинг ўзи ҳам Самандарнинг тақдирини ҳал қилиб қўя қоларди.

Умуман, таниқли адиб Улуғбек Ҳамдамнинг “Сабо ва Самандар” романи мустақиллик даври ўзбек романчилигида муҳим воқеа бўлди. Бу асар келгусида янада чуқурроқ лингвопоэтик таҳлиллар учун бой материаллар бериши шак-шубҳасиздир.

Назорат саволлари:

1. Кейинги йиллар ўзбек адабиёти ривожига ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг ўрни.
2. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романининг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида.
3. “Сабо ва Самандар” романи – эсселашган тафаккур маҳсули.
4. Романда илоҳий ишқ тасвирида ички монологларнинг ўрни.
5. Романда персонажлар нутқининг ўзига хос хусусиятлари (Сабо, Самандар, Шердил, Нодир, Нилуфар, Солиҳа каби персонажлар нутқи мисолида).

7-амалий машғулот

ПУБЛИЦИСТИК МАТННИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

(“Дил тубига чўккан лаҳзалар” эссеси асосида)

*Таянч сўз ва иборалар: публицистика, эссе жанри, шоир
Эркин Воҳидов публицистикаси, “Дил тубига чўккан лаҳзалар”нинг
жанр хусусияти, кичик-кичик воқеий эсселар ва уларни
туташтирувчи нуқталар, эсседа сатира ва юмор элементлари.*

**Эркин ВОҲИДОВ
ДИЛ ТУБИГА ЧЎККАН ЛАҲЗАЛАР
(“Ўзбектстон адабиёти ва санъати”, 30.12.2011 й.)**

1. МЕН АЙТИБ ТУРАЙ, СЕН ЁЗ!

1960 йили мен эндигина университетни битириб, ёшлар наشريётида иш бошлаган эдим. Торгина хонада тўрт киши ўтирардик: уч муҳаррир ва мен - кичик муҳаррир.

Бир куни хонамизга орден таққан кекса бир одам кириб келди ва салом-аликдан сўнг: "Менга шоир керак, ичингизда ким шоир?", деб сўради. Нашриётнинг энг катта шоири Қудрат Ҳикмат эди. Лекин у кишининг чоллар билан суҳбат қуришга тоби йўқ эди, шекилли, меҳмонга пойгакда ўтирган мени кўрсатиб, ана шоир, деди ва ўзи ўтирган стулни қарияга бўшатиб ташқарига чиқди. Қолганлар ҳам бирин-сирин чекиш баҳонасида хонани тарк этдилар. Қария стулга бафуржа чўкиб, муддаони баён қилди:

- Гап бундай, ўғлим, ёшим етмишдан ошди, урушни кўрдим, Фарғона каналида ишладим, колхоз қурилишида қатнашдим. Кўрган кечирганларим ўзим билан кетмасин, мен айтиб турай, сен ёз. Айтаберсам катта рўмон бўлади.

Ёши улуғ, муҳтарам меҳмонга қандай баҳона қилишни билмай турган эдим, "рўмон" сўзи жонимга оро кирди.

- Мен рўмон ёзмайман, - дедим афсус оҳангида, - фақат шеър ёзаман.

- Барибир эмасми, - дея эътироз қилди меҳмон. - Биз китоб ёзадиганларнинг ҳаммасини "шоир" деймиз.

Хуллас, ўша куни орденли қарияни хурсанд қилолмадим. Минг узр ва баҳоналар айтиб кузатдим. Чолнинг ғамгин чехраси

кўз ўнгимдан кетмайди. Мана бугун замонлар ўтиб ўзим дунёнинг аччиқ-чучугини тотиб кўргач ўша қариянинг эҳтиёжини сезиб турибман. Бирор қаламкашга, мен айтиб турай сен ёз, дегим келади-ю, аммо мен қалбдан кечирган туйғуларни ким ўзимдек баён қилолади?

Инсон умрида кўрган кечирганларини ёзиб чиқса яна битта умр керак бўлади. Ўйласам, ўтган фурсат оқиб кетган қум экан. Ботмонлаб қумдан мисқоллаб олтин олинганидек ҳаётинг мазмуни бўлган, сени инсон қилиб шакллантирган, дил тубига чўккан олтин лаҳзалар бўлар экан. Бундоқ бойликни фарзандларга мерос қилиб қолдирса арзийди. Яхши ният билан қўлга қалам олдим. Кўрганларим сиз ёшларга ибрат бўлсин, мен қоқилган тошларга сиз қоқилманг, дейман. Биз бош урган баланд деворларни, биз тўрт букилиб кирган паст эшикларни сиз кўрманг. Ўзга олам, ўзга даврон, озод ва обод Ватан сизники. Йўлингиз ойдин бўлсин.

2. БОЛАЛИГИМ БОҒЛАРИ

Тахтапулдан чиқиб кунчиқар томонга бирор чақирим юрмасдан кенг дала ва боғлар бошланарди. Биз ёз бўйи билқиллаган иссиқ тупроқни ялангоёқ босиб, олмazor, узумзорларда ўйнар, полизлардан ҳандалак, қовун-тарвуз узиб, ёриб ердик, ариқларда чўмилардик.

Тошкент аҳлининг кўпчилиги ёзда дала ҳовлисига кўчиб кетар, кеч кузгача меҳнат қилиб қишлоқни ғамлаб қайтарди.

Ҳозирги кичик халқа йўл билан Уста Ширин кўчаси оралиғида қариндошларимизнинг боғлари, полизлари бўлар, баҳорги қулупнай мавсумидан то кузги хазончинаккача, ҳам ҳашар, ҳам ошар деганларидек, у ерлардан қадамимиз узилмасди. Ёнғоқ қоқиш ва териш борми, тутга чиқиб шох силкитишу тут тагида чодир тутиб туриш борми, ҳаммаси бизнинг бўйнимизда, ўйнаб-йираб бажарар эдик.

Кекса тут шохлари бизга ҳам топ-аттракцион, ҳам люкс ресторан эди.

Ўша болалик кунларимни эсласам димоғимга жийда гулининг ҳиди келади. Дала ҳовлининг эшиги ёнида ўсган бир туп жийдадан атрофга ширин бўй таралар, унинг тагидан нари кетгим келмасди.

3. КЎМИЛГАН ТРАКТОРЛАР

Ўттиз еттинчи йилнинг "қама-қама"сида кунлардан бир кун Олтиариқ тумани прокурорига махфий конверт келади. Конверт ичида судья Карим Сахибоевни қамоққа олиш тўғрисида ордер бўлади. Прокурор ўз дўстини, яъни менинг тоғамни бу гапдан огоҳ қилади ва тунги поезд билан Тошкентга жўнатиб юборади. Эртаси кунни ўзи қамоққа олинади.

Мен бу улкан гавдали одамни биринчи бор 1956 йилда кўрганман. Маҳкам ака Сибирнинг қаҳратонларини кўриб, Магадан, Воркута лагерларида соғлиқдан айрилиб қайтган эди. Бизникига ҳарсиллаб-гурсиллаб, оёғини зўрға судраб келар ва айвонга ўтириб сув сўрарди. Чўмичда эмас, пақирда олиб кел, дерди.

Ҳозир энди фикр қилсам, у шўрлик исканжа азобларида минг дард қатори қанд касаллигини ҳам орттирган экан.

Мустабид тузумнинг қурбони бўлиб тирик вайронага айланган бу инсон ўз бошидан кечирган антиқа ва даҳшатли воқеаларни менга сўзлаб берарди.

Маҳкам акани Фарғона ҳибсхонасига қамагач, уни сўроқ қилиш ўрнига олдиға бир варақ оқ қоғоз кўйиб, шундай дейдилар: "Ўзинг прокурорсан, бизнинг ишимизни биласан. Сени қийноққа солиб ўтирмайлик. Халқ душмани эканингни бўйнингга олиб, иқрорномани ўзинг ёз".

Замон сиёсатини тушунган Маҳкам Каримбоев шундай мазмунда иқрорнома ёзади: "Мен ҳақиқатдан ҳам колхоз тузумига қаршиман, халқ душманман. Бунинг исботи шуки, колхознинг элликта тракторини жарликка кўмдириб юборганман".

Туткун прокурор, албатта, бундай "иқрорнома"га бирор оқил инсон ишонмаслигини билган. Биринчидан, ўша замонда колхозда элликта трактор нима қилсин! Иккинчидан, яқин атрофда жарликнинг ўзи йўқ. Учинчидан, трактор игна эмаски, элликтаси кўмиб юборилса-ю биров тополмаса.

- Ўшанда айбим текширилар, адлия тизимида бирор эсли одам бордир, деб ўйлабман. Адашган эканман, - дерди Маҳкам ака, - бундай тизимнинг ўзи йўқ, адолат эса отиб ўлдирилган экан. Ўзим тўқиган бетайин гуноҳ билан ўн тўққиз йил маҳбуслик азобини чекдим.

Бу сўзларни эшитганда мен биринчи курс талабаси эдим. Менинг ёш кўнглимга ғалаён солган, содда хаёлларимни ағдартўнтар қилган бу дардли ҳикояни эсласам ҳали ҳануз қалбим ларзага келади.

4. БИР ХАТОНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

Беайб - Парвардигор. Инсон зоти хатолардан эмин эмас. Бу чалкаш дунёда, айниқса, биз бошдан кечирган янглишлар тўла давронда адашмоқ табиий эди, бугун ҳам шундай ва балки одамзод ноқисликдан ҳеч қачон ҳоли бўлмас. Лекин бу оламда шундай хатолар борки, уларнинг чоҳига тушган киши умрбод ёруғликка чиқолмайди. Мен ўз кўзим билан кўрган бир воқеа бундай фалокатнинг аянчли намунасидир.

Иккинчи жаҳон уруши тугаб, ғалаба ҳайқириқлари тинмасдан, байрам мушаклари сўнмасдан шўролар давлатида ялпи каматишларнинг навбатдаги тўлқини бошланди. Бу тўлқиннинг дастлабки зарбасига зиёлилар - атоқли олимлар, шоирлар, ёзувчилар учрадилар. Миллий адабиёт вакиллари ичида умумэътироф этилган барҳаёт мумтоз адиб, ўша замонда, шубҳасиз, Ойбек эди ва шўро мафкуравий сиёсатининг палахмон тоши даставвал шу улуғ ёзувчига қарата отилди.

Биз бошдан кечирган тузумнинг ўта нозик, кўп синалган ва очиғини айтганда ўта қабих услуби бор эди. Уни қисқача қилиб, сопини ўзидан чиқариш услуби дейиш мумкин. Агар бирор миллат фарзандига зарба уриш керак бўлса, бу иш албатта ўша миллат вакилининг қўли билан қилинар, ҳукмни ижро этувчи ўша юртнинг ўзидан топилар эди.

Такдир тақозоси билан Ойбекка отилган тошга адабиётшунос Ботир Файзиев палахмон бўлди. Ўзкомпартия газетаси бўлган "Қизил Ўзбекистон"да Ойбекни миллатчиликда айбловчи мақола шу олим имзоси билан босилди. Ёзувчига қўйилган айб ўтакетган уйдирма, кулгили даражада саёз ва мантиқсиз эди. "Навоий" романида тасвир этилган бир қаҳрамоннинг шароб ичиши лутф билан қозоқнинг қимиз сипқоришига ўхшатиш. Мақолада айтилишича, бу ўхшатиш қозоқ халқини масхара қилиш бўлар экан. Бундан хулоса, Ойбекнинг романида миллатчилик ғояси олға сурилган, халқлар дўстлигига бегона рух мавжуд.

Аввало қозоқнинг қимирхўрлиги, ўзбекнинг чойхўрлиги, француз ёки гуржининг мусалласхўрлиги каби одатий ҳол ва бундан ор қилиш ўринсиз. Билъакс, миллий одат сифатида қадрланадиган ҳолатдир. Қолаверса, асардаги тасвирда азал-азалдан ўзбекка биродар, туғишган, ҳазилкаш дўст халққа нисбатан беозор ва меҳр тўла лутфдан бошқа туйғу йўқ. Буни қозоқ ҳам, ўзбек ҳам ҳис қилиб турганда улуғ адиб бошида гумбурлаган момақалдиروق, айникса бугунги кўз билан қараганда, бағоят таажжублидир. Лекин у замонда ёзувчини миллатчиликда айблаш, унга ўлим ҳукмини чиқаришдек даҳшатли иш эди. Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир каби ўнлаб ижодкорларнинг шу каби танқидлардан сўнг йўқ қилинганини ўз кўзи билан кўрган Ойбек адолатсизлик изтиробидан фалаж ҳолатга тушди ва умрининг сўнгигача ўнгланолмади. Бу зарбадан кейин яратилган асарлар яримта жон билан, кучли сабот ва ирода эвазига дунёга келган ижод намуналаридир.

Ойбекни фалаж қилган аслида қаттол тузум эди. Аммо тузум кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўлмайдиган бир қудрат бўлгани учун элнинг ғазаб ва қарғиши ўша тузум ҳукмини ижро этган аниқ ва мавжуд шахс - Ботир Файзиев бошига ёғилди.

Мен 1960 йили университетни битириб, ёшлар нашриётига ишга келганимда Ботир Файзиев шу даргоҳда муҳаррир бўлиб хизмат қилар экан. Такдирнинг тақозосини қарангки, Ойбек ижодининг ашаддий мухлиси, Ойбек сўзининг сеҳрига маҳлиё бўлиб юрган ёш шоир Ойбекка тош отиб, ўзбекнинг Дантеси дея ном олган одам билан бир хонада бир йилга яқин рўбарў ўтириб ишладим.

Ошкора ва пинҳон надоматлардан, таҳқир ва қарғишлардан зада бўлган бу одам кун бўйи қоғоздан бош кўтармай ишлар, ҳеч ким билан гаплашмас, девонаваш ҳолатда ҳаёл суриб юрар эди. Ҳеч бир гуруҳ, ҳеч бир улфат уни ўз қаторига чақирмас, ўзи ҳам бунга интилмас, ёлғизликни ҳаёт тарзига айлантирган инсон эди у. Бундайлар тўғрисида, ерда унинг ўзи эмас, сояси юрипти, дейдилар.

Бир йилга яқин индамас одам билан бир хонада ўтириб ишлаш осон эмас. Мен неча бор оғиз жуфтлаб Ботир Файзиевдан ўша машъум мақоланинг ёзилиш тарихи тўғрисида, уни шундай ишга мажбур қилган ҳолат тўғрисида сўрамоқчи бўлдим. Лекин бу

мажруҳ юракнинг ярасини янгилагим келмади. Уни биринчи кўргандаги хушламаслик ойлар ўтиб ачинишга, замоннинг тирик қурбони бўлган инсонга нисбатан раҳм-шафқатга айланди.

Ҳар қандай жазо гуноҳга яраша бўлса дуруст. Салгина паришонлиги учун машина уриб ўлдирган йўловчининг очик қолган кўзларида ҳайрат қотиб қолади...

Ботир Файзиевни замон машинаси тириклай тилка-пора қилган эди. Бу йигирма йиллик камокдан ёки сургундан оғир жазо. Ботир Файзиевнинг изтиробларини ҳеч ким англамади ва кечирмади. Факат бир олижаноб инсонгина уни кечириб, мадад қўлини узатди. Бу инсон - Ойбекнинг ўзи эди. Адашган олимнинг илмий асарини улуғ адибнинг ўзи қўллаб-қувватлади.

Бу воқеа - мен гуноҳ бўлган бир тақдир ҳикоясидир. Ойбекнинг ўзи кечирган инсонни Оллоҳ ҳам раҳматига олган бўлсин. Улуғ адиб ва улуғ инсон бўлган устозга эса ўзи гўзал шеърларида таърифлаган боғу чаманлар бақо салтанатида насиб этсин. Биз - янглиш тўла дунёда яшаб юрганларни Оллоҳ оғир ҳатолардан, умрни ҳазон қилгувчи гумроҳликлардан асрасин.

Яна бир тилагим, жамият баркамол, ҳаёт маъноли ва ёруғ бўлмоғи учун инсонлар ичида Ойбек каби олижаноб, кечиримли қалб эгалари кўпроқ бўлсин.

5. ҲАЁТНИНГ БИРИНЧИ ЗАРБАСИ

1962 йилда мени бир гуруҳ ноширлар қаторида Боку ва Ереванга, Озарбайжон ва Арманистон нашриётчилари билан тажриба алмашиш учун сафарга юборишди. Кавказнинг сеҳрли манзаралари, денгизу тоғлари мени лол қолдириб, бир туркум романтик руҳдаги шеърлар ёзган эдим. Айниқса, ғазалларини жондан севиб қолганим Муҳаммад Фузулийнинг мармар сиймосини Бокуда кўриб чексиз ҳаяжонга тушганман. Ўшанда бамисоли ўз-ўзидан қуюлиб келган "Фузулий ҳайкали қошида" шеъри мен учун ҳали-ҳамон қадрлидир.

Ўшанда мен мумтоз шоир шеърларига маҳлиё бўлиб, ўзим ёзган сатрлардан ўзим завқланиб юрганимда, бу шеър менга талай кўргиликлар келтиришини ўйлабмидим?

Шеър "Ўзбекистон маданияти" газетасида босилгач кўп ўтмай, Ёзувчилар уюшмасининг йиғинида ушбу даргоҳ раҳбарларидан

бири мени аёвсиз танқид остига олиб, шеърларимни сиёсий тутуриқсизликда, ёт ғояларни тарғиб қилишда, пессимизм ва яна аллақанча мен тушунмаган "изм"ларда айблади. Танқид марказида "Фузулий ҳайкали қошида" турди: "Бизлар, - деди нотик, - ёш шоирни Кавказга сафарга юборганимизда у Боку нефтчиларининг қаҳрамонлик меҳнатидан илҳом олиб, кўкка бўй чўзган нефт қурилмалари ҳақида залворли шеърлар ёзар, деб ўйлаган эдик. У бўлса аллақайси шоирнинг кўз ёшларини шеърга солибди. Партия шоирлар олдида улкан вазифалар қўйиб турганда, бундай ижод намуналарини ёзиш ўтакетган масъулиятсизликдир!" Ўшанда гулдурос қарсақлар билан қарши олинган оташин бу нутқ Ёзувчилар уюшмаси деворларидан ошиб, компартия ва комсомолнинг баланд минбарларига кўтарилди. Аввал менинг исмим комсомол съездида маърузага тушди, сўнг Ўзкомпартия котибининг пленумдаги нутқида тилга олинди. Барча танқиднинг мазмуни ўша Ёзувчилар уюшмасидаги дашномнинг ўзи эди.

Ёш умидли шоир бўлиб юрган йигит бир лахзада буржуа ғояларини ташувчи ёт унсурга айланиб қолдим. Менинг изтиробли, аламли, ички исён билан тўлиб тошган кунларим бошланди.

Ҳар балонинг дафъи бор, ҳар зарарнинг нафъи бор, дейдилар. Юқори даргоҳларнинг ғазабли наъраси акс-садо бериб, элдан менга эътибор, ҳамдардлик бўлиб қайтди. Танимаганлар таниди. Бирор шоирни халқ ичида машҳур қиламан, деган ҳукумат унга мактовлар ёғдириб тарғиботлар қилмасин, балки аёвсиз дўппосласин экан. Айниқса, шўро давридаги каби эл назаридан қолган ҳукумат учун бундай тескари тадбир айти муддао бўлар экан.

Шундай қилиб менинг ҳеч ким танимаган номим миш-мишлар қанотида элга тарқалди, биров ўқимаган шеърларим қидириб топиб ўқиладиган бўлди. Ахир, Ўзкомпартиянинг мафкура котиби ўзи олий фирқа минбаридан тилга олиб турса мен машҳур бўлмай ким машҳур бўлсин? Менга томон йўналтирилган қудратли зарба бамисоли митти қушга қарата отилган замбарак эди. Бу зарба ҳар жиҳатдан менга фойдали бўлди. Аввало мени элга танитди, ўз юртимда ва қардош халқлар ичида дўст ва хайрихоҳларим кўпайди. Ўзим хушёр тортиб, ёшлик, ҳаваскорлик қобиғини тезроқ ёриб чиқишим учун ҳам бундай "совуқ сув"нинг фойдаси бўлди.

Аслида бизнинг устимизга етиб келган қора булутларнинг туғилган макони Москов шаҳри эди. Шўро раҳбари Никита Хрушевнинг бир гуруҳ янгича фикрловчи ижодкорларга минбарни муштлаб қилган дағдағаси, мафкурада мен сталинчиман, дея ўшқирган овози Тошкентда ҳам акс-садо берган эди. Московдаги каби бу ерда ҳам адашган ёш ижодкорларни топиб танбех бериш керак эди. Шу талабга "лаб-бай" деб жавоб берган ўзимиз бўлиб чикдик.

Бу тарихни эслашдан мақсад зинҳор ўзимни ўтмиш жабрдийдаси қилиб кўрсатиш эмас. Шукрки, ўттизинчи ёки эллигинчи йилларнинг довуллари бизнинг бошимизга келмади. Давр бошқа, муҳит бошқа эди. Ҳаётнинг илк зарбасидан омон чикдик, лекин синовлар ҳали олдинда эди.

6. БИР ОТИМ НОС ХУМОРИ

Эски шаҳарнинг Коҳота маҳалласида турардик. Девор кўшнимиз боғдор эди. Шаҳар ташқарисидаги каттагина дала ҳовлисида ёз бўйи мева, сабзаёт етиштириб, рўзғордан ортганини бозорга чиқарар, ундан ҳам қолса Сибир томонларга олиб бориб пулларди. Ўзи бениҳоя меҳнаткаш, тиниб тинчимаган одам, хотини ҳам саранжом-саришта, режали аёл эди. Шаҳар ҳовлида мол, қўй, товуқ боқишар, Тошкентда биринчилардан бўлиб иссиқхона курган шу оила бўларди. Бу хонадонда ҳаммавақт ҳам нарса бор, кимга нима керак бўлса, боласини Болтабой аканинг уйига югуртирар эди.

Бир кун ишдан қайтаётсам, Болтабой ака эшиги тагида бошини чангаллаб ўтирибди. Доим қувноқ, ҳаракатчан бу одамни ҳечқачон шундай аҳволда кўрмагандим. Салом бериб ҳол-аҳвол сўрадим.

- Э, нимасини айтаман! Новосибирга мева-чева юборган эдим. Сотишга қўйган шеригим телеграмма юборибди. Чекадиган носи қолмаган эмиш! Эртага нос етказсанг етказдинг, бўлмаса олма-анорингни ташлаб кетаман, дебди.

Бу гап менга нашъа қилди. Ўзимни кулгидан тўхтатолмадим.

- Кулма, ука. Битта банги носкаш хонумонимга ўт кўймоқчию, сен куласан. Энди мен бошимдан ошиб ётган ишларни

йиғиштириб ўша нос жиннисининг хуморини ёзишим керак. Эртага укамнинг никоҳ тўйи бўлмаса ҳам майли эди...

Шу пайт хаёлимга бир фикр келди. Хожатбарор бу инсоннинг хожатини чиқарсам дедим:

- Ғам еманг, Болтабой ака, Новосибирга нос олиб бориш бўлса, мана мен тайёрман. Эртага шанба, индинга якшанба. Зарур ишим йўқ, сайр қилиб келаман.

Қўшнимнинг чехраси ёришиб кетди:

- Раҳмат, барака топ, ука. Сенинг ҳам тўйингда хизмат қилай.

Шундай қилиб эртаси тонгда самолёт чиптаси билан бир халта нос қўлимга тегди ва мен “хаё-хай, Новосибир, қайдасан”, деб учиб кетдим.

Тайёрадан тушиб таксида тўғри шаҳар бозорига кетдим. Тошкентнинг олтин кузидан чиқиб росмана қаҳратон қишга келибман. Қор босган қарағайзор йўллардан ўтиб бозорга келганимда совуқнинг забтини сездим. Йигирма-ўттиз даражадан кам эмас.

Шаҳар бозори кўзимга Эски Жуванинг кичик бўлимидек туюлди. Негаки, пештахталар ёнида беқасам тўн ё қора чопон кийган “кўпгина” водийлик юртдошларимни кўрдим.

Ўша лаҳзада мен кўрган манзара умрбод эсимдан чиқмайди. Совуқда қакшаб турган мусофирларнинг бирортаси ҳам эгнига почка пўстин, бошига кулоқчин киймаган, иссиқ юртда қандай юрган бўлсалар шундай ҳолда келган эканлар. Тўн остида юпун яктак, бошда дўппи, манглайга шоҳи қийиқча боғланган, кўкраклар очик, оғиздан чиққан ҳовур соқол-мўйловларни, жундор яғринларни оппоқ қировга кўмиб, шўрликларни тайёр қорбобога айлантирган эди. Болтабой аканинг шеригини зўрға топдим. Жонузоқ дегани чўтир, чўлоқ, баджаҳл одам экан, мени ким юборганини эшитдию бозорни бошига кўтариб сўкакетди. Умримда бунақа хунук, ахлоқсиз ва бунақа бадий ёрқин, ташбиҳларга бой сўкишни эшитмаганман. Ўша онда хаёлимдан кечди: агар сўкиш санъат бўлса, шу одам буюк классик бўлар эди.

Боғдор қўшним тайинлаганди. Жонузоқни кўришинг билан энг аввал қўлига носни тутқаз, ўзингни кейин таништирасан, деганди. Шеригининг феълени билган экан. Мен дарҳол хатони тўғрилаб носни узатдим. Жонузоқнинг овози ўчди. Бир кафт носни

тил тагига ташлаб, ту누ка пақирга лой чаплаб ясалган қўлбола манқол ёнига чўкди, кўз юмганча қўлларини иситди. Ҳалиги бақириққа йиғилиб келган бозорчилар тарқалиб кетгунча кўз очмай, чурқ этмай ўтирди. Мен ҳам унинг чўтир башарасига тикилиб ўтирдим. Кўз олдимда бу хунук, бефайз башарага аста-секин қон югуриб, лаблар асабий титрашдан тўхтади, бўртиб чиққан томирлар жойига келди, ёноқларга нур таралиб дақиқалар ичида махлукий турк инсоний чехрага айланди. Жонузоқ кўз очганда у энди бошқа Жонузоқ эди. Пештахта остига носни туфлаб ўрнидан турди, менга ҳижолатомуз табассум билан, келинг, ука, кўришиб қўййлик, деди ва қучоғини очди.

Ўша куни мен санокли соатларда айни пишиқчилик фаслининг қаҳратонга алмашганини, сонияларда бир инсоннинг тамоман инсонга айланганини кўрдим. Бундай синоат учун минглаб чақиримга парвоз қилса арзийди.

Эртасига шаҳарни айланди. Об дарёси бўйларида ёлғиз кездим. Минг йиллар нарисиди шу дарё соҳилларида умргузаронлик қилган олис аجدодларим билан ҳаёлан суҳбатлашдим. Дарё менга уларнинг қўшиқларини айтгандек бўлди. Тўрт юз йил нарида Бухородан кўчиб келган, шу яйловларда мол ҳайдаб юрган ватандошларим билан ғойибона сўзлашдим...

Бу воқеа 1962 йил ноябр ойида юз берган бўлса, шундан буён эллик йил яшаб дунёнинг ярмини кездим. Ватан соғинчи нима эканини кўп бор ҳис қилдим. Юртимнинг бир тишлам иссиқ тандир нонига, қарсиллаган бир шингил узумига, бир тилим қовунига зор бўлсам, ҳар гал ўша Жонузоқ ёдимга келади унинг кўзига дунёни қоронғу қилган бир отим нос ҳуморини эслайман.

7. СОДДАЛИК ҚУРСИН

Содда одам қароқчидан ёмон бўлади, десалар авваллари ёка ушлардим. Ажабо, гўллигидан доим чув тушадиган, бошқаларга ем бўладиган содда одам эмасми, унинг нимаси қароқчи, дердим! Соддалик боис ўзим бир шўрликни ўлар ҳолга келтириб қўйганимдан сўнг бу ҳикматнинг тагига етдим. Воқеа шундай бўлган эди:

1971 йили "Москвич" сотиб олдим. У замонда машиналик "бойвачча"лар кам. Каттагина маҳалламизга биринчи енгил машина

кирди. Шодлигим чеку чегарасиз. Бир ёкда ёзиб кўйган комедиям ҳамма театрларда узлуксиз ижро этилиб, калам ҳақи селдай оқиб турипти. Иш жойим - уйдаги ижодхонам. Нашриётдан "ўз аризамга кўра" кетганим, шеърларим бадарға бўлганини, турли дашномлар ёғилиб турганини, яъни шу "арзимас" савдоларни демаса, мендан бахтли одам йўқ. Тагимда ғилдирак, тўрт томоним қибла. Бу ён Самарқанду Бухоро, бу ён Фарғонаю Андижону Ўш. Гоҳ Чорвоқда, гоҳ Зоминда, гоҳ Иссиқкўлдаман. Оиланг ёнингда бўлса машина ҳам хонадон бўлар экан. Хайдовчилик маҳоратини сўраманг. Факат олдинга қараб ҳайдаш бор. Ҳатто капотни очиб қараш йўқ. Шу зайил ярим йил даври даврон сургач, бир кун шаҳарнинг ҳалқа йўлида машина таққа тўхтади. Ёрдамга келган хайдовчилар кўп уриндилар. Машина ўт олмади. Охир бир юк машинасига судратиб устахонага олиб бордик. Уста моторни очиб, "корзина" кетибди, алмаштириш керак, деди.

Кошки эди, мен машина сотиб олмаган бўлсам, кошки эди у бузилиб, "корзина"си ишдан чиқмаган бўлса-ю, мен "корзина" излаб автомагазинга бормаган бўлсам.

У замонда керакли нарсалар ҳаммаси ноёб эди. Илтимоссиз на дуруст кийим, на мебел ё гилам олиш мумкин эди. Ҳатто ўзимизда чиқадиған атлас, чинни идишлар ҳам анқонинг уруғи бўларди.

Автомагазин директори йўқ экан, хушбичим, силлиқ юзли ўринбосар ёнига кириб, ўзимни таништирдим. У юксак ҳурмат ва тавозе кўрсатиб чой узатди, кўп ширин сўзлар айтди. Лекин илтимосга келганда "корзина"нинг кўп вақтдан бери дўконда йўқлигини, ўзининг туғишган укасига ҳам топиб беролмай хижолат бўлганини сўзлаб мени одоб билан эшиккача кузатди.

Ташқарига чиқиб, қаёққа боришни билмай ҳайрон бўлиб турсам, ёнимга "Запорожец" келиб тўхтади. Ногиронларга мослаштирилган машина рулида ўтирган тўлагина рус киши менга қараб: "Эй, чў надо?" деди. Мен саволга жавоб қилмадим. Айтганим билан топиб берармиди? Магазин раҳбари ўзи қидириб юрган "корзина" сен чўлоқда нима қилсин, - деган гап кўнглимдан ўтди. Чўлоқ киши мени гаранг деб ўйлади шекилли, такрорлади: "Слыш, чў надо?" Мен парвосиз: "Корзина" дедиму тескари қарадим. Чўлоқ "тридцать рублей", деди. Мен ўз қулоғимга ишонмай, ундан нима дединг, қайтар, дея сўрадим. Ўша онда ўттиз сўм у ёкда турсин, минг сўм бўлади, деса оладиган ҳолатдаман.

Ногирон менинг ҳайрат аралаш берган саволимни ўзича тушунди: "Ладно, двадцать пять" деди. Мен дарҳол ёнимдан пул чиқардим: "Давай!" У ҳозир олиб келаман, деб машинасини орқага қайтарди. Шу лаҳза ҳаёлимга бир фикр келиб уни тўхтатдим. Мабодо иккита топиладими, деб сўрадим. У индамай машинани учуриб кетди ва ўн дақиқада иккита "корзина" қўлимга тегди. Суюниб кетганимдан айтган пулини ортиғи билан бериб, директор ўринбосарининг хонасига югурдим: "Омадни қаранг, - дедим ҳаяжон ичида, - қидирган нарсамиз топилиб қолди. Укангизга ҳам олдим. Мендан эсдалик. Китоб ёзиб беришга қарздорман", - дедим.

Ўринбосар суюнар деб ўйласам, у лоладек қизариб кетди. Пешонасига маржон-маржон тер чикди. Ўшанда мен ўз хатоимни англадим... Уни севинтираман деб соқов қилиб қўйибман. Соддалик курсин.

Кейин билсам, ноёб бутловчи қисмлар автомагазинга "бошида шапкаси, елкасида поғони" билан келар экан. Бунинг маъноси шуки, "корзина" давлат нархида саккиз сўм бўлса, кўлдан кўлга ўтиб дўконга ўн беш сўмга келар ва пештахта остидан йигирмага сотиларкан. Уддабурон воситачиларнинг кўлидан ўтиб бизга ўхшаш оддий бандаларга ўз асл баҳосидан уч карра семириб келар экан. Шу бир парча темир гардишда юзлаб "заҳматкаш"нинг ризқи борлигини мен содда қаёқдан билай? Қаёқдан билайки, дўкон раҳбари шоирдан "шапка" ололмайди, "шапка"сиз беролмайди.

Биз бошдан кечирган кунлар ҳозирги ёшларга эртак бўлиб туюлар. Энди "дефицит" деган сўз архивга тушиб кетди. Ҳеч ким ҳеч кимдан ҳеч нарсани илтимос қилиб топмайди. Пул бўлса ҳамма нарса бор Тўғри, баҳоси заҳардаккина, сотувчиси инсофсизгина, олувчиси кам харжгинадир. Лекин ҳамма нарса бор. Дўконларда навбатга туриш йўқ, номардларга бош эгиб бориш йўқ. Шунга беҳисоб шуқр.

Назорат саволлари:

1. Кейинги йиллар ўзбек бадиий публицистикаси ривожига шоир Эркин Воҳидовнинг ўрни.

2. Эркин Воҳидовнинг "Дил тубига чўккан лаҳзалар" публицистик эссесининг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида (ЎзАС, 30.12.2011 й.).

3. “Мен айтиб турай, сен ёз!” эссесининг лингвопоэтик таҳлили масалалари.

4. “Болалигим боғлари” эссесининг лингвопоэтик таҳлили масалалари.

5. “Кўмилган тракторлар” эссесининг лингвопоэтик таҳлили масалалари.

6. “Бир хатонинг изтироблари” эссесининг лингвопоэтик таҳлили масалалари.

7. “Ҳаётнинг биринчи зарбаси” эссесининг лингвопоэтик таҳлили масалалари.

8. “Бир отим нос хумори” эссесининг лингвопоэтик таҳлили масалалари.

9. “Соддалик курсин” эссесининг лингвопоэтик таҳлили масалалари.

ИХТИСОСЛИК ФАНИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. ”Сўзни жуда қимматли деб билгил, чунки сўз хор нарса эмасдир”, - деган фикр қайси асарда қайд қилинган?

А. Маҳбубул қулуб; В. Қобуснома;

С. Бобурнома; Д. Қутадғу билиг.

2. “...Сўз бури ҳам кўнгилдан сўзга чечан киши воситаси билан нутқ шарафига эришади, унинг қиймати ҳам ўзининг даражасига қараб шуҳрат қозонади”, - фикр қайд қилинган асар ва унинг муаллифи....

А. Алишер Навоий. “Маҳбубул қулуб”;

В. Бобур. “Бобурнома”; С. Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг”;

Д. Алишер Навоий. “Муҳокаматул луғатайн”.

3. Тил стиллари ёки функционал стиллар ҳозирги даврда фанининг марказий термини бўлиб қолди.

А. грамматика; В. стилистика;

С. социолингвистика; Д. фонетика.

4. “Функционал стиллар тилнинг функциялашуви билан боғлиқ, яъни улар реал нутқда, матнда ўзига хос композицион системалар сифатида намоён бўлади”, - деган фикр муаллифи....

А. Н.П.Потоцкая; В. М.Н.Кожина;

С. В.В.Одинцов; Д. В.В.Виноградов.

5. Рус тилшунослигида функционал стилларни тил функциялари асосида тасниф қилишга дастлабки уриниш асарларида ўз аксини топган.

А. А.М.Пешковский; В. Ф.И.Буслаев;
С. М.В.Ломоносов; Д. А.И.Ефимов.

6. Оғзаки ва ёзма стилларни тилнинг бош стиллари сифавтида ажратиб тасниф қилган олим.....

А. М.Н.Кожина; В. Р.А.Будагов;
С. Ю.М.Скребнев; Д. А.И.Ефимов.

7. Тил стилларини тасниф қилишда экстралингвистик омилларни биринчи навбатда ҳисобга олган рус олимаси.....

А. Н.П.Потоцкая; В. М.Н.Кожина;
С. И.В.Арнольд; Д. В.Н.Телия.

8. Нутқда тил элементларининг функциялашуви икки қонуниятга амал қилади, яъни улар тил стилистикасига ҳам, нутқ стилистикасига ҳам таянади”, - деган фикр муаллифини аниқланг.

А. М.Н.П.Кожина; В. А.И.Ефимов;
С. Б.Н.Головин; Д. В.В.Одинцов.

9. “...вазифа стилистик қатламлар (яъни функционал стиллар) таснифини нахарий жиҳатдан асослаш, ҳар бир стилистик қатламнинг объектини, материални, воситаларини аниқлаш ва улар устида текшириш ишлари олиб боришдан иборатдир”, - деган фикр муаллифи....

А. Р.Қўнғуров; В. Ғ.Абдурахмонов;
С. И.Расулов; Д. А.Ғуломов.

10. “Функционал услубият ва унинг моҳияти” номли илмий рисола (1992) яратган олим.....

А. Б.Ўринбоев; В. С.Иброҳимов;
С. Э.Бегматов; Д. Ё.Тожиев.

11. Ўзбек тилининг бадиий стилини махсус тадқиқ этиб, докторлик иши ҳимоя қилган олим.....

А. Ё.Тожиев; В. И.Расулов;
С. А.Абдусайдов; Д. С.Каримов.

12. Бутуниттифоқ туркийшунослар конференцияларидан бирида “Ҳозирги даврда ўзбек тили функционал стилларининг тараққиёти” мавзuida маъруза қилган олим...

А. Э.Бегматов; В. Р.Қўнғуров;
С. Э.Қиличев; Д. А.Ғуломов.

13. Ўзбек тилининг публицистик стилини махсус тадқиқ этган олим....

А. Р.Қўнғуров; В. А.Мамажонов;
С. Э.Қиличев; Д. Т.Қурбонов.

14. “Ҳар қандай ёзилган нарсга ёзма нутққа тааллуқли бўлмаганидек, ҳар қандай оғзаки гапирилган нарсга оддий сўзлашувга кирмайди”, - деган фикр муаллифи....

А. М.Н.Кожина; В. Т.М.Николаева;
С. В.Н.Телия; Д. Н.Ю.Шведова.

15. Экспрессив-эмоционал сўзлар, турли хил архаик ва диалектал лексемалар, иборалар кўп қўлланадиган матнлар стилга хосланган бўлади.

А. одий сўзлашув; В. бадиий; С. илмий; Д. расмий иш.

16. Репортаж, очерк, памфлетга хос матнларстилига хосланган бўлади.

А. расмий иш; В. бадиий; С. публицистик; Д. илмий.

17. Физкультура ва спорт хабарларига оид матнларга тааллуқлидир.

А. публицистик; В. одий сўзлашув; С. илмий; Д. бадиий.

18. Шеърый матн таркибида ёндош сўзларни ўзининг образли тасаввур доирасига киритиладиган сўзлар дейилади.

А. омонимлар; В. фраземалар; С. мимемалар; Д. паронимлар.

19. Ҳамид Олимжоннинг “Ҳолбуки тун...” шеърисида шоир калбида кўрқинчга ўхшаш туйғу уйғотадиган ваҳм тўлган жар, қоронғи дунё тасаввурига тиргак бўлган сўздир.

А. водий; В. шағирлайди; С. даралар; Д. дарё.

20. Ҳамид Олимжон қаламига мансуб, шоир билан сирасрорга тўлиқ дунё, инсон ва уни ўраб турган коинот орасидаги мураккаб муносабатнинг теран ифодаси бўлган шеърый матн номли шеърдир.

А. Чимён эсдаликлари; В. Офелиянинг ўлими;
С. Ҳолбуки тун...; Д. Хаёлимда бўлдинг узун кун...

21. Ҳар саккиз сатридан бир ажойиб қиссанинг манзарасини топиш мумкин бўлган Ғафур Ғулом шеърининг номи...

А. Баҳор тароналари; В. Кузги кўчатлар;
С. Тонготар қўшиғи; Д. Инсоният байрами.

22. “Кузги кўчатлар” шеърининг сарлавҳасида қўлланган тасвирий воситанинг номи....

А. метафора; В. метонимия; С. оксюморон; Д. синекдоха.

23. Сўз тартибининг эркин бўлиши, тўлиқсиз гаплар ва бошқа содда гапларнинг кенг қўлланиши, хилма-хил такрорларнинг ишлатилиши стили учун характерлидир.

А. оғзаки нутқ; В. илмий; С. расмий иш; Д. бадиий.

24. Тил бирликлари нутқ жараёнида, ижтимоий хосланган матнлар таркибида моддийлашар экан, мана шу моддийлашиш фаолият доирасида юз беради.

А. сиёсий; В. ижтимоий; С. маданий; Д. иқтисодий.

25. Адабий тилнинг вазифавий стилларини белгилашда қуйидаги уч хусусият ҳисобга олиниши лозим:

А. экстралингвистик, соф лисоний, ижтимоий хосланиш;

В. объектив, соф лисоний, ижтимоий хосланиш;

С. ижтимоий хосланиш, субъектив, объектив;

Д. соф лисоний, объектив, субъектив.

26. Ҳар бир вазифавий стиль доирасида фақат ўша нисбатан тор доирага хос бўлган лисоний омилларни аниқлаб, уларни матн таркибида бир-бирига таққослаш билан уларнинг ўзига хос воситалари аниқланади.

А. соф лисоний; В. ижтимоий хосланиш;

С. объектив; Д. субъектив.

27. Оддий сўзлашув ва бадиий матнлар билан нутқнинг вазифавий стиллари орасидаги фарқни белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

А. ижтимоий хосланиш; В. шахс; С. мавзу; Д. мулоқот шакли.

28. Ўзбек тилининг илмий стилини кенг планда ўрганиб, докторлик иши ҳимоя қилган олим....

А. Ғ.Абдурахмонов; В. М.Мукаррамов;

С. С.Каримов; Д. И.Расулов.

29. Ўзбек тилининг иш қоғозлари стилини махсус тадқиқ этган олима.....

А. М.Содиқова; В. Д.Худойберганова;

С. Д.Муҳамедова; Д. Д.Бобохонова.

30. Тилнинг вазифавий-услубий бўлинишга, табақаланишга унчалик таъсир эта олмайдиган шаклдир.

А. объектив; В. субъектив;

С. ижтимоий хосланиш; Д. нутқий мулоқот.

31. “Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар, улар кўп эшитмоқни истайдилар... Эшитмоқ кишини бойитади”, - деган фикр қайд қилинган асар ва унинг муаллифи...

А. Алишер Навоий. “Маҳбубул қулуб”; В. Дурбек. “Юсуф ва Зулайхо”; С. Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг”; Д. Алишер Навоий. “Муҳокаматул луғатайн”.

32. “Чин сўз мўътабар; яхши сўз қисқа – мухтасар. Ёлғончининг гапи қанчалик чиройли бўлса, шунчалик қабихдир”, - деган фикр қайд қилинган асар ва унинг муаллифи...

А. Дурбек. “Юсуф ва Зулайхо”; В. Юсуф Хос Хожиб. “Қутадғу билиг”; С. Алишер Навоий. “Маҳбубул қулуб”; Д. Бобур. “Бобурнома”.

33. Бадиий матнларнинг адабий тилнинг вазифавий стилларига хос матнлардан фарқи тил воситаларидан фойдаланиш кўламининг да кўринади.

А. жуда кенглиги; В. жуда чегараланганлиги;

С. жуда торлиги; Д. жуда хосланганлиги.

34. Тил воситаларининг қўлланиш доираси чегараланмаган, маълум тор шаклга солинмаган матнлар стилга тегишли бўлади.

А. расмий иш; В. бадиий; С. илмий; Д. публицистик.

35. “Ўзбек тили функционал стилистикаси” номли монография (2010) муаллифини аниқланг.

А. С.Каримов; В. Ё.Тожиев;

С. А.Нурмонов; Д. И.Мирзаев.

36. Тўлиқсиз гап қурилмалари, биргина сўздан иборат сўз-гап шакллари қўлланадиган матнлар га тегишли бўлади.

А. бадиий; В. илмий; С. оддий сўзлашув; Д. расмий иш.

37. Тил воситалари ранг-баранглиги, индивидуаллиги, экспрессив-эмоционаллиги билан ажралиб турадиган матнлар стилга хосдир.

А. илмий; В. оддий сўзлашув; С. расмий иш; Д. публицистик.

38. Оддмй сўзлашувга хос бўлган соф лисоний ва экстралингвистик хусусиятларгалар киради.

А. адабий нормага кирмаган лексемалар, интонация, мимика;

В. терминлар, ўзига хос грамматик шакллар, мимика;

С. адабий нормага кирмаган лексемалар, терминлар, интонация;

Д. ўзига хос грамматик шакллар, терминлар, мимика.

39. Публицистик матнларнинг барчасида тил воситаларининг қўлланилишида уларнинг тамойили етакчи ўрин тутди.

А. лисоний бирликларнинг чегараланиши; В. экстралингвистик;
С. ижтимоий хосланиш; Д. субъектив.

40. Ҳаётни тасвирлашнинг алоҳида бир йўли, усули, ижод тури бу матнлардир.

А. оғзаки сўзлашув; В. публицистик; С. илмий; Д. бадиий.

41. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, масала ва муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат бўлган матнлар стилига хосланган бўлади.

А. илмий; В. бадиий; С. расмий иш; Д. публицистик.

42. Публицистика кенг ва ҳар тарафлама иш кўра оладиган майдон будир.

А. бадиий адабиёт; В. матбуот; С. радио; Д. телевидение.

43. Инсониятнинг ҳаётни билиш, уни идрок этиш, оламда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш ва улардан ўзига тегишли хулосалар чиқариш воситаси будир.

А. бадиий адабиёт; В. илмий адабиёт;

С. публицистик адабиёт; Д. расмий адабиёт.

44. “Тил стиллари ҳақида” номли мақола (1964) муаллифи бўлган ўзбек тилшуноси.....

А. И.Қўчқортоев; В. Э.Қиличев;

С. А.Сулаймонов; Д. А.Шомаксудов.

45. Матбуот билан адабиётни бир-бирига узвий боғлаш воситаси сифатида намоён бўладиган публицистиканинг турига публицистика дейилади.

А. ҳажвий; В. бадиий; С. илмий; Д. иқтисодий.

46. Газета жанрларининг тил хусусиятларини махсус тадқиқ этиб, докторлик диссертацияси ҳимоя қилган олим....

А. А.Абдусаидов; В. А.Мамажонов;

С. С.Каримов; Д. М.Мукаррамов.

47. “Стилистиканинг вазифаси у ёки бу стилда ёки нутқ формасида, яъни оғзаки ва ёзма нутқда қандай тил ҳодисалари кўпроқ қўлланилишини аниқлашдан иборатдир”, - деган фикр муаллифини аниқланг.

А. Ё.Тожиев; В. А.Сулаймонов;

С. Э.Бегматов; Д. С.Иброҳимов.

48. Ҳаётни ёритишда алоҳида ижтимоий-бадiiй восита бўлган кулгига, яъни сатира ва юморга асосланган публицистика турига публицистика дейилади.

А. иқтисодiiй; В. бадiiй; С. илмiiй; Д. ҳажвiiй.

49. Ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкорлик билан хабар берувчи, ҳаётнинг кўзга кўриниб турган устки қатламларини ёритувчи публицистика турига публицистика дейилади.

А. таҳлилий; В. ахборiiй; С. иқтисодiiй; Д. илмiiй.

50. Воқеа-ҳодисаларнинг ички моҳиятини очиб берувчи, ҳаётнинг чуқур ички қатламларини ўзида акс эттирувчи публицистика турига публицистика дейилади.

А. илмiiй; В. ахборiiй; С. иқтисодiiй; Д. таҳлилий.

51. “Ҳар қандай ҳақиқiiй санъат асари ўз-ўзича чексиз организмдир”, - деган фикр муаллифи.....

А. Гегель; В. Аристотель; С. Шиллер; Д. Шекспир.

52. “Ғафур Ғуломнинг шеърида китобхонга айтадиган гапи ғоятда кўп бўлади. Бугунги кибернетика тили билан айтсак, унинг шеъри информацияга бойлиги билан ажралиб туради. У ҳар бандда воқеликнинг янги томонини очади. Ҳар бир бандда янги манзара чизади...”, - деган эди адабиётшунос олим.....

А. Б.Назаров; В. С.Мамажонов; С. И.Ғафуров; Д.Н.Шукуров.

53. Бадiiй ва публицистик матнлар таркибида эстетик таъсирни таъминловчи ижтимоий хосланишнинг асосiiй қуролидир.

А. сўз; В. гап; С. сўз бирикмаси; Д. товуш.

54. Қуйидаги сатрлар муаллифини аниқланг:

Сўзда керак маънию маънида завқ,

Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ.

А. Огаҳiiй; В. Алишер Навоiiй;

С. Ҳайдар Хоразмiiй; Д. Лутфiiй.

55. Бадiiй матн яхлит бутунликда олиб қараладиган, ундаги ҳар бир элемент тадқиқотчи эътиборида бўладиган, кичик бир элементнинг ҳам матн таркибида бирор бир маъно ташуви, эстетик қимматга эга бўлиши инобатга олинадиган таҳлил усули таҳлилдир.

А. лингвопоэтик; В. лингвосемантик;

С. лингвопрагматик; Д. лингвокогнитив.

56. Шеърин матннинг сўз орқали шеърнинг сўзга боғлиқ мисра, қофия, турок, оҳанг, пауза каби элементларга суянган ҳолда олиб бориладиган таҳлил усулигатаҳлил дейилади.

А. семантик таҳлил; В. сўзма-сўз таҳлил;

С. лингвопоэтик таҳлил; Д. байтма-байт таҳлил.

57. Эркин Воҳидов қаламига мансуб “Шоир умри” номли пародия шеърининг етакчи (доминанта) сўзларини аниқланг:

А. бошига, етдим; В. ортиқча, камтарлик;

С. вақт, келар; Д. Лермонтов, Пушкин.

58. “Чинакам бадий асарда ҳар бир деталь, ҳар бир услубий хусусият, охир-оқибатда ҳар бир сўз зарур, яъни образли вазифадор, муайян бир маъно ташишга хизмат қилади”, - деган фикр муаллифини аниқланг.

А. В.П.Григорьев; В. Г.В.Колшанский;

С. Г.А.Гуковский; Д. В.Н.Телия.

59. “Лирик асарда, ҳар қандай поэзияда бўлгани сингари, фикр сўз билан баён қилинади, лекин у фикр сезги орқасига яширинган бўлади ва бизда мушоҳада уйғотади, буни эса онгнинг очик ва аниқ тилига кўчириш қийин”, - деган фикр муаллифи.....

А. Т.Г.Винокур; В. В.Г.Белинский;

С. Г.В.Колшанский; Д. Г.В.Степанов.

60. Тадқиқотчи олимлар лирик шеърдаги маъно, поэтик мазмунни қуйидагича иккига ажратиб ўрганадилар:

А. концептуал маъно, поэтик маъно;

В. окказионал маъно, концептуал маъно;

С. денотатив маъно, коннотатив маъно;

Д. поэтик маъно, коннотатив маъно.

61. Матнда сўзлар орасидаги семантик алоқалар натижасида ўша матн компонентлари, бутун бир шеърин матннинг маъно қуввати ошиб, ўзига хос кашф этади.

А. таъсирчанлик; В. жозибадорлик;

С. образлилик; Д. окказионаллик.

62. Сўз (нутқ) маъноли бўлмоғи лозим. Бу нотиқликнинг биринчи шартидир. Бу талаб қайси асарда изоҳланган?

А. Девону луғотит турк; В. Санглоҳ; С. Қобуснома; Д. Бобурнома.

63. “Сўз эшитишдан қочма, киши сўз эшитиш билан нотиқ бўлади...”, - деган фикр қайд қилинган асар номи...

А. Меъзон ул-авзон; В. Қобуснома;

С. Бобурнома; Д. Муҳокаматул луғатайн.

64. “Ғафур Ғуломнинг “Кузги кўчатлар” деб аталган ноёб бир шеъри бор. Унинг ҳар саккиз сатридан бир ажойиб қиссанинг манзарасини топасиз”, - деган фикр муаллифи....

А. И.Ғафуров; В. Н.Шукуров; С. Ё.Солижонов; Д.Х.Ёқубов.

ИХТИСОСЛИК ФАНИДАН МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Сўзнинг ижтимоий хосланиши ва унинг ўзбек адабий тили тараққиётидаги ўрни.

2. “Қобуснома” асарида нотиклик ва нутқ одоби ҳақидаги қарашлар.

3. Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асарида сўз ва қалам қудрати ҳақидаги қарашлари.

4. Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб” асаридаги танбиҳлар нутқ маданияти ва сўз қудрати ҳақидаги муҳим қарашлар сифатида.

5. “Бобурнома” асарида нутқ маданияти ва нотиклик одоби ҳақидаги қарашлар..

6. Рус тилшунослигида функционал стиллар таснифи масаласининг ўрганилиш тарихи ҳақида маълумот.

7. Ўзбек адабий тилининг функционал стиллари таснифига доир илмий тадқиқотлар ҳақида.

8. Ўзбек оддий сўзлашув стилининг бошқа вазифавий стилларга муносабати.

9. Ўзбек публицистикасининг бадиий адабиёт ва санъат турлари билан муносабати (конкрет матнлар таҳлили асосида).

10. Ўзбек ижтимоий-сиёсий публицистикаси ва унинг кейинги йиллардаги ютуқлари.

11. Ўзбек иқтисодий публицистикаси ва унинг кейинги йиллардаги ютуқлари ҳақида.

12. Ўзбек илмий публицистикаси ва унинг кейинги йиллардаги ютуқлари.

13. Ўзбек ахборий публицистикасининг хабар (информация) жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

14. Ўзбек ахборий публицистикасининг репортаж жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

15. Ўзбек ахборий публицистикасининг интервью жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

16. Ўзбек ахборий публицистикасининг ҳисобот жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

17. Ўзбек таҳлилий публицистикасининг кенгайтирилган хабар (корреспонденция) жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

18. Ўзбек таҳлилий публицистикасининг суҳбат жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

19. Ўзбек таҳлилий публицистикасининг тақриз жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

20. Ўзбек таҳлилий публицистикасининг мақола жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

21. Ўзбек таҳлилий публицистикасининг шарҳ жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

22. Ўзбек бадиий публицистикасининг лавҳа жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

23. Ўзбек бадиий публицистикасининг очерк жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

24. Ўзбек бадиий публицистикасининг эссе жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

25. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг фельетон жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

26. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг памфлет жанрига хос матнларда тил бирликларининг ижтимоий хосланиши (конкрет мисоллар таҳлили асосида).

27. Ўзбек шеърий матнининг эстетик таъсир кучи ва унинг уч омили ҳақида (конкрет шеърий матнлар таҳлили асосида).

28. Ҳамид Олимжоннинг “*Ойгул билан Бахтиёр*” достони матнида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (II-том, 106-130-б).

29. Ҳамид Олимжоннинг “*Ўзбекистон*” шеърий матнида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (I-том, 97-100-б).

30. Ҳамид Олимжоннинг “*Болалигим ҳақида*” шеърий матнида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (I-том, 208-209-б).

31. Ҳамид Олимжоннинг “*Қозоғистон*” шеърий матнида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (I-том, 218-219-б).

32. Ғ.Ғуломнинг “*Алишер*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (II-том, 142-144-б).

33. Ғ.Ғуломнинг “*Қозоқ элининг улуг тўйи*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (II-том, 66-69-б).

34. Ғ.Ғуломнинг “*Инсоният байрами*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (II-том, 152-155-б).

35. Ғ.Ғуломнинг “*Йигитларга*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (II-том, 70-71-б).

36. А.Ориповнинг “*Ўзбекистон*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (Йил армони, 227-231-б).

37. А.Ориповнинг “*Қариши қўшиғи*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (Йил армони, 232-237-б).

38. А.Ориповнинг “*Арманистон*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (Йил армони, 169-171-б).

39. А.Ориповнинг “*Биринчи муҳаббатим*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (Йил армони, 199-200-б).

40. А.Ориповнинг “*Она сайёра*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (Йил армони, 210-212-б).

41. А.Ориповнинг “*Генетика*” шеърида сўзларнинг ғоявий-эстетик таъсир кучи ҳақида (Йил армони, 281-284-б).

42. Шеърий матнни сўзма-сўз таҳлил қилиш унинг бадий мазмунини очиш усулларида бири сифатида (Э.Воҳидовнинг “Она тилим” шеърий матни асосида, “Садоқатнома”, 359-364-б).

43. Бадий асарни бир бутун таҳлил қилиш унинг моҳияти, матнни таҳлил қилишнинг бошқа усулларида фарқли жиҳатлари (Э.Воҳидовнинг “Сен менга тегма” шеърий матни асосида, “Садоқатнома”, 211-214-б).

44. Бадий матнда сўз-компонентларнинг ўзаро семантик алоқалари ҳақида тушунча (Э.Воҳидовнинг “Донишқишлоқ латифалари” шеърий матни асосида, “Садоқатнома”, 194-208-б).

45. Бадий матнда сўзларнинг динамик хусусияти ва унинг кўринишлари (Э.Воҳидовнинг “Мажлис қилинг” шеърий матни асосида, “Садоқатнома”, 177-179-б).

46. Шеърий матндаги сўзнинг инсон тасаввурини кўзғатиб, ҳаракатга келтирувчи хусусияти ҳақида (Э.Воҳидовнинг “Нидо” достони матни асосида, “Муҳаббатнома”, 403-415-б).

47. Шеърий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари: амалий беғаразлилиқ, биринчи шахс – “мен”нинг ҳукмронлиги, сиқиклик, шеърий шаклнинг ўзига хослигини таъминловчи омиллар (Э.Воҳидовнинг “Кардиограмма” шеърий матни асосида, “Муҳаббатнома”, 193-195-б).

48. Ойбек поэзиясида ўхшатишлар шоирнинг теран ва фавқулудда нигоҳи, кузатувчанлиги маҳсули сифатида.

49. Ёзувчи Х.Тўхтабоев – публицистик эссе жанрининг моҳир устаси (“Мактабдан миннатдорман” матни ва бошқа матнлар асосида).

50. Ёзувчи Саид Аҳмад – публицистик эссе жанрининг моҳир устаси (“Йўқотганларим ва топганларим” матни асосида).

51. Мустақиллик даври ўзбек адабиётининг ривожига ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг ўрни (ёзувчи яратган бирор бадий матн таҳлили мисолида).

52. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романининг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида.

53. Романда илоҳий ишқ тасвирида ички монологларнинг ўрни (“Сабо ва Самандар” матни асосида).

54. Қосим Содиқовнинг “Билга Тунюқуқ битиги” номли илмий-оммабоп мақоласида сўзнинг ижтимоий хосланиш тамойиллари (ЎзАС, 13 январь 2012 йил).

ИХТИСОСЛИК ФАНИДАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

АДАБИЁТЛАР

1. Илмий-назарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2009. – 40 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
3. Абдуазизов А. Тилшунослик назариясига кириш. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 176 б.
4. Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981. – 60 б.
5. Абдусаидов А. Газета сарлавҳаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995. – 120 б.
6. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2001. – 192 б.
7. Аристотель. Поэтика (поэзия санъати ҳақида). – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 152 б.
8. Шарль Балли. Француз стилистикаси (сўзлашув тил ва бетакаллуф нутқ). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2009. – 74 б. Таржимон проф.И.Мирзаев.
9. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. – 274 б.
10. Бушуй Т.А. Язык в истории человеческой мысли. – Ташкент: Фан, 2011. – 384 с.
11. Боймирзаева С. Матн модаллиги. Монография. – Тошкент: Фан, 2010. – 152 б.
12. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. Монография. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2009. – 189 б.
13. Бондалетов В.Д. Социальная лингвистика. – М.: Просвещение, 1987. – 160 с.
14. Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М.: Высшая школа, 1991. – 448 с.
15. Григорьев В.П. Поэтика слова. – М.: Наука, 1979. – 344 с.

16. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент: Фан, 1988. – 209 б.
17. Иброҳимов А. Тил – тақдир демак.–Тошкент:Фан,1990. – 86 б.
18. Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 120 б.
19. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.
20. Йўлдошев Б., Қурбонов Т. Бадиий асар тили ва услуби масалалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 164 б.
21. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – 160 б.
22. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 80 б.
23. Каримов С. Зулфия асарлари лингвостилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2006. – 172 б.
24. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – 160 б.
25. Каримов С. Ўзбек тили функционал стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 191 б.
26. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 64 б.
27. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – 188 б.
28. Мирзаев И. Матн таҳлили – юқори малакали филолог кадрлар тайёрлашнинг энг самарали усули // Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (илмий мақолалар тўплами). – Тошкент: Университет, 2010. – Б. 34-39.
29. Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 110 б.
30. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 32 б.
31. Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Истиқлол ва она тилимиз (тил, имло, нотиклик санъати, матн, матншунослик). – Тошкент: Шарқ, 1998. – 160 б.
32. Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. – Андижон, 2007. – 210 б.
33. Расулов Р. Умумий тилшунослик. Дарслик. – Тошкент, 2010. – 328 б.

34. Рождественский Ю.В. Введение в общую филологию. – М.: Высшая школа, 1979. – 224 б.
35. Рустамов Алибек. Сўз хусусида сўз. – Тошкент, 1987. – 160 б.
36. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 92 б.
37. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2008. – 300 б.
38. Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. – М.: Наука, 1988. – 382 с.
39. Стилистика ва прагматика (илмий-назарий конференция материаллари). 1-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 166 б; 2-қисм. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 168 б.
40. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. – Тошкент: Университет, 1996. – 90 б.
41. Тоғаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси. – Тошкент: Фан, 1972. – 209 б.
42. Тоғаев О. Публицистик жанрлари (хат, очерк, фельетон). – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 180 б.
43. Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. – Тошкент, 2009. – 136 б.
44. Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
45. Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1973. – 209 б.
46. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – 216 б.
47. Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Тошкент: Фан, 1991. – 160 б.
48. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – 88 б.
49. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.
50. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 152 б.
51. Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1975. – 96 б.
52. Қўчқортоев И. Ф. де Соссюрнинг лингвистик концепцияси (назария ва метод масалалари). Ўқув қўлланмаси. – Тошкент: ТошДУ нашри, 1976. – 36 б.

53. Хусаинов М. Ўзбек... бадиий публицистикаси (жанр тарихи, проблемалари, поэтикаси). – Тошкент: Фан, 1978. – 132 б.

II. Луғатлар:

54. Исоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – 129 б.

55. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – 685 с.

56. Русский язык. Энциклопедия. – М., 432 с.

57. Салаев Ф., Қурбониёзов Г. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 332 б.

58. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.

59. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 2-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. – 672 б.

60. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 3-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007. – 688 б.

61. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – 608 б.

62. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. 5-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2008. – 592 б.

63. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 300 б.

64. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 368 б.

III. Бадиий адабиётлар:

65. Кайковус. Қобуснома. Форсчадан Огаҳий таржимаси. Нашрга тайёрловчи: С.Долимов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – 168 б.

66. Саид Аҳмад. Уфқ. Трилогия. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 688 б.

67. Саид Аҳмад. Қорақўз Мажнун. Ҳикоялар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 240 б.

68. Эркин Воҳидов. Сайланма. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Муҳаббатнома. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 528 б.
69. Эркин Воҳидов. Сайланма. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. Садоқатнома. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 528 б.
70. Абдулла Орипов. Сайланма. Шеърлар ва драматик дoston. – Тошкент: “Шарқ”, 1996. – 464 б.
71. Абдулла Орипов. Йиллар армони. Шеърлар ва дostonлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. – 592 б.
72. Баҳодир Қобул. Эна шамол. Қиссалар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 272 б.
73. Улуғбек Ҳамдам. Сабо ва Самандар. Роман. – Тошкент: “Зарқалам”, 2009. – 352 б.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
1-маъруза. Шарқ мутафаккирларининг сўзнинг ижтимоий хосланиши ҳақидаги қарашлари.....	5
2- маъруза. Адабий тилнинг функционал стиллари ва уларни ўрганиш муаммолари.....	18
3-маъруза. Функционал стилларни таснифлашда ижтимоий хосланиш тамойилларининг ўрни.....	28
4-маъруза. Публицистика ва унинг жанрлари ҳақида.....	35
5- маъруза. Бадиий ва публицистик матнларда сўзнинг ижтимоий хосланиши ҳамда эстетик таъсир кучи ҳақида.....	40
6- маъруза. Бадиий ва публицистик матнда сўзнинг яхлит, лингвопоэтик таҳлили масалалари.....	50
7- маъруза. Бадиий ва публицистик матнда сўзнинг динамик хусусияти ҳақида.....	58
8- маъруза. Бадиий ва публицистик матн вариантларини ўрганиш масалалари.....	69
1- амалий. Шеърӣ, насрий ва публицистик матнларнинг қиёсий лингвопоэтик таҳлили масалалари.....	76
2- амалий. Бадиий ва публицистик матнларда ўхшатишларнинг лингвопоэтик хусусиятлари.....	85
3-амалий. Публицистик матнда сўзнинг ижтимоий хосланишини аниқлаш усуллари.....	97
4-амалий. Публицистик эссе жанрида сўзнинг ижтимоий хосланиш усуллари.....	102
5-амалий. “Мен сени топгандим” шеърининг лингвопоэтик таҳлили.....	108
6- амалий. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлили масалалари (“Сабо ва Самандар” романи асосида).....	115
7-амалий. Публицистик матннинг лингвопоэтик таҳлили масалалари (“Дил тубига чўккан лаҳзалар” эссеси асосида).....	134
Тест топшириқлари.....	146
Мустақил иш мавзулари.....	154
Адабиётлар рўйхати.....	158

“ТИЛНИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИЯТИ”
(бадий ва публицистик матнларда тил бирлик-
ларининг ижтимоий ҳосланиши)

ихтисослик фанидан
услубий қўлланма
тузувчи: **Йўлдошев Б.**

Муҳаррир

М.Раҳимова

Мусахҳих

М.Рўзибоев

Тех.муҳаррир

Б.Эгамбердиев

2012 йил 16 январда оригинал макетдан босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84/1,16. “Times New Roman” гарнитураси.
Offset қоғози. Offset босма усулида босилди. Шартли босма тобоғи 8,0.
Нашриёт босма тобоғи 8,0. Адади 100 нусха.____ буюртма.

СамДУ босмаҳонасида чоп этилди.
140101, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.